

АЖДОДЛАР ЎГИТИ

ҲИҚОЯТЛАР,
ҲИҚМАТЛАР,
ТАМСИЛЛАР

Тошкент
«Чўлпон»
1991

Тўйловчи ва изохлар
муаллифи тарих фанлари доктори
БЎРИВОЙ АХМЕДОВ

Муҳаррир Чори Аваз

Қадрли болалар!
Ушбу китобга X-XVI асрларда яшаб изкор этган буюк, жаҳонга
машҳур боболаримизнинг ҳиссаси, ҳикмат ва тамсилларидан намуналар
жамланди. Бу асарлар ҳакими кичик-кичик бўлсалар-дэ, ҳар бирни
замонлар синовидан ўтган ибратлар хазинасидир. Қани, хазинага марҳа-
мат!



АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

ЖАВОҲИРНОМА

Ҳикоятлар

УЗ ҚАДРИНИ БИЛГАН ЧУРИ

*Хорун ар-Рашидининг*¹ чўрилари орасида биттасининг
хусну латофатда тенги йўқ экан. Ҳалифа чўриларга сов-
га-салом улашган пайтларда бошқалар зўр миннат-
дорчилик билан қабул қиласар, у эса мутлақо олмас экан.
Бундан халифанинг жаҳли чиқаркан.

Бир куни у бир халта марваридни чўриларнинг олдига
тўқди. Ҳамма совгага ўзини ташлади-ю, ҳалиги чўри
бурилиб қарамади ҳам. Сўнг ҳалифа хазиначидан бир
халта ёқут олдириб келиб сочди. Ҳамма ўз улушкини
олди, у тагин бенарволигича тураверди.

— Нега бошқалар қатори ўз улушкини олмадини? —
деб сўради ундан халифа.

— Борди-ю, шу ердан ўзимга ёққац парсани таиласам
менини бўладими? — деб сўради гўзам чўри қиз.

— Майли, сенинг айтганингча бўлсан.

— Унда,— деди қиз Ҳорун ар-Рашидининг қўлидан
тутиб,— мен сизни таиладим.

Ҳорун ар-Рашид уни никоҳга олишга мажбур бўлади.

T 4802000000-41
360 (04) 91 29-90

ISBN 5-8250-0162-X

© Тўплам, 1991.

¹Изоҳдар китоб сўнгидаги алфавит тартибида берилди (*таржимон*).

СУЛТОН ВА ТИЛАНЧИ

Султон *Мағмуд Газнавий* Балхда тургак иайтида ов шаштиёки билан саройдан чиқди. Бир бухоролик тиланчи унинг йўлини тўсди ва хайр-эҳсон тилаб туриб олди. Султон бунақаларни ёқтирилас эди. *Ҳожиғба* «уни тўқмоқланглар», деб буюрди. Отта «чу» деб қамчи босгандা эса қимматбаҳо узугининг ёқут кўзи түшиб қолди. Тиланчи буни кўрди ва отлиқлар тўдаси ўтиб кетгандан кейин уни ердан олиб ҳамёнига солди.

Султон саройга қайтганидан сўнггина узугининг ёқут кўзи йўқолганлигини пайдоиди ва гуломларини уни қидиринига юборди. Уларга тиланчини ҳам тониб келиш буюрилди. Лекин улар тиланчини ҳам, узук кўзини ҳам ҳеч ердан тоноимай қуруқ қайтдилар.

Эртаси куни султон шаҳар айлангани чиқди. Йўлда яна ўша кечаги бухоролик тиланчига рўбарў бўлди. Тиланчи султоннинг йўлини тўсиб яна хайр-эҳсон сўради.

— Бу баттолнинг бошини мажақлаб ташланглар,— деб буюрди султон ҳожиғба.

Гуломлар уни йўлнинг четига судраб ўтдилар. Энди тўқмоқламоқчи бўлиб турганларида тиланчи уларнинг қўлидан қочиб чиқдию ҳамёнидан ниманидир олди-да, чопиб бориб султоннинг қўлига тутқазди ва тиз чўкиб шафқат сўрай бошлади. Султон тиланчи берган тугуничани ёзиб кеча йўқолган узугининг кўзини таниди. Руломларга «тўхтанглар, бўлди», деб ишора қилигач, тиланчига уч юз динор оқча ишъом қилиб:

— Тангри таоло сен туфайли мени садақа беришга мақбур этди, ўзимга қолса бир чақа ҳам бермаган бўлардим,— деди.

ЁҚУТ КЎЗЛИ УЗУК

Фаравалик Аҳмад иби ал-Ҳасан ал-Язидий исмли бадавлат одам бир куни кечқуруп *Жўржония* атрофидағи қўриқхонада дўстлари билан узоқ менишат қилди. Уйига қайтгандан кейин эрталаб қараса узугининг ёқут кўзи йўқ. Қўп қидирди, лекин тоноимади. Орадан икки йил ўтгандан кейин бир куни кечқуруп кимдир унинг дарвозасини қоқди. Чиқиб қараса нотаниш бир одам. У Аҳмад иби ал-Ҳасанга латтага ўралган бир нарсани узатиб, «фақих ал-Иҳшидий ал-Хатибдан»,— деди. Соҳиб ичка-

рига кириб қараса бундан икки йил муқаддам кайф устида йўқотиб қўйған узугининг кўзи экан.

Аҳмад иби ал-Ҳасан эртаси куни эрталаб фақих ал-Иҳшидийникига борди ва узук кўзи қай йўсин унинг қўлига тушив қолганини суриштириди.

Фақих унга мана буларни ҳикоя қилиб берди:

— Маълумингиз, менинг *Жўржония* атрофида гиштиширадиган хумдоним бор. Бир куни хумдан чиққан гиштларни хизматкорлар қандай теришаётганини кузатиб турган эдим. Шу пайт бир гишт хизматкорининг елкасидан ерга тушив иккига бўлиниб кетди. Гиштнинг синган ерида бир нима кўзни қамаштирадиган дарајкада тобланди. Ўша гишт парчасини олиб қарасам узук кўзи экан. Унинг бир тарафига сизнинг номингиз битилган экан.

ЁҚУТ КЎЗЛИ БУТ

Заминдовардаги ибодатхоналардан бирида Зун номли олтиндан қуйилган, ёқут кўзли бут турар эди. Араб қўшинининг қўмандони *Абдураҳмон иби Самура* бутнинг бир қўлини синдириб олди, кўзларидаги ёқутни ҳам ўйиб олди. Сўнг марзбонга «бутнинг қолган қисмларини, майли, сен ола қол, чунки энди сифинувчиларга унинг кераги йўқ, бизга эса зиёни тегмас», деди.

ИНСОФСИЗ АМИР

Халифа *Хишом иби Абдулмаликта* «Йатима» деган шаҳвор дурни олиб келиб бердилар. Халифанинг Абда исемли семиз бир хотини бўлиб, у *Муавиянинг* авлоди эди. Абда чўрининг ёрдамисиз ўрнидан туролмасди. Хишом уни рагбатлантироқчи бўлиб деди:

— Агар бировнинг ёрдамисиз ўрнингдан турсанг, ушбу дурни сенга ҳадя қиласман.

Абда туришга кўп ҳаракат қилди. Охири турди-ю, лекин ўзини тутолмай йиқилиб тушди. Юзи билан йиқилгани боис оғзи-бурни қонга бўялди. Хишом хотинини ўз қўли билан ювиб-таради ва дурни унга ишъом қилди. Айтишларича, у энг олий нав дур бўлиб, оғирлиги икки ярим мисқол, баҳоси бир юз йигирма минг динор экан.

Умавия сулоласи инқизозга учрагандан кейин Аббосийлар сулоласининг асосчиси *ас-Сафоҳнинг* бобоси Али

иби Абдуллоҳга кимдир ўша дур Абданинг қўлида экан-лигини айтиб қўйди. Али иби Абдуллоҳ Абдан олдиртириб келди.

— Бордию мана шу дурни ва устига икки жуфт қимматбаҳо зирагимни ҳам сенга топширсам, менин ўз ҳолимга қўясами? — деди унга Абда.

— Ҳа, бунга сўз бераман,— деди Али иби Абдуллоҳ.

Абда унга дур билан зирақларини топширди.

— Истаган юртингни танла, яхши ўриплашишинг учун нима зарур бўлса, ҳаммасини ҳозирлатаман,— деди Али иби Абдуллоҳ.

Абда Шомдан бир ерни танлади. Уни кўч-кўрони билан ўша ерга юбордилар. Сўнг Али иби Абдуллоҳ буни нашибраси халифа ас-Саффоҳ билиб қолса тортиб олмасмикан, деб қўрқиб камниринг орқасидан одам юбориб уни ўлдиртириди.

Айтишларича бу дур ҳозир *ал-Аҳсада қароматийлар* қўлида эмиш.

ҚУТАЙБАНИНГ ҲОТАМЛИГИ

Қутайба ибн Муслим Пойкаандни босиб олгач, оташ-парастлар ибодатхонасидан икки дона дур топиб олди. Қоҳинлар бу дурларни қушлар олиб келиб ташлаганликларини айтишди. Қутайба дурларни *Ҳажжожега* бериб юборди. Дур билан бирга қоҳинлардан эшитган гапларни ҳам ёзиб юборди.

Ҳажжожек Қутайбага бундай деб жавоб битди:

— Мактубингда айтилганиларни англадим. Дурларни кўриб ҳайрон қолдим. Қушларга, айниқса, сенинг ҳотамлигинга қойил қолдим.

ҚУРУҚ ВАЪДА

Хорун ар-Рашид вазири Яхъё иби Холидга «асраб қўй», деб бир қоп қимматбаҳо дуру жавоҳирлар берди. Вазир қопни уйига олиб келиб айвонга қўйди ва ҳеч кимга индамасдан иш билан шаҳарга чиқиб кетди. Ҳизматкорлардан бири эса пойлаб турган экан, уни ўтирглadi. Бир вақт қоп вазириниң эсига тушиб қайтиб келиб қараса ўрида йўқ. Шу пайт мен уининг билан бирга эдим.

Вазир кўп куйинди, ўиг гуломини фолбинига жўнатди. Фолбин Абу Ёкуб исмали бир кўзи оқиз одам экан. Ү кириб келиши билан вазир атрофдагиларга «ҳеч ким бир оғиз сўз айтмасин, ҳатто бирон кимсанинг овози чиқмасин», деб ишора қилди. Фолбин келиб сунанинг бир четига ўтиргач, Яхъё иби Холид сўз бошлади:

— Мен сендан бир нарса хусусида сўрамоқчиман, сен уининг ишмалигини айтиб бер.

— Биламан, сен мендан йўқотган бир нарса хусусида сўрамоқчисан,— деди фолбин унга.

— Қани айтчи,— деди вазир,— мен йўқотган нарса нима эди?

Фолбин узоқ ўйланиб, сўнг жавоб қилди:

— Сен *тансиқ* нарсаларни, масалан, қимматбаҳо марварид шодаларини йўқотгансан. Улар қонда, қон эса хумда.

— Тондинг, фолбин! — деди вазир қувончи ичига сиғмай.— Энди буёгиши айт: ўша нарса ҳозир қаерда ва кимининг қўлида?

— Хум ҳизматкорингда, *хандакка* кўмилган,— деб жавоб қилди фолбин.

Вазир «хайрият» деб чуқур тии олди, сўнг ҳизматкорларга «фалон ердаги ахлат тўкилган ўрани титиб қаранглар», деб буюрди.

Ҳизматкорлар ўрани эҳтиёткорлик билан очдилар ва кўмилган хумни тониб олдилар.

Вазир саркорни чақиритиб фолбинига бени минг динор мукофот берини буюрди. «Яна сенга ўз маҳалламдан катта ҳовли-жой ҳам олиб бераман», деб вაъда берди.

— Оқчанинг оламан-у, ҳовли-жойини қўя тур,— деди фолбин мукофотга қўй узата туриб.

Вазир тааискубланди:

— Нега?

— Чунки,— деди фолбин,— оқчалар нақд, ҳовли-жой ҳўлса қуруқ ватъда.

ҚУШЧАНИНГ УЧ ПАНД-НАСИҲАТИ¹

Эътиборга молик бир масалда бундай дейизган: бир одам кичик бир қунчани тутиб олди.

¹ Бу ҳикоятинг бошқа бир муқобили ҳам учрайди ва у Абдулваҳобхўжа ўтиги Ношнохонага писбат берилади (*муҳаррир*).

Қүшча сўради:

— Мени нима қилмоқчисан?

— Сўйиб емоқчиман,— деди ҳатиги одам.

— Мени сўйиб нима қиласан, қорнингга урвоқ ҳам бўлмайман-ку,— деди қүшча ёлвориб,— яхшиси қўйиб юбор. Майли десаңг сенга учта ҳикмат айтаман. Бу ҳикматлар, башпарти унга амал қилисанг, ҳётда асқотиб қолади.

— Худо шоҳид, сени албатта қўйиб юбораман, қани айт ўша ҳикматларнигни.

— Биринчиси,— деди қүшча,— бирон нарсани қўлдан бой берсанг, асло ўкинма; иккинчиси — топилмайдиган нарсани қидириб овра бўлма, учинчиси эса йўқ нарсага умид боғлама.

— Бу ҳикматлар менга бир тўғрам гўштдан афзалроқ,— деди ҳалиги одам ўз-ўзига ва қүшчани қўйиб юборди.

Қүшча «пирр» этиб учди-ю, деворга бориб қўнди ва деди:

— Э, нодон, агар мени сўйганингда фойда кўрардинг — қорнимда кантар тухумидай лаъл бор эди.

Ўша одам қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлди ва қүшчани аврай кетди:

— Кел, азизим, ёнимга қайт. Сени тоза кунижуту булоқ суви бериб парвариш қиламан.

— Энди сўйиб емаганингда ўкиняпсан,— деди қүшча ҳалиги одамга,— нима, мен айтган панд-насиҳат дарров эсингдан чиқдими? Овра бўлма, энди мени ҳеч қачон тутолмайсан. Ўзим бармоқдай бўлсаму кантар тухумидай лаъл менинг қорнимга қанақасига жой бўлди экан?

Қүшча шундай деди-ю, сўнг қаёқларгадир учиб кетди.

СУВ ОСТИДАГИ ЁМБИЛАР

Суматра подшоси келган даромадин тилло ёмбисига айлантириб қўлга ташлар экан. Уни шу кўлдаги ҳадҳисобиз тимсоҳлар қўриқлашарканлар. Борди-ю, подшога олтин ёмбилардан бирортаси керак бўлиб қолса, унинг одамлари «ҳай-ҳуй» қўтаришиб, тимсоҳларни кўлнинг бир четига қуварканлар, сўнг гаввос тушиб зарур олтинни олиб чиқар экан.

Олтинни шу тариқа сақлаш хавфсиз саналаркан, чунки унинг бир парчасини олиш учун жуда кўп одамнинг шовқин-сурони керак бўларкан-да.





НИЗОМУЛМУЛК

СИЁСАТНОМА

Ҳикоятлар

ЕЛГОНЧИ ВАЗИРЛАР ВА КАР ПОДШО

Подшонинг қулоги кар экан. Мансабдорлар бундан фойдаланиб, арз-додга келганиларниң сўзларини унга тўғри етказишмас эканлар. Вақт ўтиб подшо буни пайқаб қолибди ва арзга келганилар билан шахсан ўзи гапланшига қарор қилибди. Ҳожиби *даргоҳни* чақиртириб буюрибди:

— Ҳузуримизга арзга келганиларни бундан буён ўзимиз сўрайдурмиз. Лекин айтинг, арз-дод билан келганилар факат қизил қўйлак кийиб келсинлар.

Ҳожиби даргоҳ қабул кунлари арз-дод билан келганиларни *кўришишхона* олдиаги майдонга тўнлар, сўнг подшо уларниң ҳузурига чиқиб битта-биттадан чақириб арзодини эшитадиган бўлиб қолди.

Бир куни вазири аъзам подшодан фурсат топиб сўради:

— Бундай қилишингизниң сабаби нима?

Подшоҳ жавоб қилди:

— Бунга *мұлозимлар* ва мансабдорларниң дўзах азобидан қўрқмай ёлғон ганиришлари сабаб бўлди.

¹ Ҳожанинг ижодида ҳам шу ҳикоят мұқобили учрайди (*муҳаррир*).

Баҳром Гўрининг Рост равиш исемли вазири бор экан. Подшо тамом юмушларини унинг қўлига тошириб қўйиб, ўзи маишатга берилтиб кетибди. Рост равиш бундан ўз манбаати учун фойдаланиб қолинига аҳд қилди ва омили чақиртириб деди:

— Подшо ҳазратлари эртадаи кечгача ов билан, кечалари бўлса туини кунга улаб шаробхўрлик қилини билан банд, парируҳлар билан базм-сафо қуриб кун кечиряпти. Банарти, айтганларимни қизсанг сени ҳам қуруқ қўймайман.

— Байони дил, ҳазрати вазири аъзам. Буюрсизлар! — деди-да омил икки бўкилиб таъзим қилди.

Бундан вазир анча дадиа тортди ва омилга буюрди:

— Мен айтган одамларни тўхтатмай зиндоинбанд этдир, молу мўлкини эса мусодара қил!

— Айтганингиз бўлади, жаноби вазири аъзам! — деди омил қўл қовуштириб.

Шундан кейин омил одамларни ҳибс этаверди, вазир эса улардан катта пора олиб қўйиб юбораверди. Вазири аъзам бора-бора байт ул-мол бошилиги билан тил бириктириб аста-секин хазинани ҳам қуритди.

Бир вақт подшоҳ қўшини тўпламоқчи бўлиб хазинани очиб қараса унда бир динор ҳам оқча қолмабди. У шаҳарни ҳам айланиб чиқди. Бозорлар, расталар, қаҳвахоналар... ҳаммаси бўм-бўш. Баҳром Гўрининг боши қотди. *Мушрифни* чақиртириб итобга олди:

— Салтанатда нима бўлянти? Сенинг кўзиниг қаерда, ўзи?

Мушриф жавоб қилди:

— Раиятниң катта қилеми юртни тарк этиб теварак-атрофга қочиб кетди, аъло ҳазрат!

— Не сабабдан шундай бўлди?

— Буни билолмадим, аъло ҳазрат, — деб мушриф тиз чўкканча ўтираверди.

Шундан кейин подшо бошика мансабдорларни ҳам чақиртириб тафтиш қилди.

Лекин улар ҳам вазирдан қўрқиб подшога ҳақиқатни айтмадилар. Баҳром Гўр нима қиларини билмай хилват-

хонани ичидан қулғлаб икки кечашу икки кундуз бу хусусда бош қотирди, лекин ҳақиқатининг тагига етолмади. Охири, учунчи куни, эрта тоң билан отланиб, бир ўзи шаҳардан чиқиб чўл тарафга қараб равона бўлди. Кўп йўл боеди, лекин ҳали чўлнинг чети кўринмасди. Кун ботай деганда узоқдан тутун кўринди. Поднио «ўт бор ерда — одам бўлур», деб отининг жиловини ўша тарафга бурди. Бир вақт чўпоннинг илма-тешик бўлиб кетган чоидири олдидан чиқиб қолди. Чодирдан хиёл четда қўйлар тўда бўлиб ётишарди, ундан икки-уч қадам нарида эса дорга катта бир малла ит осилиб ётарди. Баҳром Гўр ахволни кўриб таажжубга тушди. Шу пайт чодирдан чўпон чиқиб келди ва нотаниш одамни кўриб хайрон бўлди, шунчаки бош иргитиб салом берди-да, сўнгра сўради:

— Йўл бўлсени, мусофир?

Баҳром Гўр чўпон уни танимаганидан хурсанд бўлди ва тавозе билан жавоб қайтарди:

— Исфаҳонга бораётган эдим, йўлдан адашиб қолдим, чамаси. Йўқ демай бир кечага бошнана берсанг.

Чўпон рози бўлди ва нотаниш меҳмонни чодирга таклиф этди, тонганини ўртага қўйиб уни меҳмон қилди. Чой устида поднио чўпондан не сабабдан итнинг бу қадар оғир язога тортилганинг сабабларини суриштириди. Чўпон мана буларни ҳикоя қилиб берди:

— Уша ит менга кўп содиқ эди, йўқ деганда уч-тўрт бўрига бас келарди. Шунинг учун ҳам чорвани унга ишониб, икки-уч кунга қишлоққа тушиб келардим. Қўйлардан биронтаси ҳам камаймас эди. Лекин яқиндан бери ит айниб қолди. Бир куни қишлоққа бориб қайтсан қўйлардан бир-иккитаси гум бўлибди. «Ха, майли, бирони кор-хол бўлгандир», деб ўзимни юпатдим. Яна бир тал қишлоққа бориб келсан тўрт-беш қўйим йўқолибди. Кеийинги сафар ўи қўй йўқ. Мени ваҳима босди. Ўйлаб ўйлаб пойлашга қарор қилдим. Бир куни кечқурун бир пана жойга яширишиб ётдим. Тун яримлаштанди қўра атрофида бўри пайдо бўлди. Итим шу атрофда экан, думини ликиллатиб бўрининг олдига чопиб борди. Бўри билан ит бир-бирини ялашиб кетишди... Сўнг бўри мудраб ётган қўйларга ташланди. Бир қўйнинг қорини ёриб ташлади, иккичисининг бўғиздан тишлаб гала ичидан судраб чиқди... «Ит нима қилди?» — деб сўрасиз. Ҳеч нима. Думини ликиллатганча мойли қўзларини йилтиллатиб ётаверди. Бор ҳақиқатни шунда аングладим ва бир

илож қилиб итни тутиб олиб «яказойинг шу!» — деб осиб қўйдим. Бўлган гап шу, биродар.

Эрта билан ионкуштадан кейин поднио шаҳарга қайтди ва ўша куниёқ вазирни ҳибсга олдириб дорга остирди...

СОХИБ ИХТИЁРИНГ КЕРАГИ ЙУҚ

Бир куни Сеистон ҳокими амир Абулфазл султон Алларслондан сўради:

— Шундай улуг подшо бўла туриб нега соҳиб ихтиёр ушламайсиз?

— Нима, менга душманмисан? Салтанатимни барбод қилмоқчимисан?

— Бу нима деганингиз, аъло ҳазрат? — деди таажжубланниб амир Абулфазл. — Наҳотки мени шунақа одам деб ўйласангиз? Мен содиқ бир қулинигизман. Қандай килиб салтанатни барбод қиласини! Шунчаки сўрадим қўйдим.

Орага бир зум сукунат чўкди, сўнг султон Али Арслон бунинг сабабини дўстига тушунтириди:

— Ким менга дўсту ким ёвлитини билайин деб атаяин соҳиб ихтиёр тутишининг не фойдаси бор, ўзи?! Башарти шундай қилгудай бўлсан дўстларим-ку тўғри тушунидилар, аммо душманларим фойдаланмоқчи бўлиб унга пора берадилар. Шундан кейин соҳиб ихтиёр менга дўстларим ҳақида ёмон сўзлар гапиради. Яхни сўз ҳам, ёмон сўз ҳам худди найзага ўхшайди. Қумас-кун ишонинг тегади. Оқибатда дўстларимдан ажраб қоламан, уларниг ўрнини бўлса душманларим эгаллаб олади. Шу сабабдан соҳиб ихтиёр тутмайман.

МУТРИБНИНГ ҲИММАТИ

Хусрави Парвез муҳозимларининг биридан дарғазаб бўлиб, уни зинданга ташлабди. Поднидан қўрқиб унга мутриб Базийиддиндан бониқа ҳеч ким бир парча ион, бир қултум сув олиб бормас экан. Бир куни буни поднинг қулогига етказибдилар. Хусрави Парвез дарғазаб бўлди ва «мутриб зудник билан олиб келинисин!» — деб амр қилди. Мутрибин олиб келдилар. Подшо уни қаттиқ итобга олди.

— Биз зинданбанд қилган одамга ғамхўрлик қилишга қандай жазм қилдинг? Ахир биз зинданбанд қилган одам яшаш машинатларидан маҳрум қилинганинг эшитмагимидинг?

— Эшитганимай, аъло ҳазрат,— деди мутриб Базийиди-ди,— лекин менинг қилиган мурувватим, сен уига кўрсатди гаш олий химмат олдида сарик чақага ҳам арзимайди-ку!

Хусрави Парвез ҳайрон бўлди, кейин сўради:

— Биз уига қандай олий химмат кўрсатган эканми?

— Сен уига, шаҳанишоҳ, умр багишладинг,— деб жавоб қилди мутриб.

БЕВАҚТ АРЗ-ДОД БИЛАН КЕЛГАН КИМ БЎЛДИ?

Кунлардан бир куни кечқурун ҳамма ётганда сарой дарвозасига осилган қўнгириқлар жаранглаб қолди. Нуширвони Одил ғуломини чакирди ва буюрди:

— Шитоб билан дарвозага бор, бевақт арз-дод билан келган ким экан, билиб кел!

Ғулом икки букилиб таъзим қилди ва дарвозага қараб чонди. Бориб қараса бир қари қўтири эшак жон-жади билан дарвозага ишқаланаётган экан. Ғулом қайтиб келиб воқеани подшога арз қилди.

Нуширвони Одил деди:

— Эшак дарвозага, хусусан подшонинг дарвозасига шуичаки ишқаланаётгандир. Бунинг тагида қандайдир бир сир борга ўхшайди. У бизга арз-дод билан келмадими экан?

Сўнг икки хизматкорни чакиририб буюрди:

— Суриштириб эшакнинг эгасини топинглар, унинг бу ахволини тафтиш қилинглар.

Подшонинг хизматкорлари эшакни етаклаб бозорга қараб равона бўлдилар. Йўлда бу ахволининг сир-аэрорини яхши билгаи бир қария хизматкорларга бундай деди:

— Бу эшак жомашўйини. У ҳар куни эрталаб аслзода-ларининг кирларини тўплаб ва шу эшакка ортиб уйига олиб келар, кечқурун эса ювиб, дазмолланган кийим-кечакин яна уига ортиб эгаларига элтиб, тириклилик қиласарди. Шўрлик эшак шу тариқа йигирма йил унинг хизматини қиади. Эди бўлеа, қартайиб хизматига ярамай қолганди, уни кўчага ҳайдаб чиқарди. Мана бир ярим йил бўлдики, эшак бечора овқат ва бошпана йўқлигидан кўча-кўйда сарсон-саргардан бўлиб юрибди.

Ҳалиги икки хизматкор саройга қайтиб бориб эшитгани-билигинларини подшога арз қилдилар.

— Айтмадимми, эшакнинг арз-доди бор деб,— деди подшо. Сўнг зудлик билан бориб жомашўйни ҳайдаб келишини буюрди.

Хизматкорлар жомашўйни ҳайдаб олиб келдилар. Подшо уига сиёсат қиади:

— Сен бетавфиқ эшик ва кучли пайтида ундан нафландинг. У сенинг тириклигингга яради. Эди кек сайб кучдан қолгандা қувиб чиқарганинг нимаси? «Эшакнинг кучи ҳалоту ўзи ҳаром», деб сенга ким айтди?

Эшикни эгасининг қўлига тутқиздилар. «У то тирик экан,— деди подшо жомашўйга ўқрайиб, уни боқин ва нарварини қилини сенинг зижмандга!»

ИНҔИРОЗНИНГ ИККИ САБАВИ

Нуширвони Одил бир куни мулозимлари ва хизматчилари билан овга чиқибди. Бир кинжалкинг четидан ўтиб кетаётib тўқсанларга бориб қолгани, ёнгоқ экайтган бир чолга кўзи тушибди. У ҳайрон бўлибди, чунки ёнгоқ йигрма йилдан кейин мевага киради-ку. Сўнг чолдан сўрабди:

— Ота, экайтганинг ёнгоқ дарахти бўлса керак?
— Ха, шаҳанишоҳ, экайтганим ёнгоқ дарахти.
— У мевага киргуича яшармикишсан, буни биласанми?
— Йўқ, билмайман, аъло ҳазрат.
— Унда нега овора бўлаётисан?

— Ажоддлар экканини биз едик, биз эккандан авлодлар баҳраманд бўлар деган умиддаман.

Нуширвони Одил чолнинг жавобидан мамнун бўлди ва уни минг дирҳам оқча билан мукофотлади. Чол подноҳга миннатдорчилик билдириди ва деди:

— Худога шукр, эккан ишолимизнинг мевасига муҳлатидан аввал этицидик.

Нуширвони Одил таажкубланди ва сўради:

— Қанақасига этицидинг, қани ўша сен этишган мева?
— Мана! — деди чол ҳазиги подноҳ инъом қилиган минг дирҳами кўрсатиб.

УМИДНИНГ ТАГИ ОЛТИН

Бузуржмехрдан сўрабдилар:

— Сен бир вақтлар Сосонийлардан Нуширвони Одилнинг вазири бўлгансаи. Ҳозир ҳам сендан ҳақиқатгўй ва тоно одамни топиб бўлмайди. Айт-чи, Сосонийлар давлати не сабабдан инқирозга учради?

— Бунинг икки сабаби бор,— деди Бузуржмехр. Би-

ринчиши шулким, подшолар атрофидан доно ва фозил кишиларни узоқлантириб давлат ишиларини бесавод ва пасткаш одамларнинг қўлига тошириб қўйдилар. Иккинчидан, кўпинча ҳокимнинг балогатга етмаган болалар билан хотинилар қўлида бўлди.

ОЛАРДА ОРОМИКОИ, БЕРАРДА ЧИҚАР ЖОН

Халифа *Муътасим* замонида бадавлат ва иуфузли амирлардан бирни саркорни ҳузурига чақиртириб деди:

— Зарурат туғилиб беш юз динор оқчага муҳтож бўлиб қолдим. Бағдода менга қарз бериб турадиган бирон танишинг йўқми?

— Бор,— деди саркор бир оз ўйланиб туриб.— Дўкондор танишим бор. Унинг фалон бозорда кичик дўкони ва олти юз динор атрофида сармояси бор. Уни ҳузуригинизга таклиф қилинг, уй тўрига ўтказиб иззат-икром кўрсатинг, зора жонингизга оро кирса.

Амир ўша дўкондорни таклиф қилди, зўр ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олди ва уй тўрига ўтказиб, олдига дастурхон ёзди. Сўнг аста-секин муддаога кўчди.

— Сенинг инсофли, виждонли, диёнатли ва қўли очиқ одамлигинг ҳақида кўн эшигтгиман. Бундай ўйлаб қарасам Бағдод бозорларида сендан инсофли ва ҳалол одам йўқ экан. Шунинг учун ҳам сенинг ҳақиңгда яхши гапларни эшитиб, ғойибона ёқтириб қолдим; сен билан оға-ини тутиноқчиман. Ушбу кундан бошлаб уйимнинг тўри сеники, сенинг уйинг эса менини бўлсанни.

— Розиман, оға,— деди ич-ичидан суюниб дўкондор.— Сиздек олий насаб киши билан оға-ини тутиниш менинг учун бениҳоят фахрли.

Дўкондор билан амир ўринларида туриб бир-бiriини оғушига олдилар, ўпишдилар, умрларининг охиригача оға-ини бўлиб қолишга аҳд-паймон қилдилар. Амир дўкондор инисини ҳаддан ортиқ ҳурматлаб, меҳмон қилди. Меҳмондорчилик аяқлаб, дастурхон йиғиб олингандан кейин, амир биродарини елкасидан қучиб қулоғига шивирлади:

— Сени безовта қилиб чақиртирганинг сабабини билсанг керак?

— Йўқ, тақсир,— деб жавоб қилди дўкондор.— Бунинг сабабини амир жанобларининг ўзлари яхши биладилар.

У бир оз саросимага тушди.

— Ҳа, биламан,— деди амир ўзига хос улугворлик билан.— Аслида шаҳарда ошна-оғайниләринг сон-саноги йўқ. Улар ишмаики буюрсам бетўхтов бажо келтирадилар. Борди-ю, уларниң биронтасидан эллик минг динор қарз сўраб қолгудай бўлсан сўзимни икки қилмай, дарҳол тошиб келтириб берадилар. Чунки уларниң ҳам менга тез-тез юмуши тушиб туради-да. Ростини айтсам, ҳеч қаочон мен билан дўст тутингланларидан пушаймон бўлишимаган. Энди гапнинг индаллосини айтсам, биродари азиз, шу кунларда қирқ минг динор оқчага зориқиб қолдим. Қарз бериб турадиганлар кўп-ку, лекин уларниң биронтасидан ҳам сўрагим йўқ. «Йўқ» демасанг шу маблагни сендан олсам. Узоги билан беш-олти ой ичидаги қайтараман. Устига минг динор оқча, бош-оёқ саруно ҳам қўниб бераман. «Йўқ» дема бирордар! Сенда шунча, балки бунга икки баробар келадиган оқча борлигини яхни биламан.

Дўкондор бошида бир оз ҳайрон бўлиб қолди, сўнг таваккал қилиди.

— Ҳўп, тақсир. Лекин менда бунча оқча йўқ. Олика-ноб одамлар ҳузурида тўғри сўзламоқ зарур — худо ҳақиқи менда бунача катта сармоя йўқ. Кўн манақиб чекиб, кўп йиллар ичидаги тўплаган сармоям олти юз динордан ортиқ эмас.

— Ҳимм,— деди амир настки лабини тинилаб ва боини сарак-сарак қилиб. Ҳазинамда олтину жавоҳирларим беҳисоб. Қарз сўрашдан кутган асл мақсадим — сен билан дўстлик иниши болгашдан иборат эди, холос. Бир синап кўрмоқчи бўлган эдим-да.

Шу пайт сухбатга саркор аралашди:

— Сен ҳали амиримизни яхни билмас экансан. Бунақа олижаноб одамни аркони давлат орасидан тополмайсан.

Шундан кейин савдогар бисотидаги олти юз динорни келтириб берадиган, амир эса уни олти ойдан кейин етти юз динор қилиб қайтариб берадиган бўлди...

Қарзни қайтариш мухлати ўтгандан тахминан ўн кун кечгач, савдогар амирниң ҳузурига келди. Амир уни меҳмон қилди, лекин қарз хусусида бирон гап очмади. Дўкондор қуруқ қайтди. Орадан икки ой ўтгандан кейин у амирникига яна келди. Бу сафар ҳам амир қарз хусусида гап-сўз очмади. Хулласи калом, дўкондор амирникига яна кўп марта борди, лекин амирдан садо чиқмади.

Охири дўкондор амир қарз тўлашдан бўйин товлаётганига ишонч ҳосил қилди. Шундан кейин амирниңномига қуйидаги мазмунда хат ёзиб юборди: «Мен анча

қийналиб қолдим, қарзнииг мухлати бўлса, аллақачонлар ўтиб кетган. Агар амир жаюблари уибу бечорага муруват қилмоқчи бўлсалар, нулини саркордан бериб юбореат қарзни эсдан чиқариб юборди. Амир жавоб қилди: «Қарзни эсдан чиқариб юборди, деб ўйлаётган бўлсанг керак. Йўқ, биродар, эсимдан чиққаний ўйқ. Ташибинчлама, яна бир оз кут. Пушкинин атбатта қайтариб бераман...»

Шундан кейин яна саккиз ой ўтди, лекин амидан дарак бўлмади...

БУХТОНИНГ ТАГИ ЗИЛ

Султон Али Арслон замонида Ҳирот шахрида бир мўмин дониниманд қария ўтган экан. Қунлардан бир куни султон шаҳар аркига келиб тушиди ва бир муича вақт шу ерда тургун бўлди. Унинг яқин мұхозимларидан бўлган тогаси амир Абдураҳмон эса ўна дониниманд қариянииг ҳовлисида тўхтади. Қунлардан бир куни базму сафо авжига мингап бир пайтда амир Абдураҳмон султоннииг қулогига ишвиirlади:

— Мен қўнгиган ҳовлинииг соҳиби ҳар куни кечаси кичик бир хонага кириб кетади, лекин чироги эрталабгacha ўчмайди. Бошда иомоз ўқиб, туни билан тоат-ибодат қилиб чиқса керак, деб ўйладим.

Орадан бир неча кун ўтгач, сабрим чиҳдамай кечаси аста-секин бориб у ўлтирган хона эшигининг ёригидан мўраладим ва не кўз билан кўрайки, қария мудраб ўтирибди, олдида бир кўзачада шароб ва бириник (бронза) дан исалган бут. Чол ўша бутга сигниб ўлтирибди.

Амир Абдураҳмон эшик ёнида турган чўзрага имо қилди. Эшик очилиб, кўлида ўша бут билан кўзачани кўтариб амир Абдураҳмоннииг гуломи кириб келди. Гулом бут билан кўзачани оҳистагина султоннииг олдига қўйди ва икки букилиб таъзим қўлганича орқаси билан юриб хонадан чиқди. Амир Абдураҳмон султоннииг кўзларида ҳаяжон ва газаб учқунларини кўриб, шу ондадек ўша қарияни олдиририб кетади ва ўлимга маҳкум этади, деб ўйлади. Дарҳақиқат султон вазири атзамга инора қилиб ўша қарияни олдириб келишини буюрди. Вазири атзаминииг гуломи ҳали саройдан чиқмаган ҳам эди, султоннииг танити гуломларидан бири тиз чўкиб мурожаат қилди:

— Султоним, ҷонни чақирирманг. Ҳаммасини ўзим айтиб бераман.

Гулом султоннииг қулогига ишмалариидир шивирлади. Ҳамма ҳайрон бўлди. Вазири атзам султонга мурожаат қилди:

— Атло ҳазрат, гулом бораверсими?

— Йўқ қайтсан,— деди султон. Ҳаммаси тушинарли. Уибу ҳодиса тогам амир Абдураҳмоннииг сурбетлиги орқасида юз бериди.

— Мошолло! — Ҳамма ёқасини ушлади.

Сўнг султон тогасига қараб деди:

— Сен менга қария ҳақида кўп ёмон гапларни айтдинг ва олдимга шароб тўлатилган кўзача билан бутни келтириб қўйдинг. Лекин, билиб қўй, ҳақиқатни аниқламай туриб қария хусусида бирон ҳукм чиқармайман. Қани, «айтган гапларим тўғри», деб қасам ич!

Амир Абдураҳмоннииг атзою баданини титроқ боеди, султоннииг оёқларига йиқилди:

— Авф этинг, султоним! Мен ёлғон ганирган эдим.

— О, мунофий, нега ўша бечора қарияга шунча маломат қилдинг ва бехуда унинг қонини тўқмоқчи бўлдинг?! — Унинг ҳовлиси ишнамгина экан. Сен уни ўлимга маҳкум этсанг, ўна ҳовли менга қолармикан, деб ўйлаган эдим,— деб жавоб қилди амир Абдураҳмон.

КЎЧА-КЎИДА МАСТ-АЛАСТ

ЮРИШ ОҚИБАТИ

Султон Маҳмуд Газиавий баъзида нацимлар, вазирлар ва синоҳсолорлар билан тонг отгуича ичкилик ичиб чиқар эди. Бундай ўлтиришларда синоҳсолорлардан Али Нуштегин ва Мұхаммад Аъроби ҳам бўлур эдилар. Ўлтиришларининг бирида эрталабга бориб улар қаттиқ маст бўлиб қоядилар. Нонуштадан кейин Али Нуштегин султондан кетинига икозат сўради.

— Кўнина-кўндизи шу аҳволда кўчага чиқиш маъқул кўринмайди. Чошгоҳгача шу ерда бтиб дамингии ол, кайфинг тарқагандан кейин кетарсан. Акес ҳолда мұхтасибнинг кўзига тушиб қолсанг тўқмоқ ейсан, мен эса сенга ёрдам беролмайман,— деди султон унга.

Али Нуштегин эллиқ минг аскарга бош бўлган қучли ва бообру одам эди. Яна у ҳеч нарсадан қўрқмасди. Уни уруни-талоидан минг нахлавонга бас келади, деб айтишарди. Шунинг учун бўлса керак султоннииг ганини олмади, гурур билан жавоб қилди:

— Мен, барибири, кетишим керак. Мұхтасиб ким бўлди-ю, мен кимман.

— Буёгини ўзинг биласан,— деди султон ва саройбонга «дарвозагача кузатиб қўй уни, майли кетаверсин!» — деди.

Али Нуштегин отга миниб йўлга тушиди. Уни кўн соили кўриқчилар ва туломлари кузатиб бордигтар. Йўлда хақиқатани ҳам муҳтасибга дуч келди. Унинг ҳам кўриқчилари бор экан. Улар юз куни эдистар. Муҳтасиб Али Нуштегининг мастилиги ва эгарда аранг ўтирганини кўриб одамларга: «Ушлангиз уни!» — деб буюрди. Муҳтасибнинг одамлари кўз очиб юмгуича синоҳсолорни отдан туширдилар, сўнг чопон ва якташини ечиб олдилар. Сўнг муҳтасиб отдан тушиб, синоҳсоларни савалатди. Кўриқчилари ва гуломлари бўлса аралашмай бу ҳолни томоша қилиб турдилар...

Эртаси куни Али Нуштегин кўринини (қабул) дан кейин қолиб сұлтонга кечак юз берган воқеанин арз қилди. Якташини ечиб моматалоқ бўлиб кетган елкасини ҳам кўрсатди. Сұлтон ачиниш ва таассуф билдириш ўнига қаҳ-қаҳа уриб кулди ва деди:

— Бундан кейин маст ҳолда кўча-кўйда юрмайдиган бўлдинг.

ЮРТИН ТЕРГОЛМАГАЧ...

Султон Маҳмуд Кирмонин тасарруфига киритган куни бир хотин унинг хузурига арз билан келди:

— Мен карвон билан Диёргачин деган жойда тўхтаган эдим. Кечаси ўша ерда бор-йўғимни ўғирлаб кетинди. Нарсаларимни ё тоинб бер, ё бўлмаса қимматини тўла.

— Диёргачин дегани ўзи қаерда экан? — деб сўради сұлтон.

— Қанчадан-қанча мамлакатларни фатҳ этдинг! Диёргачиннинг қаерда эканлигини билмайсанми?

— Билмайман. Узинг ўғрилар ким ва қайси юртлик эканликларини биларсан?

— Биламан. Улар бўлужистонлик. Бу мамлакат Кирмонга яқин.

Султон боинин қаниб бир фурсат ўйлаб турди, сўнг хотинга деди:

— Бу мамлакат менинг қўл остиндаги юртлардан олиса менинг қарамайди. Шунинг учун ҳам илтимосининг уддаломайман.

Хотиннинг жаҳди чиқди ва деди:

— Юртин терголмагач, қанакасига ўзингни жаҳон ҳо-

кими ҳисоблаб юрибсан? Қўйни бўридан қўриқлолмасанг, қанақасига подачисан, ўзинг? Бундан чиқди иккимиз ҳам бир одам — ожиз эканмиз-да.

ИККИ ҚИЛИЧ БИР ҚИИГА СИГМАС

Хусрави Парвезнинг вазири *Баҳром Чўбин* билан муносабати бошда яхши эди, уни кўн ҳурмат қилди. Усиз ҳатто таом емас, бирон ишёла гулоб ҳам ичмас эди. Овда ҳам, саройда ҳам улар ҳамиша бирга бўлишарди. Қунлардан бир куни Ҳирот билан *Сарахснинг* омиллари подшога ҳар биттаси бир харвордан зарур ва қимматбаҳо юк ортилган уч юз боя тия олиб келдилар. Хусрави Парвез буларнинг ҳаммасини Баҳром Чўбинга берди.

Эртаси куни Хусрави Парвезга ноxуш хабар келтирдилар — Баҳром Чўбин гуломини қиши-яланточ қилиб қаттиқ савалабди. Подшо даргазаб бўлди ва Баҳром Чўбинни дархол чақиртириб келди, сўнг қурчи бошига «қурхонадан беш юз қилич олиб чиқ!» — деб буюрди. Қилич олиб чиқилгач, Баҳром Чўбинга қараб мурожаат қилди:

— Қани, Баҳром, қиличлар ичидан яхшиларини танла! Баҳром юз эзлиқ қиличини саралаб олди.

Шундан кейин подшо яна деди:

— Шу қиличлардан ўнта яхвисини танла! Баҳром уларни ҳам танлаб четга териб қўйди. Подшо яна буюрди:

— Энди шу ўн қилич ичидан кескир иккитасини танла! Баҳром энг яхши ва кескир иккиси қиличини танлаб олиб подшонинг олдига қўйди.

— Энди, — деди подшо, — ҳар иккала қиличини бир гилюфга жойлаштири.

Баҳром Чўбин ҳайрон бўлди, сўнг деди:

— Аъло ҳаэррат! Ахир иккиси қилич бир гилюфга симайди-ку?

Подшо деди: ундаи тақдирда бир мамлакатга иккиси ҳукмдор сидадими, ўзи?..

ГЎШТ ҲИДЛАНСА ДАВОСИ ТУЗ, ТУЗ БУЗИЛСА-ЧИ?

Куилардан бир куни *Дайлам* подшоси *Азуддавланинг* закотчиларидан бири Ироқдан келаётib йўлда бир йигитчага дуч келди. Унинг кийим-боши жулдур, юзи саргайган, қош-қовоги калтак зарбидан моматалоқ

бўлиб кетган эди. Йигитча закотчига икки букилиб таъзим қилди. Закотчи унинг нима қилиб турганини суриштирган эди, йигитча зорланди:

— Бир ўзим кетишдан кўрқиб, шерик кутиб турган эдим. О, яхши одам! Мени ўзинг билан бирга олиб кет! Бу шаҳарнинг подшоси одилмикан, қозиси ҳағтўймикан, деб кетаётган эдим.

— Нималар деяётганинг биласами, ўзи? — деб сўради закотчи.— Азуддавладай подшо ва унинг қозисичалик ҳақнараст қозини топаман, деб хаёл суриб юрибсами?

— Агар подшода ҳақоният бўлганда у одамлар хусусида зийрак, қозиси эса тўғри одам бўларди. Қозиси тўғри бўлмагач, подиоси адолатли бўлармиди?

Закотчи йигитчанинг порозилик сабабларини суринтириди. Йигитча йўл-йўлакай ўз шаҳрида кўрган ва эннитганларини, бошидан ўтганларни закотчига бирма-бир айтиб берди. Хусусан у бундай деди:

— Мен шу шаҳарнинг фалож кўчасида истиқомат қиласан савдогарнинг ўғлимани. Отамдан катта бойлик қолди. Бир неча йил таралла бедод қилиб отамдан қолган нарсаларни еб-ичиб юрдим. Бир вақт оғир бир дардга чалиниб қолдим. Ўлиб кетсан керак, деб ўйладим. Башарти ўлмай қолсанам албатта Маккаю Мадинани зиёрат қиласман, деб мақсад қилдим. Хайрият, худога айтганим бор экан, соғайиб кетдим. Суюнганимдан бутун чўриларни ва қуаларимни озод қилдим; тиллоларимни ва ер-сувларимни камбагалларга тақсимлаб бердим. Сўнг уй-жой ва рўзгоримни сотиб юбордим. Ҳаммаси бўлиб қўлимга эллик минг динор пул тушди. Ҳаж тайёргарлигига тушдим. Лекин шунчак катта пулни ўзим билан бирга олиб кетишга чўчидим — йўл узоқ ва хатарли эди. Шунинг учун пулнинг бир қисмини юртимда қолдириб кетишга қарор қиласмид. Бозорга бориб иккита мис офтоба сотиб олдим. Пулдан йигирма минг динорини иккига тақсимлаб офтобаларга жойлантирудим. Кимга қолдирсан экан, деб кўп бени қотирдим. Охири қозига қолдириб кетишга қарор қиласмид, чунки мўмин мусулмоннинг ҳақ-хуқуқини қўриқлани унга тоинирилган эди. Шу тариқа кечқурун қозининг ҳузурига бориб гаплашдим. У рози бўлди. Хурсанд бўлиб қайтдим ва эртаси илк саҳарда офтобаларни қозининг қўлиға тоинирилдим.

Эртаси куни саҳарда сафарга отландим. Хуллас, Маккаю Мадинани зиёрат қиласмид, кўп йил Арабистон ва Рум шаҳарларини кездим, Румда тўрт йил зиндона ётдим. Кайсари Рум қаттиқ ўсаллаб қолиб авф умумий эълон ки-

лини ва мен ҳам кўп қатори озод бўлдим. Яна бир неча йил кемачиларга хизмат қилиб тириклилик учун сармоя жамғардим ва шу билан ўн йил деганда юртимга қайтиб келдим. Багдод қозисининг қўлида йигирма минг динор оқчам борлиги учун ҳаёт ташвишларидан хотирикам эдим. Унча куни ёқ қозининг олдига бордим. У ўзини танимасликка солди. Шунга қарамай, бир неча куни қозиникига қатнадим. Лекин урининларим бехуда кетди. Оч-ялангоч бўлганим учун танин-бизнисларни кига боргани тортидим. Кечалари масижидда, куидузлари у ер-бу ерларда яниришиб юрдим. Еттинчи куни яна қозининг ҳузурига бордим ва «офтобаларимни бер», деб ёёқ тираб туриб олдим.

— Мен сени мутлақо танимайман! Сен айтган йигит яхин кийинган, оликаноб йигит эди. Сен бўлсанг... — деди у ўқрайиб.

— Қози почча! Мен ўнча йигитман. Йўқчиликдан шундай бўлиб қолдим, — дедим мен унга ёлвориб.

— Йўқол кўзимдан, бадбаҳт! — деди қози икон-жаҳди билан.

— Шонманг, қози почча. Худодан қўрқмайсанми? Майли, йигирма минг динордан бени минги сизники бўла қолсан, қолганини беринг, — деб тиз чўкиб ялиндим-ёлвордим.

— Ақлдан озибсан, болакай! Обрўйнинг борида жўнаб қол, йўқса миришабни чақиртириб сени жинниҳонага жўнатаман, — деб пўниса қиласи қози.

Кўрқиб кетдим. Ўлаб, мулоҳаза қилиб қўрдим: «Гўйт ҳидланса, юваб туз сениб қўйилади, лекин туз бузилса нима қилини керак бўлади? Ҳар қандай жиноятнинг чигалини қози ечади, лекин қози жиноятга қўл уреа, унда кимга арз қиласан?» Шу ўй-хайя билан қозиникидан чиқдим. Унинг олдига бошига бормадим.

Закотчи оликаноб бечора йигитчага раҳми келди ва унга ёрдам беришга қарор қиласмид. Шаҳарга яқинлашиб қолганиларида ҳамсафарига деди:

— Хафа бўйма, иним! Ҳаммина ойининг ўи бенин қоронги бўлса, ўи бенин ёргу келади. Шаҳарда бир танинни бор, оликаноб, меҳмоңдуст одам. Ӯшаникида тушиб қоламиз. Эртаси худо ҳофиз. Хулласи калом, улар ўнча одамнинг келиб туиндилар. Дастурхон куюқ бўлди. Ҳамма ухлагандан кейин закотчи аста-секин ўринидан турнуб ташқарига чиқди ва соҳиби хонани чақириб унинг қўлига хат тутқазди ва: «тезлик билан саройга бор ва хатни Азуддавлага етказ!» — деди.

Соҳиби хона закотчининг ҳатини саройга олиб бориб берди.

Азуддавла уни ўқиб кўриб шу ондаёқ закогчига одам юборди ва ўша йигитни эртага кеч билан саройга олиб келишини буюрди.

Закотчи билан бечора йигит эртаси билан дам олиб, ҳордиқ чиқардилар. Қоронги тунишни билан закотчи ҳамроҳига деди:

— Қани бўл, иним, саройга боришимиз керак. Подшо айттириб юборибдилар.

— Бу яхшилик бўлсами ёқаи? — деб сўради таажжуб ва шубҳа билан йигитча.

— Хайрлик бўлгай, дўстим. Чўчима. Подшоҳимиз одил ва ҳақпарвар одам. Аминмалки, сенинг мушкунинг ўша ерда ечилигай.

Закотчи йигитни Азуддавланинг ҳузурига етаклаб борди. Подшо уни хилватхонага олиб кириб тафтизи қилди. Йигит бошидан ўтган-кечганиларни бирма-бир сўзлаб берди. Азуддавла йигитчанинг ҳол-аҳвенига кўн ачинди, сўнг деди:

— Аслида қозини мен тайинлагаман. Маошни ҳам мен бериб турамаи. Бошда инсофли, диёнатли одам эди. Маошга қаноат қилиб рўзгор төбратарди. Пора олмас эди. Кейинча айниди. Ҳозир Бэғдод теварагида кагта ер-суви, боғ-роғлари, шаҳарда қатор-қатор дўконлари, сандуқ-сандуқ қимматбаҳо матолари, зару жавоҳирлари бор. Биламан, буларничг барчасини бир маош билан ортдириб бўлмайди. Уларни сенга ўхашаш мўъмин-мусулмонни талаш орқали ортдирган. Бүёғини меига қўйиб бер, йигит. Қози билан ўзим ҳисоб-китоб қиласман. Мана бу икки юз динорни олгинда, Исфаҳонга бориб фалончиникида истиқомат қилиб тур, кейин ўзим чақиртираман,— деди нировардда подшо оқча солинган халтани унинг қўлини тутқазиб.

Орадан икки ой вақт ўтди. Қози даъвогар йигитнинг Бағдодда кўринмай қолганидан хурсанд бўлди:

— Балки ўлиб кетгандир, баччагар! Йигирма минг динор энди ўзимники бўлди,— деди у суюниб.

Орадан яна икки ой ўтди. Қозини бирдан Азуддавла чақиртириб қолди. Уни хилватхонага олиб кириб сўроқ қиласди:

— Сени не сабабдан чақиртирганими биласаними?

— Ўлимдан хабарим бор, лекин буни билмайман. Аъло ҳазратининг ўзлари яхши биладилар.

— Шу кунларда охиратни ўйлаб қолдим,— деб охиста сўз бошлиди Азуддавла.— Қуним битаётганга ўхшайди. Е бирон рақиб қўлида ўламан, ё бўлмаса ҳазрати Азроил омонатни ўзи олиб кетади. Бўёғига, умримдан қанчаси қолган бўлса, бечораларга, йўқсилларга ёрдам қилмоқчимаи. Саройда қанчадан-қанча аёллар ва болалар бор. Мендан кейин уларнинг аҳволи не кечади? Шунинг учун тириклигимда мол-мулкимниг бир қисмини ўшаларга атаб бирон тайинлироқ ерга қўйсам, дейман. Омонатни сенга ишониб топшироқчиман. Нима дейсан?

— Қуллуқ, аъло ҳазрат. Ишончиғиз учун ташаккур.

— Мана бу икки юз динорни ол,— деди подшо унинг қўлига бир халтacha пул тутқазиб,— уйингда бирон панароқ жойдан ертўла қаздир, ичидан пишиқ гиштдан девор қурдир, темирдан мустаҳкам эшик ишлат. Ертўла битгач, ажратилган ҳазинани қўлинингга топшираман.

— Хўб бўлади, аъло ҳазрат. Айтганингиздан зиёда қилиб бақараман.

Қози йўл-йўлакай хурсанд бўлиб, гойибдан келаётган бу катта бойликни ҳисоб-китоб қилиб борди. Подшоҳининг ҳам куни битган, бугун бўлмаса, эртага ўлиб кетади. Мана энди бир умрга роҳат-фароғат билан умр кечирсан бўлади. Ишламай еб ётганда ҳам авлод-авлодга кифоя қиласди бу бойлик, деди у ўзига-ўзи. Шу тариқа бир ой деганда ертўла ҳам битди. Қози саройга бориб буни подшога хабар қилди.

— Раҳмат, сенга. Мени ташвишдан қутқаздинг. Саройдаги бева-бечора ва етим-есир учун беш юз минг динор оқча, бир талай қийим-кечак ажратганиман. Яна қўшадиганларим ҳам бор. Умуман бир хафта ичida ҳаммаси тайёр бўлади. Мени эртага кеч билан кут, бориб ертўлани ўз қўзим билан қўришим керак.

Қози кетгач, Азуддавла Исфаҳонга чонар юборди ва бундан ўн ийл муқаддам қозида омонат қолдирган ҳалиги йигитни олдиртириб келди. Қозини эса душанба кунига чақиртириди. Унга қадар ҳазиначини чақиртириб ажратилган олтин ва жавоҳирларни бир юзу қирқ офтобага, қийим-кечакни қирқ сандиққа солдирди ва саройдаги хоналардан бирига олиб кириб тердириб қўйди.

Қози буларни қўриб ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Энди уйингга кетавер,— деди подшо қозига. Буларни сеникига фалон куни ўзимиз олиб бориб қўямиз.

Қози кетиши билан Азуддавла ҳалига йигитни чақиртириб келди:

— Ҳозироқ қозининг орқасидаи бориб омонатинги қиста, «бермасанг Азуддавлага бориб устингдан арз қиласман», деб айт. Берса — кўп яхши, акс ҳолда боинка тадбир-чорасини қўрамиз.

Йигит қозиникига борди ва иодиш ўргатган ганин айтди. Қози ўйлаб қолди. Бошда шунча бойликини бергани кўзи қиймади, сўнг ўйлаб ва мулоҳаза қилиб кўриб йигитга офтобалардаги нувларини қайтариб берди. Йигирма минг динор деб бени юз минг динордан аикраб қолайними яна, деди у ўз-ўзига...

Эртаси куни Азуддавланинг фармойини билан бирорининг ҳақидан кўрқмайдиган нораҳўр қози бои кийимсиз, ялангоёқ ва салласи бўйнига чулгатилган ҳолда шаҳар айлантириб сазоий қилинди...

ОМОНАТГА ХИЕНАТ

Бир кини Бузуржмехр хузурига арз билан келди ва деди:

— Кўн ўйл тер тўкиб жамгарган икки минг динор оқчам бор эди. Саёҳат олдидан уни ҳамёнига солдим, оғзини маҳкам қилиб тикиб ва муҳрлаб қозининг қўлида омонат қолдирдим. Қолган оқчаларимни Ҳиндистонга кетаётгандан ўғрига олдириб қўйдим ва почор орқамга қайтдим. Қайтгач қозидан омонатимни олдим, уйимга келгач халтани очсан олтин динорлар ўрнига мис чақалар чиқди. Дарҳол изимга қайтиб қозининг хузурига бордим ва динорларимни талаб қилдим.

— Ҳамёни топниираётганингда ичида нима борлигини очиб кўреатганимидинг? — деди қози қўзини бигиз қилиб.

— Йўқ, кўрсатган эмасман,— дедим мен.

Қози сўзида давом этди:

— Ҳамёни мендан қайтариб олаётганингда унинг оғзи очиқмиди ёки муҳрланганимиди?!

— Муҳрланган эди,— дедим мен.

Шундан кейин қози мени муттаҳамга чиқарди ва хизматчилари олдида оғзига келгани сўз билан ҳақорат қилиб уйидан ҳайдаб юборди. Ҳозир емоққа бир парча ион ҳам тоғомай қолдим. Менга ёрдам беринг.

Бузуржмехр бир оз ўйланиб туриб унинг ҳамёнини олиб қолди. Унга тирикчилик учун оғзина оқча ҳам берди ва «икки-уч куни қаноат қилиб тур, бечора. Бир иложи гонилиб қолар», деб уни овунтирди.

Жабрланими чиқиб кетгандан сўнг Бузуржмехр ҳамёни синчиглаб тексириб кўрди, лекин унинг қирқилаган ва қайта тикиб қўйилган бирон жойини тополмади. Қўн мулоҳаза қилиб кўриб, «қози халтани кесиб, ичидаги олтин динорларни мис чақаларга алмаштириб қўйга, сўнг уни билинмайдиган қилиб чандитган», деган холосага келди. Бузуржмехр шубҳасини амазда текшириб кўрмоқчи бўлди. Яқинда зар билан тикилган чойшаби бор эди, эрталаб уйкудан тургач, ўша чойшабининг бир четини шичоқ билан қирқиб қўйди. Ноунитадан сўнг эса «нодиоҳнинг амри билан вилоята уч кунга жўнаб кетяниман», деб эълон қилиди...

Вазирининг ётоқхонасини йигинтириши учун кирган *фаррош* ўринликини йигинтираётib йиртиқ чойшабга кўзи тушди-ю, кўрққанидан хўнграб йиглаб юборди. Нима қилишини, билмай боши қотди. Охири сирни кекса бир хизматкор дўстига ошкор килди.

— Ганимларимдан бири мени шармандаю шармисор қилиш ва олий даргоҳдан ҳайдатиб юбориш учун шу ишни қилган бўлиши керак. Э худо, энди нима қиласман? Буни хожам билиб қолгудай бўлса теримни шилиб олади-ку! — деди фаррош унга.

Дўсти юратмоқчи бўлди-да, сўнг ундан сўради:

— Бу сирни иккимиздан бошқа яна ким билади?

— Иккимиздан бошқа ҳеч ким билмайди,— деб жавоб қилди фаррони.

Чол фаррошининг сіласига қоқиб деди:

— Ундан бўлса дуруст. Ҳожаңг сафардан қайтгунича бунинг иложини топамиз. Хотиржам бўл.

Фаррошнинг дарди енгиллашгандай бўлди, чолга илтижо қилди, ёлворди:

— Умрингиз узун бўлсин, отахон! Бунинг иложини тезроқ топинг! Бир умрга қулингиз бўлай!

Чол фаррошин юратди.

— Ташвиш чекма, фаррош. Мени шу шаҳарда бир таниш дўстим бор. Исми — Обид. У қўли гул зардӯз, ҳар қандай кесик ёки йиртиқни мутлақо билинмайдиган қилиб чандиб беради. Дўкони фалон бозорнинг фалон ерида. Чойшабини яхшилаб ўраб, унга олиб бор. Сўраганини берсанг чойшабингни аслига келтиради. Чандилган ерини ҳеч ким тополмайди.

Фаррош шу ондаёқ чойшабни дастурхонга чигиб бозорга қараб чопди, сўраб-суриншириб зардўз Обиднинг дўконини топди. Унга ялиниб-ёлвориб деди:

— Садаган кетай, устажон, мушкул аҳволга тушиб қолдим, ёрдам қил!

Зардўз Обид рози бўлди. Фаррош юмушнинг ҳақини сўраган эди зардўз: «Ярим динор кифоя қилур. Чойшабнинг эртага олиб кетсанг бўлади», деди.

Фаррош эртаси куни белгиланган вақтда зардўзниң дўконига борди. Зардўз чойшабни унинг олдига ёэди ва деди:

— Қани, фаррош, унинг чандилган ерини топ-чи?

Фаррош чойшабни у ёқ-бу ёққа онтариб кўрди, лекин унинг чандилган ерини тополмади. Сўнг, қувона-қувона чойшабни олиб келиб, хожанинг кўринаси устидан тўшаб қўйди.

Орадан бир кун ўтиб, чошгоҳ вақтида Бузуржмехр пойтахтга қайтди, ҳордиқ чиқармоқчи бўлиб ётоқхонага кирди. Дарҳол чойшабни текшириди, унинг илгариги аслига келганини кўриб ажабланди, фаррошни чақириб сўради:

— Бундан уч кун аввал мана шу чойшабни бир еридан қириқиқ ҳолда кўрган эдим, ҳозир бўлса бус-бутун. Қани, тўғрисини айт, уни ким чандиди?

Фаррош аввал ўзини йўқотди, бир оздан кейин ўзига келди ва: «О, олийҳиммат хожа! Чойшабни асло йиртиқ ҳолда кўрмаганман», деди.

Бузуржмехр фаррошни ёнига ўтқазиб, бўлган воқеани бирма-бир унга ҳикоя қилиб берди, сўнг ўша қўли гул зардўзниң кимлигини айтиб бериши ундан илтимос қилди. Фаррош бу сафар бўлган гапни рўй-рост айтиб берди. Бузуржмехр зардўзни ҳайдатиб келди. Зардўз вазирни кўриб юраги орқасига тортиб кетди, сўнг унинг оёғига йиқилиб тавба-тазарруъ қилмоқчи бўлди. Лекин Бузуржмехр унинг қўлидан тутди ва чойшабни кўрсатиб оҳиста сўради:

— Буни сен чандиганмисан?

Зардўз бўлган гапни айтишга мажбур бўлди ва тан олди.

Бузуржмехр сўроқда давом этди:

— Қўлинг гул экан, зардўз. Қани ростини айт, бу шаҳарда сендан ўтадиган зардўз борми?

— Йўқ, вазири аъзам. Мендан ўтадигани йўқ,— деди уста Обид.

Кейин Бузуржмехр ундан шу йил мобайнида бирон ки-

ши, шу чойшабдан бошقا бэронта зар биман тикилган нарсацни унга чандитган-чандитмаганини таҳқиқ қилиди. Зардўз бироз бошини қамиди, сўнг деди:

— Қози ул-қуэзотниң кўк бир ҳамёни кесилган экан иккни дигор бадалига чандиб берган эдим.

Бузуржмехр тўшак қотиден ҳалтири арз-лод билан келган одамнинг ҳамёнини олиб устага кўреатди.

— Чандиган ҳастанг шумиди?

Уста Обид бир кўришадек ҳамёнини тавиди:

— Ҳа, шу эди, вазири аъзам.

Бузуржмехр уста Обиддан қўйини хонага кириб туришини илтимос қилиди, сўнг бошина бир хонага олиб келинган қозини ҳузурига чақиртириди. Ҳамёни унга қўрсатиб деди:

— Сен муттаҳам омонатга хиёнат қиласинг. Бирорининг олтиналарини ўзингга олиб, ўрнига мис чақаларни солиб қўйгансан. Шу тўғрими?

Қози қадам ишнаб деди:

— Йўқ, вазири аъзам. Мен асло бундай қилганим йўқ. Бирорининг ҳақидан қўрқаман.

Вазир бошқа хонада кутуб ўтирган зардўзни чақиртиди ва қозига қараб деди:

— Сен ҳамёнини қоқиб олиб, сўнг шу одамга олиб бориб тўрлатгансан. Шундай эмасми?

Уста Обид қозини бир қаранди ташиди ва Бузуржмехртаг бўлган воқеани сўзлаб берди. Қозининг аъзойи баданини тигроқ боеди, шафқат сўраб вазири аъзамининг оёғига йишилди.

Бузуржмехр ҳалиги бекоранинг олтиналарини ундириб берди, омонагга хиёнат қиласиган бўлса боши кесилди.

ЯХШИЛИК БИР ЖАВРДИЙДАГА ҲИММАТ КЎРСАТИШДИР

Марв шаҳрида Рашид ҳожи исемли бир мансабдор ўтган экан. Бу шаҳарда, балки тамом вилоятда ундан обрўлироқ ва давлатмандроқ одам йўқ экан. У Султон Масъуддиниг ишончили хизматкори бўлгани, раиятга бўни жабр-ситам етказган экан. Лекин исказайиб қолганда қиласигидан пушаймон бўлибди ва гуноҳдарини ювмоқ учун масжиду мадрасалар қурдирибди, иккни бор ҳаж қилибди, етим-еесирга анча-мунҷа садака улашибди. Ҳатто иккичи ҳаждан қайтаетгандага мана бундай хайрли бир иш қилибди:

Ўшандада Бағдодда бир неча вақт туріб қолибди. Күнлардан бир куни бозор айланиб юрганда бутун бадани яра-чаңа бўлиб кетган итга кўзи тушибди. Унга раҳми келибди ва хизматкорига буюриб, итни ўзи қўнгай жойга олдириб келгач, то согайгуича даволатибди.

Рашид ҳожи Марвга қайтгач, кўн вақт ўтмай вафот этибди. Бир неча ойдан сўнг эса бир дўстининг тушига кирибди. У илгаригидан ҳам яхни, баҳтиёр эмиш. Дўсти: «парвардигори олам қандай яхшиликларинг учун сени бў қадар баҳт-тахтга минидирди?» — деб сўрайди. Рашид ҳожи жавоб қилибди:

— Тангри таоло менга шафқат қилди ва барча гуноҳларимни кечирди. Лекин қурдиргани масжиду мадрасаларим, бергани садақаю эҳсонларим, ҳатто икки бор ҳаж қиласаним ҳам асқотмади. Оғир аҳволга тушиб қолган итнинг дардига оро кирганим учун у менга шафқату мурувват қилди.



НИЗОМИ АРУЗИ САМАРҚАНДИЙ

ТҮРТ(ЧОР) МАҚОЛА Ҳикоятлар

СУЛТОН МАҲМУД ВА БЕРУНИЙ

Бир куни Султон Маҳмуд Ғазиада Минг чинор богидаги қасрининг болаҳонасида вазирлар, олимлар, шоирлар билан ўлтириб бирдан Абу Райҳон Берунийга назари тушибди ва уни имтиҳон қилмоқчи бўлибди.

— Қани, айт-чи, мунайжим,— дебди у Абу Райҳонга мурожаат қилиб,— мен шу болаҳона тўрт эшигининг қайси бири орқали ташқарига чиқиним мумкин? Фикрингни қоғозга ёз ва шу ердагилардан биронтасига, ҳатто ўзимга ҳам кўрсатмай, мен ўлтирган кўричанинг қатига қистириб кўй!

Абу Райҳон *устурлобини* кўлига олди, бўр ва тахтача кептиришларини буюорди. Сўнг офтобининг баландлигини ўлчади, жадвал тузди, бир оз ўйланиб туриб бир парча қоғозга алланималарни ёзди ва уни тўрт буклаб султон айтган жойга яширди.

— Топдингми? — деб сўради султон.

— Топдим,— деди Абу Райҳон Беруний қўл қовушириб.

Султон қоғозга тегмади, усталарни чақиритириб болаҳонанинг қун чиқар тарафидағи девордан эшик

очишлиарини буюрди. Сўнг ўша эшикдан ташқарига чиқди, ҳаял ўтмай қайтиб кирди ва ўрнига ўлтиргандан кейин кўрпача қатидаги қоғозни олиб ўқиди. Унда «тўрт эшикнинг биронтасидан ҳам ташқарига чиқмайдилар, балки кун чиқар тарафдаги девордан янги эшик очдириб ўшандан чиқадилар», деган сўзлар ёёзилган экан. Султон хуни бийрон бўлиб гуломини чақиртирди-да: «Абу Райхони қаср томига олиб чиқиб ерга улоқтиринглар!» — деб амр қилди. Буйруқ бажо этилди, лекин у шу воқеадан сал илгари султоннинг кўрсатмаси билан тортиб қўйилган соябон устига тушди. Шунинг учун ҳам бирон ери лат емади. Султоннинг амри билан уни яна болаҳонага олиб чиқдилар.

Султон унга мугомбирона боқиб, деди:

— Э, Абу Райхон! Буни ҳам олдиндан билганимидинг?
— Ҳа, билган эдим, султоним,— деб жавоб қилди Абу Райхон.

— Буни нима билан иеботлайсан? — Султон унга ўқдай тикилди.

Абу Райхон гуломини чақиртирди. У хожасининг дафтарини келтириб берди. Олим унинг орасидан бир варақни ўиртиб олиб, султонга тутди. Султон қоғозин ўқиб кўриб ҳайрон бўлди, бошини қўйи солиб сукутга кетди. Ўша варакда: «Мени фалон куни, фалон жойда баландликдан ерга улоқтириб юборадилар, лекин бирон ерим лат емай, согу саломат қоламай», деган гаплар ёёзилган экан.

АЛ-КИНДИЙ ВА ШАЙХУЛИСЛОМ

Кунлардан бир куни халифа *Маъмун* вазирлар, надимлар, шайхлар, олимлар ва шоирларни хузурига чақиртирди. Шунда мунажжим Яъкуб иби Исҳоқ ал-Киндий шайхулисломдан юқорироққа чиқиб ўлтириди. Бунга Шайхулисломнинг гаши келди ва унга қараб: «Аслинг гайридин бўла туриб нега мусулмонлар имоми бўлган мендек зотдан юқорида ўлтиришига жазм қилдинг?» — деди.

Ал-Киндий жавоб қилди:

— Мен-ку, сен билган нарсаларнинг барчасини биламан, сен эса мен билган нарсалардан кўпини билмайсан.

Ҳақиқатан ҳам шайхулислом уни фақат бир мунажжим

сибратида биларди, холос. Ал-Киндийнинг кўп илмларни билинишдан хабаррез эди. Шайхулислом олимни шу ерининг ўзида ер билан баробар қилиб ташламоқчи бўлди ва у билан шарт боялади.

— Несиҳ мон бир нарча қоғозга бирон нарса ёзаман, тозсанг сени тан оламан,— деди у олимга.

Шарта кўра агар ал-Киндий унинг қоғозга нима ётказни топугудай бўлса, унда шайхулислом зар чопонини ба тифо салласини унга ечиб берадиган бўлди, тополмаса шайхулисломга нарих бир минг динор турадиган от сотиб олиб берадиган бўлди. Шайхулисломга қоғоз-қалам келтиридаларга у қоғозга бир нималарни ёзди-да, икки бувлаб салифа ўзлардан кўрначанинг қатига қистириб қўйди. Ал-Киндий бўлса ўз павбатида устурлобин қўлига олди. Кўбанинг баландзигини ўлчади, юлдузларнинг ҳолатини аниқлэди, уларнин ўн икки бурик билан кесиниган ерини белгилади, жадвал тузди. Бир оз фикр-мулоҳаза қилиб, сўнг ҳалиғага муроҷаат қилди:

— О, муттабқиляр амири! Шайхулислом жаноблари битган юзига салвадда ниҳол бўлиб, оқибати ҳайвонга айланади, деган гапга ўхиаган бир нарса ёзилган,— деди.

Ҳалиғ, тўнанка қатидаги қоғозни олиб ўқиди. Унда «Мусонинг зенси» деган иккита сўз ёзилган экан.

Ҳалиға ҳам, шайхулислом ҳам ал-Киндийнинг ақду замонатига қўйиа қолишиди. Шайхулислом шу ерининг ўзида ал-Киндийга зар чопони билан салласини ечиб берди.

ОТАНИ РАШИДИИНИНГ ОҚИБАТИ

Ҳалифа Ҳорун ар-Рашидининг вазири Фазл иби Яҳъё аттиф дардга чалиниб қолибди. Унинг тўш териси оқара ёнилабди. Номус қилганидан ёзда ҳам узун нимча кийиб тарар экан, ҳаммомга эса фақат кечаси, ҳеч ким йўқ тарбларда тушаркан. Бу мудҳиш дарддан қутилиш чорасини ахтариб, надим ва ҳакимларни тўплаб: «Шому Ироқда, Форсесу Хурсонда энг ўткир табиб деб кимни тан олasisиз?» — деб сўрабди. Маълисига йигилганлар Форс алоятида шундай одам борлигини айтибдилар. Шундан бини Фазл иби Яҳъё Шерозга одам юбориб, ўша табибни салодга олдиритириб келибди.

Табиб келгач, Фазл иби Яҳъё унинг шаънига катта

зиёфат берибди. Зиёфатдан кейин табибни хилват бир хонага олиб кириб, бошда уни сиаб кўрмоқчи бўлди ва «оёқдарим нимагадир кувватсан», бирон давосини тоисангиз», деб илтимос қилиди. Табиб уига «сутлик овқат еманнг, аччиқ нарсадан ҳам ўзингизни тийинг. Фақат жўйка гўйити ва нўхатдан тайёрланган ишурва ичининг. Ҳолта ҳам еб туриинг. Буидан таниқари тухум саригини асаға кўшиб кундадаҳорда истеъмол қилиб туриинг», деб тавсия қилиди. Лекин Фазл иби Яхъё табибининг айтганларини қиласмай, ҳар куни сергўйт ёғлик ишурва ичиб, аччиқ нарсадарни ҳам истеъмол этаверибди. Буидан таниқари, лўбиёни ёқда қовуртириб, мурч сениб еди.

Орадан бир неча кун ўтгач, табиб уининг нешибини текнириди, сўнг «бемор»нинг ўзбонимчалигидан ислиб, деди:

— Мен сизни буидан кейин даволамайман, чунки нархез тутмабеиз ва буюрганинни қиласмабсан. Эди сизни даволанининг ҳеч қашақа фойдаси йўқ.

Фазл иби Яхъё табибининг ақлу фаросатига таҳсиллар ўқиб, сиаб кўрини мақсадида шундай қизганини айтди, сўнг иимчанинг тұғмаларини ечиб тўпинни кўрсатди.

Хузлаеси катом, инерозлик табиб Фазл иби Яхъёни кўп вақт даволади. Уининг муолақасида бор билим ва тажрибаларини инга солди. Лекин буидан бирон натижка чиқмади. Табиб руҳан эзишиб, бир неча кун нима қилишини билмай юрди. Охири Фазл иби Яхъёнинг хузурига кириб бундай деди:

— Э, улуг вазир! Сизни даволани учун қўлимдан келган ҳамма ишини қиласдим, лекин афсуски, пафи бўлмади. Балким отангизин қаттиқ ранжитиб қўйғандирсан, бориб, қандай бўлмасин, уининг қўнглини олинг.

Вазир ўша куни ёқ отасининг хузурига бориб оёқларига йиқижи, «мен ишқобил фарзанднинг гуноҳларидан ўтинг», деб язиниб-ёлворди. Нима бўлса ҳам ота-отада! У ўтлининг гуноҳларидан ўтди. Фазл иби Яхъё эса кўп ўтмай ўша дарддан бутуилай кутулди ва табибга кўндан-кўн миннатдорчиллик билдириди.

Лекин уни юртига қузататиб: «Менга ёнишган дард отам туфайли эканлигини қаёқдан билдинг?» — деб сўради.

Табиб жавоб қилиди:

— Тузалиб кетавермаганингиздан кейин «бу одам балки кимнидир ранжитиб, лаънатига қолган бўлса керак», деб ўйладим. Лекин кўн сўраб-суринтириб, сарой аҳли орасидан ҳам, бозор аҳли ичидан ҳам бунақа одамни

учратмадим. Кейин бир куни сизнинг анча вақтдан бери отангиз билан аразланиб юрганларингизни айтиб берган еди.

ОЧКЎЗ ҚАССОВ

Султон Малиқиоҳ замонида Ҳиротда адаб Илемоил иемли бир доиниманд ўтган экан. У билимдон, оқил ва боббрў одам бўлиб, фақат табибчилик билан кун кечираркан. Адаб Илемоил бир куни бозорни айланаб юриб акоёнбу гаройиб бир ҳодисанинг гувоҳи бўлибди. Қассоб қўйининг терисини шилгач, кормини ёраётуб, қўйини қўйининг ичига тикиб бир кесим ичагини олиб еб турган экан. Адаб Илемоил қассобхона рўнарасидаги атторчиллик дўконига борди ва атторга «бордю ҳў анови қассобининг қазоси стиб ўлиб қоладиган бўлса, у ўтмай турвоб менга хабар қиласангиз», деб илтимос қилиди. Орадан бени-олти кун ўтар-ўтмас қассоб кечаси тасодифан ўлиб қолибди. Ҳалиги аттор тамом бозор ахлига қўшилиб қассобининг таъзиясига борди. Таъзияга йигилгандарининг ҳаммаси марҳумнинг серфарзандиги, ўзининг эса ҳали ёни эканлигини айтиб кўн кўйинар эдилар. Шу найн адаб Илемоилиниг илтимоси атторнинг ёнига тушиди, уининг уйига чониб бориб воқеадан уни хабардор қилиди.

— Не, у ўлиб қолдими? — деб афсусланди адаб Илемоил ва ҳассасини олиб атторнинг олдига тушиди. Қассобининг уйига келгач, тобут ёнига бориб, майтининг юзидаи ёнини олиб ташлади, қўлидан тутиб томир уришини текшириди, сўнг ёнида турган бақувват ёни йигитга ҳассасини бериб мурданинг товоғига қаттиқ-қаттиқ уришини буюреди. Мазълум вақт ўтгандан кейин: «Бас қиз!» — деб буюрди ва қассобининг мияга қон қўйилиши (аполекция) касалидан ўлишига бир баҳя қолганинги аниқлади. Сўнг уни бирмунча вақт даволақ бёққа тургизди. Лекин қассоб, барибир, фалаҳ бўлиб қолди. Шундай бўлса ҳам у бирмунча вақт умр кўрди.

Шундан кейин адаб Илемоилиниг шуҳрати яна ҳам ортди. Бундан руҳонийларнинг бир қисми, хусусан шайхулислом хожа Абдулло Аисорий газабга келдилар ва адаб Илемоилиниг барча китобларини Чорсудаги майдонига тўплатдириб ёқдириб юборди.

Орадан кўп вақт ўтмай шайхулисломнинг ўзи оғир дардга чалиниб қолди. Уци тинимсиз ҳиқичноқ тутиб

ўладиган бир аҳволга түшиб қолди. Табиблар кўп уриндилар, лекин бари бир даволоммадилар. Шундан кейин бир идишга унинг пешобини олиб адид Исмоилиниг уйига бордилар, «ёрдам қилинг», деб қўи ёлвордилар. Лекин бемор шайхулисломининг ўзи эканлигини ундан ишиҳон тутдилар.

Адид Исмоил пешобни яхшилаб текшириб, бемор шайхулислом эканлиги, у бир неча куидирки хизичоқ тутиб ўлай деб қолғанилиги, ҳеч ким унинг дардига даво тополмаганилигини айтди ва уларга: «шайхулислом жанобларига айтиб қўйинглар, ииста магизини майдалаб асқар қандига қўшиб истеъмол қиласинлар, тез орада согайиб кетадилар. Ва яна айтиб қўйингларки, бундан кейин зинҳор катоб куйдирмасинлар», деб тайинлади.



АБУ ҲОМИД ГАЗЗОЛИЙ

ИСИҲАТ УЛ-МУЛУК

Ҳикоятлар

ҚУДА-АНДА ТУТИНИНГЛАР

Нуширвони Одил замонида бир одам қўниисининг ховлисини сотиб олди. Куйлардан бир куни ер чопаётib дараҳт ёнидан бир кўзада хазина топиб олди. Ҳовли сотган одамнинг ҳузурига бориб кўзани унинг олдига қўйди ва деди:

— Дараҳт ёнидан мана шу хазинани топиб олдим. Уни мен кўммаганман. Уни сен кўмган бўлишинг керак. Шунинг учун у сеники, олақол!

— Йўқ,— деди ҳовли сотган одам,— ҳовлини ери ва дараҳтлари, умуман бор-йўғи билан қўшиб сенга сотганман. Хазина ҳам энди сеники.

Узоқ тортишиб, охири Нуширвони Одилнинг ҳузурига бордилар. У воқеани суриштириб бўлгач, арз-ҳол билан келган икки одамга мурожаат қилди:

— Сизларнинг фарзандларигиз бордир?

— Бор,— дедилар улар.— Бирининг ўғли, иккинчисининг қизи бор экан.

— Унда,— деди Нуширвони Одил,— қуда-андада тутининглар, хазинани эса куёв билан келинга совға қилинглар.

Бузуржмекердан «Подшоликниң құдрати нимада?» — деб сүрадилар.

— Подшоликниң құдрати бен нарсада, — деди у сүровчига. — Бириңчиси — инсифли бұлыш; иккинчиси — дүйнамандаған ҳамма вақт өзінің бүліб туриң; үчинчиси — олимлар ва фазл әгаларининг хурмат-эътибориниң ўрнега олымлар да жаңынан қорғап көрді; үшінчиси — құйиши; түртінчиси — әл-юртни обод тутини; бешинчиси — раиятнинг ҳол-ақвоздаң хабар олиб туриң.

ПОДШОЛИКНИҢ ҚҰДРАТИ НИМАДА?

Хакимлар ҳукмдорлардан узокроқ юрин зарур, деб айтқандар. Буининг сабабиниң сұраган әділар, дебди:

— Ҳукмдорниң атрофида юрган кининг катта айблари кичик бўлиб кўринади, боңқа одамдан содир бўлган кичик бир гуноҳ катта бўлиб кўринади.

ҲУКМДОРЛАРДАН УЗОҚРОҚ ЮРГАН МАЪҚУЛ?

Яздижардининг Шахриёр исемли ўи уч янар ўтғын отасининг қошина келди ва уни холи тошиб: «Фалон исемли ҳожибни ўттиз дарра уриб даргоҳдан құвла, ўрнега фалон кинини тайнила!» — деб талаб қылди. Бу талабиниң бажо келтирди.

Шахриёр бир күн саҳарда яна даргоҳга келди, лекин уннинг тавсияси билан сарой хизматига отынган одам уни подшохниң ҳузурига кириптади. Устига устак Гуломга: «Уни олтмиши дарра ур!» — деб амр қылди. «Нега олтмиши дарра? Қайси гуноҳларим учун?» — деб фарёд күтарған эди, саройбон жавоб қылди:

— Ўттиз дарра ҳалиги сен калтаклағтаң ҳожиб учун, ўттистана беодблигинг учун.

КҮНГИЛ ИХТИЕРИ

Искандар Зулқарнайниң олдига бир ўгрини тутиб келтирдилар. Искандар «уни дархол дорға осинглар», деб буюрди. Ўгри ўзини подшохниң оёқларига отди, ялиниб-ёлворди:

— Подшоий олам! Күнгил ихтиёри билан қылмадим

бу ўғирликни, мени кечириңг. Буидан кейин асло бу хунарни қылмасликка біт ичамай.

— Бўлмаса дор остига ҳам кўнгли ризолигисиз келган экансен-да?! — деди Искандар ўгрига.

АДЛУ ИНСОФ МЕЗОНИ

Бир куни Абдулла Тоҳир отасидан: «Давлат сиз ва сизнинг автөдигиз қўлида неча вақт туради?» — деб сўраб қолди.

— Адлу инсоф тугагуича! — деб жавоб берди отаси.

ҲАР КИМ БИЛГАНИНИ ҚИЛАДИ

Подшохниң бир неча вазири бор эди. Улардан бири камолотта етинган ва зийрак одам эди. Исеми Исмоил Альёз. Подшоҳ унга кўпроқ инсонар ва унга суюниб қолган эди. Шу сабабдан бошқа вазирлар уни кўролмай қолдилар ва подшоҳа кириб уннинг устидан гийбат қила боиладилар. Охири подшоҳ ҳамма вазирларни ҳузурига тўйлади.

Исмоил Альёз деди: «Мени шаҳаншоҳга гийбат қилиб юриб сезилар, қани айтинглар-чи, қайсан бирингиз унга бирон сатр нарса ёзиб беринга қодирсиз?»

Улар бу ҳусуседа ожиз әдилар бирон нарса дейолмадилар.

Подшоҳ деди: «Исмоил-ку бир эмас, кўп нарсалар ёзди, лекин сенлардан иғво ва гийбатдан бошқа нарса кўрмадик.»

— Ҳар ким ўзи билганини қиласида, шаҳаншоҳ! — деди гийбатни вазирлардан бири.

ХУСРАВИ ПАРВЕЗ ВА БАЛИҚЧИ

Хусрави Парвез таомлар орасида балиқни хуш кўраркан. Күнлардан бир куни у суюкли хотини Ширин билан чорбоғларидан бирида ўлтирган пайтда ҳузурига балиқчи кириб келди ва катта лаққани уннинг олдига кўйди. Хусрави Парвез балиқни кўриб хурсанд бўлди ва хазиначини чақиртириб: «тўрт минг дирҳам берисб юбор», деб буюрди. Балиқчи пулини олиб, ҳали чорбоғдан чиқмаган ҳам эди Ширин эрига қараб:

— Унга шунча нул ишъом этиб яхши қизмадинг,—
деб қолди.

— Нега? — таажикубланди подио.

Ширии жавоб берди:

— Бундан кейин бирон хизматкорга қандайдир хиз-
мати учун шунча оқча ишъом қилгудаё бўлсанг, «подио
мени балиқчи қатори кўрди», деб айтади, бордию ундан
кам бергудай бўлсанг, «мени балиқчи қатори ҳам кўрма-
ди», деб ўқинини мумкин.

— Рост айтасан,— деди подио бошни қаниб,— лекин
энди вақт ўтди. Аҳддан қайтии яхши эмас.

Ширии бўши келмади ва эрига деди:

— Бунииг чораси бор. Балиқчини йўлидан қайтар ва
ундан «мана бу балиғига эркакмиди ёки модамиди?»—
деб сўра. Агар «эркак» деса, менга модасини келтир!—
дегин. Бордию «мода эди», деса — эркагини келтир! —
деб турниб ол.


Хусрави Парвез Шириининг ақлига тасанио деди ва
балиқчини йўлидан қайтартириб келди. Лекин у ақли
ва зийрак садам эди. Подио: «Олиб келган балиғига эр-
какмиди ёки модамиди?»— деб сўрагати эди, у «хупаса
эди», — деб жавоб берди. Подио балиқчининг ақлу фароса-
тига ҳам қойил қояди ва хазиначини чақиртириб балиқ-
чига яна тўрт минг дирҳам беришини буюрди. Балиқчи
ундан нулини олиб, ҳамёнига урди ва чорбэг дарвозаси
сари йўл олди. Дарвозага борганди бир дирҳам оқча
ҳамёнидан тушиб кетди. Балиқчи уни дарҳол олиб енг
учи билан артди ва кўзларига суртиб ҳамёнига солди.
Подио ва хотини уни кузатиб турган экайлар, балиқчи-
нинг бу ишидан таажикубландилар. Ширии эрига маъно-
дор қараб қўйди ва деди:

— У ўта очкўз одам экан, битта балиқ учун саккиз
минг дирҳамии олибди-ю, ҳамёнидан тушиган бир дир-
ҳамии ҳам кўзи қиймай, ялаб-ясқаб киссасига урди.

Балиқчининг бу ишидан Хусрави Парвезининг ҳам
аҷчиғи чиқди ва хотинига қараб: «Тўғри айтдинг, у
ҳақиқатан ҳам ўтакетган очкўз одам экан», деди ва балиқ-
чини чакиртириб келиб уни итобга олди:

— Битта балиқда саккиз минг дирҳамии олдинг.
Очкўзликниң ҳам чегараси бёр. Тумшиб қолган бир дир-
ҳамга ҳам кўз олатирганинг нимаски? Ивооф борми ўзи
сенда!

Балиқчи подионинг вакоҳатиниен чўтимади ва ваз-
мийлик билан жавоб қиради:



— Подшоҳимизнинг азиз умрлари узун бўлғай! Бунинг сабаби шулки, ўша дирҳамнинг бир тарафида подшонинг муқадас сиймоси таевирланган, орқа тарафида эса унинг муборак иемлари ёланган экан. У оёқ ости бўлгудай бўйса гунохга ботмай, деб уни ердан авайлаб олиб киссанга солдим.

Подио балиқчанинг садоқатидан мамнун бўлди ва хазиначини чақиришиб «унга яна тўрт минг дирҳам бериб юбор!» — деб буюрди.

ШИМАКИ ЭКСАНГ, ШУНИ ҲРАСАН!

Бухоро шаҳрида бир менкобчи ўтган экан. У қарийб ўттиз йилдан бери бир ўзига тўқ заргарининг уйига сув таниб тириклик ўтказаркан. У бир куни чонгоҳда заргарининг уйига сув олиб келди. Шу найт заргарининг хотини (у ўта хусндор ва оқила аёл экан) дарвозахонани сунураётган экан. Мешкобчининг кўзи ногаҳон гаргарининг хотинига тушиди ва унда кутилмаган бир ҳиссият найдо бўлди. Менини ерга кўйди-ю, чониб бориб ўша аёлнинг қўлларидан тутиб ўнг бетидан бир бўса олди, сўнг ҳеч нарсага қарамай кўчага қараб чонди.

Заргар қон қорайгаんだ уйига қайтди. Кечки овқатдан кейин хотин эридан сўради.

— Сен бугун худога ёқмайдиган нима иш қилдинг?

Заргар «бир ниманинг исини пайқадими экан», деб хотинида шубҳаланди ва бор ганин шартта айтди-кўйди:

— Чонгоҳда бир аёл дўконим олдида тўхтади ва: «Дурустроқ зирақ тонилмайдими?» — деб сўраб қолди. Мен ёқут кўзли бир тиала зирақни уига узатдим. Аёлнинг овози майни ва қўллари кўп чиройли экан. Ихтиёrimни йўқотдим ва унинг қўлларидан тутиб бир ўниб олдим. Шундан бошқа гуноҳ иш қилганим йўқ.

Заргарининг хотини мийигизда кулди ва деди:

— Э, парвардигори олам! Бугун иккаламиз ҳам худога хуш келмайдиган бир хил гуноҳ иш қилиб қўйибмиз. Бугун чошгоҳда одатдагидай мешкобчи сув олиб келди, лекин кутилмаган хунук бир воқеа юз берди. Ўттиз йилдан бери ҳалол хизмат қилиб, бирори марта зино ишга қўя урмаган одам бугун менини кўйди-ю, қўзларимга тикилди, сўнг қўлимдан тутиб «чўп» этиб ўниб олди.

Заргарининг аччиги чиқди, лекин хотинини қаттиқ суйганидан жаҳлини босди, ўзининг қилминидан ҳам


бир қадар пушаймон бўлди. Эр-хотин бир вақтларгача индамай ўтиришиди, сўнг яна гаплашиб кетдилар-у, лекин менкобчи хусусида бир нима демадилар.


Эртаси куни менкобчи яна заргарникига сув олиб келди ва аёлнинг оёғига йиқилиб тавба-тазарру қиласди, сўнг деди:

— Э, карами кенг соҳиба! Мен қулинигни кечир! Кечаки менин шайтон йўлдан оздирибди, йўқса буидай зино ишга аслло кўз урмаган бўлардим.

Лёй хафа кўринмаади. Меникобчига тасалли берди:

— Сенда ҳеч қанақа айб йўқ. Маълум бўлинича шайтон сени эмас, балки менинг эримни йўлдан урган экан.





МУХАММАД АВФИЙ

ЖОМИЙ УЛ-ХИКОЯТ

Хикоятлар

СОЯДОШЛАР

Халифа Маъмун қози Яҳъё ибн Аксам билан бирга бөг томошасига борди. Халифа боққа бораётганларида қозининг сөясида бўлди, қайтишда эса офтоб тарафда боришини ихтиёр қилди.

— Бу сафар соя тараф сеники бўлсин, аке ҳолда адлу инсофга зид иш бўлади,— деди халифа.

— Кўп йиллардан бери мен сизнинг лутфу қарамингиз сөясидаман. Бир соат офтобда қолсам нима бўпти? — деб кўнмади қози.

Халифа унга офаринлар ўқиди, лекин барibir айтганини қилди. Бу гал у офтоб тарафда борди.

ОДОВНИ КИМДАН ҮРГАНИШ КЕРАК?

Тўқайдада ўта йиртқич бир шер маскан қурибди. Бўри билан тулки эртаю кеч унинг хизматида эканлар. Кунлардан бир куни шер бир жониворни ўлдириб, бўрига «қаин, буни ўртада тақсимла!» — деб буюрибди. Бўри ўлкани учқисмга бўлибди ва бир қисмини шернинг, ишқинчини

тулкининг олдига ўйибди; учқисини эса ўзига олибди. Бўндан шернинг фигони чиқиб, ўз улушкини ҳам бўрининг олдига отибди. Бўри кўрқсанидан дирр-дирр титраб, нима қиласиги билмай қолибди. Шер тулкига «ўлжани еси бошикада тақсим қит!» — деб буюрибди. Тулки ўйлаб ҳам ўтирумай, ҳар уччале бўлакни олиб шернинг олдига ўйибди. Шер тулкининг фаресати ва одобига қойил қолди.

— Сен буника әдебии кимдан ўргангансан? — деб сўрали шер гулчизан.

— Шер билан бўредан,— деб жавоб қизди тулки.

ХАЛИФАНИНГ ТУШИ

Бир куни Ҳорун ар-Рашидининг тушида тинлари битта ҳам қолмай тушиб кетибди. Эрталаб фолбинин чақиртириб буният таъбирини сўраса, у:

— Ўлуг халифамизниг умрлари узун бўлгай, лекин ижин орада қариндош-уругларнингиз битта ҳам қолмай ўлиб кетадилар,— дебди.

Халифанинг жаҳҳали чиқиб: «уни юз дарра уринглар!» — деб буюрибди. Сўнг бошқа фолбини чақиртириб тушининг таъбирини сўрабди.

— Тушда кўргачларнинг шунга ишораки,— дебди фолбин тавозе билан, халифамизниаг умрлари узоқ бўлгай, сизнинг сояйи давлатигизда қариндош-уругларнингиздан боинча барча смонлик топгай.

Ҳорун ар-Рашид хурсанд бўлибди ва фолбинига юз динор мукофот берибди.

ДАРВИШЛАР ОДОВИ

Машойихлар жумласидан бўлган Ҳусайн Антокий мана бўларни ҳикоя қиласди: кунлардан бир куни кечқурун бронлардан ўттиз-кирқ ниши билан сухбатлашиб ўлтирган эдик. Ўртэда фақат битта кечимиз бор эди, холос. Ноин майдада-майдада бурдалаб дастурхонга қўйдик. Сўнг «ҳар ким торгинмасдан истаганича олиб есин», деб чироқни ўтириб қўйдик. Орадан бир мунча вакът ўтгач, чироқни ёқдик. Қарасак, ким дастурхонга қўл урмабди.

Бир куни подио вазиридан сўради:

— Жўонмардликнинг аломати нечта?

— Учта,— деб жавоб берди вазир,— биринчиси — хилоф иш тутмаслик ва вафдорлик; иккинчиси — иккимай ташаккур айта билини; ва, ишоят, учинчиси — сўраб-суринитириб ўтирмай эҳсон берини.

Подио сўровда давом этди:

— Жўонмард одамнинг ўзи қанақа бўлади?

— Танимаган одамга ҳам мол баҳинида эта олади, зероки танини одамга моз бергудай бўлса, бу икки нарсадан холи бўймас. Биринчиси — инфқатдан, иккинчиси — риёкорликдан. Жўонмардликнинг олий даражаси шуки,— деди вазир сўзида давом этиб,— кини ўзини шу икки нарсадан торта билади.

ОҚИВАТЛИ ҚЎШНИ

Абдураҳмон Авзодий арафа куни кечқурун уйда эди. Кимдир ховли энингини қоқди. Чиқиб қараса қўшиниси экан. У камбага ва сербола одам эди. Мўлтираб ялиниб-ёлаворди:

— Э, ҳожа, мана эртага ҳайит. Лекин киссамда қора чақа ҳам йўқ. Бир оз нул бериб туролмайсизми?

— Қани суринитириб кўрайтик-чи,— деди у қўшинисига ва дарвозани ёнимай ўйга қайтиб кирди ва хотини билан маслаҳатланди. Хотини: «Бор-йўғи йигирма беш дирҳам оқчамиз бор, бир қисмини майли қўшинига берайлик, қолган қисмини эртага ўзимиз ҳайтилик қиласайлик», деди.

— Йўқ! — деди у хотинига,— қўшинига оқчанинг ҳаммасини берайлик, шундай қислек савобиниг бир қисми барибир бизга тегади.

БАШАРАНГ ҚИЙШИҚ БЎЛСА ОЙНАДАН ҮПКАЛАМА

Султон Маҳмуд Газнавий бир куни намоздан туриб тўгри ойна ёнига борди. Ойнада ўз аксини кўриб, хунуклигидан ранжиди. Сўиг бош вазир ҳожа Аҳмадга арз-ҳол қилди:

— Ойшага қараган эдим ҳуси-жамолимни ўзимга му-



носиб кўрмадим, ахир ҳусн-жамол дўстларимнинг кўпайиши, тахту бахтим учун керак бўларди.

— Халқ сизни дўст тутишини истасаңгиз— деб жавоб қилиди вазир,— олтинини дўст тутманг. Салтанатнинг устуворлиги ҳусн билан эмас, олтин биландир.

МЕХМОНДЎСТ БАДАВИЙ ВА ОЧКЎЗ ХАЛИФА

Кунлардан бир куни халифа Маҳдий овга чиқди. Улжалани қувиб кетиб, одамларидан бирмунича узоқланди. Мулозимлар ва аскар уни кўп қидирдилар, лекин тоғламадилар.

Халифага келсан, у кўп йўл юриб бир вақт бадавийнинг ҷодири олдидан чиқиб қолди. Ниҳоятда оч эди. Бунинг устига куни ҳам иссиқ эди. Бадавийга мурожаат қилди:

— Э, меҳмондўст бадавий! Қани азиз меҳмонни кутиб ол!

— Бош устига,— деди бадавий,— ўлтири, боримни олиб чиқаман, лекин айбга буюрмайсан.

— Майли,— деди Маҳдий,— ниманг бўлса олиб чиқавер.

Бадавий бир парча нишюқ билан қаттиқ ион олиб чиқиб меҳмоннинг олдига кўйди.

Меҳмон буларни еб олиб, деди:

— Пишлогинг оз, ионинг кўп қаттиқ экан. Яна ниманг бор?

Бадавийнинг бисотида бир кўза шароби бор эди, олиб чиқиб унинг олдига кўйди. Меҳмон шаробдан бир коса қўйиб ичди, сўнг лабларини пеши билан артиб бадавийга мурожаат қилди:

— Мени таниётиссанми?

— Йўқ,— деб жавоб берди бадавий.

— Мен,— деди меҳмон,— халифа Маҳдийнинг хос мулозимларидан бўламан.

— Балким шундайдир,— деди бадавий.

Меҳмон яна бир коса шароб қўйиб ичди, сўнг бадавийдан сўради:

— Ҳақиқатан ҳам мени танимайсанми?

— Йўқ, танимайман,— деди бадавий.

— Мен халифа Маҳдийнинг синоҳсолори бўламан, — деди меҳмон.

— Балким шундайдир,— деб қўя қолди бадавий. Меҳмон яна бир косани тўлатиб ичди, сўнг яна ўша саволни қайтарди.

— Нима қиз дейсан? — деди бадавий тоқати тоқ бўлиб.

— Мен халифа Маҳдий бўламан,— деди ширакайф бўлиб қолган меҳмон кўкрагига мушилгаб.

Бадавий кўзани унинг кўлидан тортиб олди ва оғзини маҳкамлаб бир четга олиб кўйди. Сўнг деди:

— Е, Аллоҳ! Бонда халифанинг хос мулозими-май деб ичдинг, кейин синоҳсоларман, деб яна ичдинг. Ўади бўлса халифаликка даво қилиянсан. Бордию яна бир коса ичгудай бўлсанг, балки иайгамбарлик даво қилассан?

ГУЛОМБАЧЧАНИНГ ОДАМИЙЛИГИ

Бир куни бир тўда йигит бир мўътабар одамнинг уйига меҳмон бўлиб боришиди.

Мезбои меҳмонларни ўтқизиб, ғуломбаччани чақирди ва баланд овоз билан «суфрани олиб чиқ!» — деб буюорди, лекин меҳмонларга сөздирмай унга чап кўзини сал қисиб кўйди.

Гуломбачча ичкарига кирганича ҳаяллаб кетди. Мезбои эса меҳмонлар олдида бироз хижолат чекди. Тахминан бир соатлардан кейин гуломбачча суфрани олиб чиқди.

Хожа гуломбаччага ўшқирди:

— Нега шуича йўқолиб кетдинг!?

— Банда суфрани олиб очсан,— деди гуломбачча, — чумоли босиб ётган экан. Уни шу алпозда меҳмон олдига олиб чиқсан одобдан бўлмас, дедим. Яна ионини бечора ионхўрлардан тортиб олишини муруватсизлик деб билдиш ва чумолилар суфрани бўшатиб чиқиб кетгунила-рича кутдим.

Меҳмонлардан бири деди:

— Тангри таоло суфрага барака ато қилсин, чунки у шунча чумолига таом берибди.

ПОДШОЛИКНИНГ ИНҚИРОЗИ НИМАДАН?

Абдулла Тоҳирдан ўғли сўрабди:

— Подшоликнинг инқирозига нима сабаб бўлди?
— Қечаларни тинмай шароб ичдик; илк сахардан қоп

қорайғуича намоздан бош күтармадик; ўзимиз машгул бўлмай, давлат инсларини иномуносиб одамларининг қўлига тоинириб қўйдик,— деди Абдулла Тохир.

ГОЙИБДАН КЕЛГАН БАХТ

Бағдодлик бир йигитга отасидан кatta мол-мулк қолди. Йекин тез орада уни сарфлаб битирди. Кўн ўтмай оғир аҳволатга туниб қолди. Бир мунича вақт нима қилинини билмай юрди. Охири *Дажла* бўйига борди ва ўзини гарқ қўимоқ мақсадида сувга отди. Шу нийт дарё ўргасида бир қайиқ турган эди. Қайиқни уни сувдан тортиб олди.

— Қаёққа бормоқчи эдинг? — деб сўради ундан қайиқчи.

— Қаёққа боринимин ҳам билмайман, қаёқдан келайтганимни ҳам,— жавоб қизди йигитча.

Қайиқни мулоҳазаллик одам эди. Бир оз ўйлаб кўриб, ўз-ўзига деди: «Бу йигит ё мақкор, ё мол-дуиёсидан айраган, ёки биронтани яхини кўриб қолга бўлса керак». Сўнг деди:

— Э, йигит! Ҳол-аҳволингни сўзлаб бер.

Йигитча мол-мулқидан ажраб, эди қўли киска бўлиб қолганини айтди.

— Бардам бўл,— деди уни юнатиб қайиқчи,— сени Дақланинг нариги қирғогига олиб бориб қўяман. У ёғи таңгри-таоло иннигни ўтлаб юборса ажаб эмас.

Шу тариқа қайиқни уни дарёнинг нариги соҳилига олиб бориб қўйди. У шаҳарга қараб ўйлаб туниди ва бир вақт масжиди жомиъ олдидаи чиқиб қолди. Бу ерга тумонат одам йигилган экан. Йигитча ўзини масжид ичкарисига урди. Ҳалиқ халифанинг ҳарамидағиттардан бирини сарой хизматчисига никоҳ қилиши муносабати билан тўйлашган экан. Никоҳ маросими тутагандан сўнг ходимлар ўртага чиқиб, олдинги қаторда ўлтирганларга бир товоқдан зар қўйиб чиқишиди. Товоқларга мунику айбар сенилган эди. Лекин йигитчани ҳеч ким ёдга ҳам олмади. Ходимлардан бири бу аҳволни халифага бориб айтди:

— Имомлар ва фозия кинилар орасида тўй ҳадисига муносиб бир йигитча ўлтирибди.

— Нима, унинг исеми рўйхатга киритилмаган эканими? — деб сўради Маъмун.

— Ҳа,— деди ходим,— киритилмаган экан, чунки рўйхат тўлиб қолган экан.

— Қани ундан сўраб кўринглар-чи,— деди Маъмун ходимга,— подио ва халифаларининг ҳарамига чақирилмаган одамнинг кирини мумкин эмаслигини билармикан?

Йигитча ўна ходимга деди:

— Йўқ ёшитмаганман. Илгари бунаقا ишни қилмагани ҳам.

Маъмун уни хузурига чақириб деди:

— Сени бу ерга чақиришибдими эдилар?

— Йўқ, ана уларни чақирингандар,— деди у ҳадидан баҳраманд бўлиб ўтирганлари кўрсатиб.

— Бизнинг ходимларимизни назарда тутаётисами? — деб сўради халифа.

— Ҳа, сенинг ходимларини назарда тутаётиман,— деди йигитча,— ҳарамингга кирини менга ҳам насиб бўлган экан, келиб қолдим.

Йигитчанинг дадиллиги ва соғдилиги халифага хуш кезди.

— Бу йигитни ҳам хос меҳмонлар рўйхатига тиркаб қўйинлар,— деб буюрди у ходимига.

КАРРУХЛИК ДАЛЛОЛ

Каррухлик бир даллом мана буларни хикоя қиласи: Менга таиш бир савдогар ҳар йили Хурсоңга келиб кўн матоларни Бағдодга олиб кетарди. Мен бўлсан у олиб келган матоларни нуллаб, керак молларни олиб берардим ва бунинг орқасидан бир қашш ишламай еб ётса етадиган даромад ортириб олардим. Кейинги йил у нимагадир келолмади. Бунинг оқибатида тирикчилигимга путур етди. Аҳволим оғирлашди. Уйда ўтириб қолдим. Бир куни кўчага чиқдим ва бошим оққан тарафга қараб ўйл олдим. Кун ишҳоятда иссиқ эди. Дақланинг бўйига бордим ва бир соатлар чамаси кездим. Қайтишда дарёнинг қирғоги бўйлаб юрдим. У ер қумлоқ экан. Бир вақт бир оёғим қумга кириб кетди. Оёғимга бир нарса илингандай бўлди. Оёғимни қийинчилик билан тортиб олдим. Қарасам паникам орасига бир нима илашиб чиқиби. Уни олдим. Қарасам ичи тўла зар бир халта экан. Шошиб уйга бордим ва анил-тапил халтани очдим. Ичидан минг динор оқча чиқди. Ўз-ўзимга дедим: «Фақиру камбагаллигим ўзимга маълум. Бу олтинларни

яхшиси сарф қўлмай, яшориб қўйман. Эгаси тошилгудай бўлса қўлига тоширамай, йўқсан...» Орадан етти йил ўтди. Эгаси тошилмази. Шундан кейин олтинарни сармоя қилиб бойиб ҳам олдим. Сармоям юз минг динордан онниб кетди. Кўнлардан бир куни дўкон оидида ўлтирган эдим. Кўришинидан гарип, лекин бамаъни бер оадам салимдан ўтиб қолди. Утаётib қаршимда тўхтади ва менга салом берди. Садақа тилаётган бўлса керак, деб ўйладим ва бирон нарса ҳади қўлмекчи бўлдим. У менга яна бир бор тикилиб қарати-ю, йўлида да-вом этди. Юрагим дукилаб ура боилади. дилим «тезроқ бўл, унин орқасидан бўр!» — деб бузорди. Унилг иетидан бордим, тўхтатдим. Диққат-эътибор билан қарасам ҳалиги мен үндан кўп наф кўрсан бағдодлик савдогар экан. Уни бағримга боғдим, юзгоридаи ўниб, дарҳоя ҳаммомга олиб бордим ва ювиб-тараб, кийим-кечагини алмаштиридим. Сўнг қорини тўйғазиб ҳол-аҳвол сўредим.

У менга мача буларни хизоя қилиди; кўп йил юртма-юрт кездим. Бир куни вилоят ҳокими мени чакиртириб деди: «Бир дона қимматбаҳо ёқутим бор. Уига ҳеч ким, ҳатто ҳалифанинг ҳам кути етмайди. Уни бераман. Бағдодга олиб бориб пулла, шулига эса керакли мол сотиб олиб қайт». Уша ёқутни олиб ҳамён ичига маҳкам қилиб тикдим, устига эса минг динор оқча ташлаб қўйдим. Бағдолга келдим. Жазирама иссиқ эди. Дақлага бориб чўмилдим. Лекин, минг афсус, ҳамёни дарё бўйида унтиб колдирибман. Орадан бир соат чамаси вақт ўтиб қарасам ҳамён йўқ. Шошиб дарё бўйига қайтиб бордим. Кўп қидирдим, лекин уни тополмадим. Шундан кейин ўз-ўзимга дедим: «Ёқутнинг баҳоси ётиб борса уч минг динордир. Бор-йўғимни сотиб, пулни ёқут эгасига тошираман». Юртимга қайтиб келганим ҳамоно ҳокимнинг хузурига бордим ва бўлган ганин унга айтдим: Бағдоддан олиб келган молларимдан истаганини бердим. Лекин у бир ганида туриб олди.

— Ёқутнинг баҳоси эллик минг динор турари. Ё эллик, минг динор тўла, бўлмаса ёқутни қайтариб бер,—деди у.

Шу ондаёқ мени қамаб қўйди. мол-мулқимни ҳам тортиб олди. Шу тариқа етти йил қамоқда ётдим. Шаҳар ула-моларининг изифиълиги билангина мени қамоқдан озод қиздилар. Лекин, барibir, дўсту дувоманинг маломатига чида буролмадим ва шаҳардан чиқиб чётнинг маижбур бўлдим. Йирдан-бир тилагим сенинг учратни еди, мана, худога шукр, нуродимга ҳам етаем.

— Тирикчилик хусусида кенгашиб олсан,— дедим мен унга.

У таклифимни маъқуллади.

— Таңгри таоло,— дедим мен унга.— сенинг соғ ёъти-кодиягини ёътиборга олиб, йўқотган мол-мулқимнинг бир килемини ўзингга қайтариб берадиган бўлади.

— Қанақасига? — таажжубланди у.

Бундан роин-роса етти йил муҳаадам,— дедим мен унга,— сен айтган ердан ҳалта тошиб олдим. У сен тасвири-лаган ўша ҳалтанинг ўзгинаси. Инида минг динор оқча бор экан. Уни омонат сифатида сақтаб қўйганини. Айни соатда ўша минг динор оқчанинг ёнимда, мана ол, маниз-тингга сарфла.

Минг динор оқчанинг унга санаб бердим.

— Ҳалтаси қани, у ҳам ёнигдами? — деб сўради у.

— Ҳа, ёнимда.

— Узат бўёқка.

Ҳалтани киссамдан чиқариб тутқаздим. Ҳалтани олиб-боқ ичини сўқди ва руммоний бир нарча ёқутни төшеб олди. Үндан тарқалган нурдан дўкон ичи би-ёруг бўлаб кетди. Ҳожа ёқутни қўриши билан хушидан кетди. Орадан бир соат вақт ўтиб, ўзига келди ва қўлларини очиб, таңгри таолонинг чексиз марҳаматига дуо қилиди. Ёқутни ҳамёнига солди-ю, лекин минг динор оқчанинг рўнарамга қўйиб: «буни олмайман», деб туриб олди. Кўни муболагдан кейин үндан фақат уч юз динорини олди, қолганини эса менга баҳшида қилиди.

УЧ ОҒА-ИНИ

Сарахслик Саъид ибн Наср деган одамнинг уч ўзиги бор экан. Бирининг исми Ави, инкинчисини — Суръат, учинчиси эса Иброҳим экан. Иброҳим жуда бадавлат, Алоҳи ҳам ундан қолишмас экан. Уларнинг ичида фекат Суръат, гоятда фақир ва камбагал экан. Бола-чақаси нўнгизб ҳоли ахволи бирмунича оғирлашгач, ўртанича оғаси Авига даръа сен изхор қилиди, ёрдам сўраб деди:

— Оғам Иброҳим ўзига тинч, бадавлат одал. Агар мени хизматга олиб, бегонага нимани раво кўреа ва менга инсон берса, рози бўлиб хизматини қизэрдим. Шу билан оғам омон тирикчилик ўтказгани бўлардим. Ави инсининг ахвалини Иброҳимга бориб айтди. Иброҳим ундан ўзига сенни қабул чиқди ва Сутамани хизматга олди. Суръат,

огасининг барча хизматларини жон-дили билан бақариб юрди.

Бир куни Ави халифа *Мутаваккилиниң* иойиби амир Юсуф билан учрашиб қолди. Гаш орасида амир Юсуф «Менга ҳалол бир хизматкор керак бўлиб қолди», деди.

— Менинг бирорининг омонатига хиёнат қилмайдиган бир иним бор,— деб икавоб қилди Ави.

— Узи,— деди амир Юсуф,— менинг ҳузуримга олиб бор!

Ави Суламани амир Юсуфининг ҳузурига олиб борди. Амир унга илтифот кўреатди ва кичик бир хизматга таъйинлади. Амир Юсуф оқчани аямай сарф қиласди; ҳисоб-китоб билан ҳам инни йўқ эди. Кўни ўтмай кирим-чиқим ишларини Суламанинг қўлига тоинириди. Натижада чиқим камайиб, кирим кўнайди. Шундан кейин амир Юсуфининг Суламага меҳри оиди ва мансабини юзори кўтарди.

Сулама шу тариқа кўни йиллар давомида амир Юсуфининг хизматини қиласди; омилкорлик намуналарини кўреатди. Амир Юсуфининг эса унга ишебатан иззат-хурмати ва эътиқоди тобора ортиб борди. Оқибатда Сулама ачча бадавлат бўлиб олди. Мартабаси яна ҳам оиди.

Кунлардан бир куни Мутаваккил амир Юсуф билан гапланиб ўтирганда унга маслаҳат солди:

— Фарзандларимниң келажагини ўйлаб қолдим. Уларга тегинили меросини белгилаб, бирори ишончли одамни мутассадди қилиб тайинлаб қўйсан, деган фикрга келдим.

Амир Юсуф ўриндан туриб қўл қовушириди:

— Қўзингизниң,— деди у халифага,— ҳалол ва ишончли бир одами бор.

Амир Юсуф унга Суламани таъриф-тавсифлади, сўнг уни Мутаваккилиниң хизматига олиб борди.

Мутаваккилиниң эзлиларини мафар ўғли ва эзлиларини бор эди. Ўғилларидан ҳар бирига уч юз минг дирҳамдан, ҳар бир қизига бир юз эзлиларини минг дирҳамдан мерос тайин қиласди. Уларниң хўжаликларини бошқариши ишини эса Суламага тошириди.

ҲАСАДЧИНИНГ ЖАЗОСИ

«Хулқ ул-исон» китобида буидай дейилган: бир ҳасадчи ўтгани экан. Унинг мўмин ва тақвадор қўшииси бор экан. Ҳасадчи уни кўролмас, лекин, нимагадир, унинг ҳасад

ўқи қўшиисини ишонга ололмас экан. Охири гуломини авраб-савраб ишга солди.

— Билиб қўй,— деди у бир куни гуломига,— қўшиим жонимга тегди. Унга бирори ишқаста етказани учун кўн уриндим, лекин иш чиқмади. Унинг дастидай хотиржамагимни йўқотдим. Турмуним турмунига ўхнамай қолди. Мени ўздириб унинг томига олиб чиқиб қўй. Эрталаб эса мени унинг ховлисида кўрадилар. Ана ўшанда у маломатга қолади. Молу женидан айрилади. Шу хизматини учун сени тамоман озод қиласман. Озод бўлганинг ҳакида хат ҳам қилиб бераман. Эзлил динор оқна ҳам оласан. Кейин бу шаҳарни тарқ этиб бошига шаҳардан маснави қизининг мумкини.

Гулом икавоб қиласди:

— Э, хожа! Ақллик одам бундай иш қиласмайди. Унга ҳасад қилиб нима орттирасан?

Лекин гуломининг гаплари унга кор қиласди. Шундан кейин жаҳли чиқиб хојасининг бошни шартта кесиб олди ва қўшиининг томига улоқтириди. Эртаси куни эса бу шаҳарни тарқ этиб Исфаҳонга қочиб кетди. Кўшиини эса қотилликда айблаб сultonининг одамлари ҳибста олдилар. Лекин кўни ўтмай яхни одамлариниң тафиззалиги билан озод этилди.

ҲАСАДНИНГ ОҚИВАТИ

Улуг бир подионининг Абу Тамам исемли фозил ва доно вазири бўлған экан. Подионинг яқин мулозимлари унга ҳасад қилиб, молу жонига қасад қиласдилар. Вазир ҳаёти ҳавф остида қолиб, бир куни кечаси пайт иойлаб мол-мулкидан кўтарганча олиб шаҳардан чиқиб қочди. Кўни йўл юриб *Олон* деган мамлакатга бориб қолди. Тег ёнбагрига чодир тикиб, ўша ерини макон қиласди. Бора-бора унга Олон мамлакатининг ҳавоси ёқиб қолди, зиятол сувлари хуни келди. Одамлари билан чиқишиб кетди. Кўни ўтмай Абу Тамамининг овозаси шаҳарга ҳам бориб етди. Ундан Олон подшеси хабар топди.

— Йортимиизда улуг бир зот пайдо бўлди,— деб хабар бердилар унга.

Подио Абу Тамамни саройга чақиртириди. Илгари подшолар хизматида кўп бўлгани учун чўчимади ва саройга борди. Олон подшоси уни яхни кутиб олди ва ҳол-ахвол суриншириди. Сўнг уни сарой хизматига таклиф қиласди.

Абу Тамамининг мақсади ҳам шу эди. Шунинг учун

Олси подшоининг тажағфини қабул қолди ва унинг хизматида қолди. Подшо унга турған-туман юмушлар буюриб, обрў-эътиборини юкори кўтари. Бора-бора у билан кенгашмай бирон иш тутмайдиган бўлиб қолди.

Бир куни Абу Тамам подшота арз қилид:

— Бечора бир одаммай. Сиз эса, ҳазрати олийлари, бандага ҳаддан ортиқ интифот кўрсатайтибсан. Бонқалар ҳасад қилиб, адовар тирдобида қолиб кетмасам, деб кўр-каман.

— Уларниңг сўзларига қулоқ солмагаймч, — деб жавоб қилид ишмо.

Абу Тамам хотиржам бўлди ва хизматида давом этди. Педши эса унга турған-туман навозинлар кўрсатди. Бир вакт саройца Мушайийир деган одам иайдо бўлди. Подшоининг тўрт вазири бўлиб, Мушайийир уларга бошлик экан. Мушайийир Абу Тамамга ҳасад қила бошлиди. Подшо бўлса тамом Абу Тамамниңг қўлига караб қолган эди. Буни кўриб Мушайийирниңг дуди фигони оламини тутди. Охири у вазирлар билан гапни бир ерга қўйиб, Абу Тамамни йикитишга қарор бердилар.

Туркистон хонининг гўзал ва қўшила бир қизи бор эди. Теварак-атроғининг подшолари унга одам қўйган, лекин мақсадига етишмаган, созвилари эса бошидан ажраган эдилар. Мушайийир ва унинг гумашталари бундан фойдаланиб қолмоқчи бўлишиди. Улар фурсат тониб подшога Туркистон хонининг қизидан гап очдилар. Бора-бора унинг қалбини ўша маликага ром қилдилар. Кўп ўтмай подшо ўши гўзал мәликасининг ишиқида савдои бўлиб қолди. Вазирларни чақиртириб бу хусусда кенгаш ўтказди.

— Бу матлубнинг рўёбга чиқиши ва ўша маҳбубанинг висолига етишининг тадбири қандай? — деб сўради подшо.

Вазирлар бир оғиздан дедилар:

— Туркистон хонининг ҳузурига совчилар юбориб қизини сўрлатинг, зора, рози бўлса. Ўйлаймизки, Туркистон хони Олон подшоси билан қуда бўлишдек шарафдан мамнин бўлур, гойибдан келган бу баҳти ганимат билиб, қизини беришга рози бўлур.

— Совчилика ким мунёсиб эрур. — деб сўрэдик подшо.

— Хеч ким Абу Тамамниңг олдига тушолмайди, — дедилар вазирлар бир оғиздан. — У подшоларицинг хизматида кўп бўлган, одоб ва муомала йўлини яхши билади.

Бу фикр подшога маъқуд тушибди. Абу Тахэмни чақиртириб унга ўз мақсадини зйтди. Абу Тамам таъзим қилиб деди:

— Жонимиз подшога фидо бўлгай. Шодимнинг амр-фармёнилари бош устига.

Подшонинг амри билан сафар эгар-жабдуллари хозирланди. Абу Тамамни кетта совга-саломлар билан Туркистон хонининг ҳузурига ижӯнатдилар.

Хон уни иззат икром билан кутуб оади, унинг шарафиға қатта ёнёфат берди. Зиёфатда унга ёнидан шой кўрсатди. Абу Тамам ўз почиёсининг совга-саломларини тоннирди, сўнг қуда-андамик хусусида сўз оғди.

— Менинг учун Олон подшоси билан қуда-андада тутишимидан кўра ортиқча баҳт борки, ўзи? — деди хон. — У узуг ишмо, мамлакати бепоён. Розиман Лекин бизнинг бар олатимиз бор. Эртага сахар билан бориб қизни ўз қўйининг билан кўр. Хўш ўзингга кенгаш. Бордаю шоҳинингга мунёсиб тоғсанг, сўнг фотиҳа қилиурмиз. Ёқмайдиган бўлса зоримиз бор, зўримиз йўқдир. Охири наломат за мушаймента ўрин бўлмасин.

Абу Тамам татэзим қилиб деди:

— Ул карима сизнинг цунити камарингииздан пайдо бўлган экан, демак у хон авлоди. Мен ўз подшоимга маҳраммал, сенинг ҳараминингга эмас. Шундай экан, унинг ҳузурига кириш у ёқда турсин, ҳатто деворининг соясага назар ташлаш ҳам гуноҳи азимдир.

Хон Абу Тамамниңг ақлу фаросати, ахлоқу одобига таҳсии ўқиди.

— Худога шукрки, подшоининг. унинг умри узун бўлсин, сендан одоблик хизматкорни тарбия қилибди. Сиримни сенга айтсан бўлади. Сендан аввазл келган созвилар менинг бу имтиҳонимдан, ўтиполмади. Маликани кўришига рози бўлишиб, бешларидан айрилдилар. Сенда бу қадар ҳурмат ва одоб намуналарини кўриб, англадимки подшоиниг ҳам ақлли одам экан.

Шундан кейин уламолар ва қозини чақиртириб малика билан Олон подшосининг никоҳига фотиҳа бердилар. Абу Тамам маликани Олонга олиб келди...

Подшо билан Абу Тамамниңг яқиниги яна ҳам ортди. Вазирлар буни кўриб саросимага тушдилар. Охири янги хийла-найрәнг ўйлаб топдилар. Подшонинг оёқларини узаловчи ижита турғуломи бор эди. Вазирлар уларни шыга солдилар. «Абу Тамам эслада Туркистон хонининг ғозига ўзи онин қўйиб қолган», деган гапни ўргатдилар. Гуломлар бир куни кечкурун подшонинг оёқларини узаб турив подшога шу ганини онинор қалдилар:

— Э, биродар! азиз. — деде гуломлардан бири шерি-

гига,— эшиитдингми, анови туз кўр қиласур Абу Тамам шоҳимизининг ҳақ-неъматига хиёнат қилибди. Яқинда бир одамга дебди: «агар Туркистон ҳокимииниг қизи мен билан дўстлашиб қолмаганди, ҳаргиз юртни ташлаб бу ерларга келмас эди?». Подио бу гапларни эшитиб газабланди ва ўз-ўзига мулоҳаза қилди: «Бордию бу гапларни мансабдорлардан эшиганинда ҳасадга йўйиб қўя қолардим. Гуломларнинг Абу Тамамга қандоқ гина-кудурати бўлиши мумкин?» Кечаси билан мижхона қоқмай изтироб чекди. Эрта билан Абу Тамами чакиритирди:

— Агар подио бирои кишининг бошни силаса, инъому эҳсон билан тарбият қилиб, мартағасини кўтарсаю, у бўлса хожасининг ҳақ-хуқуқига хиёнат қилиб, уни бадисм жавоб қилди Абу Тамам.

Подионинг амри билан Абу Тамами ўлдирдилар. Подионинг маликадан ҳам кўнгли совиб кетди. Унга боинка илтифот қилмай қўйди.

Лекин подио бир неча кундан кейин гаройиб бир воқеанинг устидан чиқиб қолди. Бир куни кечаси уйқуси қочиб ташқариға чиқди. Сарой атрофиини айланниб юриб ҳалиги икки турк гуломининг ётоқхонаси олдига бориб қолди. Ичкаридан овоз келарди. Улар бир халта зарни бўлишаётуб, жанжаллашиб қолишган эканлар. Улардан бирни деди:

— Ўша гапни подиога айтган мени бўламан. Шунинг учун олтининг катта қисми менга тегишили.

— Йўқ,— деди иккичиси,— қалъани олган ҳам, лашкарни йўқ қилган ҳам сен эмассан. Менга ўша бўхтон гапни айтиб не шараф ортдирдинг!?

Подио гуломларнинг мажаросини эшитиб, ҳамма нарсага тушунди. Эрталаб уларни ҳузурига чакиририб, таҳдид ва пўписа билан сўроқ қилди. Охири улар иқорор бўлишиди.

— Бу гапни бизга вазирлар ўргатган эди,— дедилар улар тавба-тазарруъ қилишиб.

МАҚТАНЧОҚНИНГ ҚИСМАТИ

Бир куни арининг кўзи зўр машаққат билан ишига дои судраб бораётган чумолига тушди. Таъмагирлиги тутиб унга деди:

— Э, чумоли! Ўзингни бу қадар азобга қўйинингдан муддао нима? Бу балони не сабабдан иктиёр қилдине? Менинг ҳаётим, емин-ичминимга қараб уни тутсанг бўймайдими? Подиолар дастурхонидаги ҳар қандай таом менисиз ейилмайди. Шамолни миниб учаман, истаган ерга қўнаман, наизамин ёнин жигарига санчаман. Хулас, нимани кўнглим тиласа шуну ейман.

Сўнг парвоз қилди ва тўғри қассобиниг дўконига бориб канорадаги осиб қўйилган гўнитга қўйди. Қассоб қўлида ничонини тутиб турган эди, уни мўликазига олди ва нимтабл танилади. Шу срда нойтаб турган чумолигтар эса уни судраб кетдилар.

ОЧКУЗ МУШУК

Мухаммад иби Аҳмад Бағдодийнинг мушиуги бор эди. Хар куни унга бир нарчадан гўнит бериб турарди. Бир куни мушиукни кабутархонада тутиб олдилар, сўйиб терисини шилдилар ва уни ўнга илиб кабутархона эшигига илиб қўйдилар. Шу найт фавқулодда Мухаммад иби Аҳмад Бағдодий кабутархона олдида ўтиб қолди ва мушиугини шу алфозда кўриб деди:

— Биз бериб турган бир нарча гўнитга қаноат қилганингда бу аҳволга тунмаган бўлардинг.

ОДОВСИЗ НАДИМ

Фазл иби Саҳднинг икки надими бор эди. Бирининг исми Наср иби Ҳорис, иккичисиники — Собит иби Ширвон. Улар бир кеча шароб базми авжига чиққан бир найтда Фазл иби Саҳддан таи тортмай бир-бираини мазах қилдилар, оҳири бир-бирлари билан аччиқланиб қолиниди. Наср иби Ҳорис Собит иби Ширвонининг салласини юлиб олиб ерга улоқтириди. Собит иби Ширвонининг шу қадар жаҳли чиқдикни, қизаруб-бўзаруб кетди.

Фазл иби Саҳл уни юнатмоқчи бўлиб, деди:

— Нега хафа бўлдинг? Қўй, аччиққа ҳай бериш керак.

— Сендан ҳам тап тортмай сув сениб юборса-ю, яна нега хафа бўлмайни? — деди күйиниб Собит иби Ширвон.

— Ўзингни бос,— деди Фазл иби Саҳл,— сенинг юзинигга сенилган ўша сув, менинг олдимга оқиб келди.

ОТЛА ТАКА ҚОҚИШАЕТГАНДА ТОШБАҚА ҲАМ...

лиф қилибди. Лекин айтилган вақтда борса уйида йўқ
экан! «Бозорга кетган», дейишибди. Орқасидан бозорга
борса, бир чақа устида одамлар билан можаро қилиб
турган экан. Буни кўриб учрашмасидан орқасига қайтибди
ва ўз-ўзига дебдики: «Бир чақа устида жон талашиб
ётган одам қанақасига бирониниг ҳожатини чиқариши
мумкин?»



МУЪИН ЖУВАЙНИЙ

НИГОРИСТОН

Ҳикоят

ҚАЛТИС ҲАЗИЛ

Бир куни тунда мухтарам бир зотин йўлда бир одам
орқасидан келиб туртиб ўтиб кетди. У чўчиб тушди.
Кисесасида анча-мунича дирҳамлари бор эди, бир қилемни
ҳамойилига яширди. Сўнг хизматкорига шамни ёқиб унинг
орқасидан кузатиб боришини буюрди. Бир вақт дўстини
таниб қолиб деди: «Башарти молимга қасд қилаётган бўл-
санг — мана дирҳамларим, душмандан ҳадик олиб ёрдам
тилаётган бўлсанг — мана шамширим, ё бўймаса, яхши
ходима керак бўлиб қолган бўлса — мана чўримин олақол!

Дўсти ундан узр сўрабди, муҳаббат ва эътимод юзаси-
дан ҳазиллашганини айтибди.

ҲИҚМАТЛАР

1. Қобилият эгасининг бошини силтамаслик — золим-
лик, истеъоди йўқин тарбиялаш — жоҳиллик.
2. Жоҳилининг бешта хислати бор: даргазаблик; бехуда
сўзлаш; манфаат кўзламай тортиқ қилмаслик; ортиқча
мақтаниш; дўст билан душманни фарқ қилмаслик.

3. Иzzат талаб бўйма — уятга қоласан; таом мазалик экан, деб кўи ема охирни заҳар таъминни тортасан.
4. Тўрт энгликининг қадрини тўрт тоифа билади: ёнилик қадрини — кече; саломаглик қадрини — бемор; хотир-жамлик қадрини — бечора; тириклик қадрини — ўлик.
5. Манеабдор мол тўплайди, окил — фазилат.
6. Олтигу кумуни жамгарияга майл қўйинишағининг нуқсонаидир.
7. Ҳар кимга саэр бера кўрма — дунё барчага баробардир.
8. Қаноат меваси — роҳат, камтаринлик меваси — муҳаббат.
9. Диёнатни дўстининг пафси ўлик бўлади, чунки ҳамсафари хусусида кўпроқ қайғурди.
10. Мувоғиғиник садафи муноғиғиниг хайриҳоҳлигидан дурустрок.
11. Душман билан ҳамсухбат бўлганингда ҳам ўзингни уйдан беланд тутма.
12. Дўстингдан жониниги ҳам аяма, душманинг билан муносабатда бўлганди азлу инсоф депрасидан чиқма.
13. Муттаҳам билан сұхбат кўрма, чунки у хўрмо донашарини тоға нарчалари уюлган ерга ташлайди.
14. Оқилинег қўре одам билан сұхбатда бўлиши жоқилининг айнишноратга муққасадан кетисинига ўхшайди.
15. Уч тоифа одам билимсиз хисобланади: уч ерга бўрса-да, ҳатим одамини учратолмаса; жаҳз устида ишижоат кўрсатиб, жанг жадалда дўст билан душманин ажратмаса; ҳозрат чиқарини пайтида дўстга мол бетишламай, душмандан жонини ҳам аямаса.
16. Оғир кунларда ёнингда турган одамгина инъомга сазовордир.
17. Ўзини адоватдан эҳтиёт қила олган, ишону шавкатга эгамай, деб рақибиши камситмаган одамгина доно хисоблаянади.
18. Бир минг нафс адоват олдида бир одамча ҳам бўлмас.
19. Ахлоқ ва одобда яхши дўстларингдан андоза ол.
20. Қўлингчи шиљчимлиқдан торт! Бешқаларининг молига кўз тикма! Бу — тинчлигининг гаров.
21. Адеват хавғини сезгудай бўлсанг — уйдан ўзингни олиб коч, муҳаббат исенини сезсанг — саҳийлик эннигини оч.
22. Кимки айбениз дўст ахтарса — дўсти камаяди, кимки дўстини хатоси учун итобга олса — душмани қўнаяди.

23. Бағритош дўстини — душман ҳисоблаш лозим.
24. Насиҳатни раво кўрмаган душман ўзини дўст кўрсатиб иккизламачилик қиласди.
25. Рост сўзлаган дўстдир.
26. Ўзинг муқаррар тоат-ибодат қиммаганингдан кейин бошқадан буни талаб қилиб ҳизматни қиласан?
27. Султонининг хизматида бўлсанг ҳам, сұхбатидан ўзингни тин.
28. Идрокли, сўзига вафодор, ўзидан кичик билан хушмуомала одамгина доно одамдир.
29. Кўр — нодондан дурустроқ.
30. Сўзни ҳакимлардан эшил, машҳур кишилар билан сұхбатда бўл, билмаганинг олимдан сўра, чунки мулоҳим одамларининг сўзларида хотамлик бор. Машҳур кишилар билан сұхбатга зарурат бордир.
31. Кимки ўзини султонга яқин тутнига итилса молдунёси талон-тароқ ҳавфи остида қолади, кимки уйдан ўзини тортса — шамширишиниг тигига мубтало бўлади.
32. Ёмондан нари юриш фарз — бу ҳабодатининг олдини олади, яхшига ёндашган айни муддао — бу фазилатга йўл очади.
33. Зийнат — инсониниг ташки қиёфасига, фикр — унинг ақл-идроқига мутаносибdir.
34. Суратгар қўли ва турли туман бўёқлар ёрдамида инсонин гўзат қилиб тасвирлай олади, лекин унинг ички дунёсини тасвирлашга оқизлик қиласди.
35. Фасодатга эътибор замондан ҳушёрлик аломати эмас, балки мустақил фикр юрита билиш қобилиятига эгалик аломатидир.
36. Уч нарсанни топиб бўлмайди: султониниг олиҳиматини; дарёнинг ўз-ўзича фойда келтиришини; душмандан субутни.
37. Мулкига шериклик истаган, ҳарамига қасед қилган, сиру асроридан воқиф бўлишга итилган одам подшодан шафқат кутмасин.
38. Истеъоддлик одамга — дагаллик, қобилиятензга — мансаб ярашмайди.
39. Дунёнинг барқарорлиги ва подшонинг одил бўлиши тинчликка гаровдир. Зозим подшонинг умри қисқадир, чунки у зиёнкор ва йўлга тўсиқдир.
40. Жаҳонда бор нарса — ақлга, ақл эса тажрибага муҳтоҷдир.
41. Ҳашамат — фикр юритиш ёки мутакаббирликда эмас, ҳайбат дагалликда эмас, одилликда.

42. Хотинлар билан ёвлашма, чуники уларниң нишонин аниқ мұлжалға олувчи ўтқир наизалары ва заҳар сочувчи қотил тиіллари бор.

43. Уч хунар боңқа уч нараса билан қўшилмайди: ҳақиқат — сўз билан; шафқат — газаб билан; ширин таом — ҳире билан.

44. Даражат гуркираб ўсса, мева беринига умид қисса бўлади; ҳоядан тойиб сўла бошлиса, ўтидан боңқа нарасага ярамайди.

45. Хуреанду шодмонлик борга ярашади, бечоранинг унга эргашиб хуреанд бўламан, деб ўзини уринтириши — ишонлилариди.

46. Кимки аслидан тоиса, ҳеч қачон умиди ўзига йўлдош бўлмайди.

47. Насткашин асло тарбият қила кўрма — баттар бўлса бўлади, лекин ўнглаймайди. Шундай одамии тарбият қилганини, сени қақаман деб келаетга шағерининг нишига ўзини кўндалаш қилисин.

48. Дунимандан муруватт кутмагандай, насткаш дўстдан нари юрган маъкул.

49. Ҳамеухбатни, гарчи у юз ерига ямоқ тушиган чонон кийган бўлса ҳам, ўзингга тенг бия.

50. Олихиммат одам ҳатто наррандага ҳам озор етказмайди, балки уни ҳимоя қиласди. Ўта мард бўлса-ю, лекин ҳимматсиз бўлса, ундаи одам қуидадан ҳам тубандир.

51. Ҳимматли одам оқибатда шараф ва улугворлик мартабасини топади.

52. Олим жоҳилни ажратада билади, чуники униниг ўзи бир куни ўзлигини онкор қилиб қўяди, лекин жоҳил олимни ажратолмайди, чуники олим ҳаргиз истеъдодини кўз-кўзламайди.

53. Нуфузли бир одамдан ҳаётниң ажойиботларидан сўраб қолдилар. «Дўстниң сиру асрорини ва рақибининг кимлигини билмаслик», деб жавоб қиласди у.

54. Ҳакимдан «сафарниң қанақаси яхши?» — деб сўрадилар.

«Диёнатли дўст билан қилинган сафар», деб жавоб берди у.

55. Ҳакимдан сўрадилар: «Қанақа одам хуиҳулқ ҳисобланади?»

У жавоб қиласди: «ёмонликдан ўзини тортган одам яхши хулқ соҳибидир».

56. Ҳакимдан «кимни донишманд деса бўлади?» — деб сўрадилар.

У жавоб қиласди: «ганини билиб сўзлайдиган, турмушиниң қадрига етадиган, фазилат ортириш йўлида эринмайдиган, мартаба ва мансаб орқасидан туимайдиган, таназзул ва қийинчиликнин таи оладиган ва тамом химматини камолот ва идрок касб қилишга сарф қиласдиган одамии донишманд атаса бўлади».

57. Ҳаким деди: фуқарога такаббурлик билан эмас, одиллик билан муомалада бўл! Ўзига тинч одамга ҳасад билан эмас, яхшилик билан қара! Аёл кинига ёмон кўз билан эмас, шафқат назари билан боқ!

58. Ҳакимдан: «Нодио сени ўзига дуниман деб биладими?» — деб сўрадилар.

— Нодио сендан боңқа барчани дўст хисобламайди, — деб жавоб қиласди ҳаким.





12. Ёлғон сўз бу дунёда бўлганидан бўлмагани яхши.
Тўгри ниятларинг юэ ёнина тўлса яхши.
13. Агар кетсанг юрт ҳуирогини йиртқич босар,
Жаниат боғлари роҳатини қулол кўрар.
Айри-айри йўилар изиз түя кўрар,
Етти дара бўйларини тулки хидлар.
14. Йигит оғирини от ба сур.
Юк оғирини хачир бузур.
15. Қаери оғришнини бемор билур,
Фофил бошнинг оғришнини нарок билур.



ҚЎРҚУТ ОТА КИТОБИ

Ҳикоятлар

1. Ҳақни ҳақ демагунча ишлар ўғмас.
2. Бойлик ииққан Қоратоғ тепасидай йигар, аммо
ортиғини ея билмас.
3. Үралашибон сувлар тошса, денгиз бўлмас.
4. Такаббурлик айлаганини ҳеч ким севмас,
Кўнглини юксак тутган эрда бойлик бўлмас.
5. Ёға-ёға қорлар ёғса, ёзга қолмас.
Илк мәйсалар, кўк чаманлар кузга қолмас.
6. Қиз онадан кўрмагунча ўғит олмас,
Ўғил отадан кўрмагунча *сұфра* чекмас.
7. Ўғил отанинг сиридир, икки кўзининг биридир.
8. Асов отга номард йигит мина билмас,
Минганидан минмагани яхши.
9. Чопишини биладиган йигитга ўтқир қилич эмас,
Тўқмоқ ҳам бўлаверади.
10. Қўноқ қўймас қора уйлар ииқилса яхши.
От емайдиган аччиқ ўтлар битгандан битмагани
яхши.
11. Ота отин юритмаган ўғил ота белидан унганидан
уммагани яхши.
Она қорнидан тушганидан тушмагани яхши.



АБДУРАХМОН ЖОМИЙ

БАХОРИСТОН

Ҳикматлар

Бир ҳаким дебди:

Ҳикматдан қирқ дафтар ёздим, лекин ҳеч қандай фойда кўрмадим. Шундан кейин ундан қирқ сўзни ташлаб олдим. Буниинг ҳам нафи тегмади. Охири тўрт сўзни ташлаб олдим — фойдаси тегди.

Буларнинг биринчиси — аёлларга ҳам эркаклар каби ишонч боғламоқ... Иккеничиси — бойлика ҳирс қўйма, чунки куимас-куни замон ҳодисалари уни поймол қиласди. Учинчиси — сирингни дўстингга ҳам айтма, чунки дўстлик душманликка айлангани ҳаётда кўп учрайди. Тўртинчиси шулки, фақат нафи тегадиган исемни ташла; фойдасиз фазилатдан қочиш ва фақат зарур нарсаага кулоқ солиш зарур.

* * *

Бир донишмандан «киши қачон овқатга шошилади?» — деб сўрадилар.

— Бадавлат қаттиқ оч қолганда, камбагал эса овқатга етишганда, — деб жавоб қилибди донишманд.

* * *

Бузуржмеҳрдан сўрабдилар:

- Қандай подшо покиза ҳисобланади?
- Ундан покизалар омоилигу нопоклар ёмонлик кўрсалар, — деб жавоб қиласди Бузуржмеҳр.

* * *

Уч тоифага уч хил иш ярашмайди: подшоға — тезлик; донишмандга — молу дунёга ҳирс қўйиш; давлатмандга — баҳиллик.

* * *

Ҳакимлар айтибдиларки, ақлдан — жаҳон обод, ситамдан — вайрон...

* * *

Подшоларнинг яқин кишилари чуқур мулоҳазалик ҳакимлар бўлиши керак, енгил табиат иадимлар эмас. Ҳакимларга таяисалар камол чўққисига қўтариладилар, енгил табиат иадимларга таяисалар — тубанлик жарига қуладилар.

* * *

Султоналарга яқин кишилар баланд тоқقا чиққап одамларга ўхшайди. Охири султоннинг газаб зилзиласи, ё бўйлмаса замон силсиласи уларни тог жисси каби паства улоқтиради...

Ҳикоятлар

КИСРОНИНГ МАЖЛИСИ

Кисроонинг мажлисига уч киши — румлик файласуф, ҳиндиштонлик ҳаким ва Бузуржмеҳр тўпланишган экан. Сұхбат «дунёда энг ёмон нарса нима?» — деган масалага етганда улар тортишиб қолиниди:

Румлик файласуф: «Дунёда энг ёмон нарса кексалик, кувватсизлик ва камбагаллик», — деди.

Ҳиндистонлик ҳаким: «Беморлик ва гам-андух», — деди.

Бузуржмехр: «Ўлим яқинлашиб, тамом ишдан узоқлашмоқ», — деди.

КИШИ МАНСАБ БИЛАН

Искандар Зулқарнайи билимдои бир одамии шарафли ва баланд мансабидан бўшатиб, паст ишга тайинлабди. Бир куни саройга келганда сўрабди:

— Қани, айт-чи, яиги мансабинг ёқдими?

— Подшонинг умри узун бўлгай! — деб жавоб қилди у. — Киши мансаб билан шарафли бўлмайди, балки мансаб иносон билан зийнатлидир. Қайси лавозимда бўлмасин хунтабиятлик ва адлу-инсоф зарур.

Бу ган Искандарга маъқул бўлди ва унга илгариги мансабини қайтариб берди.

ДАРВИШ ВА ПОДШО

Олиҳимматлик бир дарвиш шавкатли бир подшонинг ҳузурига тез-тез келиб турар ва у билан ёқимли сухбатлар қуаркаи. Қунлардан бирида у подшонинг нешонасида маломат алломатларини сезиб, унинг сабабларини излади. Ўйлаб-ўйлаб унинг сабабини ўзининг подшонини кига тез-тез бориб туришидан тоиди ва уникига бошқа бормай қўйди.

Бир куни дарвиини кўчада учратиб қолди ва сўради:

— Э, дарвииш, нима сабабдан биз билан алоқани узиб қўйдинг?

— Бориб қовогингни солиқ кўргандан кўра «нега келмай қўйдинг?» — деган сўроқни эпигитганим яхши, — деди унга дарвииш.

ОЛТИЯ БЕРМАЙДИ КЎРГАН АЙТМАЙДИ

Нуширвони одил наврӯз ёки меҳржон қунларидан бирида меҳмон чақирибди. Шунда ўша мажлиса ўлтирган қариндошлиаридаи бирин олтия қадаҳни қўйинига урди.

Подшо буни кўрди, лекин кўрмаганига солди. Базм охирига етгач, соқий: «Бу ердан ҳеч ким чиқмасин, олтия қадаҳ йўқолган, мен ҳаммани тиитиб кўришим керак», — деди.

— Қўй, — деди унга Нуширвони одил, — олтия бермайди, кўрган айтмайди.

Орадан бир неча кун ўтгач, олтия қадаҳни ўғирлаб кетган киши поднио ҳузурига келибди. Қараса устида янги либос, обёғида ятиги этик. Нуширвони одил унинг кийимларига иншора қилиб дебди:

— Бу ҳам ўнаандами?

Қариндоши этагининг иешини хиял кўтарди-да, уни кўз-кўз қилиб деди:

— Мана бу ҳам ўнаандан.

Подшо кулиб юборди ва у олтия қадаҳни йўқлик ва зарурат орасида ўғирлаганини тунгузлиб, хазиначига унга бир минг минқол олтия беринини буторди.

ҲАЙЖОЖ ВА БАДАВИЙ

Ҳайжож өв қилиб юриб лашкаридан йироқланиб аданиб қозибди. Яқин орада бир теналик бор экан, чиқиб қараса узоқда бир бадавий жуладур кийимиши офтобга ёйиб ўлтирган экан. Туялари оса теварак-атрофда ўтлаб юрган экан. Ҳайжож ўша тарафга қараб йўл олибди. Туялар уни кўриб ҳуркиб кетишибди. Бадавий буни кўриб яхади чиқибди ва Ҳайжожни қаргабди:

— Биёбонга кўзин қамаптирадиган кийимда келган одамга ҳудонинг лаънати ёғисин!

Ҳайжож ҳеч нима демаци ва бадавийнинг олдига келиб;

— Ассалому алайкум, эй араб! — деди.

— Сенга салом ҳам, ҳудонинг раҳматию барокоти ҳам хайф, — дебди бадавий.

Ҳайжож удан бир қултум сув сўраган эди, бадавий:

— Керак бўлеа, отдан туни, хорлик ва мўминлик билан иш, худо яхади мен ўртогичига ҳам эмасман, иавкаринг ҳам эмасман, — деди.

Ҳайжож етдан тунишибди ва мешдаги сувдан тўйиб ачабди. Сўнг бадавийнинг ёнига ўлтириб удан сўрабди:

— Э, бадавий, қани айт-чи, дунёда энг яхши одам ким?

— У сендан йироқда. Дунёда энг яхши одам пайтамбар таъхисадом, — дебди бадавий.

Ҳайжож сўради:

— Хизифа Али Абӯ Толиб ўғли ҳақида нима дейсан?

— Унинг олийжаноблиги ва буюклиги таърифи оғизга сиймайди.

Ҳажжоқ сўроқда давом этди:

— Абдулмалик иби Марвон хусусида нима дейсан?

Бадавий аввал бир нима демади. Ҳажжоқ қистайверсач, деди:

— У ёмон одам.

Ҳажжоқ таажкубланди:

— Нега уни ёмон одам дейсан?

Бадавий жавоб берди:

— У хатога йўл қўйди, шунинг учун жаҳон магрибдан чанириқчача зулм остида қолди.

Ҳажжоқ сўради:

— Унинг хатоси нима?

Бадавий жавоб қилди:

— У фосиқ ва мурдор Ҳажжоқни мусулмонлар тепасига амир қилиб қўйди...

ҲАЖЖОҚ ВА ИСЕНЧИ АЕЛ

Ҳажжоқга қарини исёни кўтарганилар орасида бир аёл ҳам бор экан. Уни тутиб Ҳажжоқнинг хузурига олиб келибдилар. Ундан гап сўраинганда, аёл бир нима демай, иннагини бузмай ўтираверибди. Мулоғимлардан бирни унга пўниса қилибди:

— Амир жаноблари ганираётбидилар, сен эса миқ этмай ўтирибсан. Нега ундан юзингни ўтирасан?

Хотин жавоб қилди:

— Мен худодан уялман. Ахир худо назар қилмаган одамга мен қайси кўз билан қарай?

ҲОКИМ ЎЛГАНИ БИЛАН ФУҚАРО ОЗОД БУЛАРМИДИ?

Ҳажжоқга дебдилар: «Худодан кўрқ, мусулмонларга зулм қилма!»

Ҳажжоқ суурур билан минбарга чиқибди ва бундай жавоб қилибди.

— Таңгри таоло менин сизларга ҳоким қилиб қўйибди. Лекин, мен ўлганим тақдирда ҳам сизлар зулмдан *фориғ* бўлмайсизлар, чунки ўша таңгри таолонинг ўзи тепаңгизга мендан ҳам золимрогини юборади

ИНСОНДАН ЁДГОРЛИК — ЯХШИ ХУЛҚ, ДУРУСТ СИЙРАТ

Кунлардан бир куни Искандар Зулқарнайн ҳарбий бошлиқлари билан кенгаш қуриб ўлтирган эди. Улардан бири Искандарга деди:

— Таңгри таоло сенга беҳисоб молу мулк ато қилди Бундан бүён сен хотинлар сонини қўпайтир, кўн фарзандлик бўласан. Сендан ёдгор бўлиб қоладиган нарса — фарзанд.

Искандар жавоб қилди:

— Хотин қўнайтирган одам қумлайи жаҳон устидан галаба қилиган ҳисобланавермайди, балки хотинлар устидан голиб ҳисобланади. Инсондан ёдгорлик фақат фарзанд эмас, балки яхши хулқ ва дуруст сийрат ҳамдир.

ҒУЛОМНИНГ ҲИММАТИ

Абдулла иби Жаъфардан нақт қиласидилар: кунлардан бир куни у мулоғимлари ва хизматкорлари билан сафарга отланибди. Қўн йўл босиб Қум вилоятига етибдилар ва бир хурмозорга дам олгани туншибдилар. Хурмозор қўриқчиси бир қора ғулом экан. Ғулом кундалик емишин учун уч донадан ион олиб турар экан. Шу пайт қаердандир бир ит пайдо бўлибди. Ғулом пондан бирини унга ташлади. Ит уни апил-танил ютиб бўлган эди, иккичисини ҳам ташлади. Уни ҳам еди. Сўнг учинчисини ташлади. Уни ҳам еб қўйди.

Шунда Абдулла иби Жаъфар ғуломдан сўради:

— Сенинг кундалик емишин нима?

— Ҳозир қўриб турганинг,— деб жавоб қилди қул.

— Не сабабдан итни ўзингдан ортиқ сийладинг?

— Шунинг учунки, у узоқ йўлдан келган. Мусоғир. Гумон қилишимча у жуда оч. Уни бошқа оч қолдиргим келмади.

— Ўзинг эди нима ейсан[▲]

— Бугун рўза тутаман,— деди ғулом.

— Ҳамма мени саховатли дейди, аммо ғулом мейдан саҳиyroқ экан,— деди амир ўз-ўзига. Сўнг хурмозорни қўриқчиси билан тамом сотиб олди ва ғуломга озод бўлганилиги ҳақида ёрлиқ топшириб, хурмозорни унга инъом қилди.

ТАБИБ НЕГА УЯЛАДИ?

Табиб гўристон ёнидан ўтгудай бўлса, юзини беркитиб оларкан. Сабабини сўраганларга дебди:

— Гўристонда ётган ўликлардан уяламан! Чунки бу сенда кимнинг ёнидан ўтмайин, менинг зарбим остида ўлган ёки мен берган шарбатдан ҳалок бўлган.

ХОТАМ ЙИГИТ

Хотами Тойидан сўрабдилар:

— Умрингда ўзингдан сахиироқ одамни кўрганимисан?

— Хотам жавоб қилди:

— Ха, кўрганимаи. Кунлардан бир куни бир етимчанинг уйига кириб қолдим. Унинг ўн бош кўйи бор экан. Дархол улардан бирини сўйиб ишириб олдимга кўйди. Ундан бир бўлгаги менга маъкул бўлиб кесиб едим ва: «Худо ҳаққи, кўп лаззатли экан», — дедим.

Шундан кейин ўша йигит ташқарига чиқди ва кўйларини бирин-кетин сўйиб менга маъкул бўлган ерини пишириб олдимга кўяверди. Унинг бор кўйини менинг учун сўйганидан хабарсиз ёдим. Ташқарига чиқиб отта минай деб турганимда қарасам эшик олдига жуда кўп қон тўкилибди. Сабабини суриштирсан хизматкорларимдан бири деди:

— Йигит сени деб барча кўйларини сўйди.

Йигитни койиб дедим:

— Нега бундай қилдинг?

Йигит тавозе билан жавоб қилди:

— Худога минг карра шукрлик, менинг бирон нарсам сендеқ олий зотга маъкул бўлибди. Шундай ҳолда хасислик қилсан нима деган одам бўлардим.

Кейин Хотами Тойидан сўрадилар.

— Бунинг эвазига сен ўша йигитга нима бердинг?

Хотам жавоб қилди:

— Уч юзта саман туя ва беш юзта кўй бердим.

Хотамга дедилар.

— Демак сен ўша йигитдан сахиироқ экансан.

Хотам жавоб берди.

— Йўқ, сахиитикда уига етолмадим, чунки бехисоб бойлигимдан фақэт бир қатрасинигина уига бердим, у бўлса мендан борини айтмади.

ТАМСИЛЛАР

ИАФСИ ЕМОН БЎРИ

Тулки бўри билан ажратмас дўст бўлишга аҳд қилишибди. Бир куни улар чор атрофи ишиниқ ва баланд девор билан ўралган бое олдидан ўтиб қолиниди. Борни хўб айланиб, охири кўзлари девордаги кичик бир туйнукга тушди. Туйнук тулкига кенг, лекин бўрига таанглик қиласди. Тулки осонгина ўтиб олди-ю, лекин бўри роса қийиналиб ўтди. Турли иав узумлар ва ранго-ранг меваларни кўриб кўзлари ёниб, оғизларидан сўлаклари оқди. Шунга қарамай, тузки боғдан чиқиб кетинин мулоҳаза қилиб улардан камроқ, бўри бўлса қорнига сиққанча роса еди. Шу пайт боғбои қалтак кўтариб келиб қолди ва уларни қувиб кетди. Хинча бел тулки мии этиб тешикдан ўтиб қочди, лекин бўри туйнукка тиқилиб қолиб хўб қалтак еди. Бўри ҳам бир имож қилиб туйнукдан чиқиб олди-ю, лекин бир қават териси шилиниб туниди.

ЧАЕН БИЛАД ТОШБАҚА

Бир куни ишида заҳари тўлиб-тошган, табиатига ёмонлик фахр бўлган чаён сафарга чиқибди ва азим бир дарёнинг бўйига келиб, ундан ўтишининг иложини тополнамай, ё қайтишини билмай, хашак ичига кириб ётибди. Шу атрофда ётган тошбақа унинг аҳволига ачинди-да, чаёнини устига минидириб сувга тушди-ю, нарги қирғоқца қараб сузиб кетди ва дарёнинг қоқ ўртасига етди. Шу пайт тошбақанинг косасига нимадир тақ-тақ этиб урилгандай бўлди. Тошбақа чаёидан сўради:

— Бу ниманинг овози?

Чаён жавоб қилди:

— Бу сенинг орқангига санчадётган ишишимининг овози. Унинг сенга таъсир қилмаслигини биламан, аммо эски одатимни тарқ этолмасам нима қиласи?

Тошбақа чаёидан яхшилик келмаслигини пайқади ва сувга иштагиб узи ғарқ қиласи.

ЧУМЧУҚ ВА ЛАЙЛАК

Чумчук ўз уясини ташлаб, лайлан оғёнишининг бир четига кириб олибди. Ундан сўрабдилар:

— Лайлакка қанака мунисабатинг бор. Жуссант же

митдеккина-ю, лайлакдек улкан бир қуш билан ҳамсоя бўлишингдан мурод нима?

Чумчук жавоб қилибди:

— Бу ишманинг номаъқуллигини ўзим ҳам яхши биламан, лекин ўзга чорам йўқ. Мен илгари ин қурган илон ўзига ошён қуриб олди. Ҳар йили бола очарда илон ўзига ташлашни келиб олди. Аммо илон бирдан ҳужум қиласиди ва болаларимни ютиб кетади. Охири ўша ерни ташлаб кетишга мажбур бўлдим ва лайлак олдидан паноҳ топдим. Умидим шулки билан алмашинибди. Бунинг сабабини билса бўладими?

БАҚКОЛ ВА СИЧҚОН

Сичқон бир неча йил Хожа баққолининг дўконида ўриашиб олиб, ундан қуруқ ва хўй мевалардан хоҳлаганича ебтирикчилик ўтказди. Хожа баққолининг бундан хабари бўлса-да, бенарво юрар, сичқонни сўкиш билан чекланарди, холос. Лекин мукофотини кейин олди. Сичқон бора-бора Хожа баққолининг ҳамёнига тушиб, оқчаларини битталаб иннига ташиб кета бошлади. Бир куни зарурат туғилиб иннига қўлга олган эди, уни оқчадан холи топди. Ўй-хамёни кўлга олган эди, уни сичқонни англади ва мушукдек писиб ётди ва сичқон чиқиши билан ўзини унга отди. уни тутиб олди ва оёғига узун иш боғлаб уни кўйиб юборган эди, сичқон иннига олиб борадиган тешикка кириб кетди. Баққол инни ўлчаб кўриб, сичқон иннининг узулигини билиб олди. Тешикни кавлаб қараса сичқон Хожа баққолининг дўкони остида сарроғининг дўконига тенг келадиган уй қуриб олган экан ва ўша ерга олтин, кумуш, динор ва дирҳамларни уюб ташлаган экан. Хожа баққол ўзининг ҳақини ажратиб олди, сичқон эса кўрадиганини кўрди.

БУРИ БИЛАН ИТ

Тулки йўл устида турар, кўзлари ўпгу сўлга ташлашниарди. Ногоҳ узоқдан қандайдир бир нарсанинг қораси кўринди. Яқинлашгач қараса бўри катта бир ит билан бирга келишашётган экан. Улар бир-биридан ҳадик олмас, аксинча дўстлашиб қолишган эканлар.

Тулки уларнинг қаршисига пешвоз чиқиб салом берди ва деди:

— Таңгри таолога шукрким, ўрталаринингдаги қадими гина-кудурат меҳру муҳаббат билан, душманлик дўстлик билан алмашинибди. Бунинг сабабини билса бўладими?

Ит жавоб қилиди:

— Дўстлашиб кетишмизининг сабаби чўпонининг душманлиги...

ИТ ВА ИОИ

Оғ қолган ит шаҳар дарвозаси олдида турар эди. Бир вақт қараса битта ион дарвозаданинг маълаб чиқди ва гилдираганича саҳрона қараб юмалаб кетди. Ит унинг кетидан тушди ва вовиллаб деди:

— О, таңга қувват, дилга ором багишловчи! Қанақа сафарни ихтиёр қилдинг ва қаёққа қараб кетаётисан?

Ион жавоб қилиди:

— Шу саҳрода жамий бўрилар ва йўлбарслардан дўстларим бор, хозир уларни зиёрат қилгани кетаётиман.

— Мени қўрқитаман деб овора бўлма,— деди ит,— тимсоҳининг бўғзигами, шерининг оғзигами кириб кетганингда ҳам ортигдан қолмайман.

ТУЯ ВА ИЛОН

Туя саҳрода ўтлаб юрар, қуруқ тиканакларни ерди. Бир вақт янтоққа ёпишди. Янтоқ гўзалар зулфидай жингалак, паририйлар ёногидай тоза ва беғубор эди. Ундан баҳра олай деб бўйини чўзди, лекин бирдан шоҳида чирмашиб ётган илонга кўзи тушди. Янтоқдан баҳра олини ораусидан қайтиб ўзини орқага ташлади.

Янтоқ «туя менинг тиканим найзалари заҳмидан қўрқди», деб ўйлади.

Туя янтоқнинг кўнглидан ўтган гапни англади ва деди:

— Қўрққанимнинг сабаби кўриниб турган мезбон (янтоқ) эмас, балки пинҳон ётган меҳмон (илон). Хафсираганим тикан заҳми эмас, балки илон заҳри.

ТУЛКИННИГ БОЛАСИГА НАСИҲАТИ

Тулки боласи онасига деди:

- Ит билан юзма-юз келиб қолганда уйдан қандай килиб қутулиб кетини йўлини ўргат.
- Йўли кўп-ку, — деди тулки боласига, — лекин, яхшиси уйдан чиқмаслик.

ШИЖОАТЛИ ЧУМОЛИ

Чумоли жон-жаҳд билан ўзидан ўн баравар катта чигирткани судраб борарди. Кўрганлар таажжубандилар:

- Чумолини қаранглар-а, қилитириқ ҳоли билан шундай оғир юқини судраб кетяти-я?

Чумоли хоҳолаб кулди ва деди:

- Мардлар юқин жуссаси ва қудрати билан эмас, балки гайрат ва шижоат билан тортадилар.

СИЧҚОН ВА ТУЯ

Туя арқонини судраганича даитда ўтлаб юрарди. Олдидан сичқон чиқиб қолди. Қарзга туянинг эгаси йўқ. Ҳирси қўзгаб, арқонни учизан тишлаб туяни уясига қараб етаклади. Табиати бўйсунини ва одати «хўй» дейинидан иборат бўлган туя қаршилик кўрсатмай сичқонга эрганиб бора-верди.

Сичқониниг уясига стиб бордилар. Туя қараса жуда тор.

- Эй, хомтама, — деди туя сичқонга, — бу нима қилганинг ўзи? Уйнинг шуницай кичик, менинг бўлсан жуссам катта. На сенинг уяниг каттаради, на менинг жуссам кичраяди. Шундай бўлгач, иккимизнинг дўстлашнинизнинг не ҳожати бор?

ШОХСИЗ ҚОЛГАН ҲЎКИЗ

Ҳўкиз исда бўнида юриб, шохи билан сигирларга бошлилик қўлларди. Ногоҳ подтга бўри хужум қилиб қолгудек бўлеа, шохи билав сузиб улоқтириб тэзишларди. Қандайдир бир сабаб билав унинг шохи синиб қозди. Энди бўри кўршигудай бўлеа ўзини сигирлардан оладиган бўлиб қолди.

Бунициг сабабини суринтирганларга дер эди:
— Шюхим синди, гўё қодим бенамашир.
Ботирлик ўрнига, дилда хавотир.
— Маълум-ку, эл аро юнчай мақол бор:
Ишни қурол қилур, даъвони бетир.

ТУЯ БИЛАН ЭНАК

Туя билан энак ҳамроҳ бўлиб кетишиди ва катта бир ариқ бўйига этинди. Туя энакини елкасига олиб сувга тунди. Ўртасигача берганда сув унинг қоринидан келди.

- Туи елкамдан! — деб қочкирди туя эшакка, — сув кернимдан энамали.

— Рост айтасай, — деди энак, — лекин қоринида ҳам корин бор ахир. Ариқиниң чукурлиги сенинг қорнингдан кептани билан мени тамом қўмиб юборади-ку!

ҶАРГА ВА ТОВУС

Бог садицида қарга билан товус учрашиб қолишиди ва бир бирининг эйини юзига солинди:

- Оёғингдаги қизил этик менинг заррини атлас ва нақшини кимхоб либосимга ярашади, — деди товус, — йўқликнинг қора тўнидан берляқишиг равшан кунига ўтиш вақтида адашини рўй берганга ўхшайди. Мен сенинг қора бужир этикнинг кийиб олибман, сен бўлса менинг қизил саҳтиён этикнинг кийиб олибсан.

— Йўқ, — деди унга қарга, — аксинча, бордию янглишиш содир бўлган бўлса, кийим кийишда адашилган, чунки сенинг этикларинг менинг этикларимга мос келди. Эҳтимол уйқусираб сен менинг кийимларим ёқасига бош тиққансан.

Шу атрофда ўтлаб юрган тоқибақа тортишувни эшишиб турган экан, товус билан қаргага деди:

- Э, азиз дўстлар, бефойда баҳсни йигиштириб қўйинглар, бемаъни тортишувни тўхтатинглар. Тангри таоло ҳамма нарсани бир кининг бериб қўймайди. Бир одамдаги хусусият бошкада бўлмайди. Шунинг учун ҳар кини боридан хурсанд бўлинни лозим...

ҲАЗИЛ – МУТОЙИБА

Кўзи оқиз бир одам тим қоронгу тунда қўлида чирогу елкасида кўза билан кўчада борарди. Ҳар нарсага бурнии суқиб юрувчи бир одам унинг қаршисидан чиқиб қолибди ва бу аҳволни кўриб сўқирга дебди:

— Эй, иодой! Тун билан қуидузни ажратотмайсан, қоронги ила ёргуни кўзинг илгамайди. Шундай бўғитач, чирогиниг сенга нима фойдаси бор?

Кўзи оқиз қах-қах уриб кулиб юборибди ва жавоб қилибди:

— Чирогни ўзим учун кўтариб юрганим йўқ, сенга ўхшани дили кўр ва ақли қосирлар менга туртаниб кетиб кўзани синдириб қўймасин, деб ушлаб юрибман.

* * *

Гадо умидвор бўлиб бир бадавлат хонадоининг эшигини қоқди. Соҳиб дарвозани очмай, ичкаридан туриб овоз қилди:

— Афв этасиз, уйда хотинлар йўқ!

— Менга хотинлар сұхбати эмас, бир бурда ион керак,— деди гадо...

* * *

Шайх Баҳлулга дедилар:

— Басра девоналарини санааб бер.

— Улар сон-саюқсиз,— деди у.— Бордю ақлларини сўраётган бўлсанг, уларни санааб беришим мумкин. Улар бир нечтагина, холос.

* * *

Муаллимдан сўрадилар:

— Сен каттамисан, укандми?

— Мен каттароқман, аммо бир йиждан кейин у менга етиб олади,— деб жавоб қилди муаллим.

* * *

Бир золимнинг замонида ба давлат бир одам вафот этибди. Ўша золимнинг вазири ўзганинг ўзини чақиртириб, отасидан нималар қолганини сўрабди.

— Мол-дунёдан фалон-фалон нарсалар қолди,— дебди ўғил унга,— ворислардан бўлса мени билан вазири аъзам қолган, холос.

— Ундаи бўлса,— деди вазир,— мол-дунё иккига бўлиниши. Ярми ўғлига берилсин, ярми подшо хазинасига олинсин.

* * *

Букри бир одамдан сўрабдилар:

— Таңгри таоло орқангни бошқаларнидай текислаб қўйиншини истайсанми ёки бошқаларни ҳам сендай букри қилиб қўйиншини хоҳдайсанми?

— Бошқаларни ҳам менга ўхшаб букри қилиб қўйсени, токи улар менга қандай кўз билан қарасалар, мен ҳам уларга шу тарзда назар ташласам,— деб жавоб берди букри.

* * *

Бир шоир табиб ёнига келиб ҳасрат қилди:

— Бир нарса дилимга гириҳ ташлаб, тугун тушиб қолди...

Табиб зийрак одам эди:

— Ҳали ҳеч кимга ўқиб эшиттирмаган бирор шеъринг ўқуми? — деб сўради ундаи.

— Бор,— деди шоир.

— Унда, ўқи!

Шоир шеърини ўқиб берди.

— Яна бир марта ўқи,— деди табиб.

Шоир шеърини яна бир бор ўқиди.

— Энди кетавер,— деди табиб унга,— дарддан қутил динг. Дилингда тугун тушиб ётган нарса шу шеъринг экан. Улар қуруқ бўлгани сабабли сен дардга чалинибсан. Энди шу шеърингни дилингдан чиқариб, халос бўлдинг.

* * *

Воълиз минбардан туриб бемаздан-бемаза бешта шеър ўқиди ва мақтаниб:

— Худо ҳаққи, мени буни намоз ўқиб туриб ижод этдим,— деди.

Шу ерда ҳозир кишилардан бирининг мана бу сўзлари қулогимга чалинди:

— Намоз устида айтилган шеър бу қадар бемаза бўлса, ижод вақтида ўқиган намозида нима маза ҳам бўларди...

* * *

Боладан сўрабдилар:

— Отангнинг ўлини ва унга меросхўр бўлиб қолишни истармидинг?

Бола жавоб қилди:

— Йўқ, унинг ўз ажали билан эмас, балки ўлдиришини истайман. Шундай бўлгандай мол-мулк ҳам қўлимга ўгади, яна хун ҳақи ҳам оламан.



АЛИШЕР НАВОИЙ

МАХБУБ УЛ-ҚУЛУБ

Баранчи қисм

**КИЦИЛАР АҲВОЛИ, ФЕЪЛ-ҲАРАКАТ
ВА СЎЗЛАРИНИНГ КАЙФИЯТИ**

ОДИЛ ПОДИОЛАР ТҮГРИСИДА

Адолатли нёдю ҳакдан ҳалойиқда кўрсатилган марҳаматdir, мамлаекат учун тиачиник ва фаровоилик сабабидир. Кўбин билан баҳор бўгиридек қора тупроқдан гуллар очар ва мамлакат кицилари бошига олтин билан дурлар сочар. Фақирлар ва потавоилар унинг юмиюзилик ва яхши муоммасидан роҳатда, золимлар ва миршабларининг сиёсати тигидан кўркувда. Кўриқлашидан қўй билан қўзи бўри хавфидан амонда, жазолашидан мусоифирлар қароқчи ваҳмидан амонда... Ҳайбатидэн йўлларда қароқчи йўқ, ҳалқ қўлида моллар тўлиқ. Забтидан амалдорлар қалами синик, золимлар байроби йиғиқ... Қасос тиғидан ўғри қўли ҳалқ молидан тортилган...

НОМУНОСИБ ПОЙИБЛАР ТҮГРИСИДА

Ёлғончи, кеккайған пойибниот... ёлғон ҳукм тарқатувчиға боис *тама* шумлиги ва потўғри фармони етказувига сабаб хире ёмонлигидир. Бирор нарса олишда ёлғон унга чин ўриница ва мусулмонларга шудоң стказиш унга дин ўриница. Ёлғон борида чин сўз айтнини маҳол. Пора олиш-

да ўзга сўз деб, аммо кўнглида бошқача хаёл, Сўзи билан иши бир бўлмаган бундай нойибнинг шоҳ эшигидан йўқолгани яхши.

ЗОЛИМ, ЖОҲИЛ ВА ФОСИҚ ПОДШОЛАР ТЎГРИСИДА

Адолатли подши кўзгу, бу эса унинг тескарисидир. У ёруг тонг, бу эса унинг қоронги кечасидир. Зулм унинг кўнглига ёқимли, фисқ унинг хотирига севимли. Мамлакат бузуқлигидан юрагида йигиноқлик, халқ паришонлигидан хотирида тинчиш. Обод жойлар унинг зулмидан вайрона, кабутар уялари бойқушга ошиёна. Май сели унинг базмида ошиб тошганидан мамлакат ободонликларини вайрона қилган... Ноҳақ қон тўқмоқ ҳамиша унинг хунаридир, жони бор киши ундан қўрқувладир...

Ўзининг номаъқулчилиги ўзига яхши қўринади, халқнинг маъқул иши унга ёқимсиз ва ёмон туйилади. Кўп хизмат оз янглиши билан унинг олдида иобуд бўлади, кўп ҳақиқат оз хато билан унинг хузурида йўққа чиқади. Хато фикри ўнг келмаса, дахли йўқларни шу фикрга шерик ҳисоблайди, балки шу фикрга қаршиларга тухмат қиласди. Нотўғри хаёли тўғри чиқмаса, иштироқи бўлмаганинги итобга олади, балки хабари йўқларга азоб беради. Ҳаёт сувини заҳар деса, маъқулламаган гуноҳли; қуёш нурини қоронгу деса, бу гапни мақтамаганинг рўзгори қора бўлади...

Чин сўз айтганлар жони хатарда, яхшиликка ундағанлар ўлим хавфида. Ҳақиқат унинг қошида бехуда; ақлли унинг назарида жоҳил.

Халққа қарши кўнглида сақлаган кийнаси — яширин хазинасининг кўмиглик қисми. Ўлдирмоқ учун жон бермоқ — шиоридир; халқ молу жонига човут солмоқ унинг овидир...

МУДАРРИСЛАР ТЎГРИСИДА

Мударрис кёракки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишга уринмаса, манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргазмаса ва олғирлик учун гап-сўз ва гавго юргузмаса, подонликдан салласи катта ва пеши узун бўлмаса... Нопокликлардан қўрқса ва попокликдан қочса; наинки ўзини олим билиб, неча подонга турли хил фисқ ишларни

мумкин, балки ҳалол қиласа, қилмас ишларни қилмоқ ундан содир бўлса ва қиласарни қилмаслик унга қоида ва одат бўлиб қолса. Бу мударрис эмасдир, ёмон одат тарқатувчидир...

ТАБИБЛАР ТЎГРИСИДА

Табибга ўз ишида маҳорат, касаллар ҳолига шафқат керак, асли тиббга табиати уйғун ва доинишмандиар сўзига пайров ва мулоғим бўлсан. Сўзида юмшоқлик ва диликўйлик, ўзида ҳаёв ва хушфөълийк бўлсан...

Бундай табибининг юзи бемор кўнглига севимлидир ва сўзи касал жонига ёқимлидир. Дами беморларга даво ва қадами хасталарга ишфодир. Унинг қўриниши ҳолослик хизри ва шарбати тириклик сувидир.

Агар касбиди моҳир бўлса-ю, аммо ўзи бадфетъл, бенарво ва қўнол сўз бўлса, агарчи беморга бир тарафдан даво қилур, аммо неча томондан касалиниг мизожига ўзгариши киргизур. Лекин саводсиз табиб жаллод шогирдидир; у тиг билан, бу заҳар билан азобловчидир...

КОТИБЛАР ТЎГРИСИДА

Котиб шоирлар сўзини вараққа нақшловчи ва сўз хазинасини сақловчи. Сақловчининг иши тоширилганни сақланадур ва ўз биглигча сарфлаш хиёнат бўлур. Омонат тоширилган кини хиёнатга мансуб бўлса, ўз ишида айбор бўлур, ундан кишининг қўлини кесмоқ яхшидир. Худди хол яхши юз саҳифасига гўзаллик берганидай, яхши хат ва ундағи нуқталар қозоз саҳифасига чирой беради. Хушхат котиб сўзни безантиради ва сўзловчини роҳатлантиради. Ёзуви тўғри котибининг тўғрилар кўнглига мақбуллиги аниқ. Муҳаррир хоҳ бир байт, хоҳ юз байт ёзгани билан таҳрири тузук бўлса; мақбул бўлур. Агар ёзув шакли кўримсиз бўлса, ўқувчи ва билимли киши ундан қийнгалиди...

АШУЛАЧИ ВА ЧОЛГУВЧИЛАР ТЎГРИСИДА

Шодликни оширувчи хонандада, гамини кетказувчи со занда — буларнинг ҳар иккисига хол ва дард аҳли жон фидо қилурлар.

У соз чалиб ёқимли ашула қилғанда, эшитувчининг ҳаёти нақди унга фидо бўлса на гам. Кўнгил қуввати яхши чолғучидан, рух озиги хуши овозданидир. Хушихон созандадан дард аҳлиниңг ўти тез бўлар, агар малоҳати бўлса, ҳол ахли ўртасида гавғо кўтаришлар. Ҳар бир со-занданинг сози дардлироқ бўлса, унинг чертиши ярати юракка таъсирироқ тегар. Оташин юзлик созанда ҳал-қумидан ёқимли қўшиқ чиқариб, ҳол аҳлиниңг кўйган багридан тутун чиқаради. Ёқимли машиноқ агар фахм-фа-росатли бўлса, одам кўнгли тоиндан бўлса ҳам унга бери-лади, хусусан, ҳам айтса ва ҳам чалса, кўнгил мулкига қандай гавғолар солади...

Аммо, бу түруҳининг бошқалари ҳам агарчи кўнгил очувчи ва қийинчиликни юнатувчиidlар, лекин ҳақиқат-да пасткаши ва тиланчиidlар. Айтувчи ва чолғувчи зор-ланиш, айланаб-ўргилини билан олғувчиidlар. То бую-рувчида баҳиниши ва инъом бор — улар малай ва хизматкорidlар. То сұхбатда ноз-неъмат мўл-кўл — уларга барча буйруқ ва қайтаригинг мақбул. Борди-ю, базмда машшат ос уларининг иши қинқайни ва ноз бўлди... уларининг кўнгли сендан олиниди. Агарчи йиллар бўйи ёхсонингдан баҳра олсалар ҳам — танимасликка солиб ўтарлар ёнингдан. Оз олсалар ерга урарлар, кўп олсалар қадрламаслар...

ШАҲАРДА ОЛИБСОТАРЛАР ТҮГРИСИДА

Шаҳар олибсотари хиёнатчи, ўзига фойда ва мусулмон-ларга қаҳат истовчи. Ҳалқца зиёни унинг фойдаси, арзои олиб, қиммат сотмоқ унинг орзуси. Олишида катонни бўз дейди, сотишида бўзни мақтаб катон хусусида сўзлайди. Шолни қимматбаҳо кийим ўринида ўтказа оладиган бўлса кечиктириш йўқ, бўйрани зарбафт ўринида сота оладиган бўлса тўхтатиб туриш йўқ.

Дўйонида иносоддан бошқа барча мол мавижуддир; унда ўз айбига иккор бўлиндан бошқа инософликнинг барча тури кўп тоинлар...

БОЗОР КОСИБЛАРИ ТҮГРИСИДА

Бозорда саздогарчиллик қидувчи косиб таангрига хоин ваъдасида турмоччи. Улар бирга арзирни юзга сотмоқ-даи минг бор мақтаниадилар; мингга тенгни юзга олмоқдан

заррача уялмайдилар. Тўғрилик билан савдо улар учун зиёнкорлик ва ваъдага вафо улар учун ёмонҳоллик ҳисобланади... Ўти отани алдаши уларининг хунарлари...

ДЕҲҚОНЧИЛИК ТҮГРИСИДА

Дон сочувчи деҳқон ерини билан ризқ йўлини очувчиidlар. Агар ўғрилик ва тузуклиги бўлса *солиҳ* түя-сича бўлур. Қўши хам иккি зўр иодвон бўлиб, юкига бўйсуниб олдида юради; ишишда ҳамдам ва ҳамқадам... Олам маъмурлиги улардан, ажамлилар ишодлиги улардан. Ҳар қаёни қиссалар ҳаракат ҳалиқда ҳам овқат етар, ҳам баракот.

Деҳқон агар тўғрилик билан дон сочса, ҳақ бирига етса, юз эннигини очади...

...полизида рух озиги кўриниадир. Ҷараҳтларининг ҳар бири кўм-кўк осмондай, у дараҳтларининг гул ва меваси юлдуз ва юлдузчалардай. Камбагалларининг шарбат ва сиркаси ундан, давлатмандларининг емини ва аъло шарбати ундан...

Иккинчи қисм

ЯХШИ ФЕЪЛЛАР ВА ЁМОН ХИСЛАТЛАР ТҮГРИСИДА

ТАВОЗЕ ВА АДАВ ТҮГРИСИДА

Тавозе ҳалқ мұхаббатини ўзига тортар ва *улуси* шу ишини бақарувчи билан дўстлаштирадар. Тавозе дўстлик чаманида тоза гуллар очар ва у чамандай ошиолик ва улғатчилик базмига хилма-хил гуллар сочар...

Адабли, агарчи барча кишилардан яхшиидир ва ҳамма ҳалойиңдан ёқимлиди, аммо улуглардан кўра яхшироқ ва кўли устуилардан кўра ёқимлироқди. Адабли ўз тенғ-курни орасида бир-бирига мақтанафли бўлади, каттадан-кичик ўртаевда яхши кўриниади. Сахийлик қўлмай элини шюб қўлади ва бирор нарса ҳадия қўзмай кишини гамдан сөзд қўлади.

Адаб кичик ёнчлагилерни улуглар дуосига сазовор эта-ди ва у дуо баракоти билан умрбод баҳрманд бўлади. Адаб кичинчлар меҳрини улуглар кўнглинига солади ва у мұхаббат кўнгилда аబздий қелади...

Ҳикоят

... бир ов найти гавғосида, чопиш ва отин орасида Хуерав Шарвезининг юксаклик тоқидан яроқлаған гавхар унда ишлаб турған инику узилиб ерга туниди. Овга бериллиб кетиб ундан ҳеч кимниң хабари бўлмайди. Овдан Мадошига қайтдилар. Бу ишини билгаңдан кейин одамларни суринтиришига юбордилар ва ўша иобб гавҳарни қидирдилар.

У тозк безаги мамлакат хирожига баробар бўлгани учун, тонган кининга кўп нарса ва қийматли мукофот ваъда қилинди. Ҳалик эса ўша данитда ўша гавҳарни қидирувда ва мукофот олини найида эди.

Иттифоқо бири гафлатда чўмга, бири ҳуниёр. Гафлатдагиси жоҳиллик юзасидан гердайга, ҳуниёр эса тавозе адаб безаги билан юксалган. Икки ҳамроҳ ўша данитдаги йўл билан бориб ва шаҳар сарі етицига иштилиб қадам ташлар ва данит кезар эдилар. Булардан бирининг оти яхонгита Мудбири ва бирининг номи йигитлар марди Муқбили эди. Булар инику қидирган ҳалойиқка иқинчландилар, ҳалиқи бошлаб чиққан кининг йўзицини дилар. Мудбири тақаббураник билан унга боқмай ўтди, Муқбили эса инсонлик йўлини илгари сурди. У бошлиққа адаб ва тавозе юзидан бош эгди, оёги остида эса гавҳар ётгани экан кўриб олди ва ҳалиги бошлиққа тақдим этди, у эса ўша ваъда қилинган мукофотниң вакили эди. Муқбилиният қўлидан унглаб шаҳарга қайтди ва бўлиб ўтган воқеани Хуерав Шарвезининг қонида тўлиқ байди. Хуерав ҳуниҳол ва ишод бўлди. Муқбилига деганидан ортиқ инъомлар бериб, ундан узрлар сўради.

Мудбири гердайини натиқасида ишахар гўлоҳидан жой олди. Муқбили эса, тавозе ва адаб хосиятидан мақсад гавҳарни тоиниб, шоҳ чаманида ором олди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

ТУРЛИ ФОЙДАЛАР ВА ҮРИНАК БЎЛИШ СУРАТИ

Тапбечлар

...Бахти агар олим бўлса, подоилар сўзи унга ибратли ва эътиборни бўлади; бахтесиз агар жоҳил бўлса, олим сўзидан ор қиласди. Ҳақиқат ҳам, жоҳилликдан кўра бад-

бахтроқ яна нима бор? Кимики ўзини-ўзи ёқтирса, қандай ёмонлик, кимики сўзиши ўзи ёқтирса қандай баҳтесизлик! Олам аҳли ўзларини ўзлари севадилар ва ўз сўзларини ўзлари ёқимли сезадилар. Инсон жинси бу сифат билан жаҳолатда қолган ва нафслари ихтиёrsиз бу даъвога илнинган.

* * *

Нафс истагига берилган *нафсоният* мақомида ўринашади. Ҳеч ким ўз кўнглиға гам тиламас ва ўз нафсига алам истамас. Аммо ўзганинг азиз зотида ҳадсиз хорлик кўрса, ўзига келган озгина қаттиқчиликка ҳам тафовут қилимас. Яна бирор азиз киши шаънида беҳисоб қийинчилик англаса, ўзига келган озгина кулфатга таъсирланмас. Ҳамма киши ҳам ўзгадан кўра ўзини азизроқ, ўзгалар сўзидан кўра ўз сўзини лазизроқ билади. Киши дунё яхшиликларини ўзидан пари кеткизмайди, аммо ўзга кишига яқинлаштиримайди.

* * *

Эркакларининг кўргазини учун ясанмоги — хотинларининг ўзига зеб берни учун безанмоги кабидир. Ваҳолапки, бу иш ишковига ҳам ярамайдир, аммо эркакларга кўпроқ шармандалинидир. Барча ўзини кўрсатиш ва безаш касали билан оғриган ва бундай қилиш эса бу иш ўз қеншларида яхши кўриниш ҳар кимният ўзига яхши туюлишининг очиқ далилидир...

* * *

Ўзига берилган — нодондир. Ўзини безаган — хушрўй сатангдир. Ўзини тортган — панд еган, магурлаинган — лаънат остида қолган.

* * *

Фано аҳлига кўп сўзламоқ — мақбул эмас, кўп эшитмоқ — матлуб ва яхшидир. Эшитмоқ кишини тўлатади, айтмоқ бўшатади... Кўп деган кўп янглишади, кўп еган кўп йицилади.

Тан касалларининг асоси кўп емакдир, кўпгил касалларининг асоси кўп демак. Кўп демак сўзга бино қўйган-

лик, кўн смак нафега бўйсулганикдир. Кишига бу сифатлар ортиқчалик қиласди, барчasi ўзига берилганикка слив беради.

* * *

Такаббурлик -- шайтои иши, ўзини катта олиш -- иодон иши. Мутакаббр тенгкур дўстлари олдида таънида ондаги... Худиарастлик қолади, таңгри олдида мердуд ва мәлъум... Худиарастликдан бугиарастлик яхшидир.

* * *

Яхшилик -- бир жабрланганинг оғир юқини кўтармоқ буига ҳам соглиқ, унга похушилик бўнгиз ҳам похушилик. Демак, кўнгил мулкининг эгаси бўлган нареа похушилик шоҳидир. Баданинг туаук ва бузуқлиги кўчишанинг тузуки ёки бууказига боғлиқ. Мулкининг обод ва харобалари похушинг адолат ва гулмига боғлиқ. Ноҳиоҳ муррабавини иш жонидир, кўнгил -- бадан мулкининг сунтони.

* * *

Мазлумга марҳамат кўрсанг, токи золимдан осойиш кўргайсан. Кўзи қалталарга наф етказ, агар тиласақт кучлилардан зарар кўрмагайсан. Хирадманд ёвланишидан қочар келишиш учун ўйгулих элигини очар. Ари гавосидан наиза тасаввuri пайдо бўлади, асал савдосидан ичиниш тасаввuri мусассар бўлади.

* * *

Дардларниг нафаси бир ўтдирики, қаттиқ кўнгилини юмшатар ва қуруқ кўзни йиглатар. Кўйганинг дами бир елдирким, манманлик хашагини совураг ва газаб тупроғини сунураг. Ошиқ иши ялиниш-ёлвориши, ишқ датуриши эса куйиш-ёниши. Парвонага кўймоқ ва ўртамоқ лили булбулга ихтиёрисиз қиласи полаву зор ва фарёддан одат. Кечаси ялтирайдиган қурт ёлкин ишини қандо тиним? Кечаси ялтирайдиган қурт ёлкин ишини қилимае, қашалак парвона ишини билмас...

* * *

Хар кимки бирор билан дўст тутиноз ёки дўстлик даъвосини қиласа, ўзига раво кўрмаганинг дўстига раво кўрмаслини билса, ўзига раво кўрмаслини билса...

ти керак. Бас, машаққатлардан рухга злам етади, кимни уни ўз ижисум жонига мумкин топади. Аммо уни дустлинига хәйлига ҳам келтиролмайди. Агар хәётиса келтирса даҳнатидан хәёти сўнади...

* * *

Кўнгил батан мулкининг подиноҳидир. Унга соглиқ буига ҳам соглиқ, унга похушилик бўнгиз ҳам похушилик. Демак, кўнгил мулкининг эгаси бўлган нареа похушилик шоҳидир. Баданинг туаук ва бузуқлиги кўчишанинг тузуки ёки бууказига боғлиқ. Мулкининг обод ва харобалари похушинг адолат ва гулмига боғлиқ. Ноҳиоҳ муррабавини иш жонидир, кўнгил -- бадан мулкининг сунтони.

* * *

Шоҳдан ҳам аутф даркор, сийсат ҳам матнубдири. Аммо ҳар бири ўз ўринида бўлмоги яхшидир. Бироҳи дустлини дуниманини фарқ қилимок узун кўн мутахазза ва фарқи керак. Ерин ўзгадан фарқ қилимок учун кўн танриба юз дононлик зарур. Чуники ўздан барчасига кўриув ҳам, умид, ҳам бор. Зарурдирки, ўзини қуллар кеби кўрсанисен...

* * *

Бехуда ҳукм бирорни побуд қиласа, у замон нуюбаймен бўзинидан ишма фейда? Ёки ўринесига бирорни юзни даражага кўтарсан-ю, билуб котиб настягетса, ўз оланига эндиришди.

* * *

Фосик озим ўз-ўзига золим донимимадиёр зазматмайди бахил -- ўз зиёниши қўзловчи недон. Бу акни жарин узрига бескорта ўтикаидигар ва ўғурга ҳасрат ва тарон олиб кетадар. Биря буки, ишм ўрганинга манзудат чекди ю, имад қилимади, бири, мөл йигинига меҳнат келди, сарф ки оғизи иш билмади.

* * *

Емонларга марҳамат ва яхшилик яхшиларга керади злам келтиради. Мушукни сийсан -- нафуза, сийсан -- Шароға ён босном -- төвук түхмини куртимади...

* * *

Ақллилар подиоҳлар сўзига ишоч билдиримайдилар, билимдоилар жиннилар гапига эътимод қилмайдилар, чунки биро соҳиб ихтиёрир, иккинчиси беихтиёрир. Ақллига ҳар иккаласидан нарироқ юриш яхшидир...

* * *

Ҷайси бир кўнгил қаттиқ сўздан яралангап бўлса, аччиқ тил заҳарли наизадек бўлур. Кўнгилга қадалган тий ханижари еткизган жароҳат битмайди, унга ҳеч нарса малҳам ўриини тутмайди. Ҳар бир кўнгил тил ханижаридан жароҳатланса, юмишоқ сўз ва ширин тил унга малҳам бўлади ва роҳат беради. Мулойим тақаллум — ваҳшийларни улфатга айлантиради афсунигар — илонни инидан чиқади...

* * *

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз. Кўп сўзловчи ваддироқ тунда тоғи отгуича ҳурийдиган итга ўхшайди. Тили ёмон ҳалқ кўнглига жароҳат еткизгани каби, ўз бoshiga ҳам оғат етказади. Нодонинг ваҳшатга солувчи алижирашга томоқ қирмоги — эшакининг ўринисиз ҳанграгомоги. Ширинесухан сўзи юмишоқлик ва келишув билан айтади, кўнгилга келган юз гам унинг сўзи билан қайтади. Имкони бор бир яхшилик сўз орқалидир!

* * *

Кимники сўзи ёлгои — ёлгои очилиб қолгач уялгои. Ҳар ёлгонни чиндек айтувчи сўзамол — кумушга олтии қопловчи заргар. Ёлгои афсоналар билан уйқу келтирувчи — ёлгоидакам уйқуда сўзга кирушувчи. Ёлгои айтувчи — гафлатдадир. Сўзининг турлари кўндири, ёлгодан, ёмонроқ тури ўйқидир.

Кимки ёлгонга вақтини сарф этса, унга бу ёмон кўринмай, аксинча яна шу билан фахрлайди. Агар тингловчини гофиyl топса, уларниг олдида ёлгонни чинга айлантиреса мақсадини ҳосил бўлган ҳисоблайди...

* * *

Подшолар хузуридан йироқ ва ҳоконлар базмидан четроқ турмоқ, балки яқининга йўламаслик яхшироқдир..

Кимки кўнглига ҳар нима келганини қила олса, унга ўз ихтиёри билан яқин борган бўлса ўзини-ўзи балога тиқади... Подшолар хизматига журъат кўрсатмоқ, ўз ҳаёт инини узмакдир ва ичинига огу сўрамоқдир. Уларга яқин бўлишини истамоқ ўз ўлимни учун бало тигини раво кўрмоқдир.

* * *

Ҳакимлар подшоларниг аҳволи кайфиятини текнириб, уларни ўтга ўхшатгандирлар. Ўт узоқдан наф етказади, ундан фойда тоимоқ узоқроқдан яхшироқдир. Гулхан ўти четроқдан наф етказади, ичига тунганини дарҳол куйдиради...

* * *

Елгончи кини унутувчи бўлади, тааммул ва эҳтиёт йўлидан четда туради. Ҳар кимниг сўзи чин бўлмаса, тўгрилар кўнглига у сўз мақбул тунмас. Елгончи ўз сўзини бир-икки бор ўтказади, кейин нима қиласди? Елгони билиниб қолгандан сўнг унга расволик етади ва сўзининг эътибори ҳалқ кўнглидан ўтади.

Кўнгил хазинасининг қулфи тил ва у хазина қалитини сўз деб бил.

* * *

Дуниман фириби ема ва маддоҳ хунномадин чин дема, чунки унинг гарази ўз мақсадига стмоқдир. Унинг мақсади сендан кичкина инъом олмоқдир...

* * *

Ваҳшатли хабарни чин деб дўстга еткизма ва бирорининг айби кўриниб қолса юзига солма...

* * *

Тез қўлга кирган узоққа чўзилмас, мақтаган билан яхоси ортмас...

* * *

Илм ўқиб унга амал қилмаган, шудгор қилиб уруг якмаганга ўхшар, ёки уруг соҳиб ҳосилидан баҳра олмаганга ўхшар...

* * *

Оз демоқ ҳикматга боне, оз емоқ сөғинка сабаб. Оғзиға келганин демоқ иодон иши ва одига келганин емоқ хайвеи иши...

* * *

Габхэр балчиққа тушиған билан қиймати камаймас ва ўз баҳоси йўқолмас. Эшакмунчоқни тожта тақдан билан феруза ўринин босмас ва ҳеч ким унинг баҳоси камлигини учугмас.

* * *

Фосиқ ҳамма мислатда иодонидир, покизалар орасида эса яна ҳам иодонроқ... Кайси за билан ёр бўйсанг ўзигини ўша хилда тут, қандай бўйсанг ўзигини ўзандай кўргиз...

* * *

Енамаганин сўраб ўргангани олим, орланиб сўрамаган ўзига золим. Оз-оз ўрганиб доно бўлур, катра-катра йигилиб дарё бўлур. Ўрганиндан қочган лаванд ва юзига ҳийла, баҳона эшигини очган хүчбекмас абллаҳ. Мехнат қилиб илм ўргангани хирадманд.

* * *

Улфат ва машақжат билан еган қандли кумочдағ тиич кўнгил билан ичган ёвғон умоч яхшироқдир. Зарбоғт тўн кийиб бирор олдида тик турмоқдан эски чопон билан турироқ устида тиич ўтироқ яхшироқдир.

Ўзидек бир кимсага қарам бўлиб, шодлик билан атлас, кимхоб устида ўтиришдан кўра кўнгил машақжатидан озод бўлган ҳолда гадойлик бўйрасида ер тутини кўп ортиқдир.

* * *

Нафсига берилган кишидан хунар келмас — емаеда ўзга; шахспарааст кишиндан фойда етмас — демакдан ўзга. Бирин овқатдан ором олар, бирин ўз мақтеби сўзидағрохатланар...

* * *

Ақлли кишилар хатосидан огохланади, тўғри йўлга тушиб олади. Буни у ўз хатосидан бошқалар огохланнидан ва айбии юзига солиндан бурун қиласди.

САХОВАТ ВА ҲИММАТ ТҮГРИСИДА

Сахийлик инсоният ботининг хосилдор дарахтидир, балки у дарахтининг ширин меваасидир. Одамийлик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқин дарёсининг асл газдаридир. Саховатсиз киши — ёгинеиз баҳор булути ва иси йўқ тотор муҳинидир. Мевасиз дарахт ҳам бару ўтин ҳам бир, ёгинеиз булут ҳам бир тутун ҳам бир. Саховатсиз киши билан гавҳарсиз садафни бирдай ҳисобласа бўлади... Сахий — булутдир. Иши хирмон, балки хазина бермоқ, баҳил эса чумолидир, одати дон ва машиқ термоқ.

Ҳимматлиларининг ихтиоси сахийликдир. Бу икки шарафли спфат (саховатлилик ва ҳимматлилик) покиза кишиларга хосидир. Сахийлик инсонининг баданидир, ҳиммат — унинг жони. Ҳимматсиз киши эр сонида эмас, чунки иконесиз баданини киши тирик демас.

... Истроғарчиллик сахийлик эмас... Ҳақ молини куйдирганини девона дерлар, ёргу куида мум шам ёққанини ақлдан озган дерлар.

Фархланиши учун бермоқ ўзини кўреатишлик ва бу билан ўзини сахий демак беҳаёликдир. Кишилар қўрмагунча бермаган насткашдир, сахий эмас. Тилаганга берганини ҳам сахийликдан йироқ бил, қистов билан бермаганини яхшироқ бил. Битга ионни икки бўлиб, ярмини бир очга берганини сахий дегил, ўзи емай барини мұхтоҗга берганини сахий дўст дегил.

ВАФО ТҮГРИСИДА

... Жаҳон гулшани вафо гулидан зийнатасиз, башарият гули вафо исларидан бўйнесиз. Вафо шундай шамдирки, ҳар бир қоронги уйни ёритмас ва замонанинг бевафо одамлари билан умфатлашмас. Шундай наргис гулдирки, давр чаманига кўз солмайди ва кишилар кўнгли тунчасида кўролмаслик ва ҳасаддан бошқа нарса қолмайди. Шундай севиклидирки, ярагилини пок, пок кўнгилдан бошқага

ромлиги ва улфатчилиги йўқ. Шундай истакдирки, зоти покиза, покиза табиатлигидан бошқага майл ва рағбати йўқ...

Вафога ҳаё билан пайвандлик — худди ҳаёга вафо болганга кабидир.

ВАФО ЗАЙЛИДА ҲАЕ ТҮГРИСИДА

Карам ва муруват — ота-оналардир. Вафо ва ҳаё — икки эгизак фарзанд. У икквида ҳар қаинча равшанилик билан соғлиқ бўлса, бу икквода шунчалик жинсласини ва бирниш юз берур. Ҳар бир қўнгилга вафо маскан қиласар экан, ҳаё ҳам жойланади, ҳар бир ўринда у топилар экан, бу ҳам топилади. Вафосизда ҳаёй йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Кимдаки буларнииг иккиси ҳам йўқ — имон ҳам йўқ. Ҳар кимда имон йўқ — ундан одамийлик қилишга имкон йўқ...

Комиллар — ахли ҳаё, иоқислар — беҳаё...

Ҳар кимга бир вафо кўргаздим — юз бевафолик кўрмажуича қутулмадим. Ҳар ким билан бир меҳр-муҳаббат ойинини туздим — минг жабр ва зўрлик тотмагуича халос бўлмадим...

ЮМШОҚ ҚЎНГИЛЛИК ТҮГРИСИДА

Ҳилм иносон вужудининг мевалик богидир, одамийлик оламиининг жавоҳирлик тогидир. Ҳилмни ҳодисалар дунёсида кишилик кемасининг лангари деса бўлади ва иносонлик мезонининг тошига нисбат берса бўлади...

САФАРНИНГ ФОЙДАЛАРИ ТҮГРИСИДА

Яхшидан ёмонлар ҳам ёмонлик кўз тутмас: яхши кини ёмонларга ҳам яхшиликни унутмас. Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма. Яхшиликни ёмонликдан яхшироқ билмасанг, ёмонроқ ҳам билма. Яхшиликни билмасанг, яхшиларга қўшил. Яхшилик теварагида айлана олмасанг, яхшилар теварагида айлан.

* * *

Дардлик кўнгил — шувъалик чироқ; ёшлиқ кўз — серсув булоқ. Туяқушга юқ ортиб кўчса бўлмас, чодир

қапотини очиб учса бўлмас. Ўт иши қовурмоқ; ел иши совурмоқ. Сувнинг мазаси муз билан, ошининг таъми туз билан, инсон яхшилиги — сўз билан... Таъмагирдан карамтилама; гадойдан оқча сўрама. Бахилнинг омонат асрани ажаб, яхшилик қилувчининг хиёнат қилиши ажаб...

* * *

Бепок ҳамдамликда ярамас, попок маҳрамлика.. Узига зеб бергаш ботир бўлмас, каналак парвона бўлмас. Дўст жабридан инграма, душман зулмидан зорланма.

* * *

Фосиқдан ҳаё тилама, золимдан вафо тилама. Очиқ юз билан қилинган инъом — саҳиийлик устига саҳиийлик. Покизалик билан қилинмаган иш яхши бўлмас, иш калаваси хасса бўлмас. Подшоларга хизмати мос келганинг қўрқинчи кўпроқдир. Ниқен кесак, дарденз эшак... Эгла қўнилган оройини тоиди, элдан айрилган осайини тоиди. Ҳар бир юргурган яқинлашмас, ҳар бир айрилган қовуимас. Душман ҳар қаинча кичик бўлса ҳам, қўнгилни қўзгатар, ҳас ҳар қаинча майда бўлеа ҳам, қўзин булгатар. Ернинг ободлиги эл билан, сув мавжи ел билан. Ёни болалар иши ҳеч нима бўлмас, ииста пўчоги кема бўлмас...

* * *

...Бефойда сўзини кўп айтма, фойдали сўзини кўп эшишидан қайтма. Оз деган оз янгишшар, оз еган оз йиқилар. Очлик — ҳикмат сармоясидир ва тўқлик гафлат кифояси-дир. Тўқлик ҳирсини кўнгилдан йўқ қыл. Ўзинги оч бўлиб, Либос зеболигини истасанг бир ялангочни кийинтири. Ҳар қаинчаки чиройлидир — кийганингдан кийидирганинг яхшидир.

* * *

Ҳар кишини сириигини маҳрами дема, бу — дунёё қишиларида оздири... Ўзинг сир сақлашиниң ўзинигга қийин бўлар экан, яна бирорнииг уни сақдамоги мушкулдири... Ўзинг ўз амригини сақлаб олмаганингни биларсан, бошқа бирор уни фош этса айб ҳам қиларсан...

* * *

Чии сўзини ёлғонга чулгама, чии айта оладиган тилини ёлғотга булгама. Ёлғончи — киши эмас, ёлғон айтмоқ эрлар иши эмас.


Ёлғон сўз — дегувчики беътибор қилар, чунки у гавхарий оддий тенденция хор қилар. Кимики чии сўзини ёлғонга котилтириса, аса нижуми нақосатга отар...

* * *

...Тилингни ўз ихтиёринеда асра, сўзингни эҳтиёт билди сўзли. Вақтида айтиладиган сўзни асрама, айтмас сўз теварагига йўлама. Сўз борки тишловчи танига икои киритади, сўз борки айтувчи бошини елга беради. Тилинг биздан кўислинигни бир тут. Кўнглини ва тили бир бўлган кишининг айтган сўзи бу. Сўзни кўнглинигда ишнитмагунича, тилига олма. Нимаики кўнглинигда бўлса тимга келтирма. Агарчи олма, сўзни сакчамоқ кўнглияга оғирдир, аммо сўзни сочиб юборомок боянга оғфатдир. Айтур ерда унумта, айтмас ерда ўзингни сўзга урнитирма. Абтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт. Оқол чии сўздан ўзгани демас, аммо барча чинни ҳам демоқ оқилиниг иши эмас...!

* * *

... Золем ва бедард сухбатида сўз юрутма. Чакимчи ва помард бор эканида оғиз оғма. Доно қўлдан чиқкан нарса тўғрисида сўз айтмас, ўтсан йигитлик орзу билан қайтмас.



ДАВЛАТШОХ САМАРҚАНДИЙ

«ТАЗКИРАТ УШ-ШУАРО»

РАШИДИДДИН БОТВОТ

Рашидиддин Ботвот хоксор, кичик жуссалик, хозиржавоб одам эди. Ботвот деб аталишига боис шу исмли мўъжаз бир қушга ўҳшатилишидир. Шундай бир нақл бор: Кунлардан бир куни хоразмлик олимлар хоразмшоҳ Отсизнинг /1127-1156/ мажлисларида бирда мунозара ва баҳс қилар эдилар. Рашидиддин Ботвот ҳам ўша мажлисада хозир бўлиб, мунозара, баҳс ва ҳозиржавоблик на муналарини кўрсатарди. Хоразмшоҳ кўрдики, шу қадар кичик жуссали бир одам бехад ва беандоза баҳс юритаётгабди. Рашидиддин Ботвотнинг олдидаги *хон* устига бир давот кўйилган эди. Хоразмшоҳ зарофат юзасидан деди:

— Давотни олиб қўйинглар-чи, қани кўрайлик; унинг орқасида туриб галираётган ким экан ўзи

Рашидиддин Ботвот ниссацдани англаб, давотни олиб қўйди, сўнг ўринал туриб икавоб қизди:

— Ипсон жуссаси билан эмас, балки дили ҳамда тили билан ишондир...

**НИЗОМУЛМУЛК, УМАР ҲАЙЁМ
ВА ҲАСАН САББОҲ**

...хожа Низомулмулк Тусий, Умар Ҳайём ва Ҳасан Саббоҳ Нишонурда бирга ўқиган, бирга дарс қилган эдилар. Шу сабабдан бир-бирлари билан дўстлик или билан бοлаган эдилар. Ҳожа Низомулмулкниң иқбол юлдузи кўтарилиб, эътибор топиб, мамлакатга вазир бўлганди. Орадан маълум муддат ўтгач, хожа бир куни улардан келишларининг сабабини суринтириди.

Умар Ҳайём деди:

— Сенинг олдингга келишдан мақсадим шулки, менга тириклик маошини Нишонурдан тайин этсанг, токи фарогатда куни кечирсам.

Ҳожа Низомулмулк рози бўлди, сўнг Ҳасан Саббоҳга мурожаат қилди:

— Сен нима дейсан?

Ҳасан Саббоҳ жавоб қилди:

— Мен дунёвий ишлар билан машғул бўлишга кўпроқ илтифотим бор.

Ҳожа Низомулмулк уига Ҳамадон ва Дииворининг ҳокимлигини берди. Лекин Ҳасан Саббоҳниң мақсади ҳожа Низомулмулкниң вазирлигига шерик бўлиш эди. Шунинг учун ҳам берилган мансабини қабул қилмади ва ҳожа Низомулмулкдан дили оғриб, у билан ёвлашиб қолди. Кейин Султон Маликшоҳниң надимлари ила алоқа ўрнатди ва нарду шатранж ўйаш билан машғул бўлди-ю, султонниң яқинлари ва надимларини ўзига ром қилиб олди; улар орқали султонниң арзига қўйидаги гапни етказди:

— Султон йигирма йилдан бери подшолик қилмоқда. Лекин у мамлакатдан қанча миқдорда мол жамланиб, унинг не миқдори харж қилинаётганидан албатта воқиф бўлиши зарур.

Султон ҳожа Низомулмулкни чақиртириб деди:

— Мамлакатдан жамлападиган ва сарфланадиган молни қанча вақт ичida ҳисоб-китоб қилиб бера оласан?

Подшоҳимизниң лутфу қарами орқасида буқун мамлакат сарҳадлари Кошгардан Антиохия ва Румгачадир. Агар астойдил тиришиб ҳаракат қиссанак, шояд, бир йил ичida ушбу юмуш охирига етказилур.

Эртаси куни кечқурун Ҳасан Саббоҳ Султон олдида тиз чўкди ва деди:

— Агар султон бу юмушни менга топширсалар ва қўлимни узайтирсалар қирқ кун ичida уни битириб, арга еткузурман.

Султон *дафтархона* ихтиёрини уига берди ва барча ҳисобчилар ва *муставфийлар* Ҳасанинг қўл остида бўлиб, «бу юмушни қирқ кун ичida поёнига етказинилар!» — деб буюорди.

Ҳасан Саббоҳ дафтар иши билан машғул бўлди. Қирқ кун муҳлат яқинлашиб, бу юмуш охирига стай деб ҳам қолған эдикни, ҳожа Низомулмулк бу иш Ҳасанинг қўли билан охирига етичи мумкинилигини англади ва бир ҳийла-тадбир ишлатди. У даставвал чуҳрасига кўп олтин ва мол бериб, Ҳасан Саббоҳниң чуҳраси билан дўстлашишини буюорди. Сўнг яна бундай деди:

— Қирқинчи куни Ҳасан ҳисоб-китоб ишларини якунлаб келади. Иккимиз уни султонниң даргоҳига олиб бора-миз. Сен ўйлда Ҳасанинг чуҳрасига: «Қани ҳожаиниң ҳисоб-китоб дафтарини кўрсат-чи, у пималарини ёзган экан, бу дафтар янгими ёки менинг ҳожамникими?» — деб айт. Ҳасанинг дафтари қўлингга тушиши билан уни остин-устуни қил, варақларини аралаштириб юбор!» Шуига келишилди ва ҳожа Низомулмулкниң чуҳраси қирқинчи куни Ҳасан Саббоҳниң дафтарини шу тариқа паришон қилди. Ҳожа Низомулмулк ва Ҳасан султонниң ҳузурига бирга етаклашиб киришди.

Султон Ҳасанга қараб деди:

— Дафтарни мукаммал қилдингми?

— Ҳа, мукаммал қилдим, — деб жавоб қилди Ҳасан.

— Ундаи бўлса, — деди Султон, — уни олиб кел!

Лекин, Султон Рай хусусида сўраган эди, Рум ҳақидаги варақ очилди... Шундан кейин Ҳасан ҳожа Низомулмулк макр-хийла ишлатганини англади. Ҳасанинг кўнгли гаш бўлди, қўлу обиг бўшашиб, шоша-ниша сочилиб ётган дафтар варақларини йигиштира бошлади.

Султон Ҳасанга ўшиқириди. Ҳожа Низомулмулк эса шу ондаёқ султонга қараб деди:

— Э, худонинг баандаси! Мен бу одам девона эканлигини бошдаёқ англаған эдим, лекин подшомиз мажбур этганиларидан қаршилик кўрсатолмадим. Ахир қандай қилиб бу қадар улкан мамлакатиниң кирим-чиқимиши қирқ куида поёнига етказиш мумкин?!

Мажлис аҳди ҳожа Низомулмулкининг бу сўзларини маъқулаб, Ҳасан Саббоҳни маломат қўлди. Султон уни дарҳол даргоҳдан ҳайдаб чиқарди.

Ҳасан Саббоҳ яширии тарзда Иефаҳонда у ўйдан бу ўйга кўчиб юрди. Абулфазл *раис* деган дўстининг ўйидан бошчана тошибди. Дўсти унинг кўнглини олди, Ҳасан бўлса фириб бериб, уни *зиндиқлик* ва бидъат мазҳабига ўтказиб олини найига туиди. Бир куни у Абулфазл раисига деди:

— Агар бирорта яқдил ва ҳамжиҳат дўстим бўлганда, бу туркманинг подиалиги ва анови қишлоғининг вазирлигига тамоман барҳам берган бўлардим.

Раис Абулфазл бу одам Конигардан то Миргача чўзилган улкан мамлақатни фақат бир дўсти ёрдамида қандай йўқ қили олар экан? Балки у савдойилик дардига мубтало бўлиб қолгандир, деган мулоҳазага борди. Раис ўша куни ёқ бодом ёти билан *афтумун* олиб келди ва уларни зъфаронга қўшиб бир дори тайёрладики, у савдойиликни даф қилилар эди.

Ҳасан шубҳаланиб раисининг ўйидан ҳам қочди. Дайlam кўхистонидаги Аламут қалъасига келиб, тоат-ибодат билан маштут бўлди. Қалъа кутволини фирибгарлик билан ўз муридига айлантирди. Ҳасан Саббоҳ ҳамма вақт қалъа ташқарисидаги горда истиқомат қилиб, тоат-ибодат билан маштут эди. Кутвол ундан қалъа ичкарисига кириб истиқомат қилинини сўради.

Ҳасан Саббоҳ жавоб қилди:
— Мен бирорининг мулкида ибодат қилмайман. Менга қалъа ичкарисидан бир хўқиз терисича ерии ажратиб сот. Мен ўз мулкимда тоат-ибодат қилай.

Кутвол қалъа ичидан бир хўқиз терисича ерии ажратиб унга сотди. Ҳасан Саббоҳ қалъа ичкарисига кириб олгандан кейин унинг тамом ҳалқини, ҳийла ишлатиб, ўзига мурид қилиб олди. Сўнг хўқиз терисини тилим-тилим ишмурид қилиб олди. Сўнг хўқиз терисини тилим-тилим ишмурид қилиб, бир-бири билан улаб, қалъа дарвозасининг бир табақасига боғлади, сўнг девор бўйлаб айлантириб, дарвозанинг иккинчи табақасигача тортиб келиб боғлади ва ишсаҳар кутволга одам юбориб, деди:

— Бундан бўён қалъа менинг мулкимдир, чунки унз сендан сотиб олганиман. Энди мулкимни бўйлатиб кўйи

Қалъанинг барча аҳолиси Ҳасан Саббоҳга мурид булини қолгани учун кутвол почор қалъани таоплаб чиқди

Ҳасан Саббоҳ шу тарика, макр-хийла билан, Аламутни эгаллаб олди ва унинг баҳосини Абулфазл раисга ёзиб юборди, мактубда бундай дейилганди:

«Ҳанузгача ёнимда бирон дўстим йўқ, ёлғизман. Ёру дўст ортдирсан ишларим бундан ҳам юришиб кетарди»

МИРЗО УЛУФБЕК

Мирзо Улугбекининг фаросати ва хотирасининг қуввати шу даражада эдик, ҳар ерда бирон жониворга ўқ узиб, ов қисса, шу тарихни эслаб қолар, воқеа куни ва қаерда содир бўлганлигини, жониворлардан қайсилари ов қилинганлигини дафтарга битиб қўяр эди. Тасодифан ўша дафтар йўқолиб қолди ва қанча қидирсалар ҳам уни топомадилар. Дафтарни сақлаб юрган хизматчилар саросимага тунидилар.

Подио деди:

— Таинин тортмантлар! Мен ўша дафтарга ёзилган гапларни бошдан-оёқ ёд биламан.

Сўнг Улугбек котибни чақиртириб айтиб турди, улар ёзиб олдилар. Янги дафтар тўлган ҳам эдик, ишари йўқолган дафтар тошилиб қолди. Ҳар иккала дафтарни солинтириб, тўрт-беш иктилофдан бўлак Фарқ тоғмадилар.

ШАЙХ ОЗАРИЙ ВА УЛУФБЕК

Маърифатли *шайх* Озарий бундан деб ҳикоя қиласиди мен ҳижрий 800 (1398) йили Қорабогда, уауг амир Темур кўрагонининг қиссаҳони бўлмини тогам билан бирга эдим. Мен Улугбек мирзонинг хизматига тайинланган эдим. Ўша вақтда ҳали ёш бола эдим ва бир неча йил болалик шодлигини шаҳзода билан бирга баҳам кўрдим. У билан бирга ўйнар, нақлу ривоятлар айтар эдим. У мен билан яқин дўст ва ўртоқ бўлиб қолди. Ҳижрий 852 (1448) йили мазкур подшо Хурсонни забт этди ва Исфаронга келиб тушди. Бислик ўтиб, қартайиб қолган эдим. Ўрнимдан туриб, подшонинг ҳузурига бордим. У мени узоқдан фақиру тақводор либосида кўрди. Салом-аликдан кейин сўради:

— Эй, дарвиш, сен эски ҳамсухбатимиз кўринасан. Қиссаҳонимизнинг жияни эмасмисан?

Подшонинг ўткир зеҳни, фаросати ва пок идрокидан лоҳ қолиб дедим


— Ҳа, жаноблари, қиссаҳонининг жияниман.

Улугбек Қорабогда айтилган ҳикоятлар, Гуржистон газовати ҳамда Озарбайжон ажойиботларини ўртага ташлади. Мен ёдимда бўлганиларини айтиб бердим.

АМИР ТЕМУРНИНГ БЎМ-БЎШ ХАЗИНАСИ

Шоҳруҳ султон Самарқанд таҳтига ўлтиргач (1409 й.) Амир Темуриниң кўк сарой ва шаҳар арқида яширилган хазинасига кирди. Лекин, абллаҳлар димоги ақлдан, жохиллар қалби билимдан холи бўлганидай, Шоҳруҳ ҳам ўша хазинани ганиждан ходи тоғди. Хоналардан бирига кирганида ҳассасининг учун бир дирҳамга тегди, олиб чангини артди ва кўзларига суруб, ҳамёнига солди. Сўнг мудозимларига қараб деди:

— Биз шу дирҳам ҳаққи отамиздан қолган хазина ва мероёдан баҳраманд бўлдик.



ХОНДАМИР

МАКОРИМ УЛ-АХЛОҚ

Латифа ва мутойибалар

ПОДШОҲДАН ИОН ТИЛАМА

Амир Алишер Навоий *Султон Абу Саъид* замонида Мухаммад Абу Саъид баҳодир билан Боги сафиидда сайр қилиб юрган эди. Мухаммад Абу Саъид баҳодирниң ташнишларидаи Юсуф исмли бир йигит вазирлариниң баъзи сидан ҳикоят қилиди:

— Вазир экинимга сув бермай қўйди. Мирзо Абу Саъидга арз қилмоқчи бўлиб саройга борган эдим ясовуллари унинг хузурига киритинмади. Ҳозир аҳволим шу қадар оғирки, бирорлардан бир бурда ион тилаб тирикчилик килаётшибман.

Амир Алишер Навоий унга қарата мана бу байтии ӯқиди:

Яъни:

Гадойки ион аз дари шоҳ жуст,
Бибояд зи оби худаи даст шуст.

Яъни:

Подшоҳ эшигидан ион излаган гадой,
Ўз суви билан қўлинин ювиб, қўлтиғига уриши керак.

ҲАР ЮЗ МИСРА ШЕЪРИ БАХОСИ БИР ПУЛ

Кунлардан бир куни соф кўнгилли амир Алишер фасоҳату зарофат бобида замон шоирларининг нешқадами хисобланмиси хожа Осафийга насиҳат қилиб деди:

— Ҳайроиманки, ўтириз зехинигиз ва баланд таъбингиз бўла туриб, ишъир ёзиши билан кам манигуз бўйласиз, қимматни вақтингизни бефойда ўткизаётисиз.

Хожа Осафий эътиroz билдири:

Аксинча шу кунларда ҳар қачонгидан кўпроқ шеър ёниб ёзётисман. Масалан, ўтган кечак иккичуллик шам ёниб битгучча иккичув юз байт шеър ёздим.

Амир Алишер кулиб дедилар:

— Ундан бўлса ёзган ҳар мисра шеърингизнинг баҳоси бир пул экан-да, мавлоно?!

ЎЛИГИ ҲАМ БИР БАЛО, ТИРИГИ ҲАМ...

Мусиқа илмида замонасининг ягонаси бўлган мавлоно Алишоҳ олий даражали амир Алишерга арз қилди:

— Каминадан илтифот ва марҳаматингизни аямаедан вақф боишқарувчисига айтисангиз. Ҳар ойда бориб бош оғриғи бўлиб юрмасаму олти ойлик маонимини бирданинга тўлаб қўяқолса.

Олий ҳазрат амир Алишер дедилар:

— Мавлоно! Умримиздан олти кун қолганими, йўқми, бунни билмаймиз. Шундай экан, нима учун сиз омонат ҳаёт-талашиб қиласиз?

Мавлоно Алишоҳ деди:

— Сиз буйруқ бераверинг, улар ҳам оқчани беравер-синилар. Борди-ю, куним битиб ўлиб қолсанам, ўша нул гўру кафанинга етиб қолар.

Шундай кейин амир Алишер ҳазратлари дедилар:

— Ўлиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало деганилари сиз экансиз-да?!

ОТИНГИЗИИ БУНДАН ОРТИҚҚА ОЛМАДИЛАР

Кунлардан бир куни саховатли амир Алишер заиф кимсалар ичидаги ўзининг қизиқ кўрининиши ва гаплари билан башкалардан мумтоз бўлган мавлоно Шаҳобиддин Мудав-

винга марҳамат юзасидан эгар-жабдути билан бир от инъом қилди. Бу илтифотдан у ўзини олий ҳазратининг хос кишиларидан хисоблаб хизмату мулозаматини ҳаддидан ошириб юборди. Амир Алишер отланиб бирон ерга борадиган бўлса, у ҳам орқасида юрар, қайтиб келгандан кейин эса дарвозасидан нарига кетмас эди. Канадай ёнишиб олган бу одам түфайли амир Алишер кўни қисилди, лекин унга бирон ган айтишга, ҳузуридан йироқлантиришга ботинолмади. Охири бўлмади. Хизматкорлардан бири, амир Алишернинг тошириги билан ўгри тариқида унинг уйига кирди ва отини ўғирлаб бозорга олиб бориб сотиб юборди.

Шаҳобиддин Мудаввии ўғрини ва отини кўп қидирди. Лекин тополмади. Шундан кейин амир Алишер ҳузурига келиб арз-дод қилди.

Амир Алишер деди:

— Отингнинг баҳосини берамиз, фақат шу шарт биланки, бундан кейин от сақламайсан, отланган кезларимизда бизга ҳам бош оғриғи бўлмайсан.

Шаҳобиддин Мудаввии рози бўлди.

Амир Алишер хизматкорга буюрди:

— Мавлонога юз таңга олиб чиқиб беринг.

Хизматкор Шаҳобиддин Мудаввинга тўқсон тўрт таңга олиб чиқиб берди. Мавлоно оқчани олди, лекин уни хисоблаб кўриб таажжуబланди ва деди:

— Бандага инъом қилинган оқча юз таңга бўлини керак. Бунинг олти таңгаси қани?

Хозир бўлганлардан бири жавоб қилди:

— Отингизни буидан ортиққа олмадилар.

ТАНБЕХ

Амир Алишер 1488 йили Ҳиротининг Жомеъ масжидини таъмирлашга уринаётган эди. Бицонинг ёзувларини ёзиб бериш хожа Мирак нақош тахаллуси билан машхур бўлган Сайд Рухуллого тоширилган эди. У бенарволик қилиб ишга кечикиброк қўй урди. Нақошлар унга қараб иши бошқолмай турдилар. Ишбошилар Мирак нақошга насиҳат ҳам, дўқ-пўниса ҳам қилиб кўрдилар. Лекин фойдаси бўлмади. Аҳволни улуг амирга арз қилдилар. Амир қизиқ бир тадбир ишлатди. Ўша пайда Мирак нақош Ҳирот атрофидаги Сайдравон қишлоғида дам олаётган эди. Амир

Алишер хожа Жалолиддин Мұхаммад мұнишийини чақыртып буюрди:

— Саид Рухулло девои олийга беш минг динор кенакийни қайтариши зарурлғы ҳақыда барот ёзіб олиб келинін.

Мактуб келтирилгач, амир Алишер Саид Рухулло танимайдиган иккі навкарни чақыртирип келтиреді, баротни улариншың күлиға топшириди ва буюрди:

— Саидравон қинлогига боринглар, хожа Мирак наққонини тоғиб қайд этилған маблагни сиёсат билан талаб қилинглар, ўзларнанғизни эса шаҳзода Фаридун Ҳусайн миризининг навкарлары деб таништириңгиз.

Навкарлар Саидравон қинлогига бордилар, Мирак наққонини тоғиб гирибонидан олдилар ва баротда күрсатылған маблагни талаб қылдилар. Саид Рухулло ҳайрат деңгизига чүмди, сүйг вазиятни хисобға олиб ялиниб-ёлвориша түшди:

— Ҳой биродарлар, мени масжиди жомеъга олиб боринглар, агар ҳозироқ инга тушмасам ҳар нарса бўлай. Йўқ дессанглар окчани тонишга ҳаракат қиласай.

Лекин навкарлар унга қулоқ соамадилар, кечаси билан ҳибеда тутдилар. Эртаси куни әрталаб Мирак наққош навкарларга яна ялиниб-ёлворди:

— Мени масжиди жомеъга олиб боринглар, шояд амир Алишер ҳолимга боқиб, девон хизматчиларига айтиб, менинг отимга ёзилған баротни бошқа кишининг номига ўтказиб, бу маблагни бўйнимдан соқит қиласар.

Навкарлар унинг арз-додини қабул қылдилар, Саид Рухуллони Ҳиротга олиб бордилар. Амир Алишер масжид қурилишини тенасида экан. Наққош унинг обёқтарига йиқилиб зорзаанди:

— Камбагаллик ишоясига етгай шуидай бир пайтда беш минг динор кенакийни банданинг зиммасига ёзидилар. Бандага раҳм қилиб шу қоғозни қайтариб олини чорасини күрсалар абад ул-абад ота-бобомнинг раҳматига мушарраф бўлур эдингиз.

Амир жаоблари дедилар:

— Баротни қайтариши мушкул, шундай бўлса ҳам бир қадар уриниб кўрурмиз, фақат шу шарт биланки, сиз ҳам ўн беш кун ичида ушбу муборак манзилининг катибаларини ташинишларидан кўнглимизни тиичитиб қўйсангиз.


Мирак наққош улуг амирнинг шартини қабуза қилди ва мана бундай тилхат ҳам ёзіб берди: «Агар белгиланган

муддатдан бирор кун ўткундай бўлса, банда маблаг хусусида ўзини узреиз жавобгар ҳисоблайди».

Шундан кейин амир Алишер мулозими Қамолиддин Ҳусайнини чақыртирип буюрди:

— Хожа Мирак наққош, уни олиб келган мулозимлар билан девоига олиб боринг, нима бўлса ҳам унинг номига ёзилған баротни қайтарилишига кўмактанинг.

Саид Рухулло хурсанд бўлди, дарҳол ёзув ишларига киришиди...





ФЛХРИДДИН АЛИ КОШИФИЙ

ЛАТОИФ АТ-ТАВОИФ

Ҳикоятлар

УЛУРБЕК МИРЗОНИНГ МАЖЛИСИ

Сайд Имод Ҳубоизий фозил ва хунитатб киши эди. У ма-на буларни ҳикоя қиласди: Мирзо Улугбекнинг мажлислари-да бирида *Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си* ўқилди. Мирзо ундаги баъзи шеърларининг маъносини мажлис ахли ўртасига ташлади. Мовароуниаҳрлик бир одам «Шоҳнома»ни мирзо, унинг яқинлари ва маҳрамларига ёқмайдиган бир оҳаёнга ўқиди. Мирзо менга мурожаат қилиб «унбу сўз аслида қаердан чиқсан?» деб сўрадилар. «Хурсоидан чиқсан!», — деб жавоб бердим. Бояги мовароуниаҳрликлар ме-нинг зиддимни олиб: «Ҳа, хурсоиликлар ўз мажлисларида шундай талафуз қиласдилар», деди.

Мен сўзимда давом этиб: «Хурсоонда бирон шеърни ёки бошқа нарсани ўқиганларида бузиб ўқийдилар, масалан, «Зафар аскан» (Зафар маскани) сўзини «зафарбоз» (за-фар ўйини) деб ўқийдилар», дедим.

Мирзо жавобимдан маминун бўядилар ва каминага хос чопонларини ичъом қилиб: «Минибаъд менинг хузуримда «Шоҳнома» бунақа бузиб ўқилмасин!» — дедилар.

Подшонинг *таштхонаси*дан бир кумуш офтоба ўтиранди. Кўни кўрган мунажжимни олдириб келиб ром очдири-дилар. Мунажжим устурлобни олиб, толе вақти белгилади, уни юлдуз ва сайёраёнининг ҳаракат йўлига мослаб, хисоб-китоб қиласди. Кўн таҳқиқ вағмулоҳазалардан кейин: «Кумуш офтобани саройдагилардан биронтаси ўтираб ќўйган», деди. Уни эннитиб турғанлар хо-холаб кулиб юбордилар ва: «Бу қанақа гап ўзи? Қачондан бери сарой ўтрига маскан бўлибди?» — деб эътиroz билдирилар.

Мунажжим бўш келмади-да: «Саройда Кумуш исмли жория борми?» — деб йигилгандарга мурожаат қиласди. «Бор!» — деб жавоб қиласдилар улар бир оғиздан. «Кумуш офтобани ўни ўтираган», деди мунажжим.

Тафтиш ва текниришлардан сўнг мунажжимнинг тазбири тўтири бўлиб чиқди. Подшо офтобани жориядан тортиб олиб мунажжимга ичъом қиласди, ўти эса жазоланди.

МУНАЖЖИМНИНГ ОРЗУСИ

Хусрави Парвезнинг хос мунажжими бўлиб, илму камолотда беназир эди. У бир куни подшоига деди:

— Э, Хусрав! Менинг қотилим қачон келаркан? Шуни ўйласам юрагим орқамга тортади. Беҳаё хотирга бир хаёл қиласди.

— Сенинг бизда не даъвоинг бор? Ганир!

Мунажжим: «Хеч бўлмаса икки куни подшонинг қасрида истиқомат қиласам. Кечани ҳам ўша ерда кечирсан, айни иқболу саодатга сабаб бўлур эди», деб кўнглидагини ганирди.

Хусрави Парвез ижозат этди ва мунажжим ўн кечаю ўн кундуз подшонинг қасрида истиқомат қиласди. Хусрав кечаси фаррошининг ёнида ётди. Тўққиз кеча ўтиб, ўнинчи кеча бошланган куни Хусрави Парвезнинг танимлари унинг ётоқхонаси деворини тешиб кирдилар ва мунажжимни подшо деб ўйлаб, бошини кесиб кетдилар. Хусрави Парвез бўлса омон қолди — у ўша кеча ҳарамда экан.

НУШИРВОНИ ОДИЛНИНГ ТУШИ

Нуширвони одил тушида тўғиз билан бир идишдап сув ичибди. Эрталаб тушини вазиринг айтибди, лекин у туни таъбиrlаб беролмабди.

— Бир кунимга яраб қоларсан, деб қўндан бошингни силаб келаман,— дебди подио вазирдан койиниб,— лекин сен ҳатто туни таъбиrlаинга қодир бўлмадинг. Сенга уч кун муҳлат, туниниг таъбирини ё ўзинг, ё бўлмаса бирон таъбири билан ечасан. Акс ҳолда бошингни кесаман.

Вазир Нуширвони одил хузурида кўнгли хийка бўлиб чиқди ва саройдаги тамом оғимлару мунайжимларни тўплаб бўлган ганини ўртага солди. Лекин ҳеч ким подионинг тунини таъбиrlаб беролмади. Шундан кейин вазир ўлимнига рози бўлиб турган ҳам эди, кимdir шаҳардан тахминан иккни тош наридаги горда бир ҳаким ўтиришини айтиб қолди. Вазир отданиб ўша ҳакимнинг олдига жўнади. Ўша гор жойлаинган теналикга яқиниданга ҳам эди, киминингdir баланд овоз билан: «Э, вазир! Таъбири ахтариб ўзингни у ёққа урдинг — бўлмади, бу ёққа урдинг — натижаси чиқмади. Ваҳоланки, ўша тушиниг таъбири менинг қўлимда, уни мени ечиб бериним мумкин»,— деган баланд овоз эннишиди. Вазир отининг жиловини овоз чиқсан тарафга бурди. Қараса қаринеида бир ёни бола турибди.

— Неминг нима? — деб сўради ундан вазир.

— Бузуржмехр,— деди бола.

— Қаичадан-қанча уламо ва таъбирични ечолмаган тушини муштдай бошинг билан сен қанақасига ечиб бера олардинг?

— Олим кўну, лекин илм ҳар кимга ҳам иасиб бўлавермайди,— деди бола ҳеч таи тортмай.

— Уйдай бўлеа,— деди вазир,— қани тушиниг таъбирини ечиб кўр-чи!

— Мени подионинг хузурига олиб бор, тушиниг таъбирини унинг ўзига ечиб бераман,— деди бола.

Вазир ёқасини ушлади ва деди: «Бордио ечиб беролмасанг, унда нима бўлади?»

— У ҳолда бир қошиқ қонимдан кечдим, подио сенинг ўринингга мени ўлдира қолсан.

Вазир болани етаклаб саройга олиб келди ва бўлган воқеани бирма-бир сўзлаб берди. Подио даргазаб бўлиб: «Тамом ҳукамо ва буюк уламолар ечиб беролмаган масалани қандай қилиб мана бу гўдак ечиб бера олади. Куни миз энди шу гўдакга қолдими?»— деб вазирга сиёсат

қилди. Вазир бошни хам қылганча ер чизиб ўтираверди. Ўртага сукут чўкди.

Сукутни бола бузди:

— Шоҳо! — деди у,— сен мени гўдак фараз қилиб, мунисулумини ечиб беролмайди, деб ўтирибсан.

— Қани ечиб кўр-чи, бўлмаса,— деди подио сал юмшаган бўлиб.

— Бизни холи қолдирсепилар унда,— деди Бузуржмехр подиога таъзим қилиб.

Подио билан Бузуржмехрни холи қолдирдилар. Шундан кейин бола сўз бошлади.

— Ҳарамингдаги суйган чўриларнигдан бирига кимдир шерниклик қиласди.

Бу гандан подио алланечук бўлиб кетди. Ким бўлди бу шерик одам? У яқинларини бирма-бир кўнгилдан ўтказди, лекин ҳеч кимса хотирига келмади. Сўнг Бузуржмехрга мурожаат қилди:

— Э, болакай! Сен қизиқ бир ганини айтдинг. Бу гани қаердан олдинг? Сен бўни қаердан биласан?

— Буни ҳозир исбот қиласми, аъло ҳазрат! Ҳарамингиздаги барча аёлларни кўриқдан ўтказинг. Уларга бугун ҳарам соҳибаларига сардор тайинлажагингизни айтиб қўйинсин,— деди Бузуржмехр подиога.

Бузуржмехрнинг маслаҳати билан ҳарам соҳибалари саф бўлиб подио, вазирлар ва ходимлар олдидан олиб ўтилди. Улар орасида илгари подионинг назари тушибан бир гўзал чўри ҳам бор эди. Ўша гўзал подионинг рўбараусига этиши билан вуҷудини титроқ босиб, оёқлари чалкашиб, ийқилишига бир баҳя қолди. Уни сафдан тортиб чиқардилар ва қаттиқ сўроқ қилинди. Қанизак охири: фалон исмли чиройли бир гуломга ошиқ бўлиб қолганини ва кечалари у билан ҳарамда яниринча учрашиб туражагини бўйнига олди. Гуноҳкор жазога тортилди, Бузуржмехр эса сарой хизматига олиниди.

Тамеиллар

БОЙНИНГ ВАЪДАСИ

Бадавлат бир одам дўстларидан бирига катта инъом ваъда қилибди. Лекин вақт ўтаверибди, ваъда эса ваъдалигича қолаверибди. Бир куни ўша таъмагир валенеъмат дўстига ваъдасини эсига солиб хат ёзиб юборибди. Дўсти-

дан эса мана бу мазмунида хат олибди: худонинг баидаси қилган ваъда — таңгрининг зиммасидадир. Бу — ҳам фарз, ҳам суният.

ИНЬОМНИНГ УЗОҚҚА ЧУЗИЛГАНИ ДУРУСТ

Жаъфар иби Яҳъё иби Холид бир одамга катта нафака тайин қилибди, ҳазиначига эса куида оз-оздан бериб туришини тайинлабди. Ўша одам бир вақт вазирининг ҳузурига кириб, «инъом озлик қилинти, куидалик харажатларимни қопламаётир. Ҳазиначига айтинг, яхшии ҳаммасини бир йўла бериб қўяқолсин», деб арз қилди.

Жаъфар иби Яҳъё деди: инъом оз бўлса ҳам узоққа чўзилгани хайрли, чунки у куида бўлавермайди, аҳён-аҳёнда бир бўлади.

КАМҲАФСАЛА ТАЛАБА

Руқиуддавланинг вазири Абузифазл иби Умид ўғли Абулфатҳни фазлу камолотда балогат қасб қиссин ва замонанинг етук одами бўлиб етишсени, деб Абулҳусайн Аҳмад иби Форисийга шогирдликга берди. Лекин Абулфатҳ ўқишида камҳафсалалик ва ялқовлик қилди. Устоз унинг отасига мана бу мазмунида хат ёзиб юборди: аслида ўғлинг нинг калласи чумолининг бошидан ҳам кичик, бўйни эса шишанинг гарданидан ҳам қисқа экан.

ВОЪИЗНИНГ ДУОСИ

Бир куни бадавлат бир одам *воъизга* тилла узук ҳадя этиб, илтимос қилди:

Минбардан туриб менинг ҳақимга яхшилаб дуо қилинг.

Воъиз узукни киссанига солди ва намози жумъада минбардан туриб унинг ҳақига бундай дуо қилди: Худоё, фалончига беҳиштдан бир тилло қаср ато қил, унинг томи бўлмаса ҳам майли!

Воъиз минбардан тушгач, ҳалиги одам унинг қўлларидан тутиб миннатдорчилик билдири. Лекин, деди у, қилган дуоинизнинг маъносига кўп ҳам тушунолмадим, «томи бўлмаса ҳам майли», деганингиз нимаси?

Воъиз жавоб қилди: берган узугинг чиндан ҳам тилломи йўқми билмайман. Шу сабабдан тангри таолодан сенга томсиз қаср тиладим.

ҲАҚПАРАСТ ОМИЛ

Кинилоқ аҳли халифа Маъмунига омилиниг зулмидан шикоят қилиб келибдилар ва адолат ўриятини илтимос қилибдилар.

Халифа уларга жавоб қилибди: омилларим орасида ундан ростгўйроқ ва ҳақнарасти йўқ. Унинг ҳар аъзоси, тирнигидан сочигача ҳақнарастлик ва адлу иисоф билан тўладир.

Буни эшитиб, деҳқонлардан бири деди: ундан бўлса унинг ҳар бир аъзосини бир вилоятга юборсангиз кўн яхши бўларди, токи сизга тобе ўлкаларда адлу иисоф қарор топарди.

ЗИНДИҚНИНГ УЗУГИ

Бир гурух бўхточилар халифа ҳузурига бориб «фалон кини зиндиқлар тоифасига мансуб бўлса керак, чунки Мутаваккил биллаҳ номи ёзилган узук тақиб юрибди», деб чақдилар. Халифа уни тутқизиб келди ва сўроқ қилди. Ўша одам тиз чўкиб, зорланиб йиглади ва деди: қадрдан бир дўстим бор эди. Исми Зайд. Ўзи ҳозир сафарда. Йўнаб кетиш олдидан шу узукни «мендан ёдгорлик бўлсин, аҳён-аҳёнда бир қараб қўйсанг ёдлигга тушаман», деб эди.

Халифа не сабабдан йиглаганининг сабабларини суриштирган эди, бундай деди: сизнинг одамларигиз мени кузата бошлаганларидан бери шунаقا йиглоқи бўлиб қолдим. Йигламагунимча ўша дўстим ёдга тушмайдиган бўлиб қолди. Ҳозир ёнимда бўлганда, суюнчигим бўларди.

Халифа унинг қўлидаги узукни олиб кўздан кечирди. Унинг назаридаги узукга «зиндиқи баоллоҳ» (Зиндиқка тангри ёр) сўзлари нақш қилингандай туюлди. У: «Альо ҳазрат! Ундан эмас, «Зайдба-оллоҳ» (Зайдга тангри ёр) деб ўқиш тўғри бўлади», деб жавоб қилди.

ҚАБРИСТОНДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Умар иби Абдулазиз вафот этди. Уни дафи қилишаётгандага ўғли Абдулмаликийнинг назари нутқ сўзлаётгандага тушди. У сўзлаётиб кўпроқ чап тарафга ўгирилиб қаради. Дафи маросими тугагандан кейин Абдулмалик унинг ёнига борди ва: «Тақсир, сиз гапираётиб чап тарафда турганлар-

га кўпроқ илтифот қўлдингиз. Буни қандай тушунса бўла-ди? — деб сўради. У жавоб қўлди: «Ўяган азизнинг ёрон-ларини кўриб олиниглар», деб шундай қўлдим.

УЧИНЧИСИНИНГ НИМА КЕРАГИ БОР?

Зариф бир одами аллақандай гуноҳ билан айблаб подшонинг ҳузурига олиб келдилар. Сўроқ ва суриштиришлардан кейин, подио жаллодий чақиритириб: «Унииг баша-расидан тешик очиб қўй, токи яхши кўрадиган бўлиб қолсии!» — деб буюрди.

Зариф одам подшонинг оёқларига йиқилиб деди: «Э, подшоҳи олам! Башарамда бир эмас, икки кўзим бор. Учинчиисининг нима кераги бор?»

САЙИДЗОДАЛАР НЕГА

КУНАЙИБ КЕТДИ?

Султон бир куни саййид Абулгиёс исмаи одамдан сўра-ди:

— Тақсир, дейман шу кунларда саййидзодаларнинг со-ни анча кўпайиб кетдими? Бунииг сабабини билмайди-ларми?

— Ота-боболарингиз ҳар куни беш вақт намоз устида «Муҳаммад мустафога ва унииг хонадонига саломлар бўл-син!» — деб дуо қилиб тургандан кейин саййид кўпайи-дан ким кўпайсин?

АРАФА КУНИ ТУТИЛГАН

РЎЗАНИНИГ ХОСИЯТИ

Зариф одамга бир олим дебди:

— Кимда-ким арафа куни рўза тутса, бир йиллик гуно-хига кафорат бўлади.

Иттифоқо ўша зариф киши ёз ўта иссиқ келиб, одам ташниаликдан ўлим азобига тушган бир йили арафа куни чошгоҳда сабрезизлик қилиб рўзасини очиб юборди. Ўнга маломат қилиб: «Не сабабдан рўзангиг очиб юбординг?» — деганиларида у бундай жавоб қўлди:

— Рўзамни ҳақиқатан ҳам куннинг қоқ ўртасида очиб юбордим. Нима ҳам қўлдим, энди бир йиллик эмас, олти ойлик гуноҳим ювиладиган бўлди.

ҚОЗИ ЗАРИФ ОДАМГА ДЕДИ:

— Биродар, йўқ демасанг сендан зарофатли бир ган ёу-расам.

— Тақсиримдан вақт у ёқда турсин, жонимизни ҳам аямаймиз, сўрайверсинлар,— дебди ҳалиги зариф одам.

Ўртада савол-жавоб қизиқ кетди. Қози сўради:

— Ит бир-бирига тутан томлардан чениб бораётгиб ел чиқарип юборгандай бўлса, у қайси томнинг соҳибига тегишили бўлади?

— Ит елии қайси том устига чиқаргани аниқлаб берилса, бажонидил айтиб берардим.

Қози бир оз хикъи бўлди, лекин бўйи келмади:

— Борди-ю, томлар ёима-ён бўлса-чи?

— Унда елии икката том соҳиби тенг бўлиб олинилари керак.

— Агар ўна вақтда том эгалари уйларида бўлмаса-чи?

— Унда ел байтулмозга тегишили бўлади.

МАҚБАРАНИНГ КАМЧИЛИГИ НИМА?

Хожа Мунъимий исемли бир одам тириклик чогида ўзига мақбара курдирибди. Усталар мақбарани бир йил деганда куриб битирибдилар.

Хожа саркордан сўрабди:

— Мақбара кўп яхни қурилибди. Лекин айтинг-чи, сизнингча, унииг бирон камчилиги борми?

— Бор.

— Нима етиммайди?

— Жанобларининг вужуди шарифлари етиммайди.

МИНГ БИР ДАРДГА ДАВО ГИЕХ

Мавлоно Муқаррарий Кўҳистоний исемли фозил бир шоир ўтган экан. У девон мураттаб-қилиган, кўҳистонликлар тилида кўп яхни шеърлар ҳам битган экан. Кунлардан бир куни бир бойвачча уни меҳмонга тактиф қилибди, дастурхон ёзиб аввойи таомлар тортибди. Шулар орасида қайнатилган қандайдир бир гиёҳ ҳам бор экан. Бонка ов-катлар туриб у меҳмонига ҳалиги гиёҳга ишора этиб деди:

— Марҳамат, мавлоно! Мана бу таомдан танаввул қил-

синлар, уни ўз қўлим билан тайёрлаганимай. Минг бир дардга даво бу.

Гиёҳнинг бир шохчасини синдириб олиб оғзига олиб борган ҳам эди, ундан чиққан сассиқ ис димогига урди, кўнглини айниятди. Емади ва авайлаб уни яна лагангта кўйди.

Мезбои кузатиб турган экан, меҳмонни маъжбурлаб, гиёҳни яна мақтай кетди:

— Э, мавлоно! Гиёҳдан иега ташаввул қўлмадилар? Фойдасини кейин биласиз, у минг бир дардга даво.

— Уни пицираман деб кўп овора бўлибсан, тақсир Бизнинг унга ҳали муҳтоҷланигимиз йўқ эди,— деди меҳмон тавозе билан,— дардимиз ҳали мингдан ошганича йўқ.

БИЗ ҲАМ ШУ МУСИБАТНИ ЭШТИБ, ЖАНОЗАГА КЕЛГАН ЭДИК

Хиротининг тамом ишорлари ва фозила киннилари Бахиллий деган бадавлат бир кинининг уйига меҳмонга боришибди. Ҳожа бундан огоҳ экан, гуломига деди: «Шитоб билан ташқарига чиқ ва «афусски сизларни бугун меҳмон қилимаймиз, чунки бечора ҳожам бундан бир соат муқаддам бу фоний дунёдан боқий дунёга равона бўлдилар», деб айт».

Гулом ҳожасининг айтгаиларини қилди.

Шўх таъб ишорлардан бирни деди:

— Баңдалик, иним! Ҳожангиз бизларнинг валенеъматимиз эдилар. Илож қаинча, бу ҳаммамизнинг бонимизда борган. Биз ҳам шу мусибатни эштиб, жанозага келган эдик.

БАХИЛИЙНИНГ МЕҲМОНДОРЧИЛИГИ

Шўх бир одам ўша Бахиллийнигига меҳмон бўлиб борибди. Бахиллий чўрисини чақириб, буюрди:

— Азиз меҳмон учун шитоб билан полуда ҳозирла!

— Асал билан ёғ йўқ, бўлмаса жоним билан тайёрлардим уни,— деди чўри.

— Унда,— деди Бахиллий,— ҳарир ва дибодан тикилган либос келтир, азиз меҳмон роҳат қилиб ухласинилар.

Меҳмон қўй қовуштириб деди:

— Э, ҳожа! Ҳимматлари учун ташаккур. Бирон парча қаттиқ нон топилмайдими уйларидан? У ҳарир ва дибодан тикилган либосдан афзалроқ эди

ФАЛОИ ҚАЛИМАНИ ҚАЕРГА ҚЎЙДИЛАР?

Орадан бир неча вақт ўтиб, куз чоги ҳатиги шўх таъб одам яна ўша Бахиллийнигига келди. Ҷарвозанинг ёргигидан қараса, Бахиллий сунада бир товоқ аниқирии олдига қўйиб зўр шитиҳа билан еб ўтирган экан. У дарвозани қоқди. Ҳожа Бахиллий товоқдаги аниқирии дастурхон остига янириди, сўнг бориб дарвозани очди, меҳмонни сунага етаклади. Ҳожа Бахиллий фотиҳадан кейин мезбонга мурожаат қилди.

— Ким бўладилар?

— Ҳофизман. Етти пора Қуръонини қироат билан ўқишимай.

— Қулбамизга не хизмат билан келдилар?

— Ҳонадонингизда ўтган-кетганларни ёдаб, дуо қилиб ўтай деб эдим.

— Бирон оятдан бир нима ўқинг бўлмаса.

— Жоним билан, ҳожам! Сўнг меҳмон сурайи таборакдан бир оятни ўқиди. Ўқиди-ку, лекин сал ҷалароқ ўқиди.

— Тақсирим, фалон қалимани қаерга қўйдилар? — деб сўради ҳожа Бахиллий катта жангда голиб келган хўроздай кеккайиб.

— Ху анови ерга,— деди ҳофиз дастурхонини ҳалиги бир товоқ аниқириб қўйилган тарафини кўреатиб.

ХУШНУД ВЎЛИВ КЕТМАГАН ВЎЛСА,

БОИКА КЕЛМАЙДИ-ҚЎЯДИ

Бир тақводор шўх таъб дўстидан сўради:

— Шу йили муборак рамазон биздан хушнуд бўлиб кетдимикан, ё йўқмикан?

— Ха, тақсир! Хушнуд бўлиб кетди.

— Буни қаердан биладилар?

— Шунданки, тақсир, бордю хушнуд бўлиб кетмаган бўлеа, келаси йили келмайдилар-қўядилар-да!

ПУЛОВЧИ БИЛАН ҲУРИ

— Шероздан чиққан бир йўловчи йўлда, катта бир даражатинда тўхтаб таҳорат олди, белбогини ёзиб намози асрарга ўтириди. Сал парироқда ўтри унинг кавушини пойлаб

ётарди. Йўловчи буни фаҳмлаб жойнамозга кавушини счмасдан чиқди.

Йўловчи намозини ўқиб бўлгач, ўгри унинг қарисига келиб саломлашиди, сўнг сўради:

— Э, оллоҳининг бандаси! Нега кавушининг счмай жойнамозга чиқдинг?

— Ўтган ҳафта биттасини фалон маёжидда эгасига топшириб, закотдан кутулғанман,— деди ўгрига йўловчи.

МАҚТАНЧОҚ

Жўчи исемли бир одам жамоат олдидага мақтаниб деди:

— Мен ва онам мөдир мунайжимлармиз. Бирон таъбирда ҳеч қачон хато қилиган эмасмиз.

Йигилғанлардан бирни деди:

— Нимага аесланиб бундай дейсан?

— Шунга аесланиб бундай дейманки, агар булут пайдо бўлса мен албатта ёмғир ёғини керак, дейман, онам эса аксенича, балки ёғмас дейдилар. Ҳар ҳолда иккимиздан биримизнинг таъбиримиз тўгри бўлиб чиқади.

ИККИ ВАЗИР СУҲБАТИ

Хожа Пир Аҳмад Хавофиий қирқ йил мирзо Шоҳрухининг вазири бўлиб хизмат қилиди. Хожа Аҳмад иби Довуд ҳам Шоҳруҳ мирзонинг вазири эди. Некин асли сиёҳжирлардан эди. Бир куни у хожа Пир Аҳмад Хавофиийнинг олдидаги роса мақтанди. Хожа Пир Аҳмад Хавофиий эса: «Ха, мавлоно, сиз ҳакиқатан ҳам зўр мансабдорсиз», деб кўйди.

Даҳор кунларида биринча хожа Аҳмад иби Довуд Хирот қасрининг хандакидан ўтиб бораётганда хандак деворига ин соглан күшлар жўр бўлиб сайраб кетинди. Улардан коқко (ака) деган овоз энтиларди. Шу сабабдан бу кўнгларни коко деб атайдиган бўлинди. Бир куни вазирлар хандак ёнидан ўтиб кетиниётган эдилар, хожа Аҳмад иби довуд хожа Пир Аҳмад Хавофиийдан сўраб келди:

— Мавлоно, күшлар нима деб сайраншаётган эканлар?

— Коком келди, деб сайраншилар, мавлоно,— деб жавоб қилиди хожа Пир Аҳмад Хавофиий.

ВАЪЗИГА АМАЛ ҚИЛМАГАН ВОЪИЗ

Хожа Аҳмад иби Довуд эпчил одам эди. Ҳам вазирлик қиласарди, ҳам ваъз айтарди. Бир куни Шоҳруҳ мирзо Пир Аҳмад Хавофиийдан сўради:

— Хожа Аҳмад қанақа воъиз?

— Ваъзига амал қилмайдиган воъиз,— деб жавоб қилиди Пир Аҳмад Хавофиий.

ХАЛИФАНИНГ ПУШЛЯМОНИ

Аббосий халифалардан ал-Восиқ вазирини тоидирб келиб сўради:

— Қаерларда юрибсан, э Хомон?

— Сиз учун сариҳ қурдиртираётган эдим,— деб жавоб қилиди вазир.

Сариҳ деб фиръавининг кўнигини айтардилар. Халифа ҳайрон бўлди. Нима қилиб қўйганини энди англади, ахир Хомон фиръави вазирининг исми эди-ку?!

ВАСВАСА КАСАЛИГА ГИРИФТОР

БУЛИВ ҚОЛГАН НАДИМ

Подшонинг эпчил надими бор экан. Бир вақт у васваса касалига гирифтор бўлиб қолибди. Ўлтиришларда соқолидан бир тук юлиб олишини ҳам одат қилибди. Охири подшо унга қаттиқ ташибҳ берибди ва дебди:

— Иккинчи бор шундай қылганингни кўрсам жаллодга буюриб иккала қўлингни қирқтириб ташлайман.

— Узр тутадилар, аъло ҳазрат! Бу тақрорламайди. Надим подшонинг мажлисида маъюс ҳолда чиқибди. Ўлтиришда ўзини эҳтиёт қиладиган бўлиб қолибди, лекин унда шу қилигини тақрорлайверибди.

Орадан анча вақт ўтиб, бир куни подшонинг мажлисида надим дунёнинг ажойибу гаройибларида сўзлаб, подшони кўп хушиуд қилибди. Бир вақт подшонинг кайфи ошиб қолиб надимга катта илтифот кўрсатибди.

— Э, фалон,— дебди у надимга мурожаат қилиб, — сенга кўп серунум ерларни инъом қилмоқчиман, токи умринингниг охиригача роҳат-фарогатда кун кечиргии. Яна пима сўрасанг «йўқ» демаймиз.

— Минг бор ташаккур, аъло ҳазрат! Яхшиси соқолими-ни инъом қилиб қўя қолинг, токи ундаи хоҳтаган ерда истаганимча юлайин. Бундай қизимасам қўлим қуриб қолади,— дебди наидим.

БОШИНГ ОГРИБ ТУРГАН БЎЛСА,

МЕНДА НЕ ГУНОҲ?

Деҳқон *саркориниг* дастидан охири подионинг хузурига арз-дод қилиб борди. Лекин подио унинг ганига қулоқ солмади ва ерга қараганича индамасдан ўтираверди. Деҳқон арзини яна бир боидан арз қилди. Подшо бир нима демай унга орқасини ўгириб олди. Деҳқон бўйи келмади — арз-додда туриб олди. Подио дарғазаб бўяди ва унга ўгирилиб қўлини налахса қилди:

— Эй, олонинг махлуқи! Тамом дардиар экансен-ку, йўқол қўзимдан!

— Аъло ҳазрат,— деди деҳқон қўлларини кўксига қўйиб,— ахир бошинг огриб турган бўлса менда не гуноҳ?

ҲАЖКОЖ ВА ТОВУС

Яманлик Товус исемли бир одам Ҳажкожнинг хузурига келиб қолибди. Ҳажкож уни астойдил имтиҳон қилибди, Товус эса унинг ҳамма саволларига қўрқмасдан жавоб берибди.

Ҳажкож аввал Яманда ҳокум бўлиб турган акасидан сўз очибди:

— Сенинг ҳукмфармонинг Мұҳаммад иби Юсуфнинг ҳол-ахволи қандай?

— Ўлгуича семиз, девдай барваста одам у,— деб жавоб қилди Товус.

— Мен унинг семиз ёки барвасталигини сўраётганим йўқ, унинг адлу иисофини суринтираётиман— деди Ҳажкож.

— Золим, фосиқ, бузук, хушхор, иопок одам у,— деб жавоб қилди Товус.

Ҳажкожнинг жаҳли чиқди ва яманликга ўшқирди:

— Нега бир бандайи мусулмони юз бор улугроқ шахс олдиди шунча маломат қиласан?

— Бу шахс ундан юз бор улугроқ экан, демак шу қадар золимроқ бўлса керак,— деди Товус Ҳажкожнинг қўзларига тик боқиб.

Ҳажкожнинг хуну бийрони чиқди:

— Хов, худонинг махлуқи! Мени таниянсанми, ўзи?

— Ҳа, таниётибман. Сен Ҳажкож иби Юсуфсан. Мұҳаммад иби Юсуф эса сенинг инниг бўлади.

— Шундай экан, менинг хузуримда инимни маломат қилгани қўрқмайсанми?

— Йўқ, қўрқмайман, чунки сен худодан кучли эмассан-ку!?

Ҳажкож яманликдан яна бир савол сўради:

— Араб қабилалари ичиди қай бири яхши?

— Бани Ҳоним қабиласи яхши, чунки пайгамбаримиз ўша қабиладан чиқкан.

— Қайси қабила ёмон?

— Сақиф қабиласи, чунки сен билан инниг ўша қабилага мансубсанлар.

ҚОРНИНГ ОГРИГАН БЎЛСА,

ҚЎЗИНГДАН КЎР

Бир одам табибининг олдига бориб, қорни огриги қасалига мубгало бўлиб қоғанини арз қилди ва ундан мадад тилади.

— Бугун нималарни еб әдингиз? — деб сўради табиб.

— Фақат уч дона кўйган ион еган эдим, холос,— деб жавоб қилди бемор.

Табиб хизматкорини чақириб дорилар солинган қутичани олиб чиқишини буюрди, сўнг ундан бир дорини олиб беморга мурожаат қилди:

— Қани бирорадар қўзларингизни катта очинг, дори қўйиб қўйай.

— Ийе, тақсир, мени сизга қоринмдан шикоят қилган эдим шекилли?

— Йўқ,— деди табиб,— сизнинг қўзингиз чатоқ. Соғ бўлганда кўйган ион ермидингиз?

ТАБИБНИНГ ТАВСИЯСИ

Бемор табибга арз қилди:

— Қуланик қасалига мубтало бўлиб қолдим. Ёрдам қилимасангиз бекорга ўлиб кетаман.

Табиб ундан қандай овқатларини қўпроқ истеъмол қилишини суринтиргаётди, у жавоб қилди:

— Қўпроқ тузланган балиқ гўшти, қоқ қилинган мол гўшти, тухум ва ҳоказоларни хуш қўраман.

— Агар шу бугун ўлмай қолсангиз,— деб тавсия қилди табиб,— эртага албатта бир бөг хашакка мишиб ўзингизни шаҳар минорасидан отинг, зора тузалиб кетсангиз.

МЕЙДА ДАРДИГА ЧАЛИНГАН ОДАМ

Бир одам табибга меъда дардига чалинганд қолганини арз қилиб, ундан ёрдам сўради.

Табиб унинг томирини ушлаб кўриб, кўпроқ нималарни ейшини сурнитириди.

— Бир ўтирганда қирқ қовун, уч қадоқ ион, беи мани мол гўнити, ўй беи қадоқ аиор, башарти ийринликка талаб бўлиб қолгудай бўлсам, саккиз қадоқ ёнгоқ солинган ҳазво сўман,— деди бемор.

Табиб қўлига қогоз олиб унга бир нималарни ёзди, сўнг тўрт буклаб беморга узатди:

— Қогозга ёзилганларниң барчасини истеъмол қиласангиз, иншоолло, инфотониб кетарсиз.

Бемор кўчага чиққач, қогозни ёзиб ўқиса, мана булар ёзилгани экан: «Уи қадоқ иншиқ гингт, йигирма қадоқ турӯнж, ўттиз қадоқ хурмо, қирқ қадоқ бухоро олуси бирварақайига истеъмол қилинсин».

УИДАЙ БЎЛСА МОЛ

ДУХТИРИГА ВОРИНГ

Бир одам қоринини қучоқлаганича дод-фарёд кўтариб табиб ҳузурига келиб ёрдам тилади.

— Кечакима еган эдингиз? — деб сўради табиб.
— Уч мани эниак емини,— деб жавоб қилди бемор.
— Уида тўнига-тўрги бориб мол-холини муолайка қиладиган табибга мурожаат қилинг,— деди табиб.

СОВУҚ ГАЙ

Бир одам табибдан сўради:

— Такен, бўса иссан ғўладими ёли совуқми?
— Буни билмадим, лекин ганини ел унтириб кетинини яхни биламан,— деб жавоб қилди табиб.

Чарх

УЛИКЛАРДАН УЯЛГАН ТАБИБ

Табиб қабристон олдидан ўтаётгандага юзини қўли билан тўсиб оларкан. Буни сўраганиларга «мурдалардан уялганимдан шундай қиласман», деб айтаркан.

МУНАЖЖИМНИНГ ҚУВОНЧИ

Мунажжимни дор остига олиб бордилар. Яқин орада турган бир одам ундан сўради:

— Бу аҳволингизни толеълингиздан кўрмайсизми?

— Мартабам бир дараҷага кўтарилиди, лекин бу айнан шу сурда содир бўлади, деб ўйламаган эдим,— деб жавоб берди мунажжим.





МАЖДИЙ

ЗИЙНАТУЛ-МАЖОЛИС

Хикоятлар

МАЛОМАТИНИГ МУКОФОТИ

Бир куни хожа Низомулмulkнинг ганимлари йигилишиб Султон Маликшоҳ ҳузурига кирдилар ва уни маломат қилиб, дедилар:

— Хожа Низомуламук сизга хиёнат қилди. Сизга билдирамасдан икки минг гулом сотиб олди.

Бу гап хожа Низомулмulkнинг қулогига етгач, олдини олди — султон шарафига катта зиёфат уюштириб, унинг кўнглини овлади: бошидан зар сочди, сўнг чўк тушиб таъзим бажо келтирди. Кейин оризни чақириб, «бозордан олиб келинган ўша икки минг гуломни султон девонининг дафтарига қайд қилиб қўй», деб буюрди.

Султон бунинг сабабини суриштирган эди, хожа Низомулмulk деди: «Кунлардан бир куни амирлардан бири девонхонада густоҳона иш тутди. Мен эса улуғлик қилиб унга бир нима демадим».

— Бундан кейин,— деди султон,— қанча гуломинг бўлеа ўзингга буюрсин. Кимда ким густоҳлик билан арз қилганда эса адабини ўзинг беравер.

ЗУККО ҚОЗИ

Бир одам қора купимга яраб қолар, деб дараҳт тагига бир минг мисқол тиллани кўмиб қўйди. Маълум вақт ўтиб бориб қараса, ҳеч вақо йўқ — дараҳтнинг таги қазилган, ҳатто илдизларидан батъилари қирқиб олинган эди. Ўша одам дод-фарёд қилганича қозининг олдига борди ва бўлган воқеанинг айтиб ёрдам сўради:

— Ўйингга боравер, икки-уч куидан кейин келиб хабар ол. Лекин, бу ганини бошқа бирон одамга айтига кўрма,— деди қози унга.

Даъвогар кетгач, қози хосу авомининг пажодкори ҳисобланган табиини чақиририб уни хилватга тортди ва сўради:

— Фалон дараҳтнинг томири ростдан ҳам фойдали дорими?

— Шундай, тақсир. Унинг хосияти зўр, фойдаси эса чекензидир,— деб жавоб берди табиб.

— Шу кунларда,— деди қози унга тик боқиб,— бирон одамини ўша дараҳтнинг томири билан даволаганми эдинг?

— Ҳа, тақсир, фалон куни бир одам најот сўраб келган эди, ўша дараҳт томирини буюргандим,— деб жавоб қилди табиб.

Қози табиб айтиган ўшина одамини чақирирди, қонуи, ҳикмат, қуръон ва ҳадисни нечи қилиб, у билан жиддий сўзланиди. Шундан кейин ўшина одам дараҳт остига кўмил ган олтини олганлигини бўйнига олди ва эгасига қайтариб берди.

СУЛТОНИНИГ МЕҲРИБОНЧИЛИГИ

Султон Санжар замон уламоларидан бири хожа Абул-фазлини мамлакатлардан бирига элчи қилиб юборди. Қайтишида эса йўлига пешвоз чиқиб уни қарини олди. Йўлда унинг қулогига уч марта нималарнидир шивирлади. Хожа Абулфазл бўлса «Йўқ, аъло ҳазрат! Мен бунига рози эмасман», деди. Эртаси эрталаб шогирдлари хожадан султон унинг қулогига нималар деганини суриштирилар.

— Султон: «Рухсат этсангиз отдан тушиб ёнигизда бирга борсам», деб шитимос қилди. Мен эса: «Бундай қилини подиҳоҳликнинг инакатига футур етказади. Фиску фасод чиқининг сабаб бўлди», деб кўнимадим.

ИСКАНДАР ВА НАДИМ

Искандар Зулқарнайнинг ҳос киниларидаи бири жиноят қилиб қўйди. Искандар надимлар ва лашкар бошкунинг тўплаб: «Унга қаидай чора кўриш лозим?» — деб сўради.

— Мен сенинг ўрнингда бўлганимда уни ўлимга маҳкум қилган бўлардим, — деди аркони давлатдан бири.

Искандар уни бошдан-бўёқ тикилиб кузатди ва сукутдан кейин деди:

— Сенинг ўрнингда бўлмаганинг шукронаси учун уни озод қилдим!

АСИРНИНГ ТАДБИРКОРЛИГИ

Бир пайт уч юз асирии амир *Муъин ибн Зоиднинг* ҳузурига олиб келдилар. Амир уларнинг барчасини ўлимга ҳукм қилди. Шу пайт асиrlар орасидан бир кўхлик йигит отилиб чиқиб амирга мурожаат қилди:

— Э, улуғ амир! Сени худога топширдик. Айт, ўлимимиз олдидаи бизга сув беришсин.

Амир мулозимларга асиrlарга сув беришини буюрди. Шундан кейин ўша йигит ўриидан туриб амирга қуллуқ қилди ва деди:

— Э, Улуғ амир, бугун сенинг меҳмониниг бўлдик. Меҳмонга мурувват ва иззат-икром кўрсатиш мезбониниг бурчи. Сен ўз бурчинига содик экансан.

— Рост сўзладинг, йигит,— деди амир унга,— асиrlарнинг ҳаммасига ҳаёт багишладим.

ТАРКИ ДУНЕ ҚИЛГАН ҲАКИМ

Мўътабар бир ҳаким дунё ишларини тарк этиб, горда макон тутди ва эртаю кеч тоат-ибодат билан кун кечирди. Бир куни у подшонинг хаёлидан ўтди ва: «Олиб кел!» — деб вазирни юборди. Вазир бориб унга подшо йўқлаб қолганини айтган эди, ҳаким жавоб қилди:

— Менинг бирон киши билан сўзлашишга тоғатим йўқ. Ҳозир узлатда ўлтирибман. Подшо билан ҳам, гадо билан ҳам сұхбатни аллақачон йигиштириб қўйганиман.

Вазир кўп уринди, ялиниб-ёлворди, дўқ-пўписа қилди,

лекин фойдаси бўлмади. Охири жаҳали чиқиб деди.

— Подшонинг хизматига ихтиёр қилганингда бунақа қора кунларга қолмаган бўлардинг

— Сен эса бу дамларнинг қадрини билганингда подшо хизматида юрмасди,— деди кулиб ҳаким.

ДЕВОННИНГ НАЙРЛАНГИ

Кунлардан бир куни бир одам занжирбанд девонани Газнанинг доруннинфосига етаклаб келди. У эса ҳаяя ўтмай кўп ширин сўзлар билан у ердаги одамларни ўзига маҳлиё қилди. Одамлар девонанинг сўзларини энтигинга онисиқиб унинг чор атрофии ўраб олдилар. Уларнинг орасида ҳарир салла ўраган ўзига тўқ одам ҳам бор эди. Сұхбат қизиб, ҳамма ўзидан кетган бир пайтда девонанинг шериги ҳалиги одамнинг салласини бир-икки еридан қирқиб қўйди. Кейин биазиб қолиб, ўна одам кўп койинди, девона эса унга тасалли бериб деди:

— Ҳафа бўлма, биродар! Фалон ерда яхни бир ямоқчи бор. Борсанг, саллангни билиммайдиган қилиб тўрлаб ямаб беради.

У ямоқчиникига борди ва икки *мисқоллик* кумуни таңга бериб салласини тўрлатиб олди. Орадан бир мунҷча вакт ўтгач, у ўша девонани бозорда учратиб қолди. У одамларни чор атрофига йигиб тан сотаётган экан. Бўшигандай кейин ёнига борди ва ҳол-аҳвол суринтирди.

— Мен,— деди девона ниҳоят,— аслида жинни-нинни эмасман, мана бу мени етаклаб юрган одам билан ямоқчига ишрикман. Биз ину йўл билан ҳаридор излаб тириклик ўтказамиш.

БАХРОМ ГЎР ВА ДОНИИМАНД

Бахром Гўр замонида *фазлу ҳикматда* ягона бир ҳаким ўтган экан. Уни бори... Бахром Гўрга таъриф қилдилар. Бахром Гўр уни чакиришиб көлтириб имтиҳон қилди. Донинимандигига инсон ҳосил кийнгач, уни вазириника тайин қизмоқчи булини. Лекин бир фурсат ўйлаб кўриб,

уни яна бир бор имтиҳон қилмоқчи бўлди ва *хони хосга тақлиф* қилди. Дастурхонга дунёда бор барча иеъматлар тортилди. Ҳаким подшонинг ҳузурида аввал иеъматларнинг барчасидан тановул қилди, сўнг бир катта товуқ тонгни пок-покиза туширди. Сўнг яна бир товуқни емоқ-тўғушини пок-покиза туширди. Буни кўргач, Баҳром Гўр ўз-ўзига деди: «Бу одам назаримда хўб очкўз кўринади. Менинг ҳузуримда тан тортмай шунчак овқат еди. Бу аҳволда, уни вазир қилиб тайинлайдиган бўлсам, йўғимда хазина қуритиши турган ган». Шундай деди-ю, уига ҳадя ва сарпо бериб жўнатиб юборди.

МУТОИБОТ

СУВИ ЕР САТХИДА ЭКАНУ

ОДАМЛАРИ ТУВАН ЭКАН

Исмоил иби Мұхаммад фасил ва фозил кини бўлиб, Аббосия халифаларига яқин киши эди. Бир вақт Нишопурга бориб қолди. Бу ерининг об-ҳавоси ёқиб қолиб, бир неча коризни сотиб олди ва ўша ерини ватан тутди. Ўша вақтларда Нишопурда ўн икки мингга яқин кориз бор эди. Орадан маълум вақт ўтгач, нишопурликларниң муомаласидан раинжиди. Шу пайт халифадан хат келиб қолди. Халифа ундан «Нишопурниң об-ҳавоси ва халқнинг туриштурмуши, феъл-атфоридан мени огоҳ қилиб тур», деб илтимос қилганди. Исмоил иби Мұхаммад халифага жавобида бундай деб ёзди: «Нишопур дилкушо ер экан. Суви ер сатҳида экан-у, лекин одамлари ер остида эканлар».

ШОҲРУҲ МИРЗО ВА АЛАЙКА КЎКАЛТОШ

Алайка кўкалтош Шоҳруҳ мирзонинг мўътабар амирлари жумласидан эди. «Шоҳруҳ мирзо илоҳим жанинати бўлгайлар», деб, бунинг бадалига одамларга доимо нул қарз бериб турарди. Бўхтончилар унинг бу ганини қўшиб-чатиб подшонинг қулогига етказдилар ва унинг қаҳрагазаби қўзғалишига сабабчи бўлдилар. У бир куни газаб билан амир Алайка кўкалтошга деди:

— Қизиқки, сенинг давлатниң менинидан ортиқ эмас. Шунга қарамай, менинг жанинатга тушишим бадалига шундай иш қилиб юрибсан. Ўлимимни тилаб юрибсан-а?

— Аъло ҳазрат, бу гап жанобларининг шарофатли

хотирларига қаердан келди? — деди Алайка кўкалтош кўркув билан.

— Бунинг далили шулки,— деди подшо,— мен ўлганимдан кейин қайтариб олиш шарти билан одамларга қарз бераётганди эмишсан.

— Рост айтасиз, аълоҳазрат. Банда Сизнинг умринингизни узоқ бўлишини тилаб дуо қиссинилар, деб дарвишларга қарз бераётганди,— деди Алайка кўкалтош кўл қовуцтириб.

НОМИНГИЗ АЛБАТТА ЎЧИРИЛАДИ

Подшо надимини чақиритириб: «Ушбу шаҳардаги барча абллаҳларниң номини рўйхат қилиб кел!» — деб буюрди.

— Хўб бўлади, аълоҳазрат. Ҳаммасини ёзиб олиб келаман, лекин бир шартим бор: рўйхатни олганингиздан кейин мени итобга тутмайсиз.

— Майли, итоб қиласликга сўз бераман,— деди подшо.

Надим эртаси куни рўйхатни олиб келди. Подшо уни ўқиб кўриб хуни бийрон бўлди, чунки надим биринчи бўлиб унинг номини ёзиб қўйган экан,

— Ҳозироқ ўчир, йўқса осиласан,— деб ўшқирди подшо.

— Бандани кечиргайлар,— деди тиз чўкиб надим,— номинигиз албатта ўчирилади.

«ЛАЪНАТ» СЎЗИННИГ МОҲИЯТИ

Мирзо Бобур даврида фақиҳ мавлоно *Мазид Самарқанддан* Ҳиротга бориб қолди. Бир куни Мирзо Бобур мавлоно Мазиддан «лаънат» сўзининг моҳияти хусусида нима дейдилар», деб сўраб қолди.

Мавлоно Мазид жавоб қилиди: «Бу сўз қабила аҳлига таалтуқли бўлса керак».

Подшо мавлоно Абдураҳмон Жомийга ўгирилиб деди: «Мавлоно Мазид нима деяптилар, ўзи? Сиз бунга нима дейсиз?»

— Биз,— деди Абдураҳмон Жомий кулимсираб,— мавлоно Мазидга юз карра лаънат, яна бошқа бир Мазидга юз бор лаънат бўлсин, деймиз.

ХАЛИФАНИИГ КАРОМАТИ

Шайх Зайниддин Хавоғийнинг ҳалифаларидаи бири Салзарвога келиб қолди. У мавлоно Абдураҳмон Жомийининг хузурида бўлиб каромат қилиб қолди.

— Шу йили,— деди у,— рамазоннинг ўртасида вабо тарқалса керак.

Ўна маъклиса ўлтирган ақобирлардан бири: «Балки бу оғат тарқалмаслигининг имкони бордир», деб қолди.

Боинча бир ақобир: «Имкон»нинг на ақли, на ҳуши бор», деб уига эътироғ билдири.

Мавлоно Абдураҳмон Жомий қўшиб қўйди: «Имкон» деганинг ўзи аслида беақаликдир».

МАҚТАНЧОҚ МУҲАДДИС

Бир куни замон уламолариининг саромадларидаи бўймини мавлоно Ҳофиз Гиёс мұхаддисининг тоби қочиб қолди. Мавлоно Абдураҳмон Жомий уни қўргани борди. Мавлоно Ҳофиз Гиёс эса тасаввурға оид масалалар хусусида гап очди. Лекин бу илмдан яхши хабари йўқиниги сабабдаи айрим потўғри гапларни ҳам айтиб юборди. Мавлоно Жомий бутун сухбат давомида сукут сақлаб хомуши бўлиб ўтири. У кетгандан кейин Ҳофиз Гиёс тўплангани уламо ва фузалога мурожаат қилиди:

— Мавлоно Абдураҳмон Жомий хузурида кўп ҳақоиқ ва маориф сўзлар айтдик, лекин мавлоно сўзимизга эътимолд қиамадилар.

Бу гапни мавлоно Абдураҳмон Жомийга етказдилар. Мавлоно: «Уя зотининг гаплари кейинча қулоқца олинур», деб кўя қолдилар.

УЗУМ НАВЛАРИ

Самарқандлик нахмоқ соқол бир чоғ икки ўғлини етаклаб Ҳиротга келди. Улар бир куни совга-салом билан мавлоно Абдураҳмон Жомийини зиёрат қилинган бордилар. Чоғ Самарқанд узумларини мақтаб кетди: «Самарқандда бағоят ширин ва ширали бир узум битади, номи Риши бобо (бобонинг соқоли). Сизнинг Хуросонигизда бунақаси тоғилмайди.»

— Бизнинг Хуросонда,— деди мавлоно, ширин-шакар қора тусли бир нав узум етишади. Уни ҳавояйи гулом (гуломнинг мояги) деб аташади. У Риши бободан ширини роқ.

ЮРТИНГДА ТЎНГИЗ КАМАЙИБ ҚОЛДИ

Гур қозиси қорачадан келган нахмоқ соқол, бесўнақай бир одам эди. Бир йили Ҳиротга уни билан келиб кўн туриб қолди. Бир куни мавлоно Абдураҳмон Жомийини зибрат қилинган келгандан, мавлоно сўз аралаш дедилар:

— Ҳиротда кўн туриб қолдинг, чамаси. Нега юртингга қайтмаётисан?

— Сабаби шулки, юртимда тўнгиз кўнайиб кетди,— деб жавоб берди қози.

— Шу кунларда,— деди табассум билан мавлоно,— сен у ёрдан кетганингдан кейин, тўнгиз анча камайиб қолди.

ОВОЗИНГИЗ ВОЪИЗНИНГ

ҚУЛОГИНИ КАР ҚИЛГАНДИР

Мавлоно Гиёс фақиҳ ҳакана, заиф, довдир, қулоқлари узун бир кини эди. Шу сабабдан уни мавлоно Гиёс хар (энак) деб аташарди. Жума кунларидан биринда мавлоно Абдураҳмон Жомий билган иккалалари йўлда учрантиб қолиниди.

— Йўл бўлени, қаердан келаётидилар? — деб сўради Жомий.

— Намози жумадан.

— У ерда не гаплар бўлди?

— Узоқда турив қолган эканман воъизнинг гапларини энгина олмадим.

— Воъизнинг гаплари сизнинг қулогинигизга энтизмаган бўлса ҳам сизнинг овозингиз воъизнинг қудогини кар қилиндири, — деди мавлоно Абдураҳмон Жомий.

ТАМГАЧИЛАР ЗУЛМИ

Мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳайқдан қайтинда Симонда тўхтадилар. Ироқтик роддорлар ва тамгачилар мавлононинг мулоғимларини итобга олдилар:

— Сизлар олиб келсаётган матоларингизни биздан янириб тамга тўлаандан қутулиб қолмоқчисизлар. Фойдасан йўқ, биз ҳатто шаҳварларингизни ҳам тинтиб кўрамиз, хотирингизни жам қилинглар.

— Тинтийверииг, дедилар шу ерда турган мавлоно,—
майли, шадворимиздан тошилгани сизники бўлсин.

МАВЛОНО ЖОМИЙ ВА ШОИР ХОКИЙ

Мирзо Улугбек замонида мавлоно Абдураҳмон Жомий кўн вақтини Самарқандда ўтказдилар. Бир найт конигиллик хушрӯй, таъби назми бор бир йигит ҳам Самарқандга келиб қолган экан. У ўзига Хокий сўзини тахаллус қилибди. Бир куни мавлоно Абдураҳмон Жомий хурросонлик бир гуруҳ шоирлар ила бирга Хокий билан кўчада учрашиб қолибдилар. Хокий мавлонониг кайфиятини бузмоқчи бўлиб деди:

— Ассалому алайкум! Хурросонлик узуниқулоқларга йўл бўлсин?

— Устига чиқиб бир юмалаб кайф қиласайлик, деб Хокийниг ҳузурига бораётибмиз,— деб жавоб қилибдилар мавлоно .

ШУҲРАТПАРАСТ ШОИР

Бир шоир газал битиб мавлоно Абдураҳмон Жомийниг ҳузурида ўқиди, сўнг қаддини гоз қилиб «газалин подио саройининг дарвозасига осиб қўймоқчиман, зоро эл аро шуҳрат тоиса», деди.

— Унда газал сеникилигини қаердан билишади?
Эл аро машҳур бўламан десанг, газалингниг ёнига ўзингни ҳам осиб қўй,— деди унга мавлоно Жомий.

МАҚТАЛЧОҚ ЙИГИТ

Дурадгорининг кеника ўған бўлиб, соқол-мўйлаби эпдигина иши ураётган эди. Аҳён-аҳёнда уни тарошлиб ҳам турарди. Бир куни мақтаниб «фатон» куни ажойиб энинк ясадим, фалон куни эса чиройлик напжара ҳам ясадим», деб мақтаниб қолди.

— Биз бечорани деб соч-соқолингни тарошлатиб келсанг бундан ҳам яхши бўлур эди,— дедилар мавлоно Абдураҳмон Жомий.



ҚОЗИ АҲМАД ГАФФОРИЙ

НИГОРИСТОН

Хикоятлар

ВАЗИРИНИНГ ЖАВОБИ

Ҳижрий 471 (милодий 1078) йили Султон Заҳирiddин Мухаммад Самарқанд ҳокими *Сулаймонхонининг исёни туфайли Мовароунинахрга борди ва мурод-максади ушалгандан* кейин орқасига қайтди. Жайхун бўйида вазир кемачиларининг ҳақи учун барот ёзиб берди. Некин унда скемачиларининг ҳақи Антиохиядан, итбоқарларининг ҳақи бўлеа Истанбулдан уидирилсиз», деб ёзиаган экан. Кемачилар ва итбоқарлар султонининг ҳузурига арз қилиб келдилар. Султон эса вазирни чакиртириб, тафтни килди. Вазир таф тортмай «Султониниг мамлакати шу қадар кенгким, кемачиларининг ҳақини Антиохиядан, итбоқарлариниг маонини Истамбулдан тайин қилдик», деди.

АЛИ ҚУШЧИНИНГ ТАЪБИРИ

Бир куни мавлоно *Али Қуаши Абдуллатиф мирзониниг* толеъи хусусида фол очса ундан исёнкорлик ва ҳокимият талашиш аломатлари намоён бўлди.

Кейинча ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. Султон Шоҳруҳ вафот этгандан (1447 й. 12 март) кейин бир куни Улугбек мирзо Машҳадда маърака ўтказди. Ўша йигинда Абдуллатиф: «Ота-боболар мулки менинг қўлимга ўтажак», деди ва: «Бунга сиз нима дейсиз?» — деган маънида Али Қушчига назар ташлаган эди, у ҳам хеч аямасдан: «Мирзо Абдуллатиф бунга нариги дунёда эришажак», деб жавоб қиласди.

Ҳикматлар

1. Ҳакимдан: «Ростгўй одам деб кимни айтса бўлади?» — деб сўрадилар. У жавоб қиласди: «Тизи билан дили бир бўлган одам ростгўй, ҳағгўй одам хисобланади».

2. Таъмагирлик — оғат. Таъмагирлик билан адолат бир-бирига зиддир.

3. Бахт кимгадир кулиб боққудай бўлса, тамом орзу-истаклари ақлнинг бандаси бўлиб қолади, бахт ундан юз ўтргургудай бўлса, ақл унинг орзу-истакларига мутеъ бўлиб қолади.

4. Кўпчилик одам: «Жамият асрлар бўйни турлик бойлиқдан таркиб тоғган», деса бонка бир гурух: «Жамият у ер-бу ерда сочилиб ётган бойлик асосига қурилган, бу бойликин қўл сочиб туради», деб айтади. Кейинги таъбир тўгри, чунки «зар» сўзи (араб имлосида) икки ҳарфдан таниқия тоғган, лекин бу ҳарфлар хеч қачон бир-бирига қўшиб ёзилмайди.

5. Бирон қоғозга қўл қўймоқчи бўлсанг, бирон одамни хафа қилиб қўймаснини ўйла.

6. Нотўғри гапларнинг кўр-кўрона тасдиқлаган эмас, балки тўғрисини юзингга айтган чин дўстadir.

7. Оғизга келганини сўзланинг охири вой.

8. Вакт — кескир қианичидир. У хеч нарсага қарамай шарт ўтади кетади, сен эса вой-войлаганча қолаверасан.

9. Бойликка ҳире қўйини — жодунинг сиртмогига туниб қолини билан баробар. Бу жебоду бир тарафига хитойча, иккинчи тарафиша ажамча ҳаг бигилган бир парча қоғодидир.

10. Мусибатга сабр кил, чунки сенинг устингдан қулувчилар ҳам бор.

11. «Мол-мулкнинг бешдан бирига датъваларман», деб юрувчи баъзи аёлдан эҳтиёт бўлни лозим. Бу аёллар кўн хислатга эгадир: а) кейинги эрининг болаларига мерос

юзасидан шунчаки илтифот кўрсатади; б) кейинги эрдан ҳомиладор, бунинг устига эркакнинг аввалиги хотиндан болалари бор. Шунинг учун эрининг ортиқча илтифотига сазовор; в) бошқа сўйгани бор, шунинг учун ҳамиша эридан шикоят қилиб юради; г) шунчаки ҳийла-найранг билан ўзини эрига чиройли кўрсатиб юради, аслида эса унинг феълы-атвори камолотдан йироқдир.

12. Жоҳининг узун ҳассаси бор, лекин унинг бир учи доимо ўзининг бошида туради.

13. Мансабдор бошида шон-шуҳратга эга бўлади, охири — дорга.

14. Мұҳаббатнинг заволи дирҳам билан динордан. У илон билан чаёни етказадиган оғатдан ҳам ёмонрок.

15. Бутга сигинишдан мурод — кумуш билан олтии ортиришидир.

16. Хуш феъль бўлиши яхши одат. Кишининг феъль-атвори ўзини бегона қиласди, ўзгани — хеш. У ҳатто отани боладан жудо қиласди.

17. Кўн ширини ҳам, аччиқ ҳам бўлиб кетма. Чунки, таъми отгиндан билиниб қолади.

18. Ростликнинг меваси тотли, натижаси эса самаралидир.

19. Кимки эҳтиёт советини кийиб олса, замон ҳодисаларининг ўқидан омон бўлади.

20. Кимки ақл-идроқдан баҳраманд бўлса, золимларнинг ўзини оқ булат билан тўсиб, авомга меҳр-муҳаббат кўзи билан қарайди.

21. Адолатнинг фақат бир сурати бор, зулмнинг бўлса мингта.

Тамсиллар

ТАДБИРКОР ВАЗИР

Султон Маҳмуд Газиавий болалигига Тавоф вилоятининг Богистон қишлоғига бориб бир булоқ ёқасига келиб тушди. *Мұҳаммад Ҳасан Маймандий* уни кузатиб борувчилар орасида экан. Бир пайт султоннинг назари шу атрофдан ўтиб бораётган йўловчига тушди. Султон Мұҳаммад Ҳасан Маймандийга мурожаат қилди:

- Ҳов анови йўловчи ким бўлди?
- Савдогар бўлса керак.
- Иеми нима экан?
- Аҳмад Султон.
- Шошма, хожа! Не сабабдан уни Аҳмад дединг?

Савдогарларгини қаердан билдинг? Ё у билан танишларгинг борми?

— Йўқ, ҳазратим, Жаноби олийлари мени чақириб унинг кимлигини сўраганиларида унинг Аҳмад Султон эканлиги маълум бўлди. Бу одам кўп вақтдан бери шу дарахт атрофини айланаб юрганидан эса унинг савдогар эканлигини англадим.

— Унда айт-чи, у емак-ичмакдан кўпроқ нималарни хуш кўрар экан?

— Асал билан душобани кўпроқ яхни кўради.

Султон йўловчини чакириди. Мухаммад Ҳасан Маймандий унга мурожаат қилди:

— Мана бу болани танийсанми? У султонни қўли билан кўрасатди.

— Йўқ, танимайман.

— Исламга нима? Не хизмат билан машгулсан? Емак-ичмакдан нималарни хуш кўрасан?

— Ислам Аҳмад, савдогарман. Бугун ион билан асалдан бошقا овқат еган эмасман.

Буни эннатиб султон ҳайрон бўлди, сўнг хожа Мухаммад Ҳасан Маймандидан сўради:

— Бу одамининг бугун асал еганини қаердан билдинг?

— Диққат билан қарасам тез-тез лабини ялаб турибди. Асал еганини шундан билдим.

ҲАЖКОЖ БИЛАН МУНАЖЖИМ

Ҳижрий 95 (милодий 713) йили вабо касали тарқалди. Ҳажжоҳ хос мунаҷжимини чакиририб ундан сўради:

— Фалакининг авзойи бирон машхур амирнинг ўлимидан дарак бермаётбидими экан?

— Ҳа, шундай. Яқин кунлар ичida ҳукмдорлардан бири омонат иконини эгасига топширади.

Ҳажжоҳни аввал қаттиқ қўркув босди, сўнг ўзини тутиб «болалигимда онам мени ит деб чақиради», деди.

Мунаҷжим одоб доирасида ўзини тутиб туролмади ва деди:

— Ё, олло! Ўша сизмидингиз?

ЎИ КУНЛИК ҲОКИМИЯТНИНГ ОҚИВАТИ

Марвон Ҳимор ҳижрий 132 йилнинг зулхижжаса (милодий 750 йил июль) ойида Аббосииниг лашкари

билан бўлган урушда ўлдирилди. Унинг бошини Аббосийлар қўшинининг қўмандони Солих ҳузурига олиб келдилар. Солих жаллодга «унинг тилини ҳам сувуриб ол!» — деб буюрди. Жаллод Марвоининг тилини ҳам сувуриб олди. Сўнг Солих атрофида турган одамларга қараб мурожаат қилди:

— Э, ёроилар! Дунёнинг мана бу ажойиботи барчага ибрат бўлсин. Бундан кейин ҳеч ким ўи кунлик ҳокимият деб мана шундай қунга қолмасин!

САЙЕХЛАР

«Жомиъ ул-ҳикоят» китобида ўқиймиз: «Бир дўстим мана буларни ҳикоя қилиб берди: «Кунлардан бир куни бир неча киши бўлиб сафарга отландик. Бир вақт қалини чангальзорга бориб қолдик. Йўл ўша ердан ўтарди Энди чангальзорга кирган ҳам эдик, ҳамроҳлардан бири таҳдикага тушди. «Бу кун мени бирон йиртика ҳайвон ҳалок қиласа керак», деган гумоним бор. Лекин ўйлайманки нўртол ёки эшак мени эсон-омон аҳлу аёлим ҳузурига элтиб қўйса керак», деди у ҳаммамизни ваҳимага солиб. Оғир кайфият билан чангальзор орасида бораётгап эдик, иногоҳ олдимиздан баҳайбат бир шер чиқиб қолди ва бизга ташланди. Бояги дўстим ўзини тамом ўйқотиб ерга отилиди ва шаҳодат калимасини такрорлай кетди. Шер тўғри бориб уни чангалига олди ва чангальзорга олиб кириб кетди. Ҳаммамиз дўстимиздан ажралиб қолганимизга багоят койиидик. Дарҳол орқамизга қайтдик. Шаҳарга қайтганимиздан кейин қўрқа-ниса унинг уйига бордик. Дарвозасини қоқдик. Дарвоза очилди. Таажжубки, қаршиизда шер олиб қочган дўстимизнинг ўзи турарди. Ҳаммамиз ҳайрон бўлдик, сўнг қандай қилиб шернинг чангалидан қутулиб қолганининг сабабини суринтиридик. У мана буларни ҳикоя қилиб берди: «Шер мени чангальзорга олиб кирди. Шу пайт энг яқин дўстимини овозини эннатиб қолдим. Ў мен тарафга яқинлашиб келаётгап эди. Бир пайт бошимни кўтариб қарасам у шер билан қаттиқ олишаётгап экан. Мен эса фурсатни ганимат билиб, қочиб қолдим. Йўлнинг икки чети одам суюги билан тўзиб-тониб ётарди. Сал нарироқда икки нимга қилиб ташлангач одамга кўзим гуниди. Ҳамёнидан бир неча дирҳам тужилиб көтган экан, керак бўлиб қолар.

деб териб олдим. Яхши қылган эканман, балки сизларга керак бўлиб қолар бу оқчалар?» Шундай деди-ю, дўстим ҳамёнидан ўша дирхамларни олиб менга узатди»

АМИРНИНГ ФАРОГАТИ ДЕБ

Куилардан бир куни иуфузли бир амир бир қишлоқка тушди ва шу ерда тунаб қолди. Кечқурунги тўкин зиёфатдан кейин эди кўзи илингани ҳам эди хўрозвиниг қаттиқ овози уни уйқудан бедор қилди. Чухраси унинг тошириги билан хўрозви тутиб бошини узиб ташлади. Эди уйқуга кетган эди хўрозв уни яна уйготиб юборди. Уни ҳам тутиб бўғизладилар. Шу тариқа тонг отгунига қадар ҳаммаен бўлиб ўн хўрозв иконидан жудо бўлди.

Эртаси куни ётни олдидан амир гуломига: «Мени хўрозв биринчи чақириши билан уйгот!» — деб буюрди.

Ғулом қўл қовуштириб деди: «Жаноби амиринг фармойини билан қинлоқдаги бор хўрозв тунов кеча бошиндан жудо этиб бўлингани».

ҲАЖКОЖ ВА АСИР

Абдураҳмон иби Мұхаммад Ҳажжож билан бўлган урушда енгилди, ўзи ва қолган одамлари асир олини. Ҳажжожининг амри ила уларни битта-биттадан олиб чиқиб қилинди. Абдураҳмон ва охириги асир қолди. Асирга навбат келини билан тиз чўкиб, ўрмалаб бориб Ҳажжожининг бўёкларига тирмашиб: «Эй, улуг амир! Сенинг тўгрингда бир хақиқатни айтиб бераман, ўлдирма», деб ёлворди.

— Гапир, — деди унга Ҳажжож қаҳр билан.

— Абдураҳмон иби Мұхаммад бир куни сенинг ҳақингда ёмон ганиларни айтди.

— Сен нега унга буни маъни қизмадинг?

— Тўғрисини айтсан ўша вактларда сени ёқтирамас эдим.

Ҳажжож: «Ўлим олдида кўрқмасдан шу ганини айтгани учун унинг бир қониш қонидан кечдим!» — деб юборди.

ҲАЖКОЖ ВА ДЕҲҚОН

Куилардан бир куни Ҳажжож Мадина атрофини зиёрат қилиб юриб ер чонаётган дехқонга кўзи тунди. Ҳаж-

жжож унинг олдига бориб саломлашди. Дехқон уни танимас эди, шунинг учун «ва алайкум...» деб бош иргитиб қолди.

Ҳажжож ундан сўради:

- Ҳажжож қанақа одам?
- Бузук, догулик, иобакор одам.
- Мени асли кимлигимни биласами?
- Йўқ, билмайман.
- Мен Ҳажжож бўламан.

Дехқон пинагини ҳам бузмади ва ўз навбатида унга савол билан мурожаат қилди:

Сен мени аслида кимлигимни биласами?

— Йўқ.

— Мен иби Зубайринг қули бўламан. Тўғрисини айтсан, йилда уч қун жинни бўлиб қоламан. Букун ана шунака кунлардан биттаси.

Дехқонинг бу гани Ҳажжожга таъсир қилди, хо-холаб қулиб юборди ва унга бошқа бир нима демай йўлга тушди.

САХИЙ СИПОҲИЙ

Бинни Умавия хонадони билан Аббосийлар ўртасида бўлган катта бир урушда кўпичлик сувесизликдан шаҳидликка стишидилар. Бир жангчининг идишида озгина суви бор эди. Амакиваччаси ташниаликдан ўлни даражасига стиб қолган экан, сувини унга тутди. Эди ичаман деб турганда яқин орадан «Сув, сув беринг!» — деган овоз эннатили. Амакиваччаси сувини ичмай жангчига тутди ва «олиб боринг, йўқса бечора ўлиб қолади!» — деди. У сув идишини овоз чиқсан тарафга олиб борса, ёрдам сўраган одам Ҳишом иби Ос экан. Жангчи унга сув идишини тутди. Эди ичай деб турганда ёнидаги хизматкорлардан бири ташниаликдан срга қулаб тунди. Ҳишом ичмай сув идишини менинг қўлумга берди ва: «Олдин унга бер!» — деб ишорат қилди. Сув ичираман деб бошини кўтарсам, бечора ўлиб бўлибди. Ҳишомнинг олдига қайтиб бордим, лекин у ҳам жон таслим қилиб бўлган экан. Чониб амакиваччамнинг ёнига бордим, лекин у ҳам дунёдан кўз юмиб бўлибди.

БЕТАКАЛЛУФ ХИЗМАТКОР

Олий мартабалик бир амир қанақадир бир айб билан зинданбанд қилингани хизматкорини зиндандан олдириб чиқиб олдига яримта аччиқ қовуи қўйди. Хизматкор ҳеч қандай тақаллуфсиз уни пўчогигача қолдирмай еб қўйди. Амир ҳайрон бўлди ва «Э, Йуқмон, шундай аччиқ қовунии қандай единг?» — деб сўраган эди у: «Бир умр сенинг чучук таомлариниги еб келдим, бирон марта аччиғини есак нима бўпти», деб жавоб қилди.



ЗАЙНИДДИН ВОСИФИЙ

АЖОЙИБ ВОҚЕАЛАР

Ҳикоятлар

УЛУГБЕК ВА ЛАЪЛ ИУҶОТГАН ОДАМ

Кўнлардан бир куни нотаниш бир одам мирзо Улугбекнинг ҳузурига келиб арз қилди:

— Шоҳим! Шу кўнларда бонимга оғир савдо тушиди. Уни ҳал қилишга менинг ақлим у ёқда турсин, балки дунёдаги барча донолариниг ҳам ақли етмаса керак. Шу сабабдан сенинг олдингга нажот истаб келдим.

Мирзо Улугбек унинг бошига қандай савдо тушганини сурishiтирди.

Нотаниш одам буидай деди:

— Ироқдан келаётган эдим. Хуросонда Самарқандга бораётган карвонга қўшилдим. Жайхун бўйига келиб тушдик. Ҳамёнимда бир бўлак қимматбаҳо лаъл бор эди. Сувга тушиш олдидан карвон аҳлидан ҳадиксираб четроқка чиқдим, бутазор ичига кириб ечиндим. Лаълни халтага солиб маҳкам қилиб яктагимниш пешига чигиб олдим. Сувдан меш миниб ўтдик. Яна карвон аҳлидан пинҳона четроқка чиқиб кийинмоқчи бўлиб кийимларимни тугиб олган белбогни ечдим. Аввал яктагимни олдим, лекин баҳтга қарши тугин ечилиб кетибди, лаъл солинган халта бўлса гум бўлибди. Ечинганимни ҳам, кийинганимни ҳам шерикларимдан пинҳон тутганим сабабли буни

бирон кимсадаи қўрмадим. Бошимга тушган савдо манаҳ шу, шоҳим.

— Бирон йил сабр қилиб тур. Шу вақт ичида ўша лаъл тонилса, нур устига аъло нур, топилмаса қийматини мендай оларсан, — деди Улугбек бир оз сукутдан сўнг.

Арз-дод билан келгани одам Улугбекга икки букилиб таъзим қилди ва унинг ҳузуридан чиқди.

Улугбек шу пайтнинг ўзидаёқ девонбегини чақиттириб ўша йили мамлакат бўйича хирож тўлаши лозим бўлган одамларнинг умумий рўйхатини олиб келишини буюрди. Дафтар олиб келингач, подшо уни диққат билан қараб чиқди, сўнг бир четга олиб қўйди. Яиги йил кириши билан девонбегидан ўтган йили солиқ тўлаганиларнинг умумий рўйхатини талаб қилиб олди. Сўнг ҳар иккага дафтарни синичклаб солиштириб кўриб, қизиқ бир аҳволни аниқлади — ўтгаи йили қоракўллик бир киши хирож учун эллик таңга ўринига беш юз таңга тўлабди.

Мирзо Улугбек ўша хирожини ўи марта кўни тўлаб юборган одамии тезлик билан Самарқандга оғдиритириб келди, хилват бир хонага олиб кириб не сабабдан эллик ўринига беш юз таңга хирож тўлаганини хўб тафтиши, қилиб пировардида деди:

— Сен мўмай бойлик топиб олдингми ё бўлмаса бирон кимсанинг ўйини урдингми? Отангдан улгуржики мерос қолибдими ёки сен сўйган бирон бадавлат одам орқасида бой бўлиб олдингми?

— Шоҳим! — деди қоракўллик икки қўлини кўксига қўйиб, — аслида бир оддий тўқувчима. Бир куни бўз тўқиб турган эдим дўконим олдидағи дараҳтга ҳакка келиб қўйди. Тумшуғида бир бўлак гўштга ўхиаш нарса бор эди. Ҳакка тасодифан тумшуғидаги нарсанни тушириб юборди ва уни олмоқчи бўлиб ўзини ерга отди. Лекин мен энчиллик қилдим. «Кинш-кинилаб» ҳаккани қувиб юбордим ва чониб бориб у тушириб юборган нарсанни олдим. Қарасам лойга белангани қандайдир бир халтacha экан. Очаам ичидаи қўзини қамашибрадиган, ҳаттоқи офтоб юзини ҳам хиралаштирадиган бир дурафшон тош чиқди. Уни таңгри таолонинг мен камбагалга кўрсатган шафқат ва марҳамати деб билиб, ҳамёнга урдим ва эртаси куни тоғ билан Бухоро томон йўл олдим. Шаҳарга келгандан кейин «зар қадрини — заргар, жавоҳир қадрини — жавоҳириннос билади», деганларидаи сўраб-суриштириб бир жавоҳиринноснинг олдига бордим. У тошни қўлига олган ҳамоно безовтланди, ранги рўйи руммоний лаълдай бўлиб қизариб кетди.

Шундан билдимки, мен олиб келган нарса оддий бир тощ эмас экан. Балки қиммати улуг тош экан.

Жавоҳириннос деди:

— Бу тошнинг бўлған баҳоси минг таңга.
Кўнмадим.

Кўп савдолашиб охири тошни бир ярим минг таңгага сотдим. Сўнг бозорга кириб ўзим учун от, бола-чақага кийим-кечак, уй-рўзгорга керак бўлган нарсалар, хотинимга сирга, гилам ва шунга ўхшаши нарсаларни сотиб олдим ва юртимга қайтдим.

Бизнинг тасодифан бойиб кетганимиздан таажикубланилар ҳам бўлди. Уларга айтадиган таним битта бўлди:

— Самарқандда бир бадавлат қариндошим бор эди. У бирдан ўлиб қолди. Меросхўри йўқ экан, мол-мўлки менга қолди.

Мирзо Улугбек лаълни сотиб олган жавоҳиринносини тоидириб келтириб тафтиши қилди. У аввал тоиди, лекин охири лаълни тўқувчини алдаб арзимас нулага сотиб олгалигини бўйнига олди...

ДИЁНАТ

Бир куни помаъзлум шахс мирзо Улугбек ҳузурига келиб арз қилди:

— Шоҳим! Бундан олти ой олдин Рум тарафтарга сафар қиласдим. Сафар олдидан бени минг ашрафи ортиқча пуним бор эди, уни шу шаҳарда бирон кимсага омонат қўйиб кетмоқчи бўядим. Бу шаҳарда қозидан бошига днепратлироқ ва инсофлироқ одам бўлмаса керак, деб ўйладим. Шунинг учун ўна бени минг ашрафини офтобага солдим ва оғзини маҳкам қилиб беркитиб қозига олиб бориб тоширидим.

Сафардан қайтганимдан кейин қозиникита бориб омонатимни талаб қиласдим, у бўлса ўзини танимастикка солди, сўнг нўниеса қиласди:

— Девона бўлибсан. Мен сени танимайман, сен бўлсанг мендан қандайдир омонат даъво қиласан. Овозингни ўчир ва тезроқ бу ердан жўнаб қол! Щуқса гуломимга буюриб тинчтарингни маҳқалатаман, тизингни сугуртириб оламан!

Мирзо Улугбек бир қадар ўйланиб қолди, сўнг арз-дод билан келган одамга деди:

— Эртага қозиникига бормоқчиман. Сен ҳам бор ва мени қутиб тур. Қозиникидан чиқиб отга минаётганимда «дод-вой» күтар ва бўлган воқеани бирма-бир баён қил. Кўрамиз, шима бўлар экан.

Эртаси куни эрта билан Улугбек қозини чақириди ва уни четга олиб деди:

— Э, қози! Мен ажойиб бир фикр гирдобида қолдим, гаройиб бир андишага чўмдим. Беҳисоб нақд оқча, сандуқ-сандуқ қимматбаҳо мато ва қўза-кўза дурру жавоҳир тўпладим. Мурод шулки башарти қазо қилсан, фарзандларим куимас-куни оғир аҳволга тушиб қолгудай бўлсалар, шу бойлик уларниг ёмон кунига яраб қолар, деб ўйлайман. Борди-ю, бу бойлик ўзимда турса, қўққисдан, вафот этиб қолгудай бўлсан, уни талои-тарож қилиб кетишлари мумкин. У тақдирда фарзандларимниг аҳволи не кечади? Шаҳарда бу хазинани ишониб қолдирадиган бирон ишончили одамим йўқ. Кечаки сен хотиримга келиб қолдинг. Ахир сен пайгамбар авлодисан-ку. Буидан ташқари, диёнатда сендеқ одам кам учрайди. Шунинг учун ҳам хазинани сеникида сақлашига қарор қилдим. Буни иккимиз билсак бас! Зинҳор бошқа одам энитмасин.

Қози подшодан бу ганин энитиб ич-ичидан суюнди, қувонганидан юраги ёрилишига бир баҳя қолди.

— Сен уйинигга боравер,— деди Улугбек қозига,— мен кетингдан бораман ва хазинани яширадиган жойни ўз кўзим билан кўриб келаман.

Қиссага келсак, мирзо Ултбек қозининг кетидан уиниг уйига борди, уй соҳиби билан ушиниг уйлари ва ҳовлисими синчиклаб айланишиб, ниҳоят хазинани яширадиган жойни белгилашди. Подшо қозиникидан чиқиб энди отга минаётгандага қозида омонат қолдиранг ҳалиги кўчада пойлаб турган экан, бирдан «дод-вой» солиб Улугбекниг оёғига ийқилди.

— Шоҳим! — деди у,— шу қозиникида омонат қолдиранг эдим. Лекин ҳеч қайтариб оломмаётибман...

Шу пайт уни кимдир даст кўтариб четга олиб чиқди ва «бас қил!» — дегандай қўлини шоп қилди. Бу эланк боши экан. Лекин қозини титроқ босди, ранг-рўйи ўчди. У ўз-ўзича мулоҳаза қилди:

— Борди-ю, унинг даъвосини рад этгудай бўлсан, подшонинг ишончи йўқолади. Оқибатда, арзимас беш минг ашрафи деб улгуржи давлатдан қуруқ қоламан. Яхшиси шу каззобниг омонатини қайтариб бора қолай.

Шуидан кейин ўша одамга ўниқира кетди:

— Эй, баттол! Нима бало, девона бўлдингми, ўзи? Нега ўзингдан-ўзинг дод соласан! Қачон сен омонатинги мендан талаб қиласингу мен йўқ дедим? Диёнатли бир одамга тухмат қиласани қандай журъат қиласинг?

Қози шу пайтнииг ўзидаёқ гуломини чақириди ва «омонат фалон жойда, тез бориб мана бу одамга олиб чиқиб бер!» — деб буюрди...





ПОШШОХЖА АБДУЛВАҲОБХӮЖА ҮГЛИ (ХОЖА) МУФТОҲ УЛ-АДЛ

Ҳикоятлар БОЙҚУШЛАР СУҲБАТИ

Куилардан бир куни Султон Маҳмуд Газнавий вазири хожа Ҳасан билан овга чиқдилар. Шаҳарининг четида бир вайронга устида икки бойқуш нималарниидир сўзлашардилар. Вазир тўхтаб уларга қулоқ солди ва: «Во, дариго!»

- деб хўнграб йиглаб юборди.
- Нима учун оҳ чекаётисан? — деб сўради султон.
- Ана у бойқушларнинг гапларига йиглаётисман,

— деди у.

Султон сўрашда давом этди:

- Бойқушлар нималарни гаплашаётишибдилар?
- Улардан бири, — деди вазир, — иккинчисига «қудандар тутиналлик, қизинги менинг ўғлимга бер, қалинига нима десанг берайин», деди. Иккинчиси эса унга: «Қалинига ўн минг вайронга керак», деди. Қуда бўлувчи унга: «Агар Султон Маҳмуд тирик юрса сўраганингги бир йилдан кейин берайин», деди. Мен бойқушнинг мана шу гапига оҳ чекаётисман.

Султон Маҳмуд деди:



- Паҳотки бир йил ичиди ўн минг уйни хароб қиласам?
- Мен шу қадар золимманимми?
- Шунака дейиншити,— деб жавоб қилди вазир.
 - Эди нима қилиш керак? — деб сўради султон.
 - Ади қилмоқ, кўреатиянгиз зулм учун тавба қилмоқ зарур,— деди вазир унга.

ҚУЛЛАР ХИЁНАТИ

Бир куни Искандар Зулқарнайи Ҳамадон шаҳрига келиб хироҳ талаб қилди. Унинг беги довюрак одам эди, хироҳ бериндан бош тортди. Бекининг исми *Доро* эди. Ўртада кўн марта қаттиқ уруши бўлди, лекин Искандар Дорони енгоамади.

Шундан кейин Искандар вазирлари ва яқинларини тўплаб мажлис қурди.

— Қандай қилиб Дорони енгамиз? — деб сўради унгилганилардан.

Вазирлардан бири мана бу маслаҳатни берди: «Доронинг иноқ бир қули бор. Одам юбориб у билан тиа биринтирини керак. «Агар Дорони ўлдирсанг, не тиласанг шунни берамиз», деб ватъда беринг. Искандар ўна қузнинг олдига одам юборди. Қут рози бўлди ва бир куни тунда яна бир ўртоги билан Искандарнинг ҳузурига келиб ганини бир ерга кўйиб кетди.

— Агар сизлар Дорони ўлдирсангиз,— деди уларга Искандар,— лашкардан сизларга энг юкори ўрин берурмиз.

Доронинг қуллари бош эгіб рози бўлдилар.

Эрта билан ҳар икки лашкар саф туриб бир-бирига рўбарў бўлдилар. Шу пайт ҳалиги қуллар Дорони ўлдирдилар ва бонини кесиб олиб Искандарга олиб бориб бердилар.

— Дорони зўр ҳурмат-эҳтиром билан дафи этинглар, — деди Искандар мудозимларига.— Қабр ёнига эса иккита дор тикиб мана бу иноқ қулларни осинглар!

Иноқ қуллар Искандарнинг оёғига йиқитдилар:

— Эй, Искандар! Бизга нимани ватъда қилган эдинг? Оид подио бўла туриб, нега золим султонларининг ишини тутасан?

Искандар жавоб қилди:

— Берилгани ваъдадан кайтгаётганим йўқ. Лекин сизлар хони экансизлар. Ахир Дорони вақтлардан бери сизларнинг бонингизни силаб келди, ёнида асрари. Сизлар эса

унга хиёнат қилдингиз. Уни ўлдирдингиз. Шундай бўлга, менга содик бўлармидингиз?

— Энди сизларга бериладиган энг юкори ўрин мана шу дор бўлади,— деди Искандар иноқ қулларга дорни кўрсатиб.

ЗОЛИМ ҲОКИМ

Бир куни Нуширвони одил бир одамини Озарбайжонга ҳоким қилиб юборди. «Зинҳор ҳалойиқа зулм қилма!» — деб насиҳат қилди. Ўша одам маълаум вақтгача ақт-идроқ билан юрт сўради. Бора-бора кўп мол-мулк жамгарди, сўнг уни шайтон йўлдан урди — ҳалқа зулм ўтказа бошнинг бир парча ерини ҳам зўртиқ билан тортиб олиб ўзерига кўниди. Хотин ерининг ҳақини сўради — уни ҳам бермади. Ўша хотин иойлож Нуширвони одилга арз қилиш мақеадиди Мадони шаҳрига қараб йўл олди. Алқисса, бир неча кундан кейин кўн йўл босиб, ўша шаҳар атрофига етиб борди. Ноидо овда экан, уни иойлаб ўтадиган йўли устида бир дараҳт остида кутиб турди. Нуширвони одил кийикта қуш соглан экан, кийик ҳалиги хотин ўтирган ерга кочиб келди, унинг орқасидан подионинг ўзи ҳам пайдо бўлди. Тул хотин ўриндан туриб подиога салом берди.

— Менга айтадиган қандай ганиниг бор? — деб сўради Нуширвони одил.

Тул хотин воқеани подиога тўла ҳикоя қилиб берди.

Нуширвони одил мулозимига: «Ушбу аёлни отга мингизаб фалон шаҳарга олиб бориб қўй, емак-ичмак билан таминла, кундалик ҳаржига учун юз динор ажратиб беринглар. менинг куни уни Мадонига олиб келинглар», — деб буюрибди.

Ноидо Озарбайжондаги иойбини чақиртириб, ўринига бониқа одам юборди. Унга «фалон даҳада бир тул хотин бор эди, суринтири-чи, у қаёққа кетибди? Аниқлаганингдан кейин келиб барча беклар интироқида айтарсан», деб буюрибди. Ноидо бориб ўша тул хотинни суринтириди. Кўнилари унга дедилар:

— Ўша хотиннинг бир парча ери бор эди, унинг орқасидан тирикчилик ўтказарди. Лекин ўша ерни ҳоким зўрлик билан ундан тортиб олди. Мана хотиннинг гойиб бўлганига бир ой ўтди. Унинг қаёққа кетганини билмаймиз.

— Шундан кейин ноиб Нуширвони одилнинг олдига келди. Туси найти эди. Барча беклар ва амирлар подио-нинг олдига эдилар. У кўрган-бигтанини айтгаб берди. Шундан кейин подио бекларга мурожаат қилинди:

— Э, беклар! Озарбайжон бетидан сўрангтар чи, унинг қанча мол-мулки бор экан?

Беклар Озарбайжонда аввал ноиб бўлиб, кейин ҳалиги тул хотининг бир нарса ерини тортиб оғлан бекдан иштаганни билди. «Хотинни билди, хотинни билди?» — деб сўраган эдилар, у жавоб «қанча мол-дуйёниг бор?» — деб сўраган эдилар, у жавоб «қанча мол-дуйёниг бор экан?»

— Менинг мол-дуйёум шу ерда ўтирганларнинг ҳам-масиникадан қўидир.

— Бу ердан борганингда қанча мол-дуйёниг бор эди?

— деб сўраган эдилар.

— Хеч қандай мол-дуйёум йўқ эди, — деб жавоб берди у. Нуширвони одил деди:

— Шунча мол-дуйёга эга бўла туриб, бир тул хотин-нинг кафтдек ерини зўрлик билан тортиб олни керакмиди?

— Йўқ, керак эмасди. У яхии иш қиласабди, — дедилар беклар бир овоздан.

Нуширвони одилнинг амри билан тул хотинни пой-тахта олиб қеадилар, уни ноинсоф бек билан юзлантирилдилар. Тул хотиннинг сўзлари рост чиқибди. Подионинг амри билан тул хотиннинг мулки қайтариб берилди, уига қўйимча юз динор ингом этилди, инсофесиз бекининг эса териси шилиб олинибди.

ИСКАНДАР ВА МАГРИБ ПОДИОСИ

Кунлардан бир куни Искандар Зулкарнайи лашкар билан Магриб подиосига қаранили бир шахарининг четига келиб туниди. Кечки найт хизматкор унинг олдига кириб деди:

— Қандайдир потанини одам хузурингизга кирмок иштайди. Магриб султонининг атчисиман дейди.

— Майли кирсени, — деди Искандар. Нотанини одам Искандарнинг чедирига кирди, ўтириб унинг ҳақига дуо қилинди.

— Хўш, бизга қандай ганинг бор? — деди Искандар унга.

— Навкарларингга буюр, қўлларимни боғлашсан, сўнг бизни ёлгиз қолдиришсан, кейин сўзимни айтаман, — деди элчи.

Искандарнинг амри билан унинг қўлларини боғлади-лар, сўнг барча надимлар ва хизматкорлар подионинг чодирида чиқиб кетдилар.

Шундан кейин элчи Искандарга деди:

— Аслида мен элчи эмасман, Магриб султони бўламан. Эди истасанг хоҳ ўлдир, хоҳ ҳаёт багинилга! Ихтиёр сенда.

Искандар унинг якасоратига қойна қолди. Ўридан иргиб туриб унинг олдига борди ва қучиб қўзларидан ўди. Сўнг хизматкорни чақириб қўлларини ечирди ва ўна кечка унинг шарафиға катта зибфат берди.

Магриб султони қайтгина Искандарга деди:

— Орталаб бутун қўнининг билан майдонда сафлансанг сизларга бир тўй бериб, кучим етганча иззат-икром кўрсатсанам.

Искандар рози бўлади.

Магриб султони кечаси билан тўй аижомларини хозирлабди. Қатта қозонларда турли-туман таомлар иширилди.

Лекин султонининг Искандар хузурига борганини ҳеч ким билмади.

Тоғотини билан Искандар тамом аскари билан султон айтган майдонга кириб борди. Қараса султонининг саф тортиб турган лашкарни униқидан уч хисса ортиқ экан. Таҳаммат ва баходирларни юз кинига тенг келадиганлари ҳам бор экан. Майдонининг ўртасидаги катта чодир тикилган... Искандар ҳам отдан туниди. Ҳар иккни подио чодирга кириб кетди. Майдонда иккни кун тўю тамоюз бўлди.

Сўнг Искандар отланиб ўз қароргоҳига қайтди. Магриб султони уни кузатиб қўйди. Хайрзашаётуб Искандар ундан сўради:

— Э, султон! Шунча катта қўни билан нега урунга ботимиадинг, акепича келиб остоинамга бои урдинг?

— Э, Искандар! — деди Магриб султони тавозе билан, — қўнинингдан эмас, саодатиндан қўрқдим, чунки кимга саодат ёр бўлса унинг қўли устундир. Устунлик эса лашкарнинг кўн ёки оз бўлининг боғлиқ эмасдир.

ХАЛИФА МАЪМУН ВА ЗУБАЙДА

Хорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмун халифалик таҳтига ўтиригандан кейин ҳар жума куни ўтай онаси Зубайдада хотиннинг олдига кириб саломлашиб ва ҳол-аҳвол суринтириб чиқар экан. Бир куни саломга кириб чиқаётгандага Зубайдада хотин деди:

— Ўша ўчакинигаң қунга лаънатлар бўлсени!

Маъмун бу сўзни энгитиб ҳайрон бўлди.

— Э, валенеъмат! — деди у ўтгай онасиға,— нета бунидай дедингиз?

— Бир куни, — деб сўз бошлади Зубайда хотин, — отанг билан аразланниб қолдим. Қаича уримасин шаштимдан қайтмадим. Шундан кейин отанг чўриси бўлмиш сенинг онангнинг хонасиға кириб кетди. Ўнандан отанг билан ўчакинимаганимда сени мен туккан бўлардим.

ГУЛЗОР

Ҳикоятлар

ЎЗИНГ ТИЛЛАПУШ БЎЛДИНГ, МЕНИ ЭСА ЗАР ЧОНОНЛИК ҚИЛДИНГ

Султон Санжар Марв шаҳрида олтий бир бино қурингизди. Лекин устунга муносаб ёғоч тоғолмадилар. Қилириб-қидириб бир хотиннинг ховасида устунбои дараҳт борлагини аниқладилар. Султоннинг одамлари бориб: «Ёғочигини сотгии», деб ялиниб-ёвординлар, лекин аёл кўимади. Султоннинг амри билан хазинадан бир товоқ олтии ва қумуми таига ҳамда зар чопон олиб бордилар. Хотин шундан кейин дараҳтни кесишга ижозат берди.

Қитъа:

Султонки адя бирла қилур ҳалқ аро маош, Ҳар неким истаса анга ҳосил бўлур равон. Гар нақди жон тиласа тариқи яхшилик ила, Филҳол сарф этарлар, анга ҳалқ нақди жон. Ҳар кимки бу сифат била бўлса жаҳонаро, Шаксиз онинг нисори эрур жон ила жаҳон.

Ёғочни кесиб олиб келиб устун ясадилар. Устуни иморатга кўни яранди. Султон мамнун бўлиб: «Устуни олтин суви беринглар, айвонни ҳам зарнигор қилинглар», деб буюрди. Иморат тамом битганда кейин шаҳарининг барча ҳалқи уни тамошо қилгани келдилар. Улар ора-

сида зар чопон кийган ўша дараҳт соҳибаси ҳам бор эди. У аста-секин устун ёнига бориб деди:

— Э, ёғоч! Тўғрилигинг туфайли ўзинг ҳам тиллапўш бўлдинг, мени ҳам зар чопонлик қилдинг.

РАИЯТГА ЗУЛМ ҚИЛСАНГ, ЭЛ-ЮРТ ТЎЗИВ КЕТАДИ

Нунирвони одил адолат ўринатмоқчи бўлиб маслаҳатга ҳакимлар ва бекларни чақиртирди ва ўргага «райят билан қандай муносабат қиласа маъкуз?» — деган савол ташлади.

Беклар дедилар:

Агар узур подио бўламан десанг, навкарнинг бопини сила, катта лашкар тўплаб, ҳалқка кўп солиқ сол. Шунда дунима сени енголмайди.

Лекин Бузуржмехр ҳаким уларга қарни чиқди:

— Сизлар,— деди у бекларга қараб,— ёмон кўйга кириб қолибсанзлар. Раиятга зулм қилиб оқчасини берган билан навкар кўнаймайди. Бир йил зулм қиласиз, иккى йил зулм қиласиз. Учинчи марта зулм қилмоқчи бўлсангиз раият теварак-атрофга тўзиб кетади, мамлакат ҳароб бўлади. Ундан кейин солиқни кимдан оласиз?

АҲИЛ ЮРТ

Искандар Зулқарнайи бир мамлакатга кириб борди. Қараса тўда-тўда қўйлар юриди-ю, лекин чўпони нўқ, пода-пода туялар юриди, лекин йилқибони қўринмайди. Қўйлар, туялар ва йилқизларининг ҳаммаси нокиза ва семиз, бир-биридан яхни. Богларида эса аввойи мевалар шиниб ётибди. Бир кинини ўна мамлакат ичкариенга юборди. Бориб қараса, бозорлари орастга, дўконлари очиқ, лекин дўкондорлар қўринмайди. Кўча-кўйда бирон кимса йўқ. Бир жойга бориб ҳайрон бўлиб турган эди, каришидан бир одам чиқиб қолди.

— Дўконларининг эгаси қаерда? — деб сўради ундан Искандарнинг одами.

— Уларнинг барчаси ибодатхонада,— деб жавоб берди ўша одам.

Ўша киши Искандар Зулқарнайнинг одамини ибодатхонага олиб борди. У ибодатхонага тўплангандарга Искандар Зулқарнайнинг келганини эълон қилди. Шун-

дан кейин мамлакат подшоси тамом халқи билан унинг ҳузурига чиқди.

Искандар мамлакат подносидан сўради:

— Бу қандай ҳолки, қўйларингиз, түяларингиз ва йилқиларингиз ўтлаб юришибди-ю, лекин қаровчиши йўқ. Бозорларингиз обод, дўконларингиз лиммо-лим моли билан очигу, лекин дўкондор йўқ?

— Орамизда,— деди подно,— бирон кини бисотидан ажраб қолгудай бўлса, ҳаммамиз унга йигиш киалиб берамиз. Шу тариқа барчани баробар тутамиз...

Маснавий:

Кимда ким инеоф ила авсоф бор,
Ҳақ бўлур икки жаҳонда анга ёр.
Муфасу дармондаларга қил қарам,
Токи бўлгайсан жаҳонда муҳтарам.

СУЛТОН ВА КАМИР

Султон Маликиюҳ Исфаҳон шаҳрига зиёратга бориб бир маизилга келиб туниди. Унинг гуломлари ўна кечадан бир қари аёлнинг сигирини ўтиргаб, сўйиб едилар. Эрталаб ўна аёл сигирини султоннинг одамлари сўйиб еганларидан хабардор бўлди. Камир хассасига таяниб Зиндаруд кўнригига бориб султоннинг ўтишини пойлаб турди. Султон кўнрикга яқинлашими билан камир ўзини ерга отиб дод-фарёд кўтарди:

— Э, султон! Арз-додимни тингла, бўлмаса нузи сиротида гирибонингдан оламан! Султон отининг жиловини тортид.

— Қандай арз-додинг бор, менда? — деб мурожаат қилиди у камирга.

— Бисотимда фақат бир сигирим бор эди.— деди Камир оби дийда қилиб,— рўзгоримни төбратарди. Шу Камирни гуломларинг уни ўтирглаб кетиб сўйиб ебдилар.

— Битта сигиринг эвазига ўн сигир берай, рози бўл, — деди султон.

— Йўқ, ҳақимни гуломларингдан оламан,— деб оёқ тиради Камир.

— Бўлмаса йигирмата сигир берайин.— деди султон. Камир кўнмади.

Камир саксон бош сигир бермоқчи бўлди,

лекин камир бунга ҳам кўнмади, аҳдида туриб олди.

Сўнг султон отдан тушди ва ясовулашиб камир айтган гуломларни тутиб келинни буюрди. Жиноят қилиган гуломлар жазога тортилди, камир саксон сигирини олдига солиб уйга равона бўлди...

ВАЗИРНИНГ ПУШАЙМОНИ

Султон Санкарга вазири бир кини устидан гийбат қилиб, деди:

— Фалон кинининг қўйтили ўлгунча қора, ўта ёмон. Агар уни тутдириб олиб келсангиз кўп нарса аён бўларди.

— Майли, сен айтгандай бўла қолсан, уни эртага эрта билан тутдириб келайлик,— деди султон.

Шундай кейин вазир хотиржам бўлади. Ортаси эрталаб зўр умид билан саройга келди. Аммо у кутганча бўлмади. У айтган одам тутиб келинди-ю, лекин жазо ўринига султон унинг елкасига чонон ташлади ва от бериб сийлаб унга жўнатиб юборди.

Вазир ажабланди ва султондан сўради:

— Ёна ўна кинини тутдириб қелиб жазога тортадигандай бўлиб эдингиз, энди бўлса унга бош-оёқ саруно ва от бериб бошни осмонга етказдингиз. Бу ишнингизни тушунолмай қолдим.

— Ўна одам сенга дўстмикан ёки дуниманмикан деб мuloҳаза қилиб кўрдим,— деди султон вазирига,— дўст бўлгандা унга ёмонлик истаб гийбат қилмаган бўлардинг. Гийбат қилганингдан у сенга дуниманлигини фаҳмладим.

Вазирнинг тили айланмай қолди, қилган ишидан эса нунаймон бўлди.

ДАРДНИ ЯШИРМАГАН ЯХШИ

Хорун ар-Рашидининг никоҳланган уч хотини бор экан. Бир вақт халифанинг оғзида қандайдир бир яра пайдо бўлди. Оқибатда оғзидан ёмон хид келадиган бўлиб қолди. Лекин хотинлари ботиниб буни халифага айттолмасдан аммаси орқали айттиридилар.

Халифа қаттиқ хафа бўлди ва аммасига деди:

— Нега буни менга хотинларим айтишимабди?

— Мулоҳазага бориб айтмагандирлар,— деди ам-

маси,— лекин мен сенга рост гапни айтәтибман. Ишон-
масанг табибни чақиртириб сўра. Ёлғон гапирган бўлсам
ўлдир!

Хорун ар-Ранид эртаси куни эрталаб табибни чақир-
тириб оғзини қўрсатган эди, табиб деди:


— Э, халифа! Оғзингда қандайдир яра пайдо бўлибди.
Агар икозат берсанг уч кун ичида бир ўдоқ қилиб уни
даволайман. Шундан кейин оғзингдан гулоб иси келадиган
бўлиб қолади.

— Ундаи бўлса шу дақиқадан бошлиб инга туни,
иложини тои! — деди халифа бир оз хотиркамланиб.

Табиб инга туниди ва айтганидай уч кун ичида
халифани даволаб ярасини тузатди. Эди хакиқатан
ҳам унинг оғзидан гулоб иси келадиган бўзди. Халифа
терисига сигмай суюнди. Аммаси олдига бориб унга
зўр миннатдорчилик билдириб:

— Раҳмат сенга, аммажон! — деди у қўлларини кўк-
сига қўйиб,— дардимни янирмай айтдинг. Агар сен
бўлмаганингда бир умрга майиб бўлиб қолардим.

Халифа аммасига миннатдорчизик билдириб-ю, ле-
кин хотинларини ўдагайлаб даргоҳидан қувиб юборди.



ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ БИСОТИДАН

УЧ ОГА-ИННИ

(Арман халқ эртаги)

Уч ога-иннига отадан ўн етти бош от қолибди. Ота ўлими
олдидан уларнинг ярмини катта ўғилга, учдан бир қисими
ўртаничасига, тўққиздан бирини қишик ўғилга васиня
қилган экан. Ота вафот тоғандан кейин ўғиллар ўр-
тасида мерос хусусида жанажал чиқибди. Охири улар
арз-дод қилиб вилоят ҳокими малик Шоҳназар хузуринга
борибдилар. Меросни қандай тақсимлашга ҳокимнинг ҳам
акли етмабди ва Пуга исеми дошишмандни чиқиририб
келиб, ога-иниларнинг масаласини унга ҳавола қилибди.
Пуга ўйлаб кўрса ўн етти сони иккига ҳам, учга ҳам,
тўққизга ҳам тақсим бўймас экан. «Ҳа майли,— дебди у
ога-иниларга,— кетаверинглар, эртага эрта билан уйин-
гизга бориб меросни ўзим тақсимлаб бераман».

Эртаси куни эрталаб Пуга отига миииб ога-инилар-
нинг қишлоғига борибди. Ога-инилар сабрсизлик билан
кутиб туринган экан, уни узоқдан кўришиб терисига
сигмай суюнишибди.

— Қани отларингни бу ерга ҳайдаб келинглар,— дебди
у ога-иниларга.

Ога-инилар ўн етти отни унинг олдига-ҳайдаб келдилар.

Пуга ўзиникини ҳам уларга қўшиди, сўнг оға-иниларга мурожаат қилиди:

— Ҳани, айтинглар-чи, отлар энди нечта бўлади?
— Ҳи саккизта,— дедилар оға-инилар бир оғиздан.
Ишувдан кейин Пуга уларни таҳсемланга кириниди.
— Ҳи саккизни иккига таҳсемласан тўқиздан бўлади,— деди у.
— Тўри,— дейиниди оға-инилар.

Пуга сўзида давом этди:
— Демак, отағизнинг васиятига биноан тўқиз от сенга тегади,— деди у тўғиҷи ӯтилга мурожаат қилиб.

— Тўри,— дедилар оға-инилар.
— Ҳи саккизнинг учдан бири олти бўлади. Демак олти нафар от сенини,— деди Пуга ўртансасига мурожаат қилиб.

Буни ҳам тасдиқ қилилар оға-инилар.
— Ҳи саккизни тўқизга таҳсемласан,— деди Пуга кенжা ӯтилга қараб,— икки чиқади. Демак икки нафар от сенини бўлади. Тўгрими?

— Тўри,— дедилар оға-инилар бир оғиздан.
— Таҳсимотдан ортиб қолган анови бир от рози бўлсаларингиз, менга бўла қолсин,— деди кулиб Пуга.

Оға-инилар қувончига симмай бир-бирини кучиб кетдилар, Пуга эса отини етаклаб йўлга туниди.

ПАШШАХЎР ҚУШ ВА СИЧҚОН

(Абхаз халиқ эртаги)

Сичқон бутазор оралаб кетаётган панишахўр қуш билан учрашиб қолибди. Қуш сичқондан сўради:

— Хўш, биродар, йўл бўлсин?
— Сўрама,— дебди сичқон,— бу юртдан бош олиб кетаётиман.
— Нега, нима бўлди ўзи?
— Мушуклар қувлагани-қувлаган. Бу ҳам етмаганидай одамлар тинмай тузоқ қўйиншадиган бўлиб қолди.
— Ийё, иккимизнинг тақдиримиз бир экан-ку, оғайнчалиш. Мен ҳам борар еримни билмай шу ерга келиб тўхтадим,— дебди унга қуш.

— Кимларнинг дастидан шу кўйларга тушиб қолдинг?
— деб сўради сичқон.

Куши жавоб қилиди:

— Мунуқ билан олмахоннинг дастидан.

Кискаси, сичқон билан панишахўр қуш маслаҳатланиб шу ерда биргаликда тирикчилик ўтказадига бўлнибди. Иккевсон бир нарча ер очиб, дехқончилик билан шунгузланинга келинибдилар. Сичқон енг инмариб астойдил инига кириниди, қуш бўле бир куи шунчаки иншаган бўлди-ю, эртасига баҳона кўрсатди:

— Вой, ўлмасам! Ахир, бугун оғам уйланаётган эди-ку. Сал бўлмаса унута ёзибман. Бўёғига бир ўзинг инклаб турсан, ўртоқкои. Бормасам бўлмайди. Кўринин бераману ордамга қайтаман.

— Майли, борақол! — деди сичқон унга.

Панишахўр қуш «пар» этиб кетди, зекин шу яқин орадаги дараҳт шохига қўниб, эртадан-кечгача терлаб-нишиб инклаб ётган сичқонни томонга қилиб ўтириди. Қон қорайиб, сичқон энди даладан чиқсан ҳам эдикн, панишахўр учиб кетди.

— Нега кечига қадар қолиб кетдинг, шунчаки кўринин бераману қайтаман демабмидинг? — деди сичқон бир оз ўнка-тина қилиб.

— Шу десанг, ўртоқкои, тумонат меҳмон келди тўйга,— деди кериниб панишахўр,— хизматда бўлиб тез қайтишининг иложини қиломадим.

Эртаси куни гумайдан тозаланган ерни ҳайдаб макка аклилар. Ҳаят ўтмай макка униб чиқди. Сичқон билан панишахўр чопиқка тунидилар. Панишахўр чопиқнинг биринчи кунини бир илож қилиб ўтказди, эртаси куни эрталаб яна бир баҳонани кўндаланг қилиди:

— Бонимга мусибат тушди, ўртоқкои. Тунда хабарчи келди — отамдан ажратиб қолибман,— деди панишахўр.

Сичқон астойдил таъзия изхор қилиди ва панишахўрга тагин рухсат берди. У эса шу кетганича бир ҳафта йўқолиб кетди. Қайтгач, сичқон бир оз койинган эди, уялмай-нетмай ёғон сабабни кўндаланг қилиди:

— Отами қўмиб, учини ўтқазгандан кейин энди қайтаман деб турсам онам оғирланиб қолди. Уни ташлаб кета олмадим.

— Ҳа, майли,— деди сичқон.— Бунаقا савдо ҳамманинг ҳам бошида бор.

Кунлар шу тариқа кечди. Макка ҳам пишди. Уни

ўриб-йигиб ҳам олдилар. Хирмон кўтарилиб ҳосилни тақсимлаши пайтида ўртада жанжал чиқди.

— Ҳар ким қилган маҳнатига қараб улуш олади,— деб туриб олди сичқон.

— Бундай қилиш адолатсизлик бўлур эди,— деб эътиroz билдири пашаҳўр,— хирмонни баб-баробар бўламиш.

Икквлари кўп тортишдилар. Мунозара жанжалга айланди. Сичқон билан пашаҳўр ёқалашиб кетишиди. Шу пайт қаёқданdir тулки иайдо бўлди. Сичқон билан пашаҳўр унга арз-дод қилиб кетишиди.

— Шошимнглар, азизлар! — деди тулки мулойим овоз билан,— жанжалдан не фойда? Мўл ҳосил етиширибсиз-лар, сизларга кўн раҳмат. Шу атрофдаги барча жониворларга еб ётгани қами беш йилга етади. Қани, ўтиришлар, яхиси бир ўйлаб кўрайлил.

Тулки уларни тиҷиҷлантирди, ёнига ўтқазди. Ўтқазди-ю, «тан» этиб сичқонни ҳам, пашаҳўрни ҳам бирёқлиди. Бир хирмон макка эди унинг ўзига қолди.

БУЛБУЛ ВА ҚАРГА

(Тат ҳалқ эртаги)

Бир куни булбул тол шохида сайраб ўлтирган эди, ёнига қарга келиб қўнди. Лекин булбулният дилини ўртовчи навосини бузди.

— Ҳой, булбул! — деди у,— менинг олдимда бўлмагур наво қилишга уялмайсанми?

Булбул боша ҳайрон бўлди, сўнг бир оз жаҳли чиқди ва деди:

— Мен наво қилсан бутун борлиқ яйраб-яшианди. Кўшиқларимга одамзод тўймайди. Шунинг учун ҳам менга қафасни олтиндан ясайдилар, сара дон бериб боқадилар. Одамлар мени бўстон ҳофизи, деб аташганини эҳитмаганмисан? Шунақа қушлар ҳам борки, уларнинг на кўнгилга яқин овози бор, на овозида шира бор. Масалан, сен ер ютгур шунақа қушлардансан.

— Ҳой, ўпкангни бос! — деди бўйини чўзиб қарга,— юр нарига қишлоққа борайлик, бирон ақллироқдан иккимиздан қайси биримизнинг овозимиз ёқимлилигини сўрайлик. Буни у ҳал қилсин. Шартим шулки, кимнинг овози ҳуш топилса, у рақибининг кўзини ўйиб олади.

Булбул рози бўлди.

Икквлари яқин-атрофдаги бир қишлоққа боришиди. Унга кираверинидаги ҳовали олдиғаги кўлмакда тўғизиз аганаб ётган экан, ўшанга мурожаат қиздилар:

— Ҳой, тўғизжон, биз иккаламиз гаров ўйнадик. Айт-чи, қайси биримизнинг овозимиз ёқиман?

— Турган ган, қарганинг овози ёқимлироқ, чунки у ўйгон. Менга унинг овози ёқади,— деди тўғизиз.

Карга шу ерининг ўзида булбулният кўзларини чўқиб олди ва «нар» этиб аллақаётларгадир учуб кетди. Эски масканига қараб булбул ҳам учуб кетди. Лекин, шу кундан бошлаб унинг навоси ғамгин ва ҳазин бўлиб қолди.

Орадан маълум вақт ўтиб қарга яна булбулният ёнига келиб қўнди ва турур билан деди:

— Ҳ, тентак булбул, гаровда ютишиб қўйиб иккимиздан ажраздинг. Энди афсус-надоматга не ҳожат?! Такдирга тан бериб индамай юравер-да!

— Кўзларимдаш ажралиб қолганингта афсуслашаётганим йўқ,— деб жавоб қилди булбул,— балки сенинг сўзининг кириб, тақдиримни тўғизига ишониб тоғнириб қўйганингта ачинаман.

ПАЙГАМБАР АВЛОДИ

(Туркман ҳалқ эртаги)

Бир одам бозор-ўчарда: «Мен пайгамбар авлодиман», деб ган-сўз тарқатди. Бу ган шаҳар ҳокимининг ҳам қулогига етди. У воқеани бориб султонга маълум қилди.

— Балки ҳазиллаштандир,— деди унга султон.

Ҳоким иккимиздан чиқди.

Эртаси куни миршаб ҳокимнинг олдига келиб бугун ҳам шу аҳвол тақрор бўлганини арз қилди.

Ҳоким яна саройга борди, лекиң султонни ишонтиrolмади.

Аҳвол яна бир неча бор тақрорлангач, ниҳоят султон ўша «пайгамбар авлоди»ни тутиб келтиришини буюрди. Султон вазирлари ва қози қалон ҳузурида уни сўроқ қилди:

— Ҳўш, сен пайгамбаримизга қанақа авлод бўласан?

— Мен буни қаёқдан билай? Бу менга туннимда аён бўлган,— деди султонга у.

— Бу қай тарзда аён бўлган? Буни сенга ким айтди?
— деди султон даргазаб бўлиб.

— Бир чол айтди. Азбаройи худо ўзини тусломайман. Кўринишдан масжидимизнииг сўфисига ўхшаб кетади.

— Мана кўриянишларми,— деди султон атрофдаги ларга,— тан тортмасдан ёлгон ганирятни, шаккоклик қилинти бу одам. Қани, айтинглар-чи, бунақа одам қандай жазога муносиб?

— Агар даъвосидан қайтмай сўзида туриб оладиган бўлса, ўлимга маҳкум у,— деди қози қалон.

— Даъвосидан қайтсан-қайтмаса, барibir уни ўлдириш лозим,— деди вазири аъзам.

«Пайгамбар авлоди» аҳдида туриб олди. Шундан кейин султон, вазири аъзам ва қози қалон кенгашни унга бир шарт қўйдилар.

— Агар ҳақиқатан ҳам пайгамбар авлоди бўлсанг қани бирон каромат кўрсатчи? — деди унга султон.

— Дуруст,— деди «пайгамбар авлоди» нинагини бузмай,— менга Ҳамашқ ىўлатидан ясалган бир қилич келтиришини.

Султон, вазири аъзам ва қози қалон ҳангманг бўлиб қолиши. «Эди нима қилдик», деган маънода бир-бир қолиши. Сўнг султон «пайгамбар авлоди»дан сўради:

— Қиличининг сенга нима кераги бор?

— Қози қалонининг бошини кесаман,— деди «пайгамбар авлоди»тан тортмасдан,— сўнг уни яна ўрнига қўйман. У ўлиб-тирилганини сезмайди.

Қозининг рангида ранг қолмади. Тамом авзойини титроқ бөди. Сўнг, бир фурсатдан кейин, ўрнидан туриб «пайгамбар авлоди»га икки букилиб таъзим қилди:

— О, мўътабар зот! Сенинг пайгамбар авлоди эканлигинга шак-шубҳам йўқ. Бугундан бошлаб сенга умматман.

ФАРОСАТЛИ ҚОЗИ

(Қирғиз халқ эртаги)

Бир чўпон узоқ сафарга отланди ва бисотидан юз тилло оқчани қўшинишига омонат қолдириб кетди. Орадан бир неча йил ўтиб юргига қайтиб келди ва қўшинишидан бир омонатни талаб қилди. Қўшиниши кекса, лекин очкўз ва

диёнатиз одам эди. «Сендан ҳеч қандай нарса олмаганиман», деб туриб олди у. Чўюнининг бони қотди, охири яқин дўстларига маслаҳат солди. Улар: «Қозига мурожаат қил, ахир у адосат ҳимоячиш-ку», деб маслаҳат бердилар.

Шунга кўра чўпон козихонага борди ва қозига арз-дол қилди.

Қози чўпон омонат қадирган ҷози чақиртириб сўроқ қилди.

— Оқеоқол, — деди ҷози вазмийлик билтан, — кекса одам экансан, ёлгон ганирятни сен билтан меинга муносиб эмас. Тўғрисини айт, мана бу чўпон йигитининг омонатини олиб қолганимдин?

— Худо инҳидатсан! — деди чол қозига ёқасини унлаган ҳорда,— мен ундан бир чақа ҳам олмаганиман. Онинг соколим билан қандай ёлгон ганирай.

Энди қози чўпонга мурожаат қилди:

— Омонатни шу одамга тоинирганинг ҳақида гувоҳнинг борми?

— Йўқ,— деб икавоб қилди чўпон.

— Ҳидай бўлса даъвогар эканлигини нима билан иебот қиласан?

— Бизмадим.

— Ҳида, омонатингни бу одамга қаерда берганинги биларсан?

— На, биламан,— деди чўпон,— алимиздан сал нарироқда терак бор. Ҳина терак тагида тоинирганиман.

Қози мийигида кулади. Сўнг чўпонга мурожаат қилди:

— Шундай бўлса, бориб ўна теракни козихонага етаклаб кел. Балки бўлган ганини у айтиб берар?

— Ҳурматли қози,— деди чўпон таъжижубланиб,— азamat бир теракни қандай қилиб бу ерга етаклаб кетаман? Бунинг иложи йўқ-ку?

— Ҳида мана буни ол, кўрсатсанг теракнинг ўзи келади. Қози чўпонга муҳр узугини тутқазди.

Чўпон қозининг муҳрини олиб отига минди ва анига қараб жўнади. Омонатни отган чоғи хотирликам бўлди. Ү теракнинг козихонага қелини ва гувоҳнлик берини мумкин эмаслигини яхин биларди. Шунинг учун «қалайсан?» — дегандай қозига маънодор қараб қўйди.

Орадан ярим соат чамаси ўтгандан кейин қози чолга мурожаат қилди:

— Қария, айт-чи, чўпон терак олдига етиб бордимикин ёки йўқми?

— Ҳали бориб етганича йўқ,— деди чол.

Орадаи яна ярим соат вақт ўтди.

— Энди етиб боргандир? — деди қози.

— Ҳа, етиб борди,— деб жавоб қиласди чол.

— Балки орқага қайтгандир?

— Ҳа, қайтди.

Ҳаял ўтмай йигит ҳам қайтиб келди. Лекин ёнида терак йўқ эди. Чўйон тункин бир ҳолда, чол эса терисига сифмай суюнди. Фақат қози хотирикам эди.

— Мухрингизни кўрсатдим, амр-фармойинингизни етказдим,— деди йигит қозига мухрлик узугини узатиб,— лекин терак парво ҳам қилмади. Уни ўриидан қўзгатиш учун эса камиди ўнта ҳўқиз керак бўлади. Шунинг учун ҳам теракни олиб келомадим, маъзур тутинг, тақсир! — деди чўйони синиқ бир оҳангда.

— Ҳенқиси йўқ,— деди қози чўйонни юнатиб,— геракининг ҳузуримизга келиб-кетганига анча вақт бўлди.

— Қачон? Қанақасига келиб-кетди у? — деди чол таажиқубланиб,— Ахир мен уни кўрмадим-ку. Бу чўпчакни сизга ким айтиб берди?

— Сен,— деди қози чолга тик боқиб.— Яқиндагина ўзинг айтиб бердинг-ку!

— Қандай қизиб? Қанақасига?

Кози бўлган воқеани бирма-бир айтиб берди:

Мен сондан биринчи бор: «Чўйон терак олдига етиб бордимикан?»— деб сўраганимда: «Ҳали етиб борганича йўқ», деб жавоб бердинг. Орадаи ярим соатча ўтиб яна сўраганимда: «Ҳа, энди етиб борди», деб аниқ жавоб қилдинг. Сўнгра: «Орқасига қайтгандир?»— деб сўрасам: «Ҳа, қайтди», деб айтдинг. Уша теракни, унга бориладиган йўл ва масофани яхни билар экансан. Бундан чиқди чўйон хаққа ўхшайди.

Чол буни бўйнига олди ва чўпонига омонатини қайтариб берди.

МАҚТАНЧОҚ БОЙ

(Татар халқ эртаги)

Бойшинг қари ва ориқ сигири бор эди. «Сутдан қолган, бир ҳовуч сувяк бўлган бу сигирини бехуда боқиб нима қиламан,— деди у ўзи-ўзига бир куни.— Яхниси кўчага ҳайдаб юбора қолай, буни кўриб одамлар менинг сахийлигимга қойил қолсан». Эртаси куни эрталаб у

сигирини кўчага олиб чиқиб подага қўшиб юборди. Кечқурун эса уни уйга киритмади.

— Хайр сигиржон, йигирма беш йил сени боқдим, бундан бўёғига ўзингни-ўзинг эпла,— деди у ҳаммага эшилтириб.

Шундай деди-ю, бой дарвозани маҳкам тамбалаб олди, сигир эса кўчада қолди. Сигир ёз ичи далама-дала кезди, бир илож қишиб тириклигини ўтказди. Қини қилич ялангочлаб келгандан кейин қийналиб қолди Бир куни камбагал бир одам сигирга раҳми келиб, уйига стаклаб келди. Қамир хурсанд бўлди, чолига «яхни қилибсан, йўқса бу бечора совуқдан ва очликдан ўлиб кетарди», деди. Чол билан қамир сигирини оғилга киритиб бояладилар, қўлдан келганича парварини қилиб қиндан чиқардилар. Баҳорда у сутга кирди ва чол билан қамирининг косасини оқартириди. Бой буни эшилтиб қолди-ю, келиб чолга пўниса қила кетди.

— Бу менинг сигирим, кузда йўқотиб кўйган эдим. Биласем сен янириб олиб согиб ичиб юрган экансан, Ичган сутнингга розиман, лекин сигирини қайтариб бер!

— Қанақасига у сенини бўлсан? Ахир ўзинг кўчага ҳайдаб юборганинг бутуни кинтоқ билади-ку,— деди чол таажиқубланиб.

Чол билан бой кўн сур-сур қилинди, бўлмади. Охири қозининг олдига бордилар. Қозиси тунмагур, қитмир одам эди — моқарони ўзича хал қилмоқчи бўлди.

— Мен иккингизга учта савол бераман, ким тўғри жавоб берса сигир ўзианини,— деди у бой билан чолга. Биринчиси: Оламда энг семиз нарса нима? Иккинчиси — чиройли нарса нима? Учинчиси: иккингиздан қайсаннингиз аҳлироқсиз?

«Ишу ҳам савол бўлди-ю», деди бой ўз-ўзига ва кеккайиб деди:

— Саволларнингизга ҳозир жавоб берайми ёки аввал аниви яланг оёқ таниреинми?

— Йўқ, уйингизга бориб яхинлаб ўйлаб кўринг, жаноби бой, Жавобингларни эртага эннтурмиз.

Хайрият, деди чол буни эшилтиб. У бир оз ўйланиб қолган эди, чунки қозининг саволи уни ташвиинига солиб қўйганди. Уйига қайтгач бўлган ганини қамирнига айтди ва бир уҳ тортиб олиб, қўшиб қўйди:

— Аслида нешонамизга сигир битмаган экан, қамир. Нима ҳам қилардик, тақдирга тан бернишга тўғри келади.

— Ҳа, чоли тушмагур-эй, шунга ҳам ақлиниг етмадими?

Биринчи саволга ер, иккинчисига ишон қалби, сўнгисига эса менинг итим Оланар, деб жавоб қиласанг ютасан,— деди камнир чолига.

Эртаси куни эрталаб чол билан бой яна қозихонада учрашилар. Қози аввал сўзни бойга ҳавола қилин.

— Йаҳоидә энг семиз нарса — деди бой,— бу менинг қўчкорим, энг чиройдиси — менинг саман отим, теварак-атрофда бўлса мендан акллироқ одам йўқ. Бу итанг ёёқка йўл бўлсин! Эди сигир менинидир?

Шундан кейин қози чолга сўз берди.

— Ҳунёда энг семиз нарса — бу ер, чунки бутун борзиқ ундан озицданади, энг чиройти нарса ишон қалбидир. Ақл масаласига келсан, бой албатта акллик одам, лекин менинг Оланарим ундан акллироқ,— деди чол.

Қози ҳайрон бўлди, сўнг деди:

— Биринчи ва иккинчи саволларга берган жавобинг тўгри, лекин ит одамдан акллироқ бўлсининг ишонин қийин, Бунга қашака далил ишботинг бор?

— Далил-ишбот бор,— деди чол ва орқасидан эрганиб келиб, қозихона дарвозаси олдида ётган Оланарни чакирди. Оланар думини анқиллатганича эгасининг одига чониб келди ва чўк туниди.

«Кўрдингизми!» — дегандай чол қози билан бойнинг кўзларига тикилди, сўнг деди:

— Эди бу ёғини томонча қилинг.

Кўзини сал кўтариб, «жўна бу ердан деб», инора қилди.

Ит даст ўридан турди ва дарвозага қараб ченди. Бой эса ўтирган ўридан икilmай ўтириб қолди.

— Мана кўрдингизми? — деди чол қозига мурожаат қилиб, «кет» деган инорани ит туннуниди-ю, лекин бой отамлар бунинг маъносига ҳам бормадилар. Эди буларният қайси бири ақллироқ эканлигини ўзининг ҳал қилинг.

— Ҳақиқатан ҳам сенинг итинг фаросатлироқ ёкан, чол,— деди қози.— Сигир сенини бўлди.

ЭЧКИ ВА ТУЛКИ

(Грузин халқ эртаги)

Эчки билан тулки келиниб бирга дехқончилик қилишадиган бўлишибди ва бир нарча ерга бугдой сепишибди. Кузда яхши хосил битибди. Уни ўриб янчишибди, донни хирмоннинг ўртасига, похолни эса унинг

бир четига тўплашибди. Бир оз дам олишганларидан кейин даромадни тақсим қилишга киришибдилар.

— Биласамми, эчкижон,— дебди тулки,— дон менга, похол сенга бўласин.

— Йўқ,— дебди эчки,— донни ҳам, похолни ҳам бара-вар бўлмаз. Шунда тўгри бўлади.

Бунга тулки қўимабди ва қозилликка гумантаси бурини чақиргани кетибди. Тулки келгунча эчки иккита итни олиб келиб похолнинг ичига яншириб қўйиди.

Бўри келиб эчкига иўниса қилибди:

— Нима сабабдан менинг дўстимни хафа қилисан?

— Нималар деянесиз ўзи, яхоби бўри, — дебди эчки тавозе билан,— хафа қиласётган мени эмас, аксендча сизнинг гумантангиз. У мудойимлик билан бўяған воқеани бўрига айтиб берибди. Лекин бўри гумантасини ёқлаб эчкига сийсат қилибди:

— Тулкижоннинг талаби ҳақ. Сен похолни, у эсадонни олади.

— Бу адолатданми? — дебди эчки.

— Ҳа, адолатдан,— деб жавоб қилибди кеккайб бўри.

— Унда похол устига чиқ ва ганинг ҳақдигига қасамёд қиз! — дебди эчки бўрига.

Бўри похол тенасига чиқиб чор атрофга қараб увиллаб қолибди. Шунда итлар похол остидан чиқиб бўрининг ҳам, тулкининг ҳам хўб адабини беринибди. Бутун хосил эса эчкига қолибди.

ОЦИЛА

(Туркман халқ эртаги)

Кунлардан бир куни подионинг хазинасига ўгри тунибди. Эрталаб подионинг барча айгоқчилари унинг кетидан тунидилар ва охири тутиб кеадилар. Подио ўгрини ўзи сўроқ қилди ва қандай жазога тортини хусусида вазирлари билан кенганиди. Бош вазир ўгрининг қўл-оёқларини чопиб ташланшин тавсия қилди. Подшо одатдагидай қизига мурожаат қилди. Малика вазир айтган жазони тўгри топди. Шундан кейин ўртакчи вазирдан сўради. У ўгрини ўтда ёқинни лозим топди. Подионинг қизи бу фикрга ҳам қўшилди. Кичик вазирнинг хукми қизиқ бўлди. У ўгрининг қорнини тўйдириб, уст-бошини янгилаб, қўйиб юборишни маслаҳат берди. Подшо қизига

қаради. Оқила қиз кичик вазирнинг ҳукмини ҳам тўғри хисоблади.

— Астагфурулло! — деди подиоҳ таажиқубланиб, — бу қанақаси бўлди, қизим! Учала вазирнинг ҳукмини баробарига тўғри деб тонинингният боиси нима?

Малика жавоб қилди:

— Бон вазирнинг отаси қассоб бўлган экан, шу қабилида ин тутди. Ўртanca вазир гўлаҳдан чиқсан экан, бу бечорани ўтда ёқинши мазъкул тоиди. Кичик вазир яхини одамининг фарзанди экан, олиқаноблик билан ин тутди.

— Баракало қизим,— деди подио маликани иенонасидан ўниб,— сени оқила атанилари бекиз эмас экан.

ИИҚОВНИНГ ЙИРТИЛИШИ (Тибет халқ эртаги)

Кунлардан бир куни қороғи туида тулки қинилок оралади. Товуқхоналарни босиб мириқиб ов қилди. Охири қорни тўйиб товуқхоналардан бирида эрталабгача қаттиқ ухлаб қолди. Бир вақт яна товуқларининг қий-чуви еру фалакни тутди — товуқхонада сассиқ кўзан наидо бўлди. Тулки чўчиб уйғонди. Кўрқинч остида энинни тонолмай бирмунча вақт ўзини у ёқ бу ёққа урди. Охири туйнукдан томга чиқди ва ўзини ҳовли саҳнига отди. Лекин бориб бўёқ уютилган чангга тушиди. Кўп уриниб бир аҳволда чандан чиқди ва ўрмонга қараб чонди. Кўп юриб бир ялангликка чиқиб қолди. Осмон мусаффо, қуёш чараклаб турарди. Тулкининг териси хаяз ўтмай қуриб қолди. Лекин унинг туси феруза тусига кирган эди. Феруза Тибетда бошиқа қимматбаҳо тошларга қараганда қадрлироқ хисобланарди. Тулки айиан шу туслага кириб қолганидан беҳад хурсанд бўлди. Роз юриш қилиб ўзини бошиқа ҳайвонлардан баланд тута бошлади.

Кунлардан бир куни у қуён билан рўбарў келиб қолди, саломига алиқ олмай гердайиб ўтиб кетаверди.

— Хой, тўхта! — деди қуён унинг орқасидан.— Шаклу шамоилинг тулкига ўхшайди, лекин тусинг бошқача, Кимсан ўзи? Бу ерга қаёқдан келиб қолдинг?

— Мен осмондан тушдим,— деди тулки гердайиб,— жами ҳайвонларнинг подшосиман.

Шундай деди-ю, тулки йўлида давом этди.

Осмондан тушган подшонинг довруги тез орада бутун ўрмонга тарқалди. Ҳайвонлар теварак-атрофдан бирин-кечининг унга саломга кела бошладилар. Ҳаял ўтмай тулкининг ҳурмати осмон қадар бўлди, ҳайвонлар унинг сўзини икки қилмай бақарадиган бўлиб қолдилар.

— Но, айнқ! Менга асал тошиб кел!

— Ҳай, бўри! Ўрмондан нарманчак териб кел!

— Ҳой, сассиқ кўзан! Қишлоққа бориб товуқ тутиб кеттир!

Ҳайвонлар шунача кунга қолдилар. Ҳаттоқи тамом ҳайвонларни даҳнатга солиб келган арслон ҳам ёввош бўлиб қолди. Эртаю кеч тулкини кўриқлаб қолди.

Бир куни тулкининг ўнга онаси туниб қолди. Ҳайвонлар изамоасига қараб деди: «Доимо мени камситарди, «У дунё-ю, бу дунёда одам бўлмайсан», деб мени хафа қиларди. Мана энди кўриб қўйиси! Фазакининг гардини билан кимсан бутун ҳайвонлар оламига подио бўлиб қолдим», деди. Сўнг арслонни чақириб буюрди:

— Ҳу, анови төглар орқасида, булоқ ёнида гор бор, Ҳша горда менинг онам истиқомат қилади. Тез бориб уни айтib кел!

Арслон тогдан ониб ўтиб горни тоиди, оғзига бориб қараса мункайиб қолган тулки ётиди.

— Ий-э,— деди арслон,— тулкининг ўзгинаси-ку?..

Арслон ҳаммасини туниунди, тулкига бир нима демай орқасига қайтди. Ўрмонга келиб жами ҳайвонларни тўплади, кўрган-бистганларини уларга айтди. Бечора ҳайвонлар фирибгар тулкининг наирангини туниундилар, тўс-тўполон бошланди.

— Ҳайданг бу фирибгарни!

— Ҳила! Ҳр уни!

— Йўқол бу ердан, бозингар!

— Шошманлар, биродарлар! Бир маслаҳат бор,— деди ўтага чиқиб сассиқ кўзан.

Ҳамма жимиди. Сассиқ кўзан мана бу маслаҳатни ўтага ташлади:

— Эшитишмча тулки сувда яхни сузармиш. Подио хонимни орамиздан қувмайлик-да, яхшиси, дарёга бориб сузинидан мусобақа ўйнайлик. Бордию подшо хоним хаммамиздан ўзиб кетсалар, майли, уларга тегмайлик, ўришларида қолаверсингилар. Бордию ундан биронтамиз ўзиб кетсан...

Жониворлар сассиқ кўзанинг маслаҳатини қабул

қилдилар. Құрқиб-песиб ўтирган тұлкига жоң кирди. Қувончи ичига сиямай кетди. Сассиң құзанға қандай миннатдорчылық билдиришни билмей жөвдіради...

Жониворлар мусобақа ўтказнан учун дарё бүйнігә қараб йўл олдитар. Ноңио хоним биринчи ўзини сувга отди. Бонкеттар зea сувга қараб ҳанг-манг бўлаб қолдилар. Сувнинг юзи аввал кўнинкланди, сўнг фируза ранг тус оди. Сув юзига ийнтиб чинқан ноңио хоним бўлса тулки қиёфасига кириб қолган эди...

АДОЛАТСИЗ ҚОЗИ (Грузин халқ әртаги)

Иккى қўни ер-сув таланиб қолиб қозихонага боринибди. Улардан бири бир хум ёғолиб келиб қозининг таниқари ҳовлисіда дараҳт ёнига қўйиди. Иккичиси соколи сенкелтаган эчки етаклаб келибди ва ўна ёнига хум қўйилган дараҳтга олиб бориб боялбди.

Қози бир вақттача уларни сўроқ қилибди ва охри эчки етаклаб келган одамнинг фойдасига ҳукм чикариди. Бир кўза ёғолиб келган одамнинг жаҳди чиҳди ва қозига қараб ўнқирди:

— Қанакасига бўлди бу, тақеир! Бир хум ёғолиб келган биз бўлсангу сиз мана бу сассиң тақа етаклаб келганини ҳақ топиб турсангиз. Қани адолат?

— Мана бу одамнинг эчкини хумнингизни бир сузинида синдириб қўйган бўлса, нима ҳам қила олардик, биродар,— деди қози унга.

ҮГИРЛАНГАН ОТ (Араб халқ әртаги)

Отиңк бир одам йўлда бошка бир отлиқ билан ұтрашиб қолди. Унинг оти чўлоқланыб қолган эди. Салом-алиқдан сўнг кейинги отлиқ биринчи отлиқка мурожаат қилди:

— Э, биродар, ишим зарур эди, отиңни менга бер.

— Нега берарканман,— менинг инни сеникidan кам эмас,— деб жавоб қилди биринчи отлиқ.

Шундан кейин иккичи отлиқ қилич ўқталди ва зўрлик билан унинг отини олиб қўйди. Отиң олдириб қўйган одам

уни эртаси куни тасодифан бозорда учратиб қолди ва ёқасидан тутиб қозининг ҳузурига олиб борди.

— Ҳақиқатан ҳам от сеникими? — деб сўради қози зўравондан.

— Ҳа, менини,— деди у тай тортмай,— тойчоклигидан тарбия қилганиман, агар ёғон сўзлаган бўласам ҳар нима бўлай.

Жабрдийда чида буролмади-да, яктагини шартта ечиб отнинг бонаига ёди ва қўянини юн қилиб деди:

— Агар от ҳақиқатан ҳам сенини бўлса, унда айт-чи, унинг кайси қўзига оқ туиган?

— Ҳиг қўзизда оқи бор,— деб жавоб берди зўравон.

Жабрдийда отнинг бонаидан ёниқни олди. Қарасалар отнинг иккала кўзи ҳам сонча-сог экан.

ЧЎКИВ КЕТГАН ТУЯ

(Ўзбек халқ әртаги)

Иккى карвоибони Вобкент қозисининг олдига арз билан кеаниди.

— Бундан бир неча йил бурун қирқ таңгага тuya сотиб олдик,— деб сўз боналади улардан бири,— шундан ўн таңгасини мени тўладим, ўттиз таңгасини шеригим. Шундан бери савдоғарларниң юкини ташиб тирикчилик ўтказдик. Мен даромаднинг учдан бир қисмини, шеригим зea иккичемини олиб турдик. Якинда кечувдан ўтиңда тuya Зарағионга чўкиб ўлди. Шеригим бўлса «зарарни тўлайсан», леб турриб олди.

— Албатта тўлайсан, тuya сотиб олишида баҳосининг катта қисмини мени берганиман, ўн таңгасини тўлайсан,— деди қўйини юн қилиб карвоибонлардан бири.

— Бу адолатдан эмас,— деди шериги эътироз билдириб,— ахир сен даромаднинг катта қисмини олиб юргансан-ку!

Тортишувга қози аралаши.

— Тuya чўкканда устида юк бормиди, йўқмиди? — деб сўради у.

— Йўқ эди,— деб жавоб қилишиди карвоибонилар.

— Уйдай бўлса,— деди қози,— тuya оғир юқдан эмас, ўз ихтиёри билан чўкиди.

БАХИЛЛАР

(Афғон ҳалқ әртаги)

Сафар вақтида уч йигит ҳамроҳ бўлиб қолишибди. Бир ерга борганд ҳамроҳи ташлаб кетишни сабабларини суринтишишибди.

— Қариндош-уругим орасида ўзига тинч тенгдомистарим бор. Улар яхни еб-изиниади, чиройли кийинишиади. Уларни кўргани кўзим йўқ. Шу сабабдан эз-юртимни тарқ этишига қарор қиласдим,— деди улардан бири.

— Иккимизнинг дардимиз бир экан онна,— деди иккичиси.

— Мен ҳам ину сабабга кўра жаҳонганталикка қарор қиласдим,— деди учинчилари.

Шу таринча узар учновон ўйлда давом этинишибди. Бир ерга борганд ҳўйдан ичи тўла олтин ҳалта тониб олинишибди. Лекин таксимот хусусида муросалари келинмай жанжалланиб қолинишибди. Шу пайт вазирлари, мулозимлари ва нақарлари билан подио ўтиб қолибди. Мунитланяётган йигитларни кўриб тўхтабди ва уларнииг кимлагини, сафар сабабларини, муроду мақсадларини суринтириби.

— Мен ҳеч кимга яхнилик қиласмаганиман, бирон кинининг мендан хурсанд бўлинини истамайман,— деди улардан бири.

— Агар бирор бирон кининга мурувват қилганини кўрсам, аламдан туплари уйқум қочади,— деди иккичиси.

— Хайрлик ва мурувват ер юзидан буткул йўқ бўлиб кетинини нетайман,— деди учинчиси.

Подио булардан яхнилик келмаслигини англади; бирини мамлакатдан чиқариб юборинига, иккичисини ўлимга, учинчесини эса кишавлаб чўлу биёбонга олиб бориб ташлашга ҳукм қиласди.

ЖУХА ВА БАДАВИЙ

(Араб ҳалқ әртаги)

Султон Яхъёнииг Жуҳа исемли хизматкори бўлиб, у хожаси ҳузурида зўр ҳурмат-эътибор қозонган эди.

— Хоҳлаганингни айт, тортишма. Сендан ҳеч нарсани аямайман,— деди бир куни султон хизматкорига.

— Яхъё исемли ҳар кимсадан бир дирҳамдан жарима олиш ҳуқуқини берсанг,— деб айтди Жуҳа.— Саҳархезлар, хотинининг сўзига киравчилардан, нахмоқ соқоллардан ва кар одамларданҳам бир дирҳамдан олсан,— деб қўшиб қўйди у.

— Майли,— деди султон унинг елкасига қоқиб ва *мунишиса* бу ҳақда ёратик битиб берини буюрди.

Жуҳа фармонин киссага урди ва эртаси куни сахарда шаҳар дарвозасига бориб ўтириди. Бир вақт энракта ўти ортиб бир бадавий келиб қолди. Жуҳа уни тўхтатиб, бир дирҳам талаб қиласди.

— Нимага тўларканман? — деди таажжубланиб бадавий.

— Саҳар туриб кўчага чиққанинг учун,— деди қатъият билан Жуҳа.

— Ўзимга колса мазза қилиб ухлаган бўлардим, хотиним маъкбур қиласди,— деди бадавий.

— Ҳали шунақами! — деди Жуҳа қўлини шон қилиб,

— Ундан бўлса яна бир дирҳам тўлайдиган бўлдинг.

— Қоч ўйлымдан! — деди қатъият билан бадавий,

— Аке хода хоҳа Яхъёнииг тўқомоги тунади.

— Ана энди яна бир дирҳам, жами уч дирҳам тўлайдиган бўлдинг,— деди Жуҳа.

Жуҳа билан бадавий ўртасидаги тортишнув жанжалга айланди. Иккалалари бир-бирининг ёқасидан олиб мунишланиб кетинди. Жуҳа бадавийнинг нахмоқ соқолини юлиб олди, унинг кулохи ҳам бошидан тушиб кетди. Қараса боши кал экан.

— Ана энди беш дирҳам берадиган бўлдинг,— деди Жуҳа бадавийга.

Охири арз-дод билан султоннинг ҳузурига бордилар ва юз берган воқеани бирма-бир сўзлаб бердилар. Тафтиш ва сўроқдан кейин султон бадавийга икозат берди. У чиқиб кетгандан кейин Жуҳага кулиб деди:

— Ажабо, Яхъё исемлик одамлар қандай подон бўлар-канлар-а.

ВАЗИР БИЛАН ЭШАК

(Дунган ҳалқ әртаги)

Чолининг қора эшаги бор эди. Уни яхни тарбия қиласар ва ҳаммага «эшагим кўп яхши, фаросатли, вазирдан ҳам ақлли», деб мақтаниб юради. Унинг бу гапига баъзилар кулар, баъзилар эса таажжубланарди.

— Ҳой, оғзингга қараб юр! Ганларниң вазирининг қулоғига еттудай бўласа боинингдан ақралиб қолма яна! — деди бир куни унга кимдир бозорда.

— Мен ҳақ таний айтгәтибман! — деди кулиб чол, сўнг эшагига миниб бозордан чилди.

Лекин, барибир чолининг ганлари оғиздан-оғизга ўтиб, вазирининг қулогига етди ва унинг хуни-бийрони чиқиб хонининг ҳузурига арз-дод билди кирди:

— Э, улуг ҳоқон,— деб бўворди у тиз чўкиб,— қандайдир сассиқ чол бозор-ўчарда обрўйимни тўкиб юрибди, у менинг эшаги билан тенглантириди. Ҳаттоқи унинг эшаги мендан ақалироқ эмни. Ор-номусимни химоя қилинг, аъло ҳазрат!

— Майли, хафа бўлма! Ҳизм унинг адабини бериб қўяман, — деди хон ва чолни тониб келини учун ясовулларини юборди.

Ясовуллар уни кўи қидирдилар, ишоят тониб, қўя-оғенин боғлаб устига қон ёнилар ва хон ҳузурига олиб келдилар.

— Тўғрисиниң айт, сассиқ чол! Нима, кирчанги эшагинг менинг доигдор вазиримдан ақдлами? — деб сўради хон сиёсат билан.

— Ҳа, шундай, улуг ҳоқон,— деб жавоб қилди чол.

— «Эшагим хонининг вазиринида ақални», деб айтган сўзларинига икормиссан? Вазиримниң шунчаки оғдий бир вазир эмас, олим одамларини билармидиң?

— Ҳа, билардим. Сўзимни бўлмай, охиригача тинглантига сўз берсангиз ҳаммасини айтаман.

— Майли, сўз бераман. Ганир!

Чол хонга бундай деди: Кунлардан бир куни эшакни миниб шаҳарга бораётган эдим. Йўл ўртасида чуқур бир кўлмак бор экан. Мен уни айланаб ўтмоқчи бўлдим, лекин эшагим қурмагур ўжараш киалиб турниб олди. У тўнпадан-тўрги кўлмакга қараб обёқ кўйди. Кўлмак чуқур экан ботиб қоади. Бир амаллаб чиқариб олдим, лекин чиқинида тошга қоқилиб йиқишиб тушибди. Ҳианда унинг олдиниги обёги қаттиқ лат еди. Бу-ку майли-я, лекин менинг ҳам обёғим ўзианда лат еди. Шу боис уни хўб саваладим. Қайтишда уни ўзим кўлмакка солмоқчи бўлдим, лекин қанчалик уринсан ҳам кор қиласади. Эшак кўлмакни четлашиб ўтди. Мана, қараңг, унинг хотираси қанчалар мустаҳкам. Аввалги хотоси яхши эсида экан, тақрорламади.

— Наҳотки вазиримниң хотираси сен айтганча ёмов бўлса? — таажжубланди хон.

Вазир чолга бир ўқрайди, сўнг икки қўлини кўксиге

кўйиб хонга таъзим қилди. Ўртага сукунат чўқди. Ҳамма чолининг подшоҳининг сўроғига нима деб жавоб берининг мунтазир эди.

Чол хонга жавоб қилди:

— Э, олий ҳурматга сазовор ҳоқон! Вазирингизнинг хотираси ҳақиқатан ҳам ёмои. Қозаверса, ақти ҳам йўқ. Бир пайт унга: «Менинг икказатимдан таниқари ҳазинадан пул олма!» — деб бўйрдингиз. У эса отаверди. Ҳазиначи бундан сизни ҳабардор қилди ва сиз вазирни тўкмоқлатдингиз. Кўн ўтмай буни ҳам унчиди — ҳазинага кўл ғўзиндан тийлмайтибди. У менинг эшагимдай бўлгунча аяна вақт бор, аъло ҳазрат.

Шундан кейин қўли эгри вазир саройдан қувиди. Чол эса вазир ўнинга ўтказиди.

ИККИЮЗЛАМАЧИ ҚОЗИ

(Туркман ҳақиқ эртаги)

Нотанинг бир одам қозининг ҳузурига келиб арз қилди:

— Ҳтловда сизнинг отачинор сиғирнинг менинг қўнигир сиғиримни сувиб ўлдириб кўйди; хун ҳақини ким тўладиди?

— Ҳеч ким, — деди қози, — чукини «нега бундай қилдинг», деб ҳайвондан сўраб бўлмайди. Ҳайвон бўлгач ким анбор эканларини ҳам билшиб бўлмайди.

Бир оз сукутдан кейин нотанин одам қўлларини кўксига кўйиб деди:

— Кечиргайлар, тақсир! Мен янглини айтибман. Аксинча менинг қўнигирим сизнинг отачинор сиғирнингизни сувиб ўлдириб кўйибди.

— Бу боинса ган. Агар шундай бўлган бўлса хун ҳақи қўнигир сиғирнинг оғасидан ундирилади.

ҚОНУНИНГ ҚАДРИ

(Мўгул ҳалқ эртаги)

Қадим замонларда Мўгулистанда бир кўр қўшиқчи ўтган экан. У йил ўн икки ой юртма-юрт, овулма-овул кезиб ҳур чалиб, қўшиқ ва достон айтиб тириқчилик ўтказаркан.

Шу тариқа қора кунимга яраб қолар, деб бир халта пул жамгарибди. Қўшиқчи ўша ҳалтани ҳамма вақт эҳтиёт қилиб қўйнида олиб юрар экан. Бир куни қўшиқчи узоқ овуллардан бирига бориб, айл олдиди тўхтади ва хурни қўлга олиб қўшиқ бошлади. Шу куни жуда кўп ҳалқ тўпнанди. Мажлис қизиган бир пайт бойваччалардай кийинган олифта ийтит олдинги қаторга, кўр қўшиқчининг ёнига келиб ўтирди. Мажлис тарқалишида қўшиқчининг ёнига ўтди ва тўдадан чиқишига ёрдамлашимоқчи бўлиб қўлтиғиган олди. Лекин ҳалтани ўтирламоқчи бўлиб қўйнига қўл солди. Қўшиқчи сезиб қолди-ю, олифтанинг қўлларидан тутиб доз-вой солди.

Одамлар олифтаи маломат қила кетдилар.

— Кўрининидан олияниб одамга ўхшайди, қилиб қўйганинига қараганда гирт ўтири экан. Яна келиб-келиб бир бечорани тунамоқчи бўлса-я! Минг лаънат сенга!

Лекин олифта бўни кеммади. У кўр қўшиқчининг ҳамёнини маҳкам туттани ҳолда бопназаларга эътиroz билдириди:

— Ўйлаб кўринг, ҳалойик! Ўзи бир гадой бўлса-ю, унда бунча оқча нима қиласин. Ҳамён менини, аслида у мени тунамоқчи бўлади.

Ҳалойик яна қаттиқ газабланди ва олифтаи қўлидан тутиб нўённинг олдинга олиб бордилар.

Нўён бўлган ганини суриштириб бўлгач, олифтани итобга олди:

— Қандай юз билан бу инни қиздинг? Бир бечорани нега рањитасан!?

— Ҳазрати нўён! — деди олифта тиз чўкиб, қўл қовуштириб,— мен аслзодаман. Улуг отамнинг шаънига дод туширишини истамайман. Бунақа индан ҳазар қиласман. Нашотки куним шу бечора кўр қўшиқчини тунанига қолса.

— Кимнинг боласисан?— деб сўради нўён бироз шаштидан қайтиб.

— Фалон нўённинг ўғлимай. Отамини бутун юрт танийди. Уни еиз ҳам танийсиз, улуг нўён!

Нўён олифтанинг отасини танигандай бўлди. Аввалги шантидан асар ҳам қоямади.

— Майли масалани эртага ҳал қиласмиз,— деди у тўпланганиларга ва олифта билан кўр қўшиқчини бугунча қамаб қўйини буюрди.

Олифта кечаси соқчига пора берди ва деди:

— Нўён жанобларининг қулоқларига айтадиган гапим бор, мени унинг ҳузурига олиб бор.

Соқчи олифтани нўённинг ҳузурига олиб борди. У нўёнга ўттиз танга пора берди...

Эртаси куни эрталаб олифта билан кўр қўшиқчини нўённинг ҳузурига олиб бордилар. Бу сафар нўён кўр қўшиқчини итобга олди:

— Сен малзум, ўгри, не сабабдан шундай олийжаноб одамга тухмат қиласан?!

Кўр қўшиқчи бирмунча вақт лом-мим демай бонини ҳам қилинча ер чизиб ўтирди, сўнг бир ерни кавлай кетди.

— О, ўгривачча! Нега у ерни кавлаётисан? Нима, ақлингни едингми?

— Йўқ, — деди у жавобан, — кеча шу ерда одил бир қонун ётгандай бўдувди, бугун қарасам йўқолибди. Шу ернинг тагига кириб кетмаганимкан, деб кавлаб ётибман.

ҲОКИМНИНГ ВАЗИФАСИ

(Озарбайжон ҳалқ эртаги)

Қўниилар эрталаб кўчага чиққанларида похун бир ахволга қўзлари туниди: қандайдир ит уларининг ўйлари орасидаги бўйлиқка ўтириб кетибди. Уни ким тозалани масаласи жанақалга айланди ва иккала қўни шаҳар ҳокимиининг олдинга арз билан бориниди. Ҳокимиинг мулла Насрiddин билан оралари бузук эди, устидан кулмоқчи бўлиб арз-ҳол билан келгандарни унинг ҳузурига юборди.

— Ит қаерни ифлое қилиб кетган? — деб сўради Афанди.

— Кўчани,— деб жавоб қилиниди қўниилар.

— Ҳидай бўлса,— деди мулла Насрiddин,— бу иш ҳокимиинг зиммасига тушиди, чунки шаҳар ҳам, кўча ҳам унга қарайди.

СИГИР ҚОЗИГА ҚОЛДИ

(Турк ҳалқ эртаги)

Қўниилар сигир талашиб жанжаллашиб қолишиди. Иш хирли бориб қозихонага тушди. Лекин қўниилар ир-биридан ишнхона қозихонага бориб қозига икки юз

тангадан пора бериб қайтдилар. Ниҳоят суд куни сўраб-суринишилардан кейин қози савол ташлади.

— Сигирингизнинг баҳоси неча танга эди?

— Тўрт юз танга,— деб жавоб қилиниди қўйнишлар.

— Ундаи бўлса уни ўртада тенг бўлиб олинглар,— деди қози узун соқолини силаб.

МАККОРНИНГ ТУШИ

(Озарбайжон ҳалқ әртаги)

Бир куни маккор бир одам қозихонага келиб қўшишининг устидан ишкоят қилиди:

— Тунимда у мендан қарздор бўлиб қолибди, тўла десам кўимаётиди. Ердам беринг у бадбаҳт қарзни тўласин.

Қози хиёл ўйлаб олди, сўнг деди:

— Сен ҳақсан, лекин қарз тунида содир бўлган экан, яна бир туи кўрганингда уидириб олавер.

ҚАГИЛЛАБ ТУРИШНИНГ ҲАҚИ

(Ўйғур ҳалқ әртаги)

Бир куни икки кини қозининг олдига арз билан келишиди. Бирининг қўлида болта, иккичисинида — ара.

— Ҳақиқат қилинг, қози почча,— деди болта кўтарған одам.— Биз иккимиз бир одамга ўтии қилиб беринга мардикор туниган эдик. Ҷараҳтни мен кесиб, ўзим ёриб тахладим. Шеригим бўлса арасини қўлтиқлаганча «Ха, ур!», «Ха баракалло!» — деб турди, холос. Шунинг учун ҳам хўжайин пулни менга берди. У бўлса пулнинг ярми менини, деб ёпишиб олди. Бу адолатдами?

— Бунга сен нима дейсан? — деди қози ара қўлтиқлаб турганга.

— Шеригим тўгри ганирди. Ҳақиқатан ҳам ўтиини ўзи кесиб, ўзи ёрди. Мен эса фақат уни руҳлантириб турдим. У шунча кўп ўтии ёрдики, «Ха, ур!», «Ха, баракалло!» — дея бериб ўлгунча ҳоридим, — деб жавоб қилиди у.

— Неча марта «Ха, баракалло!» — деб бақирдинг?

— Валлоху аълам юз, йўғ-э икки юз бор,— деб жавоб қилиди ара қўлтиқлаган мардикор.

— Жуда соз,— деди қози,— ундаи бўлса ҳамёни икки юз бор осмонга отасан, ҳар гапда «Ха, яхни!», «Ха, баракалло!» — деб турасан.


— Майти, деди суюниб ара қўлтиқлаган мардикор.

Шундан кейин, қози ҳалтани болта тутгандан олиб, унинг қўлига тутқазди. У ҳалтани икки юз бор осмонга отди ва ҳар сафар «Ха, яхни!», «Ха, баракалло!» — деб турди. Лекин итдай хориди. Кейин қози ҳамёни эгасига узатиб, танбалга деди:

— Тангаларнинг овозини эннитдигими?

— Эннитдим,— деб жавоб қилиди у.

— Ундаи бўлса кўп яхни. Тангалар дўстингники, улардан чиқсан овоз сенга бўла қолсин.



**МУАЛЛИФЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ
КИТОБДА КЕЛТИРИЛГАН АСАРЛАРИ
ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР**

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ

Тўла исми: Муҳаммад ибн Аҳмад. 971йилнинг 4 сентябринда Хоразмнинг қадимий пойтахти *Кот* шаҳрида туғилган. У она юртида таҳсил кўрди ва илм-фанинг қўп соҳаларини (илми фалак, алжабр, жуғрофия, геодезия, минералогия, тарих, фалсафа ва ҳ.к.) пухта эталлади. Беруний шу фанлар бўйича бир юзу эллиқдан ортиқ асар ёзиб қолдирди. У араб, сурд, юнон, яхудий шундай хинд тилларни жуда яхини билган.

Абу Райхон Беруний оғир ҳаёт кечирди. 995 йили *Котни Гурганж* ҳокими Маъмун I босиб олди. Шундан кейин Беруний Эронга кетиб қолди; Рай /995-997/ ва Журжон /998-1004/ вилоятларида истиқомат қилди. 1004 йили Хоразмга қайтиб келди ва 1017 йилга қадар Гурганжда туриб, асосан, илмий иш билан машғул бўлди. Хоразм Махмуд Фазиавий қўшини тарафидан истило қилингандан кейин /1017 й./ у бошқа олимлар билан бирга, Газнага олиб кетилди. Беруний 1048 йили Газнада вафот қиласан ва ўша ерга дафи этилган.

Китобда келтирилган парча олимнинг «Китоб ал-жамохир фи маърифат ал-жавохир» («Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар китоби») номли асарининг русча таржимасидан (таржимон А. А. Беленицкий; Ленинград, 1963) олинди. Китоб кўнишча «Минералогия» («Жавоҳирнома») номи билан машҳур.

НИЗОМУЛМУЛК

Султон Али Арслон ва Султон Маликшоҳ саройида хизмат қиласан. Вазир сифатида феодалларнинг бошибошдоқлигига хотима берди ва салжуқийларнинг бир қадар марказлашган давлатини барпо этиди. Унинг «Сиёсанома» китоби шу мақсад гояларини ўзида мужассамлантирган. Асар «Сияр ал-мулук» («Подшоларнинг таржима холи») деб ҳам аталади.

Низомулмulk мамлакатда мактаб-маориф иши тараққиётiga ҳам маълум хисса қўшди. Унинг Багдодда қурдирган ва «Низомия» номи билан машҳур бўлган ақоид-хуқуқ мактаби ўша вақтларда мамлакатнинг маданият ҳаётида мухим роль ўйнайди.

«Сиёсанома» рус тилига таржима қилинган (таржимон Б. Д. Заходер, М.—Л, 1949). Биз келтирган парчалар шу нашрга асосланган.

НИЗОМИ АРУЗИ САМАРҚАНДИЙ

Шоир ва олим; XI асрнинг 90-йилларида Самарқандда туғилган. Бир умр Ғурийлар (тахм. 1000-1215 й. Шимолий Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон устидан хукм юритган сулола) хизматида бўлган.

Низоми Арузи Самарқандийнинг «Мажмуайи наводир» («Нодир хиқоялар») номли асари бизгача этиб келган. У кўпинча «Чор макола» номи билан машҳур. Биз юқорида мазкур асардан келтирган парчалар асарининг 1963 йилги русча нашридан (таржимонлар С. И. Баевский ва З. Н. Ворожейкина) таржима қилинди.

АБУ ҲОМИД ГАЗЗОЛИЙ

Газзолий / тўлиқ исми: Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Газзолий/ — ийрик илоҳиёт олими ва файласуф. Эроннинг Тус шаҳрида 1058 йили туғилган. Нишонур ва Багдодда таълим олган. Низомулмulkнинг юқорида зикр этилган «Низомия» мадрасасида бир мунча вақт ҳуқуқшунослидан дарс берган. Кейинчалик мударрисликни ташлаб 11 йил зоҳидлик билан кун кечирган. Дин ва фалсафага оид асарлар ёзган.

Газзолий 1111 йили вафот этиган.

«Насиҳат ул-мулк»дан келтирилган парчалар унинг Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 12565 рақамили нусхасидан олинган.

МУҲАММАД АВФИЙ

Саъдуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Авфий 1172-1177 йиллар орасида Бухорода зиёли оиласида дунёга келган. «Дари фориҳок» мафрасасида ўқиди. Руқниидин Маъсүд Имомзода, Тоқииддин Умар ибн Маъсүд ва Кутбииддин Сарахсийлардан таълим олди.

Авфий 1201 йили Самарқанд ҳокими Султон Жалолиддин ибн Ҳусайн Тамғочон хизматига қабул этилди. Котиблик лавозимида хизмат қилди.

Авфий кўп юртларни кезган олим. У 1204-1205 йиллари Хоразмда бўлиб, машҳур мутасавиурлардан Нажмиддин Кубро (1145-1221) ва Шайх Мажидиддин Багдодий (1216-17 йили хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг буйруғи билан қатл этилган)ларнинг сұхбатида бўлди. Сўнг Нисо орқали Хурросонга ўтди. Нишонур, Тус, Ҳирот ва Марв шаҳарларида, сўнгра Сеистонда бўлди. Газнада Чигизиҳон қўпинининг Мовароуннаҳрга бостириб киргана ҳақида хабар топди ва юртига қайтмай, Ҳиндистонга кетиб қолди. Бу ерда Уч вилоятининг ҳокими Носириддин Қубочининг хизматига кирди (1222 й.), сўнг Гужоратда қози бўлиб хизмат қилди. 1227 йилдан Деҳлида истиқомат қилди ва ўша шаҳарда 1233 йили вафот этиди.

Авфий «Лубоб ал-албоб» («Юрак магзи») ва «Жомиъ ул-хикоят» («Хикоялар мажмуаси») номли икки ийрик асар ёзиб қолдирган.

«Жомиъ ул-хикоят»дан олинган парчалар асарининг Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси шарқшунослик институтида сақланаётган 2836 рақамили қўлёзма нусхасидан олинган. Асардан айрим парчалар ўзбек тилига таржима қилиниб, 1974 ва 1977 йилларда чоп этилган. Биз уларни тақоррламасликка ҳаракат қилдик.

НОСИРИДДИН БУРҲОНИДДИН ҮҒЛИ РАБГУЗИЙ

XIII аср охири ва XIV аср бошлиарида Хоразмда ўтган ўзбек шоири. Ҳаёти ва илмий-адабий фаолиятига оид маълумотлар жуда кам. Хоразмнинг Работуғиз қишлоғида қозилик қиласан ва турли афсоғаний қиссалардан фойдаланиб 1309-1310 йилларда «Қиссайи Рабгузий» номли диний, маърифий ва дидактик мавзудаги асар ёзгани маълум. Асар эски ўзбек тилида ёзилган.

«Қиссайи Рабгузий»нинг қўлёзма нусхалари Англияда (машҳур Британия музейида), Ленинградда (СССР Фанлар Академияси шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида) ҳамда Тошкентда (Ўзбек ССР Фанлар Академияси шарқшунослик институтида) сақланимодда. У 1859-1881 йиллар орасида Қозонда «Қиссас ул-апиб-ий Рабгузий» номи билан беш бор чоп этилган.

Асардан биз көлтирган қиссалар 1986 йили чоң этилган «Мангу булоклар» китобидан (қиссадан парчаларни нашрға Холид Раесу тайёрлектан) олинган.

МАЖДИДДИН ХАВОФИЙ

XIV асрда ўтган хуросонлик шоир ва адабиётшунуос. Ҳәти ва адабий фаолиятига оид маълумотлар учратмадик. Диний-ахлоқий ва дидактика мазмундаги масал ва рамзли ҳикояларни ўз ичига олган «Равзат ул-худд» («Мангулик боғи») номли асари билан (1333 йили ёзилган) маълум. Асар шайх Мусаҳиддин Саъдий (1291 й. вафот этган) нинг «Гулристон» ига тақлид қилиб ёзилган. «Хористон» («Тиканзор») номи билан ҳам маълум.

Биз көлтирган парчалар «Расват ул-худд»нинг Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси шарқшунуослик институтинда сақланыпташкан 2759/1 рақамли нусхасидан олинди.

МУЪИН ЖУВАЙНИЙ

Ҳәти ва адабий фаолиятига оид маълумотлар кам. Асли хуросонлик (Жувайн ўлкасидан), XIV асрнинг биринчи ярмida яшаб ўтган. Муъин Жувайнин ҳам Саъдийнинг издени ва унинг «Гулристон» ига тақлид қилиб «Нигористон» номли асар ёзган. (1334 й. ёзилган). Асар ахлоқий характердаги латифалар ва ҳикматларни ўз ичига олган.

Биз мазкур асарнинг Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг қўлъёзмалари фондида сақланыпташкан 2351 рақамли нусхасидан фойдаландик.

ҚЎРҚУТ ОТА КИТОБИ

IX-XIV асрлар давомида яратилган ва туркий халқлар орасида кенг тарқалган қаҳрамонлик достони; ўн иккита ҳикоятдан ташкил тоғсан. Туркий халқларнинг туриш-турмуши, уларнинг ҳәти билан боғлиқ воқеалар ҳақида ҳикоя қиласди.

Асар наср ва назм билан ёзилган. Илмий жамоатга маълум ва машҳур асар. Ҳусусан академиклар В. В. Бартольд, В. М. Жирмунский ва А. Н. Кононовларнинг юқсак баҳосига сазовор бўлган «Қўрқут ота» 1939 йилдан бери Озарбайжонда бир неча бор нашр бўлди. Асарнинг тўла русча нашри 1962 йили амалга оширилди. 1988 йили уни атоқли шоиримиз Мухаммад Солих ўзбек тилига таржима қилиб, «Евлиқ» журналининг 5, 6, 7-сонларида эълон қиласди. Биз олган парчалар шу нашрдан.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ

Форс-тоҷик класик адабиётининг йирик намоёндларидан бири. 1414 йилнинг 7 ноябринда Эроннинг Жом шаҳаридаги тугилган. Бошланғич маълумотни отаси Низомиддин Аҳмаддан олган, сўнг Ҳиротининг «Низомия» мадрасасига кириб ўқиган. Кейинроқ ўз билимини чуқурлаштириш мақсадида Самарқандга келади ва Улуғбек мадрасасида ўқиди. *Tasavvuf* илмини Ҳиротда Саъдиддин Кошгарийдан (1456 й. вафот этади) ўрганиди. 1472 йили хажга борди.

Абдураҳмон Жомий асосан илмий иш билан банд бўлди, нақшбандия сулукини тарғиб қиласди. Лекин бирон давлат лавозимини эгалламагани ҳолда ўзининг улкан обрў ва эътибори билан эл-юрт ва халқнинг осойишта ҳафт кечиришига катта ҳисса қўшиди.

Жомий сермаҳсул олим. У «Нафаҳот ул-үнс мин ҳазарот ул-қудс» («Пок зотлар ҳузуридан эсган дўстлик хуш ислари»), «Лужжат ул-асрор» («Сирлар йигиндиси»), «Ашият ул-ламаот» («Порлоқ шуълар»), «Рисолай мусики» («Мусоқа рисоласи»), «Рисолай муаммо» («Муаммо илми ҳақида рисола»), «Силсилат уз-захаб» («Олтин занжирлар»), «Тұхфат ул-аҳор («Химматлар тұхфаси»), «Субҳат ул-аброр» («Пок кишилар тасбиҳи»), «Ҳафт авранг» сингари 50 дан ортиқ илоҳиёт ва дидактика характердаги, шунингдек, тишишуносликга багишиланган асарлар ёзган. «Баҳористон» (1487 йили ёзиг томомланган) шулар дандир.

«Баҳористон»дан көлтирилган парчалар, иккита ҳикоядан ташқари, асосан асарнинг 1979 йили ўзбекча пашри (Ш. Шомуҳамедов таржимаси) дан олинди.

АЛИШЕР НАВОИЙ

Буюк ўзбек шоир, мутафаккири, олим ва йирик давлат арбоби, 1411 йилнинг 9 февраляда Ҳиротда тугилган.

Бутун умр бўйи Темурийлар (АбулқосимБобур, Султон Абу Саъид, Султон Ҳусайн Бойқаро) хизматида бўлди. Лекин тамом ақд-заковати, ижтимоий-сийёси ҳаётдаги таъсири ва бойлигини эл-юрт ва ҳалиқ фарвошлиги йўлида сарғлади. Ўз маблагига кўнгина хайрли билолар қурдиди. Ҳиротдаги «Ихлюсия», «Шифония», «Низомия» мадрасалари, «Ҳалосия» хонаҳоҳи, Марви шоҳинҳаондо бино қўлдиртириган «Хусравия» мадрасаси, Хуросон йўллари бўйлаб қўрдиртириган «Работи ишқ», «Работи сангбаст», «Работи Ҷеробод» отлиг работлари (карвоисаройлари) шулар жумласидандир.

Навоий жуда кўп нодир асарлар ёзиг колдирди. Адиб ва олимнинг «Хамса» туркуми бўйича яратган достонлари: «Ҳайрат ул-аброр («Ихшиларнинг ҳайратланиши»), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъяни сайёр», «Етти сайёра», «Садди Искандерий» («Искандар девори»), «Бадосъ ул-бидон» («Бадийиник ибтидоси»), «Навоидир ун-ниҳоя» («Беҳад нодиринклар»), «Тархи муалуки Ажам», («Ажам подиблари тарихи»), Ҳолоти Саййид Ҳасан Арданир», «Рисолайи муаммо: («Муаммо илми ҳақида рисола»), «Мажқолис ул-нафоне» («Нозик таъъизар мажқолиси»), «Менон ул-авзои» («Вазилар ўлчови»), «Насоним ул-муҳаббат», («Муҳаббат шабадазари»), «Хазони ул-мажоний («Мажнодлар ҳозинаси»), «Муҳонамат ул-лугатай», («Инки тиз мудонамаси») «Махбуб ул-қулуб» («Вўнгиллар севгани») каби асарлари ўзбек халиқи, бутун жаҳон халқи маданийти ҳазинасидан муносаб ўрни олди.

Алишер Навоий умрининг охиригача Султон Ҳусайн мирзэ билан бирга бўлди ва 1501 йилнинг 3 январида вафот этди.

«Махбуб ул-қулуб»дан көлтирилган парчалар Навоий асарларининг 13-жиздидан олинди. Уни йирик физиолог Норео Шаменев нашрга тайёрлекланган ва хозирги ўзбек тилига агадарган.

ДАВЛАТШОХ САМАРҚАНДИЙ

Атоқли тақирибанавис олим ва шоир. Тахминан 1435-36 йиллари туғилган. Отаси Олоуддавла ибни Баҳтишоҳ ал-Ғозий темурӣ *Мирзо Шоҳруҳ* (1405-1447) нинг эътиборли амирларидан эди. Давлатшоҳ ёнилигидан яхши маълумот олди. У самарқандлик атоқли олим ва шоир Фазуллоҳ Самарқандийдан ҳам таълим олди. 1480 йилга қадар Султон Абу Саъид ва Султон Ҳусайн Бойқаро хизматида бўлди. Умри охирилаб қол-

гач, 1480 йили сарой хизматини тарк этди ва илмий иш билан банд бўлди. Давлатшоҳ Самарқандий 1495 йили вафот этди.

Карийб беш юз йил орасида Хурросон ва Моварооннахрда яшаб ижод этган шоирларининг изодий ўйинни ўрганиб, улар ҳақида бир яхши китоб ёди (1486 йили ёзib ташомланган). Асар «Тазкират уш-шуаро» («Шоирларни ёдга олуви читоб») деб аталган.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг бу асари шарқ классик адабиётини, шунингдек, тарихининг айрим лавҳаларини, масалан Хурросонда 1337-1381 йиллари бўлиб ўтган сарбадорлар ҳаракатини ўрганишида мұхим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам у кўпдан бери илмий жамоатчиликнинг дилқат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Асаардан айрим парчалар рус, француз, инглиз, турк тилларига таржима қилиниб чоп этилган. Асаардан сайланма ўзбек тилига ҳам таржима қилинди ва 1981 йили чоп этилди (таржимон Б. Аҳмедов). Сайланма Урта Осиё ва Хурросонда яшаб ижод этган эллидан ортиқ шоир изодини ўз ичига олади.

Мазкур китобда келтирилаётган парчалар шу наширдан олинди.

ХОНДАМИР

Хондамир (тўлиқ исми: Гиёсиддин ибн Хумомиддин Мухаммад ибн ҳожа Йалолиддин Мухаммад ибн ҳожа Бурхониддин) 1475 йили Хиротда туғилди. Отаси Хумомиддин Мухаммад ўқимиши, фозил киши бўлиб, темурий Султон Абу Сайдиддиниг ўғли Султон Маҳмуд мирзонинг вазири бўлган. Опаси бўлса машҳур тарихшунос олим Мирхондининг қизи эди. Хондамир Хиротда ўқиб улганди. У кўпроқ тархи фани бўйича зўр мутахассис бўлиб етишиди. Унинг олим ва фозил киши бўлиб етишувида Алишер Навоийнинг хизматлари катта бўлди.

Хондамир Навоий кутубхонасининг мудири (китобдор) бўлиб хизмат қилди. Навоий вафотидан сўнг Хондамир она юрти Балгага кетиб қолди ва Темурий Бадиuzzамон мирзо хизматига кирди. Султон Ҳусайн вафотидан (1506 й.) кейин у Бадиuzzамон билан бирга Хиротга қайди ва то 1510 йилгача ўша шаҳарда истиқомат қилди. Хирот шоҳ Исмоил Сафавий (1502-1524) қўшини тарафидан истило қилингандан (1510) кейин, 1514 йили Гаржистон (Марказий Афғонистон)га кетиб қолди. Кейинча шу ерда Бадиuzzamоннинг ўғли Мухаммад Замоннинг хизматига кирди. Мухаммад Замон Бобур ақваридан енгилиб, Қандохорга кетиб қолгандан сўнг, Хондамир бирмунча вақт Гаржистоннинг Гашт қинлогига яшади. 1516 йили яна Хиротга қайди ва Хурросон ҳокими Дурмишхоннинг вазири Ҳабибулло Совахийнинг хизматига кирди. 1527 йили у Ҳиндистонга кетиб қолди ва то вафотига (1534) қадар Захириддин Мухаммад Бобур ва Ҳумоюн подшо саройида хизмат қилди.

Хондамир — сермаҳсуз олим. У «Хулосат ул-ахбор фи ахвол ул-ахёр» («Хайрли кишилар ахволида (жакон) хабарларининг хуло-саси»), «Дастур ул-вузаро» («Вазирлар учун кўлланма»), «Маосир ул-музук» («Подшоларнинг асрдошлари»), «Хабиб ус-сияр фи ахбор ва афрод ул-башар» («Инсон хабарлари ва фарғларидаги дўстлигинг таржими холи»), «Номайи номий» («Атоқли номлари»), «Макорим ул-ахлоқ» («Олижаноб сифатлари») каби ўндан ортиқ ўзига хос асар ёзив қолдирди.

Биз олимнинг амир Алишер Навоийнинг юксак ғазилатлари, олижаноб ахлоқи, ёзган асарлари ҳамда курдирган иморатларини тавсиф

қилган «Макорим ул-ахлоқ» китобидан (1501 йили ёзилган) айрим парчалар келтиридик.

Парчалар 1986 йили эълон қилинган «Навоий замондошлари хотириаси» номли китобдан олинди.

ФАХРИДДИН АЛИ КОШИФИЙ

Кўпинча ас-Сафий тахаллуси билан машҳур бўлган бу одам (тўла исми: Фаҳриддин Али ибн Ҳусайн ал-воиз ал-Кошифи) асли Байқақ (Эрон)лик бўлиб, 1453 йилда туғилган. Нақшбандия тариқатининг ўрин намояндalarидан ҳожа Убайдулла Ахрор (1404-1490)нинг шахсий котиби бўлиб ишлаган.

Ас-Сафий илоҳиёт, ҳадис, тағсир ва адабиёт фанларини чуқур билган машҳур олим. У ўрта аср илмининг айрим соҳаларига багишланган ўнга яқин асар ёзив қолдирган. «Тұхфат ал-хоний» («Хоннинг тұхфаси»), «Хирз ал-омон мин фатан аз-замон» («Замоннинг зийраклиги билан жодупи қайтарадиган түмөр») «Усули нақшбандия», «Ранаҳоту айн ул-ҳаёт» («Ҳаёт булогидан қатралар») ва латифа ҳамда бадиҳаларини ўз ичига олган «Латоиф ат-тавоиф» («Турли тоифадаги кишиларнинг латифалари») шулар жумласидандир.

Олим таржимонлик билан ҳам машгул бўлган. Шайх Шаҳобиддин Суҳравардий (1234 йили вафот этган)нинг «Ююн ал-ҳақоқиқ ва изоҳ ат-тарсиқ» («Ҳақиқатлар булоги ва тариқатлар изоҳи») китобини арабчадан форс тилига таржима қилган. Буидан ташқари, тамом шарқка машҳур бўлган «Қалила ва Димна» достонини қайта ишлаган. Бу асар «Анвари Суҳайлий» («Суҳайль юлдузининг нурлари») номи билан машҳур.

«Латоиф ат-тавоиф»дан биз келтирган парчалар асарнинг Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси шарқшунослик институтида сақланадиган нусхаларидан (инв. № 4530, 4502, 342) олинган.

МАЖДИЙ

Тўлиқ исми: Маждиддин Муҳаммад ал-Ҳасаний. Адабий тахаллуси Маждий. Адабининг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар деярлик йўқ. Эронда ҳуқмронлик қилган шоҳ Аббос I (1587-1629) билан замондош бўлганда маълум.

Бадиий насрнинг ажойиб намуналаридан бўлган «Зийнат ул-мажолис» («Зийнатни ортирувчи мажнислар») асари машҳурdir. Асар ўн фаслдан иборат. Бир қатор тарихий ва жуғрофий китоблар («Тарихий Табарий», «Тарихи Яминий», «Табақоти Носирий», «Нузҳат ал-қулуб», «Равзат ус-сафо», «Ҳабиб ус-сивр» ва бошقا.) асосида ёзилган.

«Зийнат ул-мажолис»нинг нусхалари кўп. Биз Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси шарқшунослик институтида сақланаб турган 4229 рақамли нускасидан фойдаландик.

ҚОЗИ АҲМАД ГАФФОРӢ

Тўлиқ исми: Қози Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Нажмиддин Абдулгаффор ал-Ҷаъфарий ал-Гаффорий ал-Қазвиний. Ҳижрий 920 йилнинг зулҳижжа ойидаги (1515 йилининг январ-февраль ойларида) Текронда туғилган. Шофиъия диний-хуқуқ мазҳабининг (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъий (767-820) асос солтанин) кўзига кўринган намояндalarидан Абдулгаффор ал-Қазвинийнинг (1266 й.

вафот этган) авлоди. Отаси Рай шаҳрининг қозиси бўлиб ишлаган. Қози Аҳмад Гаффорий 1568 йил ҳақдан қайтиб келаётib, Синдинг Дайбул шаҳрида вафот этди.

Қози Аҳмад 1552 йилги шоҳ Тахмосп I (1524-1576)га атаб «Нигористон» деган асар ёзган. «Нигористон» тарихий хикоялар ва латифалар тўплами бўлиб, шарқ мамлакатларида шуҳрат қозонган.

Асарнинг кўлёзма пусхалари СССР ва кўнгигина хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда. Мати (арабча тексти) 1829 ва 1859 йиллари Бомбайда ва 1962 йили Техронда чоп этилган.

Қози Аҳмад Гаффорийнинг «Нусаҳи жаҳоноро» («Жаҳонга оро берувчи китоб», 1665 й. ёзилган) номли тарихий асари ҳам мавжуд. Китобда келтирилган парчалар «Нигористон»нинг Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси шарқшунослик институтида сақланадётган 2531 рақамли нусхасидан олинди.

ЗАЙНИДДИН ВОСИФИЙ

XV асрнинг охири, XVI асрнинг биринчи ярмида ўтган ҳиротлик машҳур ёзувчи, Тўлиқ исми: Зайниддин Маҳмуд иби Абдужалол. 1485 йилда туғилган. Отаси Султон Ҳусайн Бойқаро саройида мунший ёки воқеанавис лавозимида хизмат қиласан. 16 ёнида Алишер Навоий билан таниниш шарафига муссар бўлган; 1500-1502 йиллари сultonинг иуғузли амирзардан Шоҳвали кўкалошининг ўйида муаллимлик қиласан; 1502-1507 йиллар орасида Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Фаридун Ҳусайн мирзонинг девонида китобдор (кутубхоначи) бўлиб хизмат қиласан, сўнг Шоҳруҳ мирзо мадрасасида мударрислик қиласан. 1512 йилининг апрель ойида Мовароуниҳарга келди ва умрининг охиригача Бухоро хони Убайдуллахон (1533-1540), Тошкент ҳокими Келди Муҳаммадхон хизматида бўлди. Восифий 1551 йили Тошкентда вафот этди ва Шайх Хованд Тахур мозорига дафи қилинди.

Зайниддин Восифий «Бадоиъ ул-вақоиъ» («Ажойиб воқеалар») деган катта мемуар асар ёзган. Бу асар Ўрта Осиё ва Хурросоннинг XI асрнинг охирини XVI асрнинг биринчи чорагидаги тарихий ва маданий ҳаётни ўрганишда катта аҳамиятга эга.

«Бадоиъ ул-вақоиъ»нинг кўлёзма нусхалари кўн. Матни 1961 йили ленинградлик ишарқшунос олим А. Н. Болдирев тарафидан чоп этилган. Асадап айrim парчалар Наимжон Норқулов тарафидан 1979 йилда ва бизнинг «Навоий замондошлари хотирасида» деган китобимизда чоп этилган. Мазкур асада келтирилган парчалар шу китобдан олинганд

ПОШШОХОЖА

Ўзбек адабиёти тарихига ўзининг машҳур «Мифтоҳ ул-адл» («Адодат калиди») ва «Гулзор» асарлари билан кирган ва ўрта аср хикоя-чилик жанрининг кўзга кўринган намояндларидан бўлган Пошибоҳожа (Тўла исми: Ибодулла Сайид Поншибоҳожа иби Абдуваҳҳобҳожа; адабий таҳаллуси Ҳожа) 1840 йили туғилган. Бирмуича вақт Балҳда Шайбоний Кистин Қора сulton (1526-1544) хузурида шайхулисломлик мансабида турган. Шу билан бирга бадинӣ ижодиёт билан ҳам машгул бўлган. У эски ўзбек ва форс тилларида шеърлар ёзган ва девон тартиб берган.

Пошибоҳожанинг насрий асари «Мифтоҳ ул-адл» ва «Гулзор» хижрий 945 (1538-39) йиллари ёзилган ва юқорида номи зикр этилган Кистин Қора сultonга бағишланган.

Пошибоҳожа улуг озарбайжон шоири Низомий Ганжавий (1141-1209) нинг «Маҳдани ул-асрор» («Сирлар ҳазинаси») асарига татаббу тарзида «Мақсад ул-атвор» («Юриш-турниш мақсади») деган достон ҳам битган.

«Мифтоҳ ул-адл» ва «Гулзор»дан айrim парчалар 1928, 1941, 1945, 1959 йиллари ўзбек адабиёти хрестоматияларида киритилган. Катта бир парча В. Зоҳидов ва С. Ганиева тарафидан 1962 йили алоҳида китобга тарзида нашр этилди. Мазкур китобга киритилган ҳикояларнинг етти нафари шу нашрдан, қолганилари эса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида 885 ва 7731 раҳамлар билан сақланадётган қўлёзма пусхаларидан олинди.



Ал-Аосиқ — Аббосия халифалардан; 842-847 йиллари давлат тенасида турган.

Ал-Киндий — Багдадда халифа Маъмун ва Мұтасим саройида истиқомат қылиб ижод этган машхур араб олими. Тұлық исемі Абу Юсуф Яъқуб иби Исҳоқ ал-Киндий (IX асрнинг 70-йилларида вафот этган.)

Ал-Ходий — Аббосийлар сулоласига мансуб халифа (785-786).

Аламут — Казвинининг (Эрон Озарбайжонининг маркази) шимолий-гарбий тарафида, Эльбрус тогида жойлашған ўрта аср қалъаси; Исмоилийлар давлати (1090-1256)нинг маркази. 1256 йили Элхон Халокухон (1256-1265) құшыни тарафидан вайрон этилған.

Ала иби Толиб — хулафойи рошидун («Тұгри йүлдан борувчилар») дан тұрттынчиси. 656-661 йилларда ҳукмронлик қылған.

Амир Алишер Навоий — буюк ўзбек шоири; мутафаккир ва иирик давлат арбоби (1441-1501).

Антиохия — Кичик Осиё, Киликия ва Сираниянш шимолий қисміда ташкил топған қадимги Антиохия.

Арафа — аслида зулхижжа ойининг (қ.) тұққизинчи күни. Шу күни Маккага борған зиёратчилар Арафот тогига (Макка ёндегі тог) қиынбамоз ўқыйдилар.

Аркон давлат — давлат устуналари. Подшо ва хошиннег энг яқин кишиләри; амирлар ва вазиirlар.

Ас-саффоғ — Аббосийлар сулоласи асосчиси (749-754).

Асқар қанди — Ҳузистон (Жанубий Эрон)да етиштирилған қанди.

Афтижун — истак ўтнинг бир тури; сафро касалини даволайдиган дөри тайёрлашда ишлатылған.

Ашрафи — Эронда Чўпонийлар сулоласидан Малик Ашраф (1344-1356) тарафидан зарб этилған олтин нул. Оғирлиги бир мисқелден (қ.) ортиқ бўлған.

Бадавий — сахройи, кўчманчи; кўчманчи араб.

Бондар — порт; кема тұхтайдиган жой.

ИЗОХЛАР

Аббосия халифалари — Арабистон, Миер, Ирек, Сурия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистоннинг катта қисми ва Үрта Осиё устидан VIII-XIII асрларда ҳукмронлик қылған сулола (750-1258).

Абдулла иби Жаъфар — халифа Алиниң лашкарбошилардан (699 йилда ўлдирилған).

Абдулла Тоҳир — Тоҳирийлар сулоласи (821-873)дан чиққан ҳукмдор. 828-845 йилларда Ҳуросонни идора қылған.

Абдудатиф мирзо — Темурий; Мирзо Үлугбекнинг ўғли; надаркуш. Отасидан кейин олти ой ўтиб (1450 й. 9 май) ўзи ҳам ўлдирилған.

Абдулмалик иби Марвон — Үмавия хонадонига мансуб халифа (685-705).

Абдуррағмон иби Самура — халифа Усмон (644-656) замонида ўтған саркарда.

Абу Райхон Беруний — Үрта Осиёлик буюк энциклопедист олим (973-1048)

Ладаб — маъқул хатти-ҳаракат; яхши хулқ.

Азуддавла — Бұваихийлар сулоласи (932-1062)га мансуб ҳукмдор. 949-983 йиллари Эрон билан Ироқни идора қылған.

Аил — яйловда бир оила ёки уругнинг бирга жойлашған ери.

Ақобир — энг улуглар, энг катталар.

Ал-Ахсо — Арабистоннинг шарқий тарафыда жойлашған шаҳар.

Барот — подшо ёки хон тарафидан элчилар, чопарлар ва бошқа ходимлару хизматчиларга бериладиган оқлиқ (имтиёз) қозози.

Басра — Шом (Сурия) шаҳарларидан бири.

Баҳром Гӯр — Сосонийлар сулоласига мансуб Эрон подшоси (421-439). Вараҳран V номи билан ҳам машҳур.

Баҳром Чўбин — Сосонийлар сулоласига мансуб бўлган Хусрав I (531-579) ва Хурмузд IV (579-590)нинг саркардаси.

«*Бу жоду бир тарафига хитойча, иккинчи тарафига ажамча хат битилган бир парча қоғоз*» — Хубилай қоон замонида (1260-1294) Хитойда чиқарилган қоғоз пул (чов деб аталган)дан киноя. Бу пул мўғул империясига тобе бўлган мамлакатлардан Эронда ҳам муомалада бўлган.

Бузуржмечр — Сосонийлардан Хусрави Парвезнинг (қ.) вазири.

Вақф — масжид, мадраса, мозор, хонақолар ва уларни тасарруф қилиувчиларнинг маниши (тириклиги) учун давлат ва хусусий кишилар тарафидан ажратилган ер-сув, дўкон, карвонсарой, тегирмон ва бошқа мол мулк.

Воъзи — ватъз айтувчи, насиҳат қилиувчи, тарғиб қилиувчи.

Гиршосп /Рутосп/ — қадимги Эрон Кайёнийлар сулоласига мансуб ҳукмдорлардан.

Густоҳона — ибосизлик билан, адабсизлик, андишасизлик билан.

Даъмат — Еброт дарёси.

Дайлагам — Йасний деғизининг жанубидаги Эронга тегишли вилоят.

Дарвиш — фақир, камбагал; сўфий.

Дафтархона — Ўрта Осиё ва Эронда ўрта асрлардан молия девонига қарашли идора.

Дибо — гул солинган нафис ипак газлами.

Динор — 4,235 г. вазндан олтин пул.

Дирҷам — 3,36 г. вазндан кумуш танга.

Душоба — узум шинниси.

Доро — қадимги Эронда ўтган Аҳмонийлар сулоласига мансуб ҳукмдор (милод. ав. 522-486 й.)

Ҳәмби — Хитойда пул ўринда муомалада бўлган қўйма кумуш; оғирлиги таҳмишан 18 кг.

Ерлиг — фармон, подшо ва хоннинг маҳсус фармони.

Жавшан — совут, зирҳ, уруш кийими.

Жаъфар ибн Яҳъъя Холид — Бармакийлар хонадонига мансуб аслзода. Аббосий Ҳорун ар-Рашиднинг (786-809) вазири.

Жаҳолат — жоҳиллик, подонлик.

Жибал — Эроннинг Ироқ билан чегарадош ўлкаси.

Жомашўй — кир ювуви.

«*Жомиъ үл-ҳикоят*» — XIII асрда ўтган бухоролик машҳур шоир ва адабиётшунос олим Саъдуддин Муҳаммаднинг шу номли асарига (1228 йилда ёзилган) ишора.

Жубба — пишиқ қилиб тикилган, узун ва енглик чопон. Бу ерда ичдан кийиладиган ўқ ўтмас камзул.

Жувонмард — мард, сахий, очиқ қўлли, эр йигит.

Журжония — Хоразмнинг XI-XIII аср бошларидағи пойтахти. Гурганж деб ҳам аталган. Ҳаробалари Туркманистон ССР ўрампда.

Закотчи — солиқ йигувчи.

Заминдовар — Афғонистоннинг жанубий-гарбий тарафида жойлашган шаҳар ва текислик.

Зарбофт тўн — зардан тўқилган матодан тикилган тўн.

Зариф — нозик таъб, ақли ўткир, фаросатли, ҳозиржавоб одам.

Зарофат — нозик фаҳмлик; қочирим сўз, ҳазалнамо сўз.

Зулхижжа — «ҳаж» (зиёрат) сўзидан олинган. Мусулмон ойларининг (хижрий йили) ўн иккинчиси.

Зиндиқ — бидъатчи; дунёда яхшилик ва ёвузлик ёнма-ён туради, деб тарғиб қилувчи.

Зун — қадим замонда афғонистонликлар эътиқоди бўйича қўёш худоси.

Илоҳиёт — диний ақидалар ҳамда илоҳий кўрсатмалар билан шугулланувчи фан.

И мом Абу Юсуф — араб тарихчиси, «Китоб ул-хирож» номли қимматли асар ёзигб қолдирган.

Искандар Зулкарнайн — Македониялик юрик саркарда ва давлат арбоби (милод. аввалги 356-323 йиллар).

Итоб — қаҳр, газаб, қийноқ.

Карам — яхшилик, олижаноблик, хайр-эҳсон, марҳамат.

Кароматийлар — И smoилийлар мазҳабидаги диний оқимлардан бирига тобе бўлганлар.

Карруҳ — Ҳирот булуклари (районлари) жумласидан, унинг шарқий-шимолий тарафида жойлашган.

Катон — канопдан тўқилган мато.

Кориз — ер остидан ўтказилган ариқ.

Кутвол — ўтра асрлардаги қалъа бошлиғи.

Кўринишхона — подшо, хон қабулхонаси.

Кўйистон — тоглик мамлакат, ўлка, вилоят.

Мавлоно Али Кўушчи — Мирзо Улугбекнинг шогирди ва яқин дўсти, Самарқанд илми фалак дорулғунунининг юрик шамоёндаларидан; буюк риёзийётчи олим (1403-1474).

Мадоин — шаҳарлар, Ироқи Арабда, Ефрат дарёси бўйида жойлашган бир шаҳар номи.

Мазид — ҳаббони, қўшиб-чатиб ганирувчи.

Маломат — малоллик, ҳоргинлик, сиқилишлик.

Манн — тахминан 25,6 кг ҳажмдаги оғирлик ўлчови.

Маориф — маърифатнинг кўплиги, билиш, таниш, билим.

Марв — Ўрта Осиёнинг қадимий юрик шаҳарларидан, ўлканинг сиёсий ва маданий марказларидан. Харобалари Туркманистон ССРнинг Мари шаҳри атрофида.

Мардуд — рад этилган, помақбул, қувилган.

Марзбон — Сосонийлар (224-651) замонида чегара ўлка ҳокими.

Марвон Ҳимор — Умавия сулоласидан сўнгти халифа (744-750).

Масжиди жомиъ — мусулмонлар албатта ҳафтада бир кўкумъя куни) тўйланадиган масжид.

Матгууб — орзу қилинган нарса.

Магриб — гарбий-жапубий Африка яъни Тунис, Жазоир ва Мароқининг ўрта асрлардаги умумий номи.

Маҳдий — Аббосийлар сулоласидан чиққан халифа (775-785).

Маҳрами асрор — сирдош.

Маъмун — Ҳорун ар-рашиднинг (к.) эронлик канизагидан бўлган ўгли. У отасидан кейин таҳтга ўлтирган ва 813-833 йиллари ҳукмронлик қилган, илм-фанга ҳомийлиги билан шуҳрат топган.

Меҳржон — кузда тун билан кундуз тенглашган вақт, куз фаслиниң ўртаси, ҳосил байрами.

Мирзо Улугбек — буюк астроном ва тарихчи олим; давлат арбоби (1394-1449).

Мирзо Шотруҳ — Темурий; 1405-1447 йиллари Эрон ва Эрон Озарбайжонини идора қилган. Мовароуннаҳр ҳамрасмий тарзда қарам бўлган.

Мисқол — оғирлиги 4,8 граммга тўғри келган оғирлик ўлчови.

Мовароунафр — Амударёнинг шимолий тарафидаги ўлкалар. Бу ерларни араблар шу том билан атаганилар.

«Мол-мулкнинг бешдан бирига давогарман», деб юрган аёллар шариат бўйича эр ўлгандан кейин ундан қолган мол-мулкнинг бешдан бир қисми бевосита унга тегишили бўлган. Бу ерда шунга ишора.

Муавия — шу номли сулола асосчиси Муавия I ибн Абу Суфён (661-680).

Мубориз — курашувчи, полвон.

Мударрис — дарс берувчи, мадраса муаллими

Мудбир — иши юришмаган, баҳтсиз.

Музозим — подно, хон ва феодалларнинг доимо ёнида юрувчи хизматкори.

Мунажжим — ўрта асларда юлдузлар илми билан шугулланувчи олим, астроном.

Муниший — котиб, шахсий котиб.

Мурдор -- нопок, ҳаром.

Мурувват — мардлик, одамгарчиллик, сахийлик.

Муставфий — поднолик ёки хонликда молия ишларини бошқарувчи олий мансабдор.

Мутаваккил — Аббосийлар сулоласига мансуб халифа (847-861).

Мутриб — мусиқашуниос, созандা.

Мұхтасиб — мусулмонлар тарафидан ислом ва шариат қонуни-қоидаларининг бажарилишини назорат қилиб турувчи мансабдор.

Мушриф — сарой харажатларини назорат қилиб турувчи мансабдор.

Мүқбіл — баҳтли, иқболли.

Мұздадис — ҳадисни тушинтириб берувчи, ҳадис олими.

Мұхаммад Ҳасан Маймандий — Султон Махмуд Газнавийнинг (к.) вазири.

Мұхтасиб — мусулмонлар томонидан шариат тартиб-қоидаларининг (бозордаги тош-тарозу ва нарх-наво ва х.к.) қандай бажарилаетганини назорат қилувчи мансабдор.

Мұттан Зонд ибн Абдулла Шайбоний — Яман подшоси (VIII аср).

Мұтасим — Аббосия халифаларидан (833-842).

Навкар — ҳодим, хизматчи, йигит.

Наврұз — қуёш йили ҳисобида янги йил кирған кун (21-22 март). Баҳор ва ҳосил байрами. Шарқ халқдари орасида қадимдан (исломиятдан ҳам аввал) маълум.

Надим — яқин, маҳрам, ҳамсуҳбат.

Нағе — кишининг турли орзу-ҳавас майшатга бўлган табиий майли истак.

Нағсоният -- ўз шахсига берилиш.

Низомулмұлқ — Салжукий султонлар Маликшоҳ ва Санжарларнинг вазири; йирик тарихшуюс олим ва давлат арбоби (1018-1092).

Нұғен — туман (10.000 аскар) бошлиги, турк-мўгул халқларида хонзода.

Олон — Кавказдаги бор қазм ва мамлакат.

Омил — вазирга тобе бўлган ва олиқ-солиқ ишлари билан маштул бўлган мансабдор.

Работбон -- саройбон, йўловчилар қўниб ўтадиган жой эгаси.

Раис -- ўрта асрларда раият ва ҳатто мансабдорларнинг шариат тартиб-қоидаларини бажарилари устидан назорат қилиб турган мансабдор (яна к. мұхтасиб).

Раият — солиқ тўловчи аҳоли; қора ҳали.

Рашиддин Вотеват — юрик адабиётшунос олим ва шоир /1088-1182/. Асл исми Мұхаммәд ибн Абдужанәя ал-Балхий.

Роҳдор — йўловчилардан бож олувчи.

Рукнуддавла — Бувайхийлар сулоласидан чиққан ҳукмдор, 947-977 йиллари Жибалда подшо бўлган. Тўлиқ исми — Рукнуддавла Ҳасан.

Рум — қадимги Византия.

Руммоний — лаълининг олий нави; анор ранг, донадоп, қип-қизил лаъл.

Самара — мева; фойда, натижা.

Сарахс — Амударёning сўл қирғогида жойлашган, Хурсонга қарашли вилоят.

Саруҳ — қаср. Ҳомоннинг (к.) Фиръавига (к.) атаб қурдирган қасри

Саркор — ишбоши, назоратчи, бирор ишнинг (қурилиш, экип-тиқин ва ҳ.к) тепасида турувчи, подшо, ҳен ва феодалларнинг хўжалигини бошқарган мансабдор.

Саромад — олдинги, илгор.

Сассиқ кўзан — сувсарсимонлар оиласига мансуб мўйна берувчи ҳайвон.

Сеистон — Эрон билан Афғонистон орасида жойлашган тарихий вилоят. Бир қисми Эронга, иккинчи қисми Афғонистонга қарашли бўлган. Қадимда Дрангиана аталган.

Силсила — занжир, тизма, тартиб.

Сипоҳсолор — олий бош қўмандон.

Совут — ўқ ўтмайдиган ҳарбий камзул.

Солиқякши, яхши ишлар қилувчи.

Соҳиб иҳтиёр — вазир.

Сураймонхон — Қорахонийлар сулоласига мансуб ҳукмдор. Бухоро, Самарқанд ва Фарғонанинг ғарбий қисми устидан ҳукмронлик қилиғай.

Султон Абу Саъид — Темурий; 1451-1469 йиллар Мовароуннахр ва Эронни ҳамда Афғонистоннинг катта қисмини идора қилган.

Султон Али Арслон — Салжуқийлар сулоласидан чиққан ҳукмдор, 1063-1072 йиллари Ироқ билан Эронни идора қилган.

Султон Маликшоҳ — Салжуқийлар хонадонига мансуб ҳукмдор, 1072-1092 йиллари Эрон билан Ироқни идора қилган.

Султон Масъуд — Газнавийлар сулоласига мансуб ҳукмдор, 1031-1041 йиллари Афғонистон, Эрон, Ҳоразм ва Шимолий Ҳиндистон устидан ҳукмдорлик қилган.

Султон Маҳмуд — Газнавийлар сулоласига мансуб ҳукмдор (998-1030).

Султон Санжар — Салжуқийлар сулоласига мансуб ҳукмдор (1118-1157).

Суматра — Индонезияга қарашли орол.

Суфра — дастурхон.

Тааммул — чуқур ўйлан, диққат билан мулоҳаза юритиш.

Табъ — табиат, ҳарактер, талант.

Тавозе — адаблилик, бошқадан ўзини наст тутиш.

Тағаррӯ — ялиниш, ёлвориши.

Такаббур — гердайгай; маниманликка берилган одам.

Тамсил — ўхшатиш, мажозий ҳикоя, масал.

Тамгачи — ҳажга борувчилар, сайдёхлар ва савдоғарлардан тамга олувчи.

Таназзул — тубаплашиш.

Танбеҳ — насиҳат, ҳайғсан.

Танга — 4,8 г вазидаги оқча.

Тансиқ — асязода ва олий мартабали зотларга тортиқ қилинадиган мато.

Татаббу — назира, ўхшатма.

Татлар — Озарбайжон ва Догистоннинг жанубий районларида истикомат қилиб келаётган халқ. Эрон тилининг лаҳжаларидан бирида сўзлашади. Аҳолисининг умумий сони 1870 йилда олинган хисобга кўра 14,2 минг киши.

Тавсиф — шарҳ, изоҳ; бирор текст ёки китобнинг маъносини шарҳлаш. Қуръон оятларини изоҳлаш.

Таштхона — Ўрта асрларда подиолар саройида идиш-товоқ ва бошқа меҳмондорчиллик анжомлари сақланадиган хона.

Таъма — очкўзлик, гаразлик.

Таъмирлаш — иморатнинг бузуқ жойларини тузатиш, қайта тиклаш.

Тасаввуф — сўфийлик, сўфизм.

Таҳамтап — баҳодир, паҳлавон, «Шоҳнома» қаҳрамонларидан Русстанинг лақаби.

Тибб — табиблик илми, медицина.

Турунж — апельсиннинг аччиқ бир тури.

Улус — эл-юрт, халқ.

Умар ибн Абдулазиз — Умавия сулоласидан чиққан халифа (717-720).

Умар Хайёж — Эронлик ўирик мунажжим, риёзиётчи ва шоир (тахм. 1048-1122).

Унноби — чилонжийданинг бир тури.

Устувор — чидамли, маҳкам, тўғри.

Устурлоб — юлдузу сайёralарнинг ўрни ва баландлигини ўлчайдиган астрономик асбоб.

Фазлу ҳикмат — билимдонлик, донишмандлик.

Фано — бақосизлик, ўйқ бўлиш, ўлиш; тасаввуфда борлиқдан кечиб, илоҳиятга сингиш:

Фараев — Бухордан Марвга борадиган ўйл устида, Амударё бўйида жойлашган қадимий шаҳар. Ҳозирги Фароб.

Фаррош — подшолар, хонлар ва бошқа феодал ҳукмдорларнинг ўй хизматкори; масжид ва мадрасаларни сунириб-сидирувчи.

Фасиҳ — фасоҳат билан чиройли сўзловчи, ёқимли сухбат қилувчи.

Фасодат — сўзнинг равон, ёқимли бўлиши; услубнинг чиройлидиги.

Фаҳиҳ — мусулмон қонунишуноси.

Фирдавсий — буюк Эрон шоир (тахм. 940-1030). Жаҳонга машҳур «Шоҳнома» достонининг муаллифи.

Фисқ — ахлоқсизлик, бузуқлик.

Фиръави — қадимги Миср подшоларининг лақаби. Золим, магрур, тақаббур маъносида ҳам ишлатилади.

Фосиқ — ёмон ишлар қилувчи, ёмон йўлга юрувчи; фисқ ишлар билан шутулланувчи одам.

Фориг — тинч, хотиржам, озод.

Халфа — мударрис ёки косибвинг ёрдамчеси, ўринбосари.

Халифа — иониб (Муҳаммад пайтамбарнинг ўринбосарлари); барча мусулмонлар бошлиги; мусулмон давлатининг бошлиги.

Халифа Матъуми — Аббосийлар сулоласидан бўлган халифа (813-833). Илм-маданият ҳомийси бўлган.

Хандақ — қалъя теварагига қазилган ва сув тўлнатилган зовур; маҳсус мудофаа ишлоти.

Хирож — даромад солиги.

Хожа Абдулло Ансорий — (1006-1089) — хурросон (Ҳирот)лик ўирик мутасаввиф олим.

Хомон — фиръавининг вазири. Золим, тақаббур, вазирларга берилган лақаб.

Хон — бу ерда хонтахта.

Хони хос — подшо ва хон олдига солинадиган алоҳида дастурхон.

Хур — қўбиз, рубобга ўхшаш чолгу асбоби.

Хусрави Парвез — Сосонийлар сулоласига мансуб Эрон подшоси Хусрав I (531-579). Классик адабиётда Нуширвони одил номи билан машҳур бўлган.

Чогир — май, шароб, ичклик.

Чуҳра — подшо, хон ва амирларнинг хос қўриқчиси.

Шайх Баҳлул — Алишер Навоийнинг яқинларидан. Зеҳни ўткирлиги ва ҳозиржавоблиги билан машҳур бўлган.

Шайх Озарий — Мирзо Улугбекнинг сұхбатдоши, биринчи муалими; йирик олим ва шоир (1382-1462). Ҳақиқий исми Ҳамза ибн Али Байҳақий.

Шайхуслислом — мусулмонлар жамоасининг бошлиги.

Шамс ул-Маъоний — 927-1090 йиллари Табаристон ва Журжонни идора қиласиган зиёрийлар сулоласининг кўзга кўринган вакили. Қобус ибн Вушмагирнинг (978-1012) фахрий унвони.

Шафиъ — ҳимоячи, воситачи.

Шом — Сурия.

Эътижод — ишонч, ишониш.

Яздижард — Сосонийлар сулоласидан чиқсан сўнгги ҳукмдор Яздижард III (632-654).

Ясовул — қўриқчи, подшо ва хонларнинг кичик хизматкори.

Ясовулбоши — підшо ва хон амрфармонларининг бажарилишини назорат қилиб турувчи маңсабдори.

Яъъе Бармакий — Ҳорун ар-Рашид (қ.)нинг вазири.

Үғут — насиҳат.

Қабоғат — қабиҳлик, ёмонлик.

Қағат — очарчилик.

Қози қалон — қозилар бошлиги, мамлакат қозиси.

Қорун — қадимда катта бойликга эга бўлган одамнинг исми. Классик адабиётда катта бойликдан киноя.

Қўрға — чек, чек ташлати.

Қутайба ибн Муслим — Умавия халифаларининг Ҳурсон ва Сенстондаги нойиби (705-715). 715 йили ҳозирги Андикон вилоятининг Жалолқудук райони марказига яқин ерда ўлдирилган.

Қўриқхона — подшо ва хонлар ов қиласиган ҳамда дам оладиган ер. Унга бошқаларнинг кириши ман қилинган.

Ғаввос — денгиз ва дарё қаърига шўнгувчи одам.

Ғазна — Қобулнинг жанубида жойлашган йирик ўрта аср шаҳри. XI асрда Газнавийлар давлати (977-1186)нинг пойтахи бўлган.

Ҳадис — сўз, Муҳаммад пайгамбарнинг айтганлари.

Ҳаё — уят, хижолат чекиши, ор-номус, адаб.

Ҳажжож — Умавия халифалари даврида Ҳижоз ва Ироқ ҳокими (661-714). Ута золим ва шафқатсизлиги билан ном қолдирган.

Ҳаким — табиб, донишманд, аллома.

Ҳамадон — Эроннинг гарбий қисмida жойлашган қадимий йирик шаҳар. Экбатан деб ҳам аталган.

Ҳарам — подшо, хонларнинг хос жойи, ичкари ҳовли, бошқалар учун кириш ман этилган жой.

Ҳасан Саббоғ — Исмоилийлар мазхаби ва давлатининг асосчиси (1090-1124). Бу давлат қарийиб 150 йил (1090-1256) давом этиб, Ўрта Осиё, Эрон, Ироқ ва Шом ҳукмдорларига, шунингдек, европалик салбичиларга дақшат соглан.

Ҳақонқ — ҳақиқатлар.

Ҳарир — тоза мато; ипак газламанинг олий нави.

Ҳилм — юмшоқ табиатлилик, сабр-тоқат; сабрлилик.

Ҳирс — тамаъ, очкўзлик.

Ҳишом иби Абдулмалик — Үмавия сулоласидан чиққан халифа (724-743).

Ҳожиб — дарвозабон; сарой хизматчиси.

Ҳожиби даргоҳ — подио истиқомат қилаған жойларга мутасадди бўлган хизматкор; сарой нозири. Қабул маросимиларини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган шарларга ҳам у мутасадди бўлган.

Ҳотам Тойи — саҳийлигу қўли очиқлик билан шуҳрат тоиган, арабларнинг тойи қабиласига мансуб бўлган одам.

Ҳорунт ар-Рашид — Аббосия сулоласига мансуб халифа (786-809).

МУНДАРИЖА

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ. ЖАВОҲИРНОМА.

Русчадан *Бўривой Аҳмедов таржимаси*

Ҳикоятлар

Ўз қадрини билган чўри	3
Султон ва тиланчи	4
Еқут кўзли узук	4
Еқут кўзли бут	5
Инсофисиз амир	5
Қутайбанинг хотамлиги	6
Қуруқ вазда	6
Қушчанинг уч ианд-насиҳати	7
Сув остидаги ём билар	8

НИЗОМУЛМУЛК. СИЕСАТНОМА.

Русчадан *Бўривой Аҳмедов таржимаси*

Ҳикоятлар

Елгончи вазирлар ва кар подио	10
Қаллобликнинг оқибати	11
Соҳиб ихтиёриининг кераги йўқ	13
Мутрибининг ҳиммати	13
Бевақт арз-дод билан келган ким бўлди?	14
Инкиrozининг икки сабаби	15
Умиддинг таги олтин	15
Оларда орамизкон, берарда чиқар жон	16
Бўхтоннинг таги зиз	18
Кўча-кўйда маст-аласт юриш оқибати	19
Юртни терголмагач	20
Икки қилич бир қинга сигмас	21
Гўшит ҳидланса — давоси туз, туз бузилса-чи?	21
Омонатга хиёнат	26
Яҳшилик бир жабрдийдага ҳиммат кўрсатишдир	29

НИЗОМИ АРУЗИ САМАРҚАНДИЙ. «ТЎРТ (ЧОР) МАҚОЛА».

Русчадан *Бўривой Аҳмедов таржимаси*

Султон Маҳмуд ва Беруний	31
Ал-Киндий ва Шайхулислом	32